

84(2)PC POK  
764

ОН БЕСТСЭЛЛЕРЛАРИ



# ЛЕВ ТОЛСТОЙ

ЭНГ САРА АСАРЛАРИ

1 ИҚРОРНОМА

2 ҲОЖИ МУРОД

3 КАВКАЗ АСИРИ

4 ОИЛАВИЙ БАХТ

# ЛЕВ ТОЛСТОЙ

ЭНГ САРА АСАРЛАРИ

---

ИҚРОРНОМА

---

ҲОЖИ МУРОД

---

КАВКАЗ АСИРИ

---

ОИЛАВИЙ БАХТ

«BOOK MEDIA NASHR»  
Тошкент — 2019


УЎК 821.161.1-3  
КБК 84(2Рос Рус)  
Т 64

Масъул мухаррирлар:  
**Шариф Холмурод**  
**Файрат Эрназаров**

**Толстой, Лев**

Энг сара асарлари / Л.Толстой. - Тошкент: «Book Media Nashr»  
нашриёти. — Тошкент. 2019. — 384 б.

УЎК 821.161.1-3  
КБК 84(2Рос Рус)



ISBN 978-9943-5546-1-0

© Л.Толстой  
© «Book Media Nashr»  
нашриёти, 2019

## ИҚРОРНОМА

(Босмадан чиқарилмаган асарга муқаддима)

## I

Мени православ христиан динига чўқинтирилиб, шу дин руҳида тарбия қилишган. Болалигимдан бошлаб, ўсмирлик давримда ҳам, ёшлик йилларимда ҳам менга шу динни ўргатишди. Бироқ ўн саккиз ёшимда университетнинг иккинчи курсини тамомлаганимда, менга нимаики ўргатишган бўлсалар, уларга ишонмай-қўйдим.

Баъзи хотираларимга кўра, менга катталар ўргатишган ва улар олдимда иқрор бўлган нарсаларга жиддий эътиқодим бўлмаган, шунчаки кучсиз ишонқираш бўлган.

Бир воқеани яхши эслайман. Ўн бир ёш бўлганимда ҳозирда марҳум бўлган Володенька М. исмли гимназия ўқувчиси бўлган бир бола уйимизга якшанба кuni келиб, энг сўнгги янгилик сифатида гимназияда кашф этилган бир гапни айтди. Бу янги кашфиёт шундан иборат эдики, Худо мавжуд эмас экан ва у билан боғлиқ бизга ўргатилган ҳамма нарса фирт уйдирма экан (1838 йилда бўлган воқеа). Акаларим бу янгиликка қизиқиб қолишгани ва менинг фикримни ҳам билиш учун чақирганларини эслайман. Яна шу ёдимдаки, биз ҳаммамиз жонланиб кетдик ва буни ҳақиқат бўлиши мумкин деб қабул қилдик.

Яна шуни эслайманки, акам Дмитрий университет талабаси бўлганида табиатига хос жўшқинлик билан динга берилди ва барча ибодатларни бажо келтириб, рўза-



ларни тутди, ҳамда ахлоқан тўғри ва покиза ҳаёт тарзига амал қила бошлади. Шунда биз, ҳатто катталар ҳам унинг устидан кулиб, Нуҳ деб чақира бошладик.

Эсимда, Қозон университетининг собиқ ноziри Мусин-Пушкин бизни рақсга тушгани чақирганда, унинг таклифини рад этган акамни калака қилганча, Довуд ҳам кема олдида рақсга тушганини айтиб, кўндиришга ҳаракат қилганди. Мен ҳам бундай ҳазилларга қўшилардим ва улардан қуйидагича хулоса қилардим, ақидаларни ўқиш керак, черковга бориш лозим, бироқ уларни ҳаддан ташқари жиддий қабул қилмаслик лозим. Яна жуда ёшлик пайтларимда Вольтерни ўқиганимни эслайман. Унинг эстеҳзолари нафақат қаршилигимни чақирмасди, балки ҳатто кулдирарди ҳам.

Динга эътиқоддан қолишим биз каби маълумотли инсонлар ўртасида бўлганидай ва бундан кейин ҳам бўладиган тарзда рўй берди. Менимча, бу кўпинча қуйидаги тарзда содир бўлади: одамлар уларгача қандай яшашган бўлса шу тарзда яшайди ва бу ҳаёт тарзининг нафақат дин билан боғлиқ томони йўқ, балки аксарият ҳолатларда унга зид ҳамдир. Диний эътиқод инсон турмушида иштирок этмайди, одамлар ўзаро мулоқотда, ўз ҳаётларида ҳам динга рўпаро келмайдилар. Динга эътиқод ҳаётдан йироқ жойда, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда қилинади. Агар унга дуч келсанг ҳам, ҳаётдан ташқари ҳолат сифатида қабул қиламиз.

Инсон ҳаёт тарзи, ишига қараб, худди олдин бўлгани каби ҳозир ҳам, унинг эътиқодли ёки эътиқодсиз инсонлигини аниқлаб бўлмайди. Агар православ динига ишонувчи билан уни инкор қилувчилар ўртасида фарқ бўлган тақдирда ҳам у эътиқод қилувчилар фойдасига эмас. Худди олдин бўлганидай ҳозир ҳам православ динига тўлиқ эътиқод ва ибодат қилувчилар кўпи

жоҳил, бешавқат ва ахлоқсиздир, ҳамда улар ўзларини жуда муҳим инсон деб ҳисоблайдилар. Ва аксинча, закийлик, адолатпарварлик, бағрикенглик ва ахлоқийлик каби фазилатлар асосан ўзларини эътиқод қилмайдиганлар деб эълон қилганларда учрайди.

Мақтабларда диний ақидалар ўқитилади ва ўқувчилар черковга юборилади; мансаб эгаларидан ибодатда бўлганликлари ҳақида далил келтиришлари сўралади. Лекин бизнинг доирамиздаги одамлар, яъни ҳеч ерда ўқимайдиган ёки давлат хизматида ишламайдиганлар, ўн йиллар давомида ҳаёт кечириб, христиан православ динига эътиқод қилувчилар орасида яшаётган ва ўзи ҳам унга ишонувчилардан ҳисобланишини эсга олмайдилар ҳам.

Худди олдиндагидай ҳозир ҳам, ишониб қабул қилинган ва ташқи босим билан ушлаб турилган диний эътиқод олган билимларимиз ва ҳаётий тажрибаларимиз таъсирида эриб бормоқда ва инсон унга болалигида ва аллақачон йўқ бўлган диний билимлар билан яшаётганлигига амин бўлади.

Менга С. исмли ҳақгўй ва ақлли инсон қандай қилиб динга ишонмай қўйганини сўйлаб беришди.

У йигирма олти ёшида овга чиққанида, болалигидан тарк этмаган одатига кўра, кечқурун ибодат қилишга тушибди. У билан бирга чиққан акаси сомон устида ётганча уни кузатибди. С. ибодатини тугатиб, ётишга чоғланганда, акаси “Сен ҳали ҳам бу ишни қиялсанми?” дебди. Бундан кейин улар бир-бирига бошқа ҳеч нима дейишмабди. Ўша кундан бошлаб С. ибодат қилиш ва черковга боришни йиғиштириб қўйибди. Мана ўттиз йилдирки, у на ибодат қилади, на черковга боради. Бунинг сабаби акасининг фикрини инобатга олиб, ўзида қандайдир хулоса қилганлигида эмас. Балки аканинг бир оғиз гапи шусиз ҳам ўз оғирлиги билан қу-

лашга тайёр бўлган деворни бармоқ билан итариб юборгандай бўлди. Бу шуни англатар эдики, унинг миясининг қаеридадир бу ўқиладиган ақидалар, чуқиниш ва таъзим келтиришлар — ҳаммаси маъносиз эканлиги, эътиқод қуруқ гапдан бошқа нарса эмаслиги ҳақида ишончи бўлган. Уларнинг мақсадсиз ҳаракат эканлигини англаб туриб эътиқод қилишни давом эттира олмаган.

Менимча, аксарият одамлар шундай қилишган ва қилишда давом этмоқдалар. Мен фақат бизнинг тоифамиздаги маълумотли ва ўзи билан самимий бўлган инсонларни назарда тутмоқдаман. Бу гап вақтинчалик дунёвий мақсадларига эришиш учун динни восита қилиб олган одамларга алоқаси йўқ. (Аслида мана шу одамларнинг ўзи ҳақиқий динсиэди, чунки улар учун диний эътиқод мақсадга эришишнинг бир воситаси экан, бу эътиқод эътиқод эмас). Бизнинг доирамиздаги маълумотли инсонлар билим ва ҳаётий тажриба нури сохта биноларни эритиб юборганини ё фаҳмлаб етишди ва унинг ўрнини бўшатишди, ёки буни ҳали англаб етганлари йўқ.

Менга болалигимда маълум қилинган диний эътиқод бошқаларда бўлгани каби рўй берди, биргина фарқи шуки, мен эрта кўп китоб ўқишни ва фикрлашни бошладим ва диний эътиқодни инкор этишим онгли тарзда кичик ёшимда рўй берди. Мен ўн олти ёшимдан бошлаб, ибодат қилишни ва черковга боришни бас қилдим. Болалигимда менга сингдирилган эътиқодга ишонмай қўйдим, бироқ нимагадир ишончим бор эди. Айнан нимага ишонардим, буни айтиб бера олмасдим. Мен Худога ишонардим, унинг мавжудлигини инкор этмасдим, бироқ қандай Худога, буни айта олмасдим. Мен Исо ва унинг таълимотини инкор этмадим, бироқ унинг таълимоти аслида қандайлигини айтиб бера олмасдим.

Ҳозир ўша вақтларни эслаб, шуни яққол кўраманки, мени ҳайвоний инстинклардан ташқари ҳаракатга келтирган бирдан бир ишонч бу комил бўлиш учун интилишдир. Бироқ комиллик асоси нима ва ундан мақсад нима эканлигини ҳам айта олмасдим. Мен ақлимни такомиллаштиришга, ҳаётим рўпара қилган, қўлим етган ҳамма нарсани ўрганишга ҳаракат қилдим; иродамни чиниқтирдим — ўзимга қоидаларни тузиб, уларни бузмасликка уриндим. Ўзимни жисмонан мукамал қилишга ҳаракат қилдим — турли машқлар билан кучим ва эпчиллигимни оширдим, ўзимни турли чекланишлар билан сабр ва матонатли бўлишга ўргатдим. Нимани комиллик намунаси деб билсам, ўшанга интилдим. Албатта, буларнинг бошида маънавий юксалиш туради, бироқ вақт ўтиши билан ўзим учун ёки Худо олдида баркамол бўлиш истагини бошқа одамлар олдида энг яхши бўлиш истаги эгаллади. Шунингдек, тез орада одамлар олдида энг яхши бўлиш истаги бошқалардан ҳам кучлироқ, яъни машҳурроқ, аҳамиятлироқ, бойроқ бўлиш эгаллади.

## II

Бир кун ҳаётимдаги ёшлигимга тегишли таъсирли ва ибратли ўн йилликни ҳикоя қилиб бераман. Ўйланманки, кўпдан кўп одамлар буни ҳис қилишган. Мен бутун қалбим билан яхши бўлишга интилдим; бироқ ёш эдим, эҳтиросга тўла эдим, аммо яхшини излаганимда ёлғиз эдим, мутлақо ёлғиз эдим. Ҳар сафар қалбим буюрган энг эзгу ишларни қилганимда, ахлоқан тўғри бўлганимда, одамларнинг мазах қилишлари ва нафрат билан қарашларига дучор бўлдим. Энг пасткаш ҳисларимга берилганимда эса уларнинг мақтов ва олқишларига сазовор бўлдим.

Иззатпарастлик, ҳокимиятпарастлик, таъмагирлик, шаҳватпарастлик, мутакаббирлик, ғазаб, интиқом — буларнинг ҳаммаси ҳурматга лойиқ фазилат эди. Бу ҳисларга берилганим сари ўзимни каттадай, одамлар менадан мамнундай ўзимни сезардим.

Мен билан бирга яшаган холажонимдан тоза қалб эгаси бўлмаса керак. У доим менга бир тилак билдириб, “эр кўрган аёл билан алоқада бўлишингни истайман, чунки боадаб аёлдай ҳеч ким йигитни тартибга солмайди” дерди. У менга яна бошқа бахт тиларди - менинг адъютант бўлишимни, бўлганда ҳам подшонинг адъютанти бўлишимни истарди; унинг менга тилаган энг катта бахти - менинг жуда ҳам бадавлат қизга уйланишимдир, бу уйланиш оқибатида, менда сон-саноксиз қулар бўлишини хоҳлар эди. Даҳшат билан ва юракдаги кучли оғриқ билан ўша дамларни эслайман.

Мен урушда одамларнинг жонини олдим, ўлдириш учун одамларни дуэлга чақирдим, карта ўйнадим, қўл остимдагиларни қийнадим ва жазога тортганман, фаҳш қилдим, алдадим. Таъмагирлик, турли кўринишдаги зинкорлик, ичкиликбозлик, зўравонлик, қотиллик... Мен қилмаган жиноят қолмади, бироқ тенгдошларим мени мақташган ва ҳозир ҳам мени нисбатан хушахлоқли деб ҳисоблашади. Шу тарзда ўн йил яшадим.

Ўша даврда шуҳратпарастлик, манфаатпарастлик ва такаббурлик ҳисларим таъсирида ёза бошладим. Ҳаётимда нима қилган бўлсам, ёзишда ҳам шунини қилдим. Пул ва шуҳратга эга бўлиш учун эзгуликни яшириб, ёмонликларни ёздим. Мен шундай қилдим. Ҳаётимнинг мазмуни бўлмиш яхшиликка интилишимни ёзган асарларимда яширишга ёки мазах билан тасвирлашга уринганман. Мен бунга муваффақ бўлганман, бунинг учун мени мақташган.

Йигирма олти ёшимда урушдан сўнг Петербургга келдим ва ёзувчилар билан топишдим. Мени ўз сафларига қабул қилишди, мақтовларни ёғдиришди. Кўз очиб юмгунимча, уларнинг ҳаётга кибрли ёзувчилик қарашларини ўзлаштириб олдим ва олдинги эзгуликка интилиш уринишларимни йўқ қилди. Бу қарашлар ахлоқсиз ҳаётимни оқлайдиган назарияга айланди.

Менинг ёзувчи дўстларим ҳаётга бўлган қараши қуйидагича эди: ҳаёт ўз йўлида ривожланиб бормоқда ва бу ривожланишда биз, фикрловчи инсонлар ўрни муҳимдир. Бу фикрловчи одамлар орасида биз рассом ва шоирларнинг айниқса таъсири катта. Бизнинг вазифамиз одамларни тўғри йўлга солишдир. Шу ўринда табиий савол туғилади, ўзим нимани биламан-у ва нимага ўргата оламан? Лекин бу назарияда англашишича, биз бирон нарсани билишимиз шарт эмас, рассом билан шоирлар ўз борлигича ўргатаверадилар. Мен ажойиб рассом ва шоир саналардим, шунинг учун бу назарияни осонлик билан ўзлаштириб олдим. Мен рассом ва шоирман, одамларга сабоқ бердим, бироқ нимани ўзим ҳам билмайман. Менга яхши пул тўлашарди, яхши еб-ичардим, уй-жойим, аёллар, дўстлар давраси, машҳурлик — ҳаммаси бор эди. Демакки, мен ўргатган нарсалар яхши эди.

Мен назм аҳамияти ва ҳаётда унинг ўрнига ишонардим ва бу гоёнинг фидойиларидан эдим. Бу гоё билан яшаш менга ёқарди ва мен узоқ йиллар давомида унинг ҳаққоний эканлигига шубҳа қилмай юрдим. Бироқ бу тарздаги ҳаётимнинг иккинчи, айниқса, учинчи йилида мазкур ишончимнинг ҳақ эканлигига шубҳалана ва уни ўргана бошладим. Менинг шубҳа қилишимга биринчи сабаб шу эдики, мазкур гоё тарафдорларининг ўзи бир-бири билан келиша олмайди. Уларнинг бир то-

ифалари биз энг яхши ва керакли ўқитувчилармиз, биз фойдали нарсаларга ўргатамиз, бошқалар нотўғри ўқитади, дейишадӣ. Бошқалари эса йўқ, биз ҳақиқий ўқитувчилармиз, сизлар эса нотўғри сабоқ берасизлар, дейди. Улар ўзаро тортишар, жанжаллашишар, сўкинишар, бир-бирини алдаб, бўҳтонлар қилишарди. Бундан ташқари, орамизда ким ҳақ ё ноҳақлиги борасида бош қотириб ўтирмайдиганлар ҳам кўп эди, улар шунчаки ушбу фаолият орқали шахсий манфаатларини кўзлаб юрадилар. Буларнинг ҳаммаси бизнинг ишончимиз ҳаққоний эканлигига шубҳа қилишимга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, ёзувчилик ишончига шубҳам туғилганидан сўнг, унинг тарафдорларини кузата бошладим. Шунга амин бўлдимки, уларнинг кўпи ахлоқсиз, тубан, феъли тор одамлар экан. Менинг бебош ва ҳарбий бўлган йилларимда учратган одамларимдан анча пасткаш эдилар. Лекин улар ўзларидан мамнун ва ўзларига ишонган эдилар. Бу қадар мамнун бўлиш-ё мутлақо авлиё бўлганларга ёки авлиёлик нималигини билмаганларга хосдир. Шунда бу одамлардан ва ўзимдан ҳам кўнглим қолди ҳамда шунини тушундимки, бу ишонч ёлғондан бошқа нарса эмас.

Шуниси ажабланарли эдики, бу ишончнинг тўлиқ ёлғон эканлигини тез орада тушундим ва ундан кечдим, бироқ бу одамлар менга берган мансаблар — расомлик, ёзувчилик, ўқитувчилик мансабларидан воз кечганим йўқ. Соддагўллик билан ўзимни рассом, шоир, ўқитувчи билиб, нимага ўқитаётганимни билмай ўқитавердим. Шундай қилдим.

Бу одамларга яқин юриб яна бир нуқсонли ишончни орттириб олдим — мен ақлдан озар даражада ўзим билмаган нарсаларни ўқитишим вазифам эканлигига қон-қонимгача сингиб кетди.

Ҳозир ўша вақтларни, менинг кайфиятимни ва шу кайфиятдаги одамларни (бундайлар ҳозир ҳам минглаб топилади) эсласам, ҳам раҳмим, ҳам кулгим келади, ҳам менда кўрқув уйғонади. Худди шундай ҳисни айнан жиннихонада туйиш мумкин.

Ҳаммамиз бир нарсага ишончимиз комил эди, биз гапиришимиз, яна гапиришимиз, босиб чиқаришимиз керак, иложи бўлса тез-тез ва кўп-кўп, буларнинг ҳаммаси инсон манфаати учун керак. Ва биздайларнинг мингтаси ўзаро тортишиб, жанжаллашиб, бошқаларни ўргатишда давом этиб ёзавердилар, босмадан чиқаравердилар. Биз буни ҳеч нимани билмаслигимиз, энг оддий ҳаётий савол — нима яхши-ю, нима ёмон, деган саволга жавобни топа олмаганимизни сезмаган ҳолда, баъзида мақтов ва қўллаб-қувватлаш умидида, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб мақтаганмиз, яна баъзида эса худди жиннихонада бўлгани каби бир-биримиздан ўтиб, бақирганмиз.

Минглаб ишчилар кеча-ю кундуз ишлаб, миллионлаб сўзларни теришган, босмадан чиқаришган, бутун Россия бўйлаб почта орқали тарқатишган, биз эса ўқитгани ўқитган эдик, ҳеч ҳамма нарсага ўқитишга улгура олмаймиз, ва одамларнинг бизга кам қулоқ солишаётганликлари учун жаҳлимиз ҳам чиқади.

Жуда ғалати, бироқ менга энди тушунарли бўлди. Бизнинг асл ниятимиз кўпроқ мақтов ва пулга эга бўлишдир. Бу мақсадимизга эришиш учун газета ва китобчалар ёзишдан бошқа ҳеч нима қўлимиздан келмайди. Биз буни қилганмиз. Бу фойдасиз фаолиятимизни амалга ошира туриб, ўзимизнинг аҳамиятли эканлигимизга ишониш учун бизнинг ишимизни оқловчи бир гоё керак эди. Шунда биз қуйидагини ўйлаб топдик. Нимаики мавжуд бўлса, у ақлдандир. Мавжуд нарса ри-



вожланади, ривожланиш эса маърифат орқали юз беради. Маърифат эса газета ва китобларнинг қанчалик кенг тарқалгани билан ўлчанади. Бизга пул тўлашади, газета ва китоб ёзганимиз ва керакли инсон бўлганимиз учун бизни ҳурмат қилишади. Агар ҳаммамиз бир фикрда бўлганимизда бу ҳақиқат бўларди. Бироқ биронтаси томонидан айтилган фикрга мутлақо қарши бошқа фикр айтилади. Буларнинг ҳаммаси бизни ўйлантириши керак эди. Бироқ биз буни сезмасликка ҳаракат қиламиз. Бизга пул тўлардилар, партиямизга тегишли одамлар бизни мақташган, ҳар биримиз ўзимизча ҳақмиз.

Ҳозир шу нарса аниқ бўлдики, жиннихонадан фарқи бўлмаган, ўшанда мен бироз шубҳаланганман ва ҳамма жиннилар каби ўзимдан бошқаларни телба деб ҳисоблаганман.

### III

Ана шундай тентакликда ўлангунимга қадар олти йил яшадим. Шу орада хорижга ҳам бориб келдим. Европада яшар эканман, у ерда зиёли қатлам билан яқинлашувим менинг комилликка интилиш борасидаги ишончимни янада мустаҳкамлади. Чунки худди шу ишончни уларнинг ўзида топдим. Бу ишонч замонамиз зиёлиларида қандай бўлса, менда ҳам шу кўринишда намоён бўлди. Бу ишонч “прогресс” сўзи билан ифодаланарди. Ўшанда бу сўз билан қандайдир маъно ифодаланиши туюлган. Мен худди бошқалар каби “Қандай яхшироқ яшамоқ керак?” деган саволга “Прогрессга мувофиқ” деб жавоб қилар эканман. Худди бу ҳолат шамол ва тўлқинлар қайғини олиб кетган қайиқчи “Қаерга қараб сузамиз?” деган саволга ўйламай туриб, “Қаерга олиб кетса, ўша ерга” деб жавоб қилганидай эди.

Ўшанда буни сезмаган эдим. Мен баъзида ақлим билан эмас, туйғуларим билан бизнинг давримизда ҳаётни тушунмаган одамлар ўралиб қолган умумий хурофотдан норози бўлардим. Масалан, Парижда бўлган вақтимда қатл манзарасига гувоҳ бўлиб, мендаги прогрессга ишонч қуруқ гап эканлигини сезиб қолдим. Қатл қилинган одамнинг калласи танасидан жудо бўлиб, иккиси бир-биридан алоҳида қутига гупиллаб тушганини кўриб, ақлим билан эмас, бутун вужудим билан англадимки, мавжуд нарсанинг ақлга мувофиқлиги ва прогресс ҳақидаги ҳеч қандай назария бу ишни асло оқлай олмайди. Агар дунёдаги ҳамма одамлар қандайдир назарияларга амал қилиб, дунё яратилгандан бери шу назарияни муҳим ҳисоблаб келган бўлсалар ҳам, мен биламанки, бу керак эмас, бу ёмон иш. Шунинг учун нима яхшию, нима ёмон эканини одамларнинг гап-сўзи-ю ишларига, ё бўлмаса прогрессга қараб эмас, балки юрагимнинг амрига кўра белгилайман.

Прогресс ғоялари ноҳаётий эканлигини англашимга акамнинг ўлими билан боғлиқ воқеа сабаб бўлди. Ақлли, меҳрибон, жиддий одам ёш бўлиб касалланиб қолди, бир йил давомида азоб чекди ва қийналиб ўлди. Бечора нима учун яшади-ю, нима учун ўлганини билмай қолди. Бу саволларга унинг аста-секин қийналиб ҳаёт билан видолашаётганида ҳеч қандай назария, ҳеч нима жавоб бера олмади, на менга, на ўлим тушагидаги акамга.

Лекин бундай шубҳаланиш ҳолатларим камдан-кам бўларди, аслида мен прогресс ғоясига содиқ қолганча яшашда давом этаверар эдим. “Ҳамма ривожланияпти, мен ҳам ривожланияпман; нима учун мен ҳамма билан ривожланияпман, буни ҳаёт кўрсатади”. Ишончимни мана шундай деб ифодалашим керак эди ўшанда.

Хориждан қайтиб, қишлоқ мактабларининг бирига жойлашдим. Мактабдаги машгулотлар менга жуда манзур бўлди, чунки уларда адабий ўқитувчилик фаолиятида менга аён бўлиб, жонимга тегиб улгурган ёлгон йўқ эди. Бу ерда ҳам мен прогресс гоёсига кўра гайрат қилдим, бироқ энди бу ишончининг ўзига танқидий кўз билан қарай бошлагандим. Шунда мен ўзимга баъзи бир ҳодисаларда тараққиёт нотўғри содир бўлган, эндиликда ибтидоий одамларга, деҳқон болаларига батамом эркин муносабатда бўлиш, уларга ўзлари истаган прогресс йўлини танлаб олишга имкон бериш керак дедим.

Аслида мен битта ҳал этиб бўлмайдиган масала атрофида айланардим, нималигини ўзим билмай ўқитиш масаласи эди. Адабий фаолиятимнинг юқори чўққиларида ўзинг билмай туриб, ўқитиш мумкин эмаслигини тушуниб етдим. Чунки ўзим шунга гувоҳ бўлдимки, ҳамма ҳар хил нарсага, бир-бири билан тортишиб, билмасликларини ўзларидан ҳам яшириб ўқитишмоқда. Қишлоқ болаларига келганда эса бу қийинчиликни четлаб ўтдим ва болаларнинг ўзига нимани ўрганишни истаса ўшани ўрганишларига имкон бердим.

Ҳозир ўзим билмаган нарсамга ўқитишга қанча ўлиб-тирилиб ҳаракат қилганимни эсласам кулгим келади. Чунки мен ич-ичимда шуни яхши билардимки, мен керакли нарсага ўқитяпман, бироқ ўзим керак нарса нима эканлигини билмасдим. Бир йил мактабда дарс бергач, яна хорижга жўнаб кетдим, у ерда ўзи билмай туриб бошқаларни қандай ўқитиш мумкинлигини ўрганиб келмоқчи бўлдим.

Мен бунга хорижда яхши ўрганиб олгандай бўлдим ва Россияга деҳқонлар озод бўлган йили қайтиб келдим. Воситачилик ўрнига эга бўлиб, мактабларда са-

водсиз аҳолини, ўзим чиқара бошлаган журнал орқали ўқимишли одамларни ўқита бошладим. Иш яхши кетаётгандай эди, бироқ ақлан тўлиқ соғлом эмаслигим ва бу узоқ давом этиши керак эмаслигини ҳис қилдим. Балки мен ўшанда ҳам, худди эллик ёшимда каби бошимга чуқур тушкунлик дарди тушган бўларди. Мени бундан фақат бир нарса қутқариб қолди — ҳаётимнинг яна бир томони бор эдики, менга ҳали номаълум ва мени қутқариши мумкин бўлган томон. Бу — оилавий ҳаёт эди.

Бир йил мобайнида мен воситачилик билан шуғуландим, мактабда дарс бердим, журналда ишладим ва ҳаддан ташқари қийналиб кетдим. Мен учун ҳамма нарса чалкашиб кетди — воситачилик борасидаги курашлар менга оғир келди, мактабдаги машғулотларим сустлашди, журналдаги мавқеим ўзимга ёқмай қолди. Буларнинг барига сабаб ҳамон ўша-ўша эди — ўзим билмай туриб таълим бериш ва буни ҳаммадан яшириш истаги эди. Буларнинг ҳаммасидан қаттиқ чарчаб, танамдан кўра руҳим кўп касалланиб қолди, шунда ҳаммасини ташладим-да, бошқирлар олдига даштга йўл олдим — тоза ҳаводан нафас олиш, қимиз ичиш ва табиий ҳаёт кечиришни истадим.

У ердан қайтиб келиб уйландим. Бахтли оилавий ҳаётнинг янги шароитлари мени ҳаётнинг умумий мазмунини излашдан чалғитди. Бу вақтдаги бутун ҳаётим оиламга, хотинимга, болаларимга қаратилди ва диққатимни рўзғор ташвишларига йўналтирдим. Комилликка интилиш ўрнини бундан олдин умуман камолотга, тараққиётга интилиш эгаллаган эди. Энди эса унинг ўрнида оилавий шароитимни яхшилаш иштиёқи пайдо бўлди. Шу аҳволда яна ўн беш йил яшадим. Мен ёзувчиликни ҳеч нарсага арзимайдиган бефойда иш деб би-

лардим, бироқ бу ўн беш йил давомида ёзишдан тўхтамадим. Мен энди ёзувчиликнинг мазасини тушуниб қолгандим, арзимаган меҳнат учун олинадиган мўмайгина қалам ҳақиға, мақтовлар-у олқишларга ўрганиб қолгандим.

Мен ўргатишда давом этиб ёзавердим, мен учун биргина ҳақиқат бор эди, у ҳам бўлса, шундай қилишим керак эдики, мен билан оиламга имкон қадар яхши бўлсин.

Шу тарзда яшадим, бироқ беш йил аввал менда ғалати ҳодисалар содир бўла бошлади. Шундай онлар бўлардики, худди ҳаётим тўхтаб қолгандай, карахт бўлиб қолардим, қандай яшаш, нима қилишни билмай қолгандай эдим, ўзимни йўқотиб, тушқунликка тушардим. Бироқ бу ҳолат ўтиб кетарди ва мен аввалгидай яшаверардим. Кейин бу карахт бўлиб қолиш онлари тез-тез худди шу шаклда такрорлана бошлади. Ҳаётнинг бундай тўхтаб қолиши бир савол билан ифодаларнардиги — нима учун?

Кейин-чи?

Дастлаб бу саволларни мақсадсиз, ноўрин ҳисоблардим.

Менга бу саволларга жавоб топиш қийин эмаслиги, айтиш вақтида бу борада бош қотиришга вақтим йўқлиги, вақтим бўлганида эса жавобини албатта топишим мумкиндай туюларди. Бироқ саволлар тез-тез пайдо бўлиб, қатъийроқ тарзда жавоб талаб қила бошлади. Бу жавобсиз саволлар йиғилиб, катта қора доғни ҳосил қилганди.

Охири ўлим билан туговчи ички касалликка дучор бўлган одам билан содир бўладиган воқеа юз берди. Аввал касалликнинг билинар-билинмас белгилари пайдо бўлади, унга етарлича эътибор қаратилмайди, кей-

ин бу белгилар тез-тез юзага чиқа бошлайди ва битта кучли дардга айланади. Дард зўрайиб боради, бемор кўз очиб юмгунча аҳамият бермаган касаллик унга ўлимни олиб келганини сезмай қолади.

Худди шундай менда ҳам содир бўлди. Мен шуни англадимки, бу дард белгилари тасодиф эмас, улар жиддий муаммодан огоҳ этмоқда. Агар саволлар тинчлик бермаётган бўлса, демак уларга жавоб бериш керак. Уларга жавоб беришга уриниб кўрдим. Саволлар оддий, болаларча жўндай кўринарди. Уларга жавоб беришга киришганимда икки ҳолат намоён бўлди: биринчидан, улар мен ўйлаганча аҳмоқона болаларча савол эмас, балки ҳаётий савол бўлиб, иккинчидан, қанча фикр юритмай уларни еча олмадим. Самарадаги мол-мулким билан шуғулланишдан, ўғилни тарбиялашдан, китоб ёзишдан олдин бу ишни нима учун қилишим кераклигини билишим керак. Токи нима учунлигини билмас эканман, бу ишни қила олмайман. Ўша вақтда хўжалигимни юритиш ҳақида ўйлар эканман, хаёлимга қуйидаги фикр келарди: “Хўп, майли, сенда Самара губерниясида 6000 десятина(ботмон) еринг бўлади, 3000 бош йилқинг бўлади, ундан кейин-чи?..” Мен саросимага тушиб, нима жавоб беришга қийналардим. Ёки болаларни қандай тарбиялашим кераклиги ҳақида ўйлаб, ўзимга шундай деб қолардим: “Нима учун?” Халқ манфаати ҳақида ўйлаб туриб, бирдан ўзимга “Менга нима?” деб қолардим.

Ёки асарларим олиб келиши мумкин бўлган машҳурлик ҳақида ўзимга шундай дердим: “Хўп, майли, сен Гоголь, Пушкин, Шекспир, Мольердан ва дунёдаги барча ёзувчилардан таниқлироқ бўласан — хўш нима бўпти!..” ва мен ҳеч нима, ҳеч нима ҳеч нима жавоб бера олмадим.

**Abdulla Qodiriy nomidagi**

**viloyat AKM**

**INV № 168057 - 2019**

#### IV

Ҳаётим тўхтаб қолди. Мен нафас олардим, ердим, ичардим, ухлардим ва буларни қилмаслигимнинг бошқа иложи йўқ эди; бироқ ҳаётнинг ўзи йўқ эди, чунки амалга ошиши ақл билан тушуниб бўладиган бирон-та истагим йўқ эди. Агар бирор хоҳишим пайдо бўлса, мен шуни билардимки, у амалга ошадими ёки йўқми, бу билан ҳеч нима ўзгармай қолади.

Агар олдимга сеҳргар келиб, тилагимни сўраса, унга нима дейишни билмай қоламан.

Агар маст пайтимда кўнглимда истак эмас, аввалги одат истакларнинг шарпаси кўришиб қолса, ақлим хуш вақтларимда биламанки, буларнинг бари ёлгон, истайдиган нарсанинг ўзи йўқ.

Ҳатто ҳақиқатни билишни ҳам истамасдим, ҳақиқат нимада эканини сезиб турардим. Ҳақиқат шуки, ҳаётнинг ўзи маънисизликдир.

Мен худди яшаб-яшаб, юриб-юриб, бир тубсиз бўшлиққа келиб қолгандай бўлдим, ва шуни кўрдимки, олдинда ўлимдан бошқа нарса йўқ. Тўхташ ҳам мумкин эмас, орқага қайтиб ҳам бўлмайди, олдинда ёлгон ҳаёт ва ёлгон бахтдан ўзга ҳеч нима йўқлигини, фақат азоб-уқубатлар борлигини кўрмаслик учун кўзни юмиб ҳам бўлмайди.

Бу ҳаёт бўғзимга келди, қандайдир номаълум куч мени ундан халос бўлишга ундай бошлади.

Мени ҳаётдан узоқлашишга ундовчи куч умумий хоҳишлардан кучлироқ, тўқисроқ эди. Бу куч худди олдинги ҳаёт учун кураш кучидай эди ва аксига чорларди. Ўзимни ўлдиришни истаганман деб айтолмайман. Мен бор кучим билан ҳаётдан нари итарилардим. Ўз

жонимга суиқасд қилиш фикри худди аввал яшаш ша-роитимни яхшилаш каби табиий равишда миямга келди. Бу фикр мени шундай ўзига жалб қилардики, уни тез орада амалга ошириб қўймаслик учун ўзимга нисбатан турли хийлалар ўйлаб топардим. Мен шунинг учун ҳам шошилмасдимки, саволларга жавоб топишга бор имко-ниятларни қўллаб кўрмоқчи эдим. Агар бу саволлар-га жавоб топа олмасам, исталган вақтда бу ишга ул-гуришим мумкинлигини ўзимга таъкидлардим. Мендай бахтли одам ҳар тунда ёлғиз қоладиган хонада ўзимни икки жавон ўртасидаги тўсинга осиб қўймаслик учун оёқ кийимим боғичларини йўқ қилдим, овга чиққанимда осон ўлим илинжида ўзимни отиб қўймаслик учун қу-ролдан воз кечдим. Ўзим нимани ишташимни билмас-дим: ҳаётдан нари итарилардим-у, бироқ ундан нима-дир кутардим.

Ва шунда мен билан ҳар томондан мутлақо бахт деб ҳисобланган воқеа рўй берди. Ўшанда мен элик ёшларда эдим. Менинг севимли ва севувчи меҳрибон рафиқам, ширин болаларим, менинг кучимсиз ошиб бораётган мол-мулким бор эди. Мени ҳар қачондан кўпроқ яқинларим ва таниганлар ҳурмат қилишарди, мени мақтаб олқишлашарди, бемулоболага айтаманки, ўзимга яраша машҳур эдим. Мен ҳам жисман, ҳам руҳан соғ эдим, тенгдошларимга хос бўлмаган даража-да кучли ва тетик эдим. Пичанзорларда қўлостимдаги мужиклардан қолмай ишлардим, ақлан саккиз-ўн соат тўхтамай ишлай олардим, бундан ҳеч ортиқча қийнал-масдим.

Руҳий ҳолатим қуйидагича ифодаланарди: менинг ҳа-ётим кимнингдир аҳмоқона ва шафқатсиз ҳазили эди. Мени яратган ўша “кимдир”ни тан олмаслигимга қа-рамай, мени бу дунёга келтириш билан устимдан бо-



плаб кулган эканлиги ҳақида тасаввур мен учун табиий ҳолат эди.

Бейхтиёр қаердадир кимдир борки, менинг нақ ўтти-қирқ йиллик умрим давомида кузата туриб устимдан мазах қилмоқда. У менинг яшаганим, ўқиганим, руҳан ва жисман ривожланганим, ақлан пишиб, бутун ҳаёт борлигича намоён бўладиган чўққига эришганимда, аҳмоқлардай тепада туриб, бу ҳаётда ҳеч нима бўлмаган, бўлмаслигини ҳам тушуниб етганимни кўриб турибди. “Унга эса қулгили...”

Менинг устимдан кулиб турган ўша кимдир борлиги ёки йўқлигидан менга зигирча енгиллик йўқ. Бутун ҳаётимдаги бирон ишимга қандайдир ақлан тўғри мазмун бера олмадим. Мени ажаблантирган нарса шуки, нега мен буни аввалдан англамадим. Буларнинг ҳаммаси аллақачон ҳаммага маълум-ку. Бугун бўлмаса, эртага менга, сеvimли инсонларимга касаллик, ўлим келади (аллақачон келган ҳам), ва ҳаммасидан қўланса ҳид билан қурт-қумурсқадан бошқа ҳеч нима қолмайди. Менинг ишларим, улар қандай бўлмасин, эртами ё кечми унутилади, мен ҳам унутиламан. Хўш, шунча ташвишдан мақсад нима?

Қандай қилиб инсон шуларни кўрмай яшаши мумкин — энг ажабланарли томони шу. Фақа ҳаёт билан сархуш бўлсангина яшаш мумкин, хушинга келишинг билан буларнинг ҳаммаси ёлғон, аҳмоқона ёлғон эканлигига тушунасан. Шуниси борки, қулгили ва закий нарсанинг ўзи ҳам йўқ, шунчаки шафқатсизлик ва аҳмоқлик.

Бир сайёҳ ҳақида шарқ масалини эшитганимга кўп бўлган. Сайёҳ саҳрода кетар экан, важоҳатли йиртқич ҳайвонга дуч келади. Ундан қочиб, сайёҳ сувсиз қудуқ тепасига чиқиб олибди. Бироқ не кўз билан пастга қараса, унинг тубида даҳшатли бир аждаҳо сайёҳни ей-

ман, деб оғзини очиб турибди. Бечора сайёҳ нима қилишини билмай қолибди, қудуққа сакрай деса, унинг тубида баҳайбат аждарҳо уни ямламай ютади, сакрамай деса, йиртқич ҳайвон етиб келиб, уни ғажиб ташлайди. Қудуқ ёнида бир дарахт ўсган экан, сайёҳ уни ушлаб осилиб олибди. Борган сари унинг билакларидан қувват кета бошлабди, орадан кўп ўтмай вақти соати етиши, икки томондан уни кутиб турган ҳалокатнинг бирига рўпара келишини ҳис қилади, лекин шундоқ бўлса ҳам, у шохни маҳкам ушлаганча осилиб тураверади. Бир маҳал сайёҳ осилганча бошини кўтариб қараса, бири қора, бири оқ сичқонлар у осилиб турган шохни кемираётган экан. Кўп ҳам кутиш керак эмас, шох ўз-ўзидан синади-ю, сайёҳ аждаҳонинг оғзига тушади. Сайёҳ бунни кўриб турибди, у биладикки, ўлим муқаррар. Аммо ҳозирча осилиб турар экан, у теварак-атрофига аланглайди ва шохнинг баргларида бир неча томчи асални кўради-ю, тили билан ялаб бошлайди.

Мен ҳам худди шу сайёҳ каби ҳаёт шохида осилиб турибман. Мени интизорлик билан ўлим деган аждарҳо кутиб турибди ва нима учун мен азоблар исканжасига тушиб қолганимни билмайман. Шунга қарамай, менга авваллари таскин берган асални ялашга ҳаракат қилман, лекин бу асал энди мени хурсанд қилмасди. Оқ сичқон билан қора сичқон, яъни туну кун мен осилган шохни кемиришдан тўхтамас. Мен аждаҳони яққол кўриб турибман ва энди асал менга ширин туюлмас. Мен фақат муқаррар аждаҳони-ю сичқонларни кўряпман, ва улардан нигоҳимни олиб қочолмаяпман. Бу масал эмас, бу ҳаммага маълум, бешубҳа ҳақиқатдир.

Аждарҳонинг даҳшатини беркитувчи ҳаёт қувончлари энди аввалгидай мени алдай олмас. Қанча менга — бу ҳаёт маъносига тушуна олмайсан, шунчаки унда яша,

дейишмасин, мен бундай қила олмайман, чунки мен аввалдан бу ишни қилиб келганман. Энди эса мени ўлим томон элтувчи кун билан тунни кўришга кўзим йўқ. Мен фақат бир нарсани кўряпман, чунки ўша бир нарсаси ҳақиқатдир. Қолгани ёлгон.

Мени аччиқ ҳақиқатдан чалғитиб турган асалнинг икки томчиси бу оиламга ва мен санъат деб ҳисоблаган ёзувчилик фаолиятига муҳаббатдир. Улар ҳам энди мен учун ширин эмас эди.

“Оила” — дердим ўзимга, бироқ оила — рафиқам, болаларим, улар ҳам одам-ку. Улар ҳам мен каби ҳолатда, ё ёлгонга алданиб яшайдилар ёки бешафқат ҳақиқатни кўриб туришлари керак. Улар нима учун яшашади? Уларни нима учун яхши кўриб, аввайлаб, парваришлаб катта қиламан? Ўзимдаги тушкунлик ёки аҳмоқлик учунми? Уларни севганим учун ҳам ҳақиқатни яшира олмайман, улар ҳаётни англаб боришлари билан бу ҳақиқатга яқинлашиб борадилар, ҳақиқат эса ўлим.

“Санъат, назм?..” Одамларнинг мақтови таъсирида узоқ вақт ўзимни ишонтириб келдимки, бир кун ўлим келишига қарамай бу ишни қилса бўлади. Бир кун ўлим келиб, ҳамма нарсани — мени ҳам, ишимни ҳам, улар ҳақидаги хотирани ҳам йўқ қилади, аммо билдимки, бу ҳам ёлгон экан. Мен санъатни ҳаётнинг беагаи, яшаш учун тузоқдир деб билган эдим. Лекин ҳаёт мен учун жозибасини йўқотган экан, қандай қилиб бошқаларни унга жалб қилишим мумкин? Мен ҳали ўз ҳаётим билан яшай бошламаганимда, бегона ҳаёт тўлқинларида сузиб юрганимда, ўзим билмай ҳаётда маъно бор деб ишонган пайтларимда, санъат кўзгусидаги ҳаётга маҳлиё эдим. Аммо ўз ҳаётим билан яшаб, ҳаёт мазмунини қидира бошлаганимдан кейин, бу кўзгу мен учун

фойдасиз ва кулгили буюмга айланиб, менга азоб бера бошлади.

Мен энди ўз аянчли ва аҳмоқона аҳволимни билиб, кўзуга қараб таскин топишим мумкин эмасди. Ҳаётим маънога эга деган ишонч қалбим тубида яшаган вақтда бундан хурсанд бўлишим мумкин эди. Бу ҳаётдаги комик, фожеавий, таъсирли, ажойиб, даҳшатли нур ва соя ўйини ўшанда менга тасалли бераётгандай эди. Бироқ ҳаёт маъносиз ва ёмон эканлигини билганимдан сўнг, кўзгудаги ўйинлар мени қувонтира олмай қўйди. Ҳеч қандай асал шираси ҳаётимни кемириб турган сичқонлар ва оғзи очиқ аждарҳони кўриб турган вақтимда ширин туюлмайди.

Бироқ бу ҳам кам. Агар ҳаёт шунчаки маънисиз эканлигини тушунганимда, мен буни шунчаки қисматим сифатида қабул қилиб қўя қолардим. Агар мен ўрмонда яшаётган одам бўлганимда, ўрмонда яшашни ўзимга тақдир деб билардим ва шу тарзда умримни кечиришда давом этардим. Бироқ ўзимни ўрмонда адашган инсон сифатида англаб етдим ва тинмай ундан чиқиб кетишга йўл ахтара бошладим. Аммо ҳаракат қилган сарим янада кўпроқ чигалликларга кириб бораётганим, янада кўпроқ йўлимни йўқотиб қўяётганимни сезиб турибман.

Мана бу ҳақиқатан ҳам даҳшатли эди. Бундан қутулиш учун ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим. Мени олдинда кутаётган даҳшатларни кутиш янада даҳшатлироқ эди, булардан ўзимни халос этиш ва сабр билан охирини кутишни уддалай олмасдим. Бир кунмас бир кун юракдаги бир томир ёки яна бошқа нарса ёрилиши ҳақида ишонч билан ўйламай, охирини кутишга тоқатим етмасди. Зулмат даҳшати ҳаддан зиёд кучли эдики, мен тезроқ, тезроқ арқондаги тугун ёки битта ўқ

билан ундан қутулишни истардим. Айнан мана шу ҳис мени ўзимга суиқасд қилишимга кўпроқ чорларди.

## V

“Балки мен ниманидир кўриб, уни тўғри тушунмагандирман? — деб қайта-қайта ўйлардим ичимда, - Ахир бундай тушқунлик кайфияти инсон зоти учун хос бўлиши керак эмас”. Мен ўз саволларимга жавобни одамзот қўлга киритган барча билим соҳаларидан изладим. Мен буни узоқ ва астойдил изладим. Зерикканимдан, бекорчиликдан юзаки изланганим йўқ. Мен худди ҳалокатга маҳкум инсон нажот излагандай заҳматли меҳнат ва сабот билан қидирдим.

Мен жавобни барча илмларда изладим, уни нафақат топа олмадим, балки мен каби илмда излаганлар ҳам аниқ ҳеч нимани топа олмаганликларига амин бўлдим. Улар топа олмай, аниқ бир ҳақиқатни тан олишган — ҳаётнинг маънисиз эканлиги инсон англаши мумкин бўлган ягона шубҳасиз билимдир.

Мен ҳамма ерда қидирдим, илмий изланишларим ва илм доираси вакиллари билан суҳбатларда менга ҳаёт саволларига билим жавоб берадиган имконият эшиги очилди.

Мен узоқ йиллар давомида илм ҳаёт саволларига тўлиқ жавоб бера олмаслигига ишона олмай қолдим. Мен ўша илм қонуниятлари ўзининг жиддийлиги ва муҳимлигига қарамай инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлмаганлигини ўзимнинг тушунмаслигимдан деб билганман. Узоқ вақт иккиланиб қолдим. Илмнинг ҳаёт саволларига жавоб бера олмаслиги илмнинг ўзида эмас, балки менинг ношудлигимдан деб ўйлаганман. Лекин бу ҳазил ёки кўнгилчоғлик эмас эди, бу менинг ҳаётим эди.

Мен ноихтиёрий равишда шундай ишончга келдимки, мен ҳар бир инсон қалбида яшайдиган саволарим билан айбдор эмасман, балки бу саволга жавоб беришга мажбур бўлган илм айбдордир.

Мени элик йил давомида қийнаб, ўз ўзимни ўлдиришгача олиб борадиган саволим жуда оддий эди ва у ақли кирмаган боладан тортиб, энг доно қария қалбида яшайди, бу саволсиз, худди ўзим бошимдан ўтказганимдай, ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Бу савол қуйидагича: “Ҳозир қилаётган, эртага қиладиган ишларимдан нима келиб чиқади, бутун ҳаётимдан нима келиб чиқади?”

Саволни бошқачароқ қуйидагича ифодалаш мумкин: “Нима мақсадда яшайман, нима мақсадда истайман, нима мақсадда бир иш қиламан?” Саволни яна бошқача кўринишда келтириш мумкин: “Ҳаётда муқаррар ўлим йўқ қилиб юбормайдиган маъно-мазмун борми?”

Турлича ифодаланган мазкур ягона саволга инсоният қўлга киритган илмида жавоб изладим. Бир нарсани аниқладимки, бутун инсоният илми шу саволга нисбатан бир-бирини инкор этувчи икки қарама-қарши қутбга бўлинади: бири — инкор, иккинчиси — тасдиқ. Бироқ на униси, на бунисида ҳаётий саволга жавоб йўқ.

Бир қатор илмлар бу саволни тан олишмайдигандай, лекин улар ҳаётдан айри қўйган саволларга жуда аниқ ва равшан жавоб беришади. Булар чуқур тажрибали илмлар, уларнинг энг чекка нуқтасида математика туради. Бошқа қатор илмлар саволни тан олишади, лекин унга жавоб беришмайди. Уларнинг энг чекка нуқтаси метафизикадир.

Ёшлик йилларимда мавҳум илм соҳасига қизиқардим, кейин математика ва табиий фанларга қизиқа бошладим. Лекин токи ўша ягона савол ўзимга ўзим кўнда-

ланг қўймагунимча, бу савол ичимда пайдо бўлмагунча, илм беришга имкони бўлган жавоблар билан қоникқанман.

Мен илмни ўрганар эканман ўзимга ўзим шундай деганман: “Ҳамма нарса ривожланади, туркумлашади, мукаммаллик ва мураккаблик томон боради ва бу жараёнларни бошқариб борувчи қонунлар бор. Сен бутунликнинг бир қисмисан. Имконимиз даражасида бир бутунликни ва ривожланиш қонуниятини англаб етишимиз билан биз бир бутунликдаги ўз ўрнимизни, ўзимизни ҳам англаб етамиз”. Тан олишимда виждонан қийналаман, лекин шундай вақтлар бўлганки, мен шу билан қоникқанман. Бу шундай вақт эдики, мен ўзим ривожланганман, мураккаблашганман. Мушакларим ўсиб кучга кирган, хотирам бойиган, фикрлаш ва англаш қобилиятим ошиб борган. Ҳа, мен ўсганман, ривожланган ва шуни ҳис қилганман, шунда ўйладимки, бу бутун олам қонуни, бу ҳаётнинг мазмуни, бу менинг ҳаётим саволимга жавоб деб.

Бироқ шундай вақт келдики, менда ўсиш тўхтади — мен ривожланмаётганим, аксинча қуриб, мушакларим мадорсизланиб, тишларим тушаётганини ҳис қилдим. Шунда мен англадимки, бу қонун нафақат ҳеч нимани тушунтирмайди, балки қонуннинг ўзи ҳам йўқ, ҳеч қачон бўлган эмас, бўлиши ҳам мумкин эмас. Мен бу қонун моҳиятига жиддийроқ қарадим, шунда англадимки, чексиз ривожланиш қонунининг ўзи бўлиши мумкин эмас. Вақт ва макон кенглигида ҳаммаси ривожланади, мукаммаллашади, мураккаблашади, дифференциялашади, - деб айтиш ҳеч нима демаслик билан баробардир. Буларнинг бари маъносиздир, чунки чексизликнинг ўзида на мураккаб, на оддий, на орқа, на олди, на яхши, на ёмон бор.

Менинг муҳим саволим эса — мен ўз хоҳишларим билан кимман? — деган савол бутунлай жавобсиз қоларди. Ва билдимки, бу билимлар жуда қизиқ, жуда жалб қилувчан, бироқ аниқ ва равшанлиги ҳаётий саволларга тескари пропорционалдир. Қанча улар ҳаётий савол жавобига узоқ бўлса, шунча улар аниқ ва тушунарли бўлади, қанча яқин бўлса, аксинча, тушунарсиз ва қизиқ эмас бўлади. Ҳаётий саволга жавоб беришга уринган илм соҳасига мурожаат қилсанг, масалан, физиология, психология, биология, социология ва бошқаларга, ажабланарли даражада фикр қашшоқлигига, улкан ноаниқликка, кераксиз саволларга маънисиз жавоблар, ва бир мутафаккирнинг иккинчиси билан муросасиз қарама-қаршилиги, ҳатто ўз ўзи билан келиша олмаслигига дуч келасиз.

Ҳаётий саволларга жавоб беришга қаратилмаган илм соҳаларига қарасангиз, улар ўзларининг илмий, махсус саволларига жавоб бериши билан инсон ақл-заковатига қойил қоласиз, бироқ олдиндан биласизки, уларда ҳаётий саволга жавоб йўқ.

Бу билимлар тўғридан тўғри ҳаётий саволни назардан чиқаришади. Улар шундай дейишади: “Сен кимсан ва нима учун яшаяпсан, бунга жавобимиз йўқ, биз бу билан шуғулланмаймиз. Лекин сен ёруғлик қонуни, кимёвий бирикмалар, организм ривожланиш қонунияти, рақам ва миқдорлар нисбати, ақлингнинг ишлаш қонуни кабиларни билишинг керак бўлса, буларнинг ҳаммасига аниқ, шубҳасиз тўғри жавоблар бор”.

Умуман тажрибага асосланган илм ҳаётий саволга шундай муносабатда бўлади: Савол: Нега мен яшаяпман? — Жавоб: чексиз катта маконда ва чексиз узоқ вақтда сон-саноксиз майда зарралар охири йўқ мураккабликда шаклини ўзгартиради ва сен шакл ўзгартириш



қонунларини англаб етишинг билан нима учун яшаётганлигини тушуниб етасан.

Тафаккурга асосланган илмда ўзимга шундай дегандим: “Бутун инсоният маънавий ва ғоявий асос билан яшайди ва ривожланади. Булар дин, илм-фан, санъат, давлат шаклларида ифодаланади. Бу ғоялар борган сари юқорилаб бораверади ва инсоният олий манфаатга интилади. Мен инсониятнинг бир бўлаги эканман, инсоният ғоялари амалга ошишига ўз ҳиссамни қўшиш бурчимдир”. Ақлсиз бўлган йилларимда мен шу билан ўзимни қониқтирганман, бироқ менда ҳаётий савол туғилиши билан бу назария тўлиқлиги парчаланиб кетди.

Инсониятнинг кам ўрганилган соҳасидан умумий хулоса қилувчи, инсоният идеали нимадан иборатлиги борасида бир-бирига зид келувчи гирромларча ноаниқ илмлар энг ғалати жиҳати шуки, ҳар бир одам қаршисида кўндаланг бўлувчи «Мен нимаман?», «Мен нима учун яшаяпман?» ёки «Мен нима қилмоғим керак?» деган саволларга жавоб беришдан аввал унга номаълум бўлган, фақат бир заррача қисми ва жуда кичик вақт оралиғигина маълум бўлган бутун инсоният ҳаёти нима эканлигига жавоб бермоғи лозим. Инсон ўзининг нима эканлигини англаб етиши учун у каби нималигини билмаган одамлардан иборат бутун инсоният сир-синоатини англаб етиши керак.

Тан олишим керакки, бунга ишонган вақтларим бўлган. Ўша вақтларда инжиқликларимни оқловчи севимли идеалларим бўлган, ва ўз навбатида мазкур инжиқликларни инсоният қонунияти сифатида кўришим учун турли назарияларни ўйлаб топа бошлаганман. Бироқ қалбимда ўша ҳаётий савол пайдо бўлиши билан бу жавоб чилпарчин бўлди. Ва шунда англаб етдимки,

шундай тажрибага асосланган илмлар, ёки ярим илмлар, борки, улар ўзларига тегишли бўлган саволга жавоб бермайди. Ярим илмлар — ҳуқуқшунослик, ижтимоий, тарихий билимлар инсон масаласи билан шуғулланар экан, ҳар бири ўзи билганча инсон ҳаётига оид саволга жавоб беришга уринади.

Бироқ тажрибага асосланган илмдан инсон чин дилдан қандай яшаш кераклигини сўраса, унга қуйидагича берилган жавобдан қониқа олмайди: чексиз маконда чексиз вақтда чексиз зарраларнинг чексиз мураккабликда ўзгаришини ўргансангиз, шунда ўз ҳаётинг маъносини тушунасан. Ёки қуйидаги жавоб ҳам ҳақиқий жавобни изловчини қониқтирмайди: на боши бор, на охири билишимиз мумкин бўлмаган ва энг кичик қисмини ҳам ўргана олмаётган бутун инсоният ҳаётини ўрганиб чиққин.

Ярим илмлар тажрибага асосланган илмлар каби нонаниқликлар, чалкашликлар, бемаъниликлар, қарама-қаршиликларга қанча тўла бўлса, шунча улар асосий саволга жавоб беришдан йироқ бўладилар. Тажрибага асосланган илмда моддий воқеликнинг сабаблик кетма-кетлигини ўрганилади. Бироқ илмдан охирги сабабни сўрасангиз, ҳеч вақо чиқмайди. Мушоҳадага асосланган илмда ҳаётий мавжудликнинг сабабсиз эканлигини ўрганади. Бироқ уларда аниқ инсон яшаши сабаби ҳақида савол кўтарилса, бўлмагур жавоб чиқади.

Тажрибага асосланган илмда охир-оқибатдаги сабаблар ўрганилмаганда инсон заковатининг юксак маҳсули сифатида улуғдир.

Ва аксинча, мушоҳадага асосланган илм шу ҳолатда буюкки, у инсонни фақат охир натижага нисбатан ўрганади ва сабабли ҳолатлар кетма-кетлиги ҳақидаги мутлақ саволларни четга чиқаради.

Бу соҳадаги илм ярим доирасининг қутбини метафизика ёхуд мушоҳадага асосланган илм — фалсафа ташкил қилади. Бу илм битта масалани аниқ қўяди: Мен ва бутун дунё нима? Мен ва дунё нима учун мавжуд? Бу илм вужудга келганидан бери бу саволга бир хил жавоб бериб келади. Файласуф мендаги ва жамики мавжуд нарсадаги ҳаётнинг моҳиятини гоё дейдими, субстанция деб атайдими ёки руҳ, ё ирода дейдими, фарқи йўқ, битта гапни айтади: “Бу моҳият мавжуд ва мен ўша моҳиятни ташкил қиламан”. Бироқ у аниқ мутафаккир бўладиган бўлса, бу моҳиятнинг нима учун кераклигини билмайди ва бу саволга жавоб бермайди. Мен сўрайман: “Бу моҳиятнинг борлиги нима мақсадда? Бу моҳият мавжуд бўлса ва келгусида ҳам бўлса, бундан нима келиб чиқади?” Фалсафа нафақат бу саволга жавоб бермайди, балки ўзи ҳам қўшилишиб сўрайди. Агар у чинакамига фалсафа бўладиган бўлса, унинг бутун иши шундан иборат бўлмоғи керакки, у шу масалани аниқ қўймоғи керак. Агар у ўз вазифасига қаттиқ риоя қиладиган бўлса, “мен нимаман ва бутун дунё нима?” деган саволга “ҳамма нарса ва ҳеч нарса” деб, “дунё нима учун мавжуд ва мен нима учун яшайман?” деган саволга “билмайман” деб жавоб беришдан бошқа чора қолмасди. Шундай қилиб, фалсафанинг мушоҳада илми сифатида қанча ўрганмай, мен улардан жавобга яқин ҳеч нима топмадим.

## VI

Мен ҳаётини саволга жавоб излаб, худди ўрмонда йўқолиб қолган одамдай ўзимни ҳис қилдим.

Кенг ялангликка чиқдим, дарахтга кўтарилдим, унинг тепасида чексиз кенгликни кўрдим, бироқ уйлар йўқ эди,

бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чакалакзорга, зулматга бордим, қоронғуликни кўрдим, бироқ уйларни эмас.

Мен инсоният билим ўрмонини кезиб юрдим, аниқ уфқларни очувчи математик ва тажрибага асосланган илмлар орасидаги ёруғликдан юриб, улар кўрсатган томон юрдим, бироқ ҳеч қандай уй чиқмади, мушоҳада асосланган билимлар орасидаги зулматга қанча чўмай, чиқиш жойи йўқлиги ва бўлиши мумкин эмаслигини англадим.

Илмнинг ёрқин томонларини ўйлаганимда, эътиборни асосий саволга чалғитишга уринаётганимни англайман. Қанча билимлар сарҳадсиз кўринмасин, қанча олдимизда ёрқин уфқларни очмасин, уларнинг ичига чуқур кириб борганим сари асосий саволдан узоқлашиб бораётганимни ҳис қилдим.

Ҳа, биламан, - дердим ўзимга, - буларнинг ҳаммасини илм билмоқчи, бироқ илм йўлида ҳаёт мазмуни ҳақида саволга жавоб йўқ. Мушоҳадага асосланган илмларнинг асосий мақсади гарчи мен жавоб қидирган саволга жавоб бериш бўлса-да, худди мен каби “Ҳаётимдан мақсад нима?” деган саволга “Ҳеч нима” деб жавоб қилади.

Ёки бу ҳаётим охир натижаси нима? — Ҳеч нима, дейди. Ёки: Мавжуд нарсалар нима учун мавжуд ва мен нима учун мавжудман? Шунинг учунки, чунки мавжуд.

Мен инсоният илмига асосий саволни берсам-да, у сон-саноқсиз тарзда мен сўрамаган нарсаларим ҳақида аниқ жавоблар берарди: юлдузларнинг кимёвий таркиби, Геркулес юлдузлар туркумига қуёшнинг ҳаракатланиши, тур ва инсон зоти пайдо бўлиши, кичик атомлар шакли ва ҳоказо. Лекин шу илмдан менинг яшашимдан мақсад нима деб сўрасам, битта жавоб бўлди: сен ҳаётингни нима деб атасанг, ўшасан. Сен

заррачаларнинг вақтинчалик, тасодифий бирлашуви-сан. Бу зарраларнинг ўзаро таъсирланиши, ўзгариши сен ҳаёт деб атаган нарсани ҳосил қилади. Бу ўзаро бирикиш маълум вақтгача давом этади, кейин бу зарралар ўзаро таъсирланиши тугайди ва шунда сенинг ҳаётинг ҳам, унга боғлиқ саволларинг ҳам тугайди. Сен бир ниманинг тасодифий бирлашмаси тугунисан. Тугун чирийди.

Мана шу чиришни тугунча ҳаёти деб билади. Тугунча сочилиб кетса, шу билан чириш ҳам, ҳамма саволлари ҳам тугайди. Илм ўз йўлидан чекинмай, саволларга худди шундай жавоб қилади.

Бундай жавобда шу маълум бўладики, жавоб саволга жавоб бермайди. Мен ҳаётимнинг мазмун-мақсадини англашим керак, унинг чексиз заррадан иборатлигини нафақат маъносиз, балки ҳар қандай маънони ҳам йўқ қиладиган маълумотдир.

Аниқ, тажрибага асосланган илмларда ҳаёт мазмуни ривожланиш ва ривожланишга ҳисса қўшишда деб ноаниқ жавоб беради. Мушаҳадага асосланган илм эса ўз йўлидан чекинмаса, ҳар доим ва ҳар ерда бир хил жавоб берган: дунё чексиз ва тушунарсиз нарсадир. Инсон ҳаёти бу англаб етиб бўлмас оламнинг англаб етиб бўлмас қисмидир.

Мен яна мушоҳада ва тажрибага асосланган билимлар ўртасида юзага келган ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, тарих каби ярим илмлари берган жавобларни ҳам инкор қиламан. Бу илмларда ҳам ривожланиш, такомиллашиш каби тушунчалари нотўғри талқин этилади. Фарқи шуки олдингиларида бутун олам ривожланиши хусусида сўз юритилса, буларда инсоният ривожланиши тилга олинади. Нотўғри жиҳати эса битта ўша: чексизликдаги ривожланиш, такомиллашиш на мақса-

дига эга бўлади, на йўналишига ва менинг саволимга келсак, унга жавоби йўқ.

Аниқ илмлар чинакам фалсафага каби аниқ иш юри-тадиган бўлса фақат мавжуд ҳодисаларни янги фалса-фий баҳо бери, уларни янги номлар билан аташга хиз-мат қилувчи ўша Шопенгауэр айтгай профессорона фал-сафа бўлмаса, файласуф энг муҳим саволга диққатини қаратса, унинг берадиган жавоби мудом битта бўла-ди. Бу жавобни Суқрот, Шопенгауэр, Сулаймон, Буд-да ҳам айтган.

“Биз ҳақиқатга яқин борганимиз сари, шунча ҳаёт-дан узоқлашамиз, - дерди Суқрот ўз ўлимига тайёрла-ниш вақтида, - унда биз ҳақиқатпарварлар нима учун бунчалар ҳаётга интиламиз. Шундай экан, ўлим келга-нида нима учун қувонмайлик?”

“Доно бир умр ўлимни излайди ва шунинг учун унга ўлим қўрқинчли эмас”.

“Дунёнинг ички моҳиятини ирода деб англаган, — дейди Шопенгауэр, — ва бу ирода табиатнинг кучла-рининг кўр-кўрона онгсиз интилишларидан то инсон-нинг онгли фаолиятигача ҳамма ҳодисаларда моддий-ликни эътироф этган билан биз бир натижани мутлақо назардан четда қолдиролмаймиз: иродани бемалол инкор этиш, уни йўқ деб билишимиз билан бирга ҳамма ҳо-дисалар ғойиб бўлади, моддийликнинг ҳамма босқичла-ридаги доимий интилишлар ҳамда бемақсад ва бетиним содир бўладиган майллар (гарчи бутун олам шу инти-лишлар ва майллар орқали юзага келади) йўқ бўлади, мунтазам шаклларнинг хилма-хиллиги йўқолади, шакллар билан бирга унинг ҳамма ҳодисалари, макони ва замо-ни билан йўқ бўлади ва ниҳоят, унинг энг сўнги асо-сий шакли — субъект ва объект ҳам йўқ бўлади. Иро-да бўлмаса, тасаввур ҳам йўқ, олам ҳам. Бизнинг қар-

шимизда албатта, фақат ҳеч нарса қолади. Аммо ана шу ҳечликка ўтишга тўсқинлик қиладиган нарса бизнинг табиатимиздир. Табиатимиз эса яшашга интиёк ва иродамиздан бошқага нарса эмас: Бизнинг дунёмиз каби ўзимиз ҳам таркибан ана шу иродадан иборатмиз. Биз ҳечликдан қўрқиб даҳшатга тушамизми ёхуд айни шундоқ яшашни истаймизми — бунинг фақат битта маъноси бор: бизнинг ўзимиз шу иродадан иборатмиз ва бундан бошқа ҳеч нарсани билмаймиз. Шундай экан, биз иродадан иборат экан, унинг йўқ бўлиши билан бизда нима қолади? Ҳеч нарса. Ва аксинча, кимлардан ирода чекинса, маъносини йўқотса, улар учун бизнинг дунёмиз бутун қуёшлари ва фалаги билан бирга ҳеч нарса бўлмай қолади”.

“Беҳудалик беҳуда ҳаракат қилади, - дейди Сулаймон пайгамбар, - беҳудалик беҳуда ҳаракат қилади ва ҳамма нарса беҳудадир. Инсон қуёш нурлари остида ерда ишлайди, лекин унга бундан нима фойда? Авлодлар кетади, бошқаси келади, ер асрлар давомида қолади. Нима бўлган бўлса ўша бўлади, нима қилинган бўлса ўша қилинади, қуёш нурлари остида бирон янги ҳолат йўқ. Нимадирни кўрсатиб, “Қара, бу янгилик” дейишади, лекин бу қачонлардир, қайсидир асрларда бўлган. Ўтган кунлар ҳақида хотира йўқ, кейин келадиганлар ҳам эслашмайди.

Мен Екклезиаст, Қуддусда Исроил устида подшоҳ эдим. Мен ердаги барча қилинаётган ишларни ақл билан тадқиқ этмоқчи бўлдим: бу оғир ишни Худо инсон болаларига ўзларини чиниқтиришлари мақсадида буюрган. Шунда мен ерда қилинаётган барча ишларни кўриб чиқиб, ҳаммаси беҳуда ҳаракат ва ўз ўзини қийнашдан бошқа нарса эмаслигини билдим... Мен қалбимга шундай дегандим: мана сен буюк бўлдинг,

Қуддусда жамики доноликка эришдинг. Мен қалбимни доноликни англаш ва ақлсизлик, аҳмоқликни билиш учун бердим, буларнинг ҳам ҳаммаси бекорга уриниш экан. Чунки қўлаб доноликда ғам-ғусса бор, ким илм олишни кўпайтирса, у қайғусини кўпайтиради.

“Мен қалбимга кел, сенга қувонч берай ва яхшилик қилиб роҳатланай десам, булар ҳам беҳуда ҳаракат экан”.

Кулгини аҳмоқлик, хурсандчиликни эса у нима беради, дейман. Мен танамни вино билан роҳатлантирмоқчи бўлдим, бироқ ўзимни бу аҳмоқликдан ушлаб қолдим, чунки инсон боласи учун бу оламда нима яхши-ю нима ёмонлиги ва нима қилиши дарқору нима қилиши керак эмаслигини англамай қолишим мумкин деб ўйладим. Мен катта ишларни қилдим: уй қурдим, узумзор қилдим. Боғ ва полизлар қилдим, уларга серҳосил мевали дарахтларни экдим, боғларимни суғориш учун ҳовуз қурдим; хизматкор, болаларим кўп бўлди; Қуддусда менгача бўлганларнинг жами чорвасидан кўра кўпроқ йирик ва майда чорвам бор эди. Подшолик ва вилоятлардан кумуш, олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни йиғдим, қўшиқчиларни ёлладим, турли мусиқий асбобларни олдим. Ва Қуддуси шарифда менгача бўлганлардан ҳам бой ва буюк бўлдим. Донолигим ҳам мен билан эди. Кўзларим нимага тушса, кўнглим нимани ихтиёр этса, ўшанга эришардим, ўзимни ҳеч қандай хурсандчиликдан мосуво қилмасдим. Шунда қилган ишларим ва қўлларимга қарардим, бу меҳнатимдан, бу ишимдан нима фойда дердим — улардан фойда йўқ, улар беҳуда эди. Мен донолик, ақлсизлик ва аҳмоқликка қарадим. Ким бўлмасин, ақлли ё аҳмоқми, ҳамманинг қисмати бир экан. Шундай экан доно бўлиб нима қилдим? Ва ўзимга шунда айтдимки, бу ҳам беҳуда.



Чунки донони худди аҳмоқни каби асрлар давомида эслашмайди, у ҳам унутилади, донолар аҳмоқлар қатори ўлади! Шунда ҳаётни ёмон кўриб кетдим, менга қуёш остида қилинаётган ишларга нисбатан нафрат ҳис қилдим, негаки, ҳамма ишлар беҳудалик ва ўз ўзини сарсон қилишдан ўзга нарса эмас. Нимаики иш қилган бўлсам, ҳаммасини ёмон кўрдим, чунки улар маҳсули мендан кейинги одамга қолади. Инсон шунча қуёш остида меҳнат қилганидан, шунча юракдан ғамхўрлигидан нимага эришади? Унинг ҳамма кунлари ғам ва ташвиш, у ҳатто кечаси ҳам тинч бўла олмайди.

Буларнинг ҳаммаси — беҳуда ҳаракат. Меҳнати эвазига еб-ичиши, роҳатланиши ҳам инсон ҳукмида эмас.

Ҳамма-ҳаммага бир хил қисмат, тақводорга ва тақвосизга ҳам, яхши ва ёмонга ҳам, тоза қалбли ва пасткашга ҳам, қурбон бўлган ва бўлмаганга ҳам, эзгу ва ёмон иш қилганга ҳам, бегуноҳ ва гуноҳкорга ҳам бир хил.

Ҳаммага қиймат бирлигидан инсон боласининг қалби ёвузликка тўлади, ақлсизликка берилади, улар ақлдан айрилганча бу дунёдан ўтишади. Ким тириклар орасида бўлса, унда ҳали умид бўлади, худди ўлган арслондан кўра тирик ит бўлгани яхшидай. Тириклар ўлишини билади, ўликлар эса ҳеч нимани билмайди, уларга ажрим ҳам йўқ, чунки уларнинг хотиралари унутилишга маҳкум этилган, уларнинг муҳаббати, нафрати, рашики ва бошқа ҳислари йўқ бўлган ва улар бу ер устидан бўлаётган ишлардан ҳеч қандай иши бўлмайди”.

Сулаймон пайғамбар ёки бу сўзларни ёзган одам шундай дейди. Энди эса бу борада ҳиндлар нима дейди: Сакиа-Муни ёш навқирон ва саодатли шахзода эди, у касаллик, қариллик, ўлим нималигини билмайди. Бир куни сайрга чиққанида қариб-қартайиб кетган чолни кўради, тишлари қолмаган, сўлаклари оққан. Шу

вақтгача шохдан қариликни яширишган, шунинг учун у ҳайрон бўлиб, нима сабабдан бу одам шундай аянчли ва жирканч аҳволга тушиб қолганини сўрабди. Шунда шаҳзода бу қарилик экани, ҳар ким боши омон қолса қаришини билиб олади ва шундан кейин сайр қилишни ҳам истамай, ҳаммасини ўйлаб олиш учун қайтишга қарор қилади. У бир хонага қулфланиб олади ва ҳаммасини ўйлаб олади. Афтидан, у ўзига қандайдир тасалли топади, у яна қувноқ ҳолда хонадан чиқиб, хурсандчилик қилиш учун сайр қилгани чиқади. Бироқ бу сафар касал одамни учратади. У мадори қуриган, кўкариб кетган, кўзлари хиралашган одамнинг титраб турганига кўзи тушади. Шаҳзодадан касаллик нима эканлигини яширишган. Унга ҳамма касал бўлиши мумкинлиги, у ҳам гарчи соғлом ва тетик бўлса-да, эртага касал бўлиб қолиши ҳеч гап эмаслигини айтиб беришади. Бу сафар ҳам унинг кайфияти тушиб кетиб, дарҳол қайтишни буюради ва яна ўзига тасалли излайди, афтидан, топади ҳам. Учинчи марта у сайр қилгани чиқади, бироқ бу сафар у янги бир ҳолатга кўзи тушади. Одамлар бир нимани кўтариб кетишарди. “Нима у?” сўраганида, “Ўлик одам” деб жавоб қилишади, шунда шаҳзода “Ўлик дегани нима?” деб сўрайди. Ўлик бу инсоннинг охир оқибат бўлгани, ҳамма шу одам каби ўлишини айтишади. Шаҳзода яқинроқ келиб, унинг юзини очиб қарайди. Энди унга нима қилади, деб сўрайди. Уни ерга кўмишларини айтишади. “Нима учун?” деб сўрайди шаҳзода. Шунгаки, энди у ҳеч қачон тирик бўлмайди, чириб ирийди, қурт-қумурсқага ем бўлади. “Бу ҳамма одамларнинг қисматими? Мен билан ҳам шундай бўладими?” деб сўрайди шаҳзода. “Ҳа!” деб жавоб қилишади. “Орқага! Мен сайр қилгани бормайман ва ҳеч қачон бормасам керак!”

Шу билан Сакиа-Муни бунга ҳаётдан тасалли топа олмади ва ҳаёт энг улкан ёвузлик эканлигини англади. У қалбининг бор кучини ҳаётдан озод бўлишига ва бошқаларни ҳам озод қилишга сарф қилди. Шундай озод қилиш керакки, ўлимдан кейин ҳаёт ҳеч қанақасига қайта тикланмасин. Буни ҳинд донишмандлиги шундай дейди.

Инсон донишмандлиги ҳаёт саволларига бевосита қуйидагича жавоб беради:

“Тана ҳаёти ёвузлик ва ёлғондир. Ва шунинг учун бу тана ҳаётини йўқ қилиш яхшиликдир ва биз шуни исташимиз лозим”, дерди Суқрот.

“Ҳаёт - бўлиши керак бўлмаган ёвузликдан иборат ва унинг йўқликка ўтиши ҳаёт яхшилигидир”, дерди Шопенгауэр.

“Бу дунёда ҳамма нарса — донолик ва ақлсизлик, бадавлатлик ва қашшоқлик, қувонч ва қайғу — ҳаммаси беҳуда ва бўшлиқдир. Одам ўлади ва ҳеч нима қолмайди. Ва бу аҳмоқликдир”, дейди Сулаймон.

“Азобланиш, кучсизланиш, қариш ва ўлишнинг муқаррарлигини била туриб яшаб бўлмайди, ўзимизни ҳаётдан, унинг ҳар қандай имкониятидан озод қилишимиз керак” дерди Будда.

Бу кучли ақл эгалари айтган, ўйлаган ва ҳис қилганини уларга ўхшаган миллион-миллион одамларда ҳам бўлган. Ва мен ҳам ўйлайман, ҳис қиламан.

Хуллас, менинг илм ичида сангиганим мени тушкунлигимдан чиқариш ўрнига унга бадтар ботирди. Бир илм саволимга жавоб бермади, бошқаси эса менинг тушкунликка тушишим бекор эмаслиги, мен қилган хулоса адашган, касалланган ақлимнинг маҳсули эмас, балки ҳақиқат эканлиги, худди шундай инсониятнинг энг кучли ақллари ҳам ўйлашганини тасдиқлади.

Ўз ўзингни алдашдан фойда йўқ. Ҳаммаси беҳудадир. Тугилмаганларнинг бахти бор, ўлим ҳаётдан афзалроқ, ундан қутулиш керак.

## VII

Илмда изоҳ топа олмай, атрофимдаги одамлардан излай бошладим. Мен одамларни кузата бошладим, улар қандай яшашлари, мени тушқунликка олиб келган саволга муносабатларини ўргандим.

Мен билан бир хил даражада маълумотга эга ва мендай ҳаёт тарзига эга одамларни кузатдим.

Менинг доирамдаги одамлар учун мана шу даҳшатли ҳолатдан чиқиб кетиш учун тўрт чиқиш йўлини топдим.

Биринчи чиқиш ғафлатдир. Ҳаёт ёвузлик ва мақсадсизлик эканлигини билмаслик, тушунмасликдир. Бу тоифадаги одамлар кўпинча аёллар, ёшлар, ёки жуда нодон кишилардир, улар Шопенгауэр, Сулаймон, Буддага рўпаро бўлган ҳаёт саволини тушунишмайди. Улар пастда оғзини озиб турган аждарҳони, шохни кемираётган сичқонни кўришмайди, асал томчиларини ялаш билан овора бўладилар. Улар бирон сабаб билан аждарҳо ёки сичқонларга эътиборларини қаратиб қолмагунларича, асални ялашда давом этаверадилар. Лекин мен улардан ҳеч нима ўргана олмайман, чунки билган нарсамни энди билмаслигимнинг имкони йўқ.

Иккинчи йўл — бу эпикуризм (ишратпарастлик). Бу йўл шундан иборатки, имкон борича аламни ҳаёт лаззатидан олиш, на аждарҳого, на сичқонга қарамай, бутун эътиборни кўпроқ асални ялашга қаратишдир. Сулаймон бу чиқиш йўлини шундай ифодалайди: “Роҳатланишни яхши дедим, чунки қуёш остида инсон учун еб-ичиш ва қувонишдан яхшироғи йўқ, Худо ато қил-

ган кунларида унга шулар ҳамроҳ бўлади. Шундай экан еб-ич, яйра. Севган аёлинг билан ҳаётдан лаззат ол. Қўлингдан нима келса шуни қил, зотан сен борадиган ер остида на иш, на фикр, на билим, на донолик бор”.

Бу иккинчи чиқиш йўлини кўпчилик одамлар танлашади.

Бу йўлни танлаганлар, шуни англашмайдики, уларнинг вазиятлари тасодиф. Ахир ҳамманинг ҳам Сулаймон каби мингта аёли ва қасрлари бўлиши мумкин эмас. Кимдадир ҳаёт лаззати тўкин бўлиши бошқа кўплаб одамларда умуман бўлмаслигига сабаб бўлади. Бу одамларнинг маънан кўрлиги, Будда каби қариллик, касаллик ва ўлимдан қочгани, бу ҳақида ўйламагани билан, улар ҳеч қачон бошларига тушмаслигини билдирмайди, бир кун қисмат ўз ишини қилади.

Мен бу одамларнинг йўлини тута олмадим, ҳеч қандай ҳаёт лаззати аҳмоқларча, кўр-кўрона аждарҳо ва сичқондан диққатимни олишга, уларни унутишга мажбур қила олмайдим.

Учинчи чиқиш — куч ва энергия йўлидир. У ҳаёт ёвузлик ва маънисиз эканлигини тушуниб, уни йўқ қилишдан иборат. Буни камдан кам кучли одамлар амалга ошира олади. Бундай одамлар улар устидан қилинган аянчли ҳазилни англаб, ўлганлар ҳолати тириклардан афзаллигини тушуниб, бу аҳмоқона ҳолатдан чиқиш йўли ўлим эканлигини биладилар. Мен бу йўлни энг муносиб деб топдим ва шундай йўл тутмоқчи бўлдим.

Тўртинчи чиқиш ожизлик йўлидир. Ҳаёт ёвузлик ва бемаъниликдан бошқа нарса эмаслиги, бундан ҳеч нима чиқмаслигини била туриб уни чўзиб яшаб юраверишидир. Бу тоифа одамлар ўлим ҳаётдан яхшироқ эканлигини билишади, бироқ ожизликлари туфайли, ёлғонни тугатиш ўрнига ниманидир кутиб яшаб юраверадилар.

Бу чиқиш ожизлик, иродасизлик, ўз ўзига кучи етмаслик йўлидир. Одам яхшироқ нима эканлигини била туриб, нега уни танлай олмайди?... Мен шу тоифага мансуб эдим.

Хуллас, менинг доирамдаги инсонлар тўрт йўл билан даҳшатли зиддиятли ҳолатдан чиқиб кетадилар. Мен қанча ақлимни ишга туширмай, шу тўрт йўлдан бошқасини топмадим. Битта йўли шуки, ҳаёт маънисизлик, беҳудалик ва ёвузлик эканлиги, ва яшамай қўя қолиш маъқуллигини тушунмаслик. Мен буни биламан ва тушунаман, энди ундан кўзимни юмиб, билмай қолишим мумкин эмас. Бошқа йўли ҳаёт қандай бўлса шундайлигича яшаш ва эртанги кунни ўйламаслик. Бу қўлимдан келмайди. Мен худди Сақна-Муни каби қарилик, касаллик, ўлим борлигини билганимдан сўнг ҳатто ов қилгани ҳам чиқа олмай қолдим. Тасаввурим ҳаддан ташқари жонли эди. Менга ҳаётда дучор бўлган ҳаёт лаззатларидан баҳрамаңд бўла олмасдим. Учинчи йўл — ҳаёт аҳмоқлик ва ёвузлик эканлигини тушуниб, ўз ўзингни ўлдиришдир. Мен буни тушунардим-у, нима учундир ўзимни ўлдиролмасдим.

Тўртинчи йўл — Сулаймон, Шопенгауэрдай яшашдир. Ҳаёт устингдан ўйналган энг ёвуз ҳазил эканлиги, ғирт аҳмоқликдан бошқа нарса эмаслигини тушуниб, била туриб, қандайдир яшашда давом этиш, ювиниш, кийиниш, овқатланиш, гаплашиш ва ҳатто китоб ёзиш каби ишларни қилавериш. Бу мен учун жирканчли, азобли эди, бироқ шу тоифада қолавердим.

Энди бир нарсани кўриб турибман, мен ўзимни ўзим ўлдирмаганим сабаби шуки, юритган мулоҳазаларимда маълум бир адолатсизлик бор эканини аниқ англамасдим. Ҳаётнинг бемаънилигини англашимга олиб келган фикрларим ва мутафаккирлар мулоҳазалари қанча-

лик ишончли ва шубҳасиз туюлмасин, менда ўз мулоҳазаларимнинг ибтидоси чинлигига хира-шира шубҳа сақланиб қолган эди.

Бу қуйидагича эди: мен ўз ақлим билан ҳаётнинг ақлсиз эканини эътироф этдим. Агар олий тафаккур бўлмаса (бундай тафаккур йўқ ва ҳеч нарса унинг борлигини исбот қилиб беролмайди), унда тафаккур мен учун ҳаётнинг бунёдкоридир. Ёки бошқа томондан қуйидагича: агар ҳаётим бўлмаганида, менинг онгим ҳам бўлмасди, демак, онг ҳаёт зурриёди. Ҳаёт бу ҳамма нарса. Онг ҳаёт маҳсулидир ва онг шу ҳаётни рад этмоқда. Мен шу ерда нимадир тўғри эмаслигини англардим.

Ҳаёт бемаъни ёвузлик, бу шубҳасиз, - дердим ўзимга, - Бироқ мен яшадим ва яна яшайман, одамзот ҳам яшган ва яшайди ҳам. Қандай шундай бўлади? Нега у яшайди, ахир яшамаслиги мумкин-ку? Нима фақат мен билан Шопенгауэргина ақллимизми, биздан бошқа ҳаётнинг ёвузлиги ва бемаънилигини ҳеч қимга аён эмасми?

Ҳаёт беҳудалигини англаш учун катта ақл керак эмас, буни энг содда одамлар ҳам билишган ва улар яшашган ва яшамоқдалар. Менинг билимларим донишмандлар томонидан тасдиқланган бўлиб, бу оламдаги барча нарса — органик ва ноорганик, ҳаммаси ақл билан тузилганлигини англадим, бироқ менинг ҳолатим аҳмоқона эди. Бу аҳмоқлар — оддий одамлар оломони қанчалар органик ва ноорганик олам ақл билан яратилгани борасида ҳеч қандай илмга эмас-у, лекин ўзларининг ҳаётлари ақлга асосланганига ишонишади.

Ва шунда миямга мен бир нарсани билмасам-чи деган фикр келиб қолди? Ахир билмаслик худди шундай бўлади. Билмаслик худди шундай дейди. Ниманидир билмасликда ўша нарсани билмасликни аҳмоқлик деб ҳисобланади. Аслида мана бундай вазият юзага келиб

чиқмоқда, бутун бир инсоният ҳаёт мазмунини тушуниб яшаб келмоқда, агарки тушунмаганда яшаб келармиди, мен эса ҳаёт бемаънилиқ экани ва яшай олмаслигимни айтаман.

Мен билан Шопенгауэрға ҳаётни рад этишимизга ҳалақит бера олмайди. Ўзингни ўлдирки, фикрлашдан тўхтайсан. Сенга ҳаёт ёқмадим, ўлдир ўзингни. Яшаб-яшаб, ҳаёт мазмунига тушунмасанг, тўхтат уни, сарсон бўлиб нима қиласан, ҳаётни тушунмаслигингни ёзиб чизиб юрганинг кимга керак. Бир қувноқ даврага келиб қўшилдинг, ҳамма хурсанд, улар нима қилаётганини билади, сенга эса зерикарли ва жирканч, шундай экан нима қилиб ўтирибсан, тур-да кет.

Биз ким бўлдик, ҳаётга нукта қўйиш кераклигини тушуниб етиб, бироқ буни амалга ошира олмаётган ожиз, беқарор, бетайин, хуллас, бир сўз билан айтганда, тўрва халтасини кўтарган аҳмоқлармиз.

Қанчалик донишмандлигимиз бизга садоқатли бўлмасин, ҳаёт мазмуни ҳақида билимни бергани йўқ. Лекин умргузаронлик қилаётган миллионлаб инсонлар ҳаёт мазмунли эканлигига шубҳа қилишмаяпти.

Аслида қадим-қадим замонларда, инсон зоти ҳаёт ҳақида мулоҳаза юритган ва унга қандайдир мазмун берган. Ўшандан бери одамлар ҳаётдан маъно бор деган ақида билан яшаб келмоқдалар. Менда бор ва атрофимда бўлган ҳамма нарса уларнинг ҳаёт ҳақида билимлари маҳсулидир. Мен ҳаётни тадқиқ этаётган фикрлаш қуроллари ўз ўзидан пайдо бўлган эмас, балки улар томонидан қилинган. Мен ўзим улар туфайли туғилдим, ўсдим, тарбияландим. Улар темирни қазиб олишди, бизни ўрмон кесиш, экин экиш, бирга яшашга ўргатишди, чорва ҳайвонларини уй ҳайвонига айлантиришди, бизнинг ҳаётимизни тартибга солишди, мени



ўйлашга, гапиришга ўргатишди. Мен уларнинг маҳсули, тарбия қилгани, боқилгани, еб-ичиргани, сабоқ бергани бўла туриб, уларнинг фикри ва сўзлари билан мулоҳаза юрита туриб, уларга ҳаёт маънисиз нарса эканлигини исботладим! “Йўқ, бу ерда қандайдир хато бор” — дердим ўзимга.

“Қаердадир адашдим” дердим, бироқ қаерда билмасдим.

### VIII

Мен ҳозир шубҳамни қандайдир тарзда аниқроқ ифода-дай оламан. Бироқ олдин ҳаётнинг бемаъни нарса эканлиги ҳақида фикрларим қанчалар мантиқан тўғри бўлмасин, буюк мутафаккирлар томонидан тасдиқланмасин, уларда қандайдир хатолик борлигини сезардим. Бу хато фикрлашим ўзидами ё саволни қўйишимдами, билмай қолдим. Қанчалар ҳаёт маънисизлигига ишонч, далиллар кучли бўлмасин, лекин бу ўз ўзимни ўлдир-иш учун етарли эмас эди.

Мен ақл билан, мушоҳада қилиш билан ўз ўзимни ўлдирмасликка қарор қилдим десам ёлгон гапирган бўлардим. Ақл ишлаб турарди, яна нимадир менда, уни ҳаёт онги деб номлашим мумкин, ишларди.

Менда шундай куч ишлардики, у мени тушкунликдан чиқариб, ақлимни умуман бошқа томонга йўналтирди.

Бу куч таъсирида мен ва менга ўхшаш юзлаб одамлар, бутун инсоният эмас, ҳали инсон ҳаёти нима эканлигини англаганимиз йўқлигига эътибор қаратдим.

Атрофимдаги мен қатори одамларга назар ташлаб, бу ҳаёт саволини тушунмайдиган, тушунса ҳам мастлик билан унинг овозини ўчирадиган, ҳаётни тушуниб, ўз жонига қасд қиладиганлар, ҳамда тушунади-ю, би-

роқ ожизлиги сабаб охирги кунларини кутиб яшайдиганларни кўрдим. Фақат шуларни кўрдим, бошқаларни эмас. Менга бутун инсониятни мен мансуб бўлган олимлар, бой-бадавлатлар ва бекорчилар даврасидаги одамлардан иборат деб ўйлардим, миллиард-миллиард яшаган ва яшаётган бошқа одамлар одам эмас, қандайдир молми деб ўйлардим.

Қанчалар бундай кулгили тарзда хато ўйлаганимни ҳозир ҳеч ақлимга сиғдира олмайман, мен ўйлабманки, менинг ва шу билан бирга Сулаймон, Шопенгауэрлар ҳаёти ҳақиқий, рисоладай, лекин бошқа миллиард одамларнинг ҳаёти ҳаёт эмас-у, улар эътибор беришга лойиқ эмас. Кибрли ақлим мен ва мен каби Сулаймон, Шопенгауэрлар саволни тўғри қўйганига шак-шубҳасиз ишонч бор эди, қолган миллиард одамлар эса бу саволнинг ўзини тушуниб етишга қодир эмас деб ҳисобларди, бироқ ҳеч ўйлаб кўрмасдики, “Бу оламда яшаган ва яшаётган миллиард-миллиард одамлар ҳаётларига қандай мазмун беришган?”

Мен мана шу аҳмоқона фикрлаш билан узоқ яшадим. Бу сўзда эмас, амалда бўлиб, мен каби либерал ва олимларга хос эди. Бироқ менинг меҳнаткаш халққа бўлган муҳаббатим, уларнинг ҳаётини чуқурроқ ўрганишимга мажбур қилди ва шунда улар биз ўйлаганчалик аҳмоқ эмас эканлигини тушундим. Ҳаёт мазмуни борасида билганим ўзимни осиб қўйишимга сабаб бўлиши билан бошқа ҳеч нимага ярамас экан, мен бир нарсани ички туйғаларим билан англадим: мен ҳаёт мазмунини уни маъносиз деб ҳисоблаб, ўзини ўлдиришга қарор қилганлардан эмас, балки ҳаётни бунёд этувчи, ўзининг ва бизнинг ҳаётимизни елкаларида олиб юрувчи, яшаб келган ва яшаётган миллиард-миллиард одамлардан излаш кераклигини тушундим. Ва мен теваракка назар

ташлаб; олим бўлмаган, бой-бадавлат бўлмаган оддий одамлар ҳаётига назар ташладим. Мен шуни кўрдимки, бу одамларни аввал ўйлаганимдай ҳаёт саволи моҳиятига тушуниб ета олмайди деб бўлмайди, улар ўзлари саволни аниқ қўйиб, унга аниқ жавобни берадилар. Уларни эпикуреизм (маишатпарастлик) тарафдори деб айтай ҳам олмасдим, чунки уларнинг ҳаёти чеклаш ва азоблардан иборат, роҳат-фароғат эса жуда кам. Ноилож ва ожизликдан ҳаётларининг сўнгги дақиқаларини кутиб яшайдилар деб айтолмайман. Чунки улар ҳаётнинг ўзини ва ўлимнинг маъносини тушунадилар. Ўз жонига қасд қилишни эса катта гуноҳ деб биладилар.

Билсам, бутун инсониятда мен тан олмайдиган ва нафратланадиган ҳаётнинг мазмуни ҳақида билим бор экан. Бундан келиб чиқадики, ақлий билимлар ҳаёт мазмунини инкор қилади, ҳаётни бемаънилик деб атайди, бироқ миллиард одамлар, бутун инсоният томонидан ҳаётга мазмун берадиган илми қандайдир ёлгон, илмий асоссизга ўхшайди.

Ақлий билим олимлар ва донишмандлар сиймосида ҳаёт мазмунини рад этади, бутун инсоният, оломон эса ақлга асосланмаган илм билан бу ҳаёт мазмунини тан олишади. Мана шу ақлга асосланмаган илм — эътиқоддир, айнан шуни мен юрагимдан чиқариб ташлай олмадим. Бу Яратувчи, дунёнинг яралиши, иблис ва фаришталар, буларнинг ҳаммасини ақлдан озмагунимча қабул қила олмадим.

Аҳволим жуда оғир эди. Мен шуни билардимки, ақлий билимда ҳаётни инкор қилишдан бошқа нарса ни топа олмайман, эътиқодда эса ҳаётни инкор этишдан ҳам имконсиз бўлган ҳолат — ақлни инкор этишдан бошқа ҳеч нима эмас. Ақлий билимдан ҳаёт ёвузлик ва бемаънилик эканлигини била туриб, инсонлар

яшайверади, худди шундай мен ҳам яшашда давом этишимни намоён этарди. Эътиқодга кўра, мен ҳаёт мазмунини тушунишим учун ўша ҳаёт мазмунини излаган ақлдан чекинишим кераклигини тушундим.

## IX

Шу ерда қарама-қаршилик юзага келди, ундан чиқиб кетишнинг икки йўли бор эди: ё мен ақлий деб ҳисоблаган илм у қадар ақлий эмас, ё ақлдан йироқ деб ҳисоблаган эътиқод мен ўйлаганимдай ақлдан холи эмас.

Шунда мен ақлий билимда мулоҳаза қилиш кетма-кетлигини текшириб чиқдим ва уни мутлақо тўғри деб топди. Ҳаёт маъносиз нарса эканлиги борасида хулосадан бошқа нарса келиб чиқмади. Бироқ мен хатоимни шу вақт сезиб қолдим. Хатоим шунда эдики, мен қўйилган саволга мувофиқ жавоб бермасдим. Савол мана шундай эди: нима учун яшайман, яъни чексиз оламда менинг мавжуд бўлишимдан охир оқибат натижа нима? Мана шу саволга жавоб бериш учун ҳаётни ўргандим.

Афтидан, барча ҳаётий саволлар жавоблари мени қониқтирмаган. Чунки саволим қанчалик содда туюлмасин, чекланганликни чексизлик билан ва аксинча тарзда тушунтириб бериш талабини қўярди.

Мен шундай сўрардим: менинг ҳаётим вақт, сабаб ва маконга боғлиқ бўлмаган тарзда қандай маънога эга? Аслида эса қуйидаги саволга жавоб берардим: Менинг ҳаётим вақт, сабаб ва макон билан боғлиқ қандай маънога эга. Бундан чиқдики, мен узоқ мушоҳада юритиб, ҳеч қандай деган мулоҳазага келдим.

Мен ўз мушоҳадаларимда доимо бир-бирига тенг бўлган нарсаларни олардим, бундан бошқача ҳам қила

олмасдим, чекланганни чекланган билан, чекланмаганни чекланмаган билан, шунинг учун менда чиқиши керак бўлган нарса чиқарди: куч куч бўлиб, модда модда бўлиб, ирода ирода бўлиб, чексизлик чексизлик бўлиб, йўқлик йўқлик бўлиб, бунинг давомида бошқа ҳеч нима чиқмасди.

Худди математикада бўлгани каби тенгламани ечишни ўйлаб, айниятни ҳал қилган бўламиз. Фикрлаш усулику тўғри, лекин жавоб қуйидагича бўлади:  $a = a$ , ёки  $x = x$ , ёки  $0=0$ . Шундай ҳолат менинг ҳаёт саволи борасида фикрлашимда ҳам содир бўлди. Бутун илм билан бу саволга бериладиган жавоб — фақат айниятдир.

Ҳақиқатан ҳам жиддий ақлий билим, Декарт айтганидай ҳамма нарсага шубҳа билан қарашдан бошланган билим фақат ақл ва тажрибага асосланади, ва ноаниқ жавобдан бошқасини бера олмайди. Менга билим ижобий жавоб, яъни Шопенгауэр жавобини бергандай туюлди: ҳаёт мазмунсиз, ҳаёт-ёвузлик. Бироқ теран ўйлаб қарасам, жавоб ижобий эмас, у шунчаки менинг ҳисларим уни шундай ифодалаган. Сулаймон, Шопенгауэр билан ифодаланган жавоб ноаниқ жавобдан бошқа нарса эмас экан ёки у  $0=0$  айниятдир. Айтмоқчиманки, мен ҳаётни ҳеч нима деб тасаввур қилсам, у ҳақиқатан ҳам ҳеч нима бўлади. Хуллас, фалсафий билимлар ҳеч нимани инкор қилмайди, фақат бу саволга ечими бўлиши мумкин эмаслиги, унга жавоб фақат ноаниқ бўлиши мумкинлигини айтади.

Мен буни тушунганимдан сўнг, ақлий билимда саволимга жавоб излаб бўлмаслиги, билимдан олинадиган жавоб фақат саволни бошқача қўйгандагина олиб бўлишини, савол чекланганлик чексизликка нисбатан қартилган бўлиши кераклигини англадим. Яна шуни билдимки, эътиқод томонидан бериладиган жавоб қанча

лик ақлга тўғри келмайдиган ва беўхшов бўлмасин, улар чекланганликни чекланмаганликка нисбатан жавобни киритади, бусиз жавобнинг бўлиши мумкин эмас. Қандай яшашим керак деган? Саволини қай тарзда қўймай, жавоб биттадир — Худонинг қонунлари бўйича. Менинг ҳаётимдан охир-оқибат нима чиқади? — мангу азоб ёки мангу роҳат. Ўлим билан йўқ бўлмайдиган ҳаётнинг қандай мазмуни бор? — Худонинг ҳузурига бориш, жаннатга эришиш.

Хуллас, мен илгари ягона деб билган ақлий билимдан яна бошқа, ақлга зид келадиган билим борлигини ва бу билим эътиқод бўлиб, у яшашга чорловчи эканлигини тушундим. Мен эътиқоднинг ақлга сифмас билим эканлиги ҳақида фикримни ўзгартирмадим, бироқ фақат шу билимгина ҳаётини саволларга жавоб бера олиши ва инсонларни яшашга чорлашини тан олдим.

Ақлий билим ҳаёт маъносиз эканлигига ишонишимга олиб келди, натижада ҳаётим тўхтаб қолди, яшашни истамай қолдим. Лекин атрофга, одамларга қарасам, улар яшашмоқда ва ҳаётнинг маъносини билишларини таъкид қилмоқда, ўзимга боқсам, мен ҳам эътиқод менга ҳаёт мазмунини бергунга қадар яшадим.

Бошқа мамлакатлардаги яшаб ўтган ва яшаётган одамлар ҳаётига ҳам боқдим ва худди шу нарсани кўрдим. Қаерда ҳаёт бўлса, ўша ерда эътиқод бор, у инсоният яшашини таъминлаб келмоқда, ҳамма ерда ва ҳамма вақт эътиқод бир хил жиҳатларга эга бўлади.

Эътиқод қандай бўлмасин, қандай жавоб бермасин, унинг чекланган инсон ҳаётига чексиз маъно беради ва бу маъно ўлим билан, азоб-уқубатлар билан, йўқотишлар билан йўқ бўлмайди.

Демак, биргина эътиқоднинг ўзида ҳаётнинг маъносини ва яшаш имкониятини топиш мумкин. Шунин-

гдек, эътиқод шунчаки моҳиятига кўра “кўринмас нар-  
саларни фош этиш” гина эмас. У шунчаки қалбни очиш  
эмас (бу эътиқод белгиларидан бирини таърифлашдир),  
инсоннинг Худога мурожаат қилгани эмас (аввал эъ-  
тиқодни аниқлаш лозим, кейин Худони, Худо орқали  
эътиқодни эмас), унга одамлар айтгани билан рози бў-  
лишгина эмас, балки эътиқод инсон ҳаётини мазмуни  
ҳақида билимдир, шу билим бор эканки, инсон ўзини  
йўқ қилмайди, яшайди.

Эътиқод ҳаёт кучидир. Агар инсон яшаса, у нимага-  
дир ишонади. Агар у нима учундир яшаши кераклигига  
ишонмаганида у яшамасди. Агар инсон чекланганлик-  
нинг ҳаёлийлигини кўрмаса ва англамаса, у бу чеклан-  
ганга ишонади, агар у чекланганлик ҳаёлий эканлиги-  
ни билса, у чексизликка ишонади. Иймон-эътиқодсиз  
яшаб бўлмайди.

Мен ички тафаккур ишларимни эслаб, даҳшатга туш-  
дим. Энди менга шу нарса аён бўлдики, инсон яшай  
олиши учун ё у фонийликдан кўз юмиши керак, ёки  
шундай ҳаёт мазмунига эга бўлиши керакки, унинг фо-  
ний ҳаёти боқийга тенглаши лозим. Менда шундай изоҳ  
бор эди, бироқ мен чекланганликка, фонийликка ишон-  
ган вақтимда у менга керак бўлмади, чунки мен уни  
ақл тарозиси билан ўлчардим. Ақл билан изланганда  
олдинги барча изоҳлар кул бўлиб учиб кетарди. Бироқ  
вақти келиб мен фонийликка ишонмай қўйдим. Шун-  
да мен ақлдан фойдаланиб, ҳаёт мазмунини бунёд эта  
бошладим, бироқ қанча уринмай мен бунёд этган бино  
қулаб тушаверди. Инсон зотининг энг кучли мутафак-  
кирлари билан  $0 = 0$  деган ечимга келдим ва бундан  
бошқа ечимни ола олмаганимдан жуда ажабландим.

Мен ақлий билимдан жавоб излаганимда нима қил-  
дим? — Мен нима учун яшаётганимни билиш учун ўзим-

дан ташқарида жавоб изладим. Мен кўп нарса билиб олганим аниқ, бироқ менга керак бўлган билим йўқ.

Фалсафа билимларида жавоб излаганимда нима қилдим? Мен нима учун яшаймиз деган саволга жавоб излашда бўлган мен каби ҳолатдаги одамларнинг фикрларини ўргандим. Мен улардан ўзим билгандан ортиқни билганим йўқ.

Мен нимаман? — боқийликнинг бир қисми. Мана шу икки сўзда бутун масала ифодаланмоқда. Наҳотки бу саволни инсоният олдин ўзига берган бўлмаса? Наҳотки, мендан олдин ҳеч ким бу саволни ўзига берган бўлмаса? Бу ахир оддийгина, ҳар ақл кишиси ҳаёлига келадиган савол-ку.

Ахир бу савол инсоният пайдо бўлганидан бери мавжуд ва унга жавоб бериш учун чексизликни чексизлик билан, фонийликни фонийлик билан тенглаштиришнинг ўзи етарли бўлмаган, одамлар фонийликни боқийликка нисбатан олиб жавоб топишган.

Фонийлик чексизликка тенглаштирилганида ҳаёт мазмуни, Яратган борлиги, эркинлик, меҳр-оқибат каби тушунчалар келиб чиқади ва уларни мантиқан ўрганиб кўрамиз. Бу тушунчалар ақлга сигмайди.

Биз худди болалардай соатни қисмларга ажратамиз ва ўйнаймиз, кейин эса нега улар ишламаётганига ҳайрон қоламиз.

Бу жуда даҳшатли бўлмаганида ниҳоятда кулгили бўларди. Чекланган нарса билан чексиз нарса ўртасидаги зиддиятни ҳал қилиш ва ҳаёт саволига яшашга имкон берадиган жавобни топиш керак. Бунга ечим бор. Бу ечим ҳамма вақт, ҳамма жойда ва ҳамма халқларда бўлган. Бу ечим асрлар давомида мавжуд бўлиб келган, у шу қадар қийин ечимки, биз ўзимиз уни удалай олаемиз. Ана шу ечимни ўзимиз яксон қила-



миз-да, унинг ўрнига биз жавоб топа олмаган саволни кўндаланг қилиб қўямиз.

Худонинг чексизлиги, руҳнинг илоҳийлиги, банданинг Худо билан боғланганлиги, яхшилик ва ёмонлик маънавий тушунчалари — бизга кўринмас инсоният ҳаётининг узоқ ўтмишидан бери шаклланиб келган тушунчалар бўлиб, уларсиз ҳаёт ҳам бўлмасди, мен ҳам бўлмасди. Мен эса Инсониятнинг неча асрлик ишидан юз ўгириб, ҳаёт мазмуни тушунчасини ўзимча яратмоқчи бўлдим.

Мен ўшанда айнан шундай ўйлаган эмасман, бироқ шундай фикрлар уруғи бор эди. Мен қуйидагиларни тушунардим: 1) Менинг Шопенгауэр ва Сулаймон билан ҳолатимиз аҳмоқона эди: биз ҳаёт ёмонлик эканлигини тушуниб турамыз, бироқ яшашда давом этамыз. Бу ҳақиқатан ҳам аҳмоқлик эди, чунки ҳаёт аҳмоқона нарса бўлса, мен ақл тарафдори сифатида ақлсиз ҳаётни йўқ қилишим керак эди, шунда уни инкор қиладиган одам қолмасди. 2) мен шуни тушунардимки, бизнинг фикрларимиз сеҳрланган айлана атрофида шестерняга бирикмаган гилдирак каби айланиб юради. Биз қанчалик маъноли ва чуқур мушоҳада юритмайлик, саволга жавоб ола олмаймиз ва ҳар доим  $0 = 0$  дан бошқа натижа чиқмайди, чунки йўлимиз хато. 3) Мен шуни англадимки, эътиқод томонидан бериладиган жавобларда инсониятнинг чуқур донишмандлиги жой олган ва мен ақлимга таяниб уларни инкор қилишга ҳаққим йўқ эди. Энг муҳими эса айнан эътиқодгина ҳаёт саволига жавоб берарди.

## X

Мен буни тушунардим, бироқ бундан ўзимни енгил ҳис қилганим йўқ. Мен энди ҳар қандай эътиқодни қабул қилишга тайёр эдим, фақат у бутунлай ақлимга таянишимни чекламаса бас. Мен буддизмни, Муҳаммад дини, христианлик динини китоблардан ҳам, одамлардан ҳам ўргандим.

Мен табиийки, аввало атрофимдаги, менинг доирамдаги эътиқодли инсонларга, олимларга, православларга, монарх-қарияларга, эътиқод йўли билан гуноҳлардан тозаланишни тарғиб қилувчи янги христианлик деб аталувчи художўйларга мурожаат қилдим. Мен улардан турли нарсаларни сўрадим, қандай ишонишлари ва ҳаёт мазмунини нимада билишлари борасида савол бердим.

Мен уларга ён босишим, турли тортишувлардан қочишимга қарамай, уларнинг эътиқодларини, динларини қабул қила олмадим. Мен шунни кўрдимки, улар эътиқод деб билганлари ҳаёт мазмунини тушунтирмайди, аксинча уни хиралаштиради. Улар ўз эътиқодларини ҳаёт мазмунини англаш учун эмас, балки менга номаълум мақсадлар учун қайд этардилар.

Мен бу инсонлар билан мулоқот қилганимдан сўнг аввалги тушкун ҳолатимга қайта-қайта тушиб қолишим жуда аянчли эди.

Улар қанчалар менга динларини ўргата бошлашса, мен шунчалар уларнинг адашганликларини кўраман ва уларнинг эътиқодида ҳаёт мазмунини топа олиш умидим шунчалар сўлиб бораверарди.

Улар динларида доим менга яқин бўлган христианлик ҳақиқатига кўплаб кераксиз, ақлга сизмас нарсаларни аралаштириб юбордилар. Бироқ бу мени эътиқоддан

итариб юборган омил эмас. Мени улардан узоқлаштирган нарса шуки, уларнинг ҳаёти меникидан фарқ қилмасди, уларнинг ҳаёти динлари тарғиб қилган асосга мувофиқ эмас эди.

Мен шуни ҳис қилдимки, улар ўз ўзини алдашмоқда ва ҳаётларида меники каби маъно йўқ, қандай тўғри келса, шундай яшайдилар, қўллари қаерга етса, ўша ерни ушлайдилар. Агар уларда ҳақиқатан ҳам ўлимни, касалликни ва йўқотишларни аҳамиятсиз қилиб қўядиган ҳаёт мазмуни бўлганида, улар ушбу ҳолатлардан қўрқмаган бўлардилар. Менинг доирамдаги художўйлар мен каби бойликда яшашарди, давлатларини кўпайтириш ва сақлаш билан овора эди, йўқотиш, азоб ва ўлимдан мен ва бошқалар каби қўрқишарди.

Ҳеч бир фикр-мушоҳада уларнинг эътиқодлари тўғри эканлигига мени ишонтира олмади. Уларда шундай ҳаёт мазмуни бўлиши керакки, менга қўрқинчли бўлган ўлим, касаллик, қашшоқлик улар учун қўрқинчли бўлмаслиги керак. Мен ўз доирамдаги художўйлар ҳаракатида бундай ҳаёт мазмунини ҳис қилганим йўқ. Аксинча, мен баъзи худога ишонмайдиган танишларимда бу ҳаракатларни кўрдим, лекин бирон марта атрофимдаги художўйларда кўрган эмасман.

Ва шуни тушундимки, бу одамларнинг эътиқоди мен излаган ҳақиқий эътиқод эмас, у шунчаки эпикуреизмга асосланган таскинликдир. Бу эътиқод Сулаймон каби ўлим тўшагида ётганлар кўнглига тасалли бериш учунгина яроқли, бироқ бутун инсониятга, кўп сонли одамларга эса ҳаётни яратишлари учун бошқа эътиқод керак. Инсоният яшаши, ҳаётни давом эттириши, унга мазмун бериши учун, бу миллиард сонли одамларда бошқа, ҳақиқий дин бўлиши керак. Мен Сулаймон ва Шопенгауэр каби ўз ўзимизни ўлдирма-

ганлигимиз эмас, балки миллиардлаб инсонлар яшаб келгани ва яшада давом этаётганлиги, ҳамда бизни ҳам ўз тўққини билан олиб кетгани ҳақиқий эътиқод борлигига ишонтирди.

Шунда мен камбағал, оддий, олим бўлмаган художўйлар, монахлар, дарвешлар, деҳқонлар, ишчилар билан яқинлашдим. Уларнинг ҳам дини доирамдаги номига эътиқод қилувчиларники каби христианлик эди.

Уларнинг христианлик динига кўплаб хурофотлар кўшилганди, бироқ менинг доирамдагилардан фарқли бу хурофот меҳнаткаш оддий халқнинг ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетганки, уларсиз ҳаётларини тасаввур қилиб бўлмайди, бироқ менинг доирамдаги художўйлар эътиқодида ҳеч уларга кераги бўлмаган, уларга шунчаки эрмак вазифасини ўтаган хурофотлар билан тўла. Менинг доирамдаги художўйлар эътиқоди уларнинг ҳаётига қарама-қарши, меҳнаткаш халқнинг дини эса эътиқод билими берган ҳаёт мазмуни билан тасдиқланган ҳаёт эди. Бу инсонларнинг ҳаёти ва эътиқодини чуқурроқ ўрганганим сари уларнинг эътиқоди ҳақиқийлигига ва ҳаёт мазмуни ва яшашига имкон беришига амин бўлиб боравердим. Менинг доирамда мингдан бири эътиқод қилувчи художўй бўлса, улар орасида мингдан бири динсиздир. Менинг доирамдаги одамлар ҳаёти бекорчилик, ўйин-кулги, ҳаётдан норози бўлиш билан ўтади, бироқ оддий одамлар ҳаёти оғир меҳнатда ўтади-ю, бироқ ҳаётдан норозиликлари бойларникидан оз. Яна шундай қарама-қарши ҳолатнинг гувоҳи бўлдимки, менинг доирамдаги одамлар касаллик ва йўқотишлар учун тақдирларидан норози бўлади, оддий одамлар ҳар қандай синовни тақдирдан деб биладилар ва ҳаёт синовларини ортиқча норозиликсиз, охири яхшилик деб қабул қиладилар.

Яна қарама-қаршилик шундаки, одамлар ақллироқ бўлгани сари ҳаёт мазмунини камроқ тушунади, аччиқ қисматимиз туфайли ўлишимиз ва касалликка дучор бўлишимизни ўйлаб қийналамиз, бу одамлар эса касаллик ва ўлимни хотиржамлик билан қабул қиладилар, ўлим ва касалликка қарамай хурсандчилик билан яшайдилар. Менинг доирамдаги одамлар орасида хотиржам, даҳшат ва аянчли тушкунликка тушган, тақдирга тан берилган ҳолда ўлим топиш камдан кам бўлади, аксинча меҳнаткаш халқ орасида нотинч ва тақдирдан норози ҳолда ўлим топиш жуда кам учрайди.

Мен атрофимга яхшироқ разм солдим. Мен кўплаб ўтиб кетган ва ҳозирда яшаётган одамлар ҳаётига боқдим. Мен икки-уч, ўнлаб эмас, балки юз, минг, миллионлаб одамларнинг ҳаёт мазмунини тушуниши, яшашни ва ўлишни билишини кўрдим. Уларнинг ҳаммаси ахлоқи, ақл-заковати, маълумоти, мавқеи ҳар хил бўлиб, бироқ ҳаммаси бир хил ва менга тесқари тарзда ҳаёт мазмунини билишарди, хотиржам меҳнат қилиб, йўқотишларга чидамли бўлишган, яшашган ва ўлишган, бунда беҳудаликни эмас, балки эзгуликни кўришган.

Ва мен шу одамларни яхши кўриб қолдим. Мен буларнинг ҳаётига чуқур кириб борганим сари, ҳамда шундай инсонлар ҳақида эшитганим ёки китобларда ўқиганим сари, улар яхши кўриб боравердим, яшашим ҳам осонлашиб борди. Мен шу тарзда икки йилча яшадим ва менда кескин ўзгариш содир бўлди, аслида бунинг уруғлари алақачон менга қадалган эди. Менда шундай ўзгариш юз бердики, менинг доирамдаги — бойлар, олимлар, киборлилар ҳаётидан кўнглим қолиши тугул, бутунлай маъносини йўқотди. Бизнинг ҳамма ишларимиз, фикрлашларимиз, илм-фанимиз, санъатимиз — буларнинг ҳаммаси менга тантиқликдай кўринди. Шуни

тушундимки, бундай ҳаётда маъно қидириш фойдасиз. Ҳаётни бунёд этадиган меҳнаткаш халқнинг ягона ҳақиқий ишдай кўринди. Ва шу ҳаётга маъно берадиган нарса ҳақиқат эканлигини англадим ва уни қабул қилдим.

## XI

Мен бир вақтлар инкор этган динларни тарғиб қилувчиларнинг ўзи шу динга зид ҳаёт кечиришларини кўрган эдим. Шунинг учун улардан воз кечдим ва уларни маъносиз, мақсадсиз деб билдим. Бироқ шу дин билан яшайдиган одамларни кўрдим, уларнинг ҳаёти билан танишдим, шунда илгари инкор этган ва маъносиз деб билган динни яна қабул қилдим ва унда ҳаёт маъносини топдим. Мен адашганим ва қандай қилиб адашганимни тушундим. Мен нотўғри фикрлаганим учун эмас, нотўғри яшаганим учун адашдим. Мендан ҳақиқатни адашган фикрлар эмас, балки ҳаётимни беҳуда кеткизган маишатпарастлик ва кўнгилхушликлар беркитишди. Мен шуни тушундимки, менинг ҳаётим нима деган саволга — ёмонлик деб жавоб берганим аслида тўғри эди.

Мен шу жойда хато қилдимки, менинг ҳаётим нима деган саволимга жавобни умуман ҳаётга тааллуқли деб билдим. Мен ўзимдан ҳаётим нима деб сўрадим, жавобим — ёмонлик ва маъносизлик бўлди. Ҳақиқатан ҳам ҳаётим маишатпарастликка берилиш эди ва у маъносиз ва мақсадсиз эди. Лекин бу фақат менинг ҳаётимга тааллуқли, бошқа одамларнинг ҳаётига эмас. Мен Инжилда ўқиган ҳақиқатнинг маъносига тушундим, унда айтиладики, инсонлар ёруғликдан кўра қоронғуликни яхши кўрдилар, чунки уларнинг қилган ишлари ёмонлик эди. Зеро ёмонлик қилувчи ҳар кимса ёруғликдан қоронғуга

қочади, чунки ишлари очилиб қолишидан қўрқади. Мен шуни англадимки, ҳаёт маъносини тушуниш учун аввало мақсадсиз яшаш ва ёмонлик қилишдан қочиш керак, кейингина ақл керак бўлади. Мен нима учун кундай равшан бўлган ҳақиқат атрофида бунча узоқ айланиб юрганимни тушундим, агар бутун инсоният ҳаёти ҳақида фикрлаган ва гапирганда, бутун инсоният ҳаётини ўйлаш ва гапириш керак эди, бир нечта зараркунандаларнинг ҳаётини эмас. Ҳақиқат ҳар доим ҳақиқат бўлиб келган, худди  $2x2=4$  дай. Бироқ мен буни тан олмасдим, чунки  $2x2=4$  эканлигини тан олишим, ўзимнинг яхши одам эмаслигимни тан олишимни билдирарди. Ўзимни яхши одам деб билишим  $2x2=4$  нисбатан муҳимроқ ва кераклироқ эди. Мен яхши одамларни билдим, ўзимни ёмон кўрдим ва ҳақиқатни тан олдим. Энди менга ҳаммаси аниқ бўлди.

Ҳаётини одамларни қийнаш ва бошини олиш билан ўтказаяётган жаллод, ёки ўлгудай ичган маст, ёки ўзини қоп-қоронғу хонага қамаган аҳмоқ, шу саволни ўзига берса, жавоб қандай бўлади? Улар ҳаёт нима деган саволга ёвузлик ёки аҳмоқлик дегандан бошқача жавоб бера олмайдилар. Агар бу саволга аҳмоқ шундай жавоб берса, демак фақат унинг ҳаёти аҳмоқона, бошқаларнинг эмас. Нима энди мен аҳмоқманми? Биз бойлар, олимлар худди шундай аҳмоқлармизми?

Худди шундай аҳмоқлармиз! Мен буни тушундим. Мен аниқ шундай аҳмоқ бўлганман. Қуш мавжудки, у учиши, дон териши, уя қуриши керак, қуш шу ишларни қилганда, мен кўриб унинг хурсандчилиги билан қувонаман. Худди шундай эчки, қуён, бўрилар ҳам яшайди, озиқланади, кўпаяди, болаларини боқади, улар шу ишни қилар экан, уларнинг бахтли эканлигига ишонман ва уларнинг ҳаётидан маъно бор. Инсон-чи, у нима

қилиши керак? Инсон ҳам ҳаёти учун кураши керак, бироқ бир ўзи буни амалга ошира олмайди, буни бошқалар билан биргаликда ҳамма учун амалга оширади. инсон шу билан машғул бўлса, у бахтли эканлиги ва ҳаётидан маъно борлигига ишонаман. Мен-чи, ўттиз йиллик ҳаётим давомида нима қилдим? Мен нафақат бошқалар учун, балки ўзим учун ҳам ишлаганим йўқ. Мен худди зараркунанда каби кун кўрардим ва шу вақтда ўзимдан нима учун яшайман, деб сўрардим, жавобим ҳеч нима учун бўлиб чиқарди. Агар инсон ҳаёти унинг учун курашдан иборат экан, мен эса ўттиз йилдан бери нима қилдим, нафақат ўзимда, балки бировлардаги ҳаётни ҳам йўқ қилдим. Шунинг учун ҳам ҳаётим маъносиз ва ёвузлик эди.

Дунё ҳаёти кимнингдир иродаси билан амалга ошяпти, кимдир бутун дунё ҳаёти ва бизнинг ҳаётимиз билан қиладиган ишини қиляпти. Аввал инсон ҳаётининг маъносини тушуниш учун, унинг иродасига итоат қилиб яшаш керак. Агар мендан исталган ишни қилмасам, бу ҳаёт ўзи нима ва мендан нима истагини тушунмай ўтаман.

Тасаввур қилинг, оч-яланғоч гадойни олиб келиб, қандайдир очик қудуққа қўйдилар, едирдилар ва ичирдилар, кейин эса қандайдир таёқни пастга ва тепага тушириб-кўтаришни талаб қилдилар. Гадей бу ишни қилмади, уни маъносиз, мақсадсиз деб билди. Агар у қаршилиқ қилмасдан ундан талаб қилинган ишни қилганида, ушбу таёқни пастга-тепага тушириб-чиқариши орқали махсус ускуна орқали насос ишга тушиб, сув тепага чиқиши, сув эгатлар бўйлаб бориши ва экинларни суғоришини тушунарди. Шунда уни қудуқдан олиб, экинларга қарашга қўйишарди, кейин янада яхшироқ ишга, шу тарзда у бутун тизим ишлашини ту-



шуниб етарди ва ҳеч қачон хўжайинини мақсадсиз иш қилаётганда айблай олмасди.

Оддий одамлар, меҳнаткашлар, деҳқонлар ва ишчилар хўжайинни бир нимада айблаш ўрнига унинг иродасини амалга оширадилар. Биз эса уларни мол қаторида кўрамиз. Биздай ақллилар, донишманд-у олимлар еб-ичамиз-у, бироқ таёқни пастга-тепага туширишни аҳмоқлик деб биламиз: “Таёқни қимирлатгандан нима фойда? Ҳаммаси аҳмоқлик-ку?” Ҳа, жуда ақлли бўлиб кетганмиз. Ақлимиз шу қадарга етдики, хўжайин аҳмоқ, биз ақлимиз, ҳеч нимага ярамаймиз ва ўзимизни бир нима қилиб, ҳаётдан қутулишимиз керак деган қарор-га бориб қоламиз.

## ХII

Ақлий билимларнинг хатоларини тан олиш беҳуда мушоҳада юритишдан ҳалос бўлишга ёрдам берди. Ҳақиқий билимни инсонлар ҳаётидан топишим мумкинлиги ҳақида қилган хулосам ҳаётим тўғрилиги борасида шубҳа қилишимга, ҳақиқий меҳнаткаш ҳаёти билан танишишга, бу ҳақиқий ҳаёт эканлигини тан олишимга чорлади. Мен ҳаётни тушунишим ва унинг маъносини англашим учун зарарқунанданинг ҳаётини кечиришим керак эмаслигини тушундим, менга буюрилган ишларни амалга оширган ҳолда ҳақиқий ҳаёт билан яшашим керак эди. Мен бир йил давомида арқонми ёки ўқми деган савол билан ўзимни ўлдиришга чоғланиб юрганымда, қалбимда чуқур оғриқ берувчи ҳис ёнарди. Бу ҳисни Худони қидиришдан бошқача номлай олмайман.

Бу Худони қидириш мушоҳада юритишларим оқибатида эмас, ҳисларимдан келиб чиқди, чунки у ақлан менга қарама-қарши эди, бироқ қалбимнинг тубидан

чиқиб келди. Бу қўрқув, ёлғизлик, бегоналар орасида якка қолиш ва бировнинг ёрдамига муҳтож бўлишга ўхшаш ҳислар эди.

Мен Худони топа олмаслигимга ишонч ҳосил қилган эдим (Кант буни исботлашнинг имкони йўқлигига ишонтирди), мен барибир Худони излардим ва уни топишимга умид қилардим, шунда эски одатимга қўра, дуолар қилиб, қидирган ва топа олмаганимга мурожаат қилардим. Кант ва Шопенгауэрнинг Худонинг борлигини исботлаб бўлмаслиги ҳақидаги даъволарини ақлан текширганимда, уларни инкор қила бошладим. Сабаб, - дердим ўзимга, вақт ва макон каби фикрлаш категориясига эга эмас. Мен бор эканман, бунга сабаб бор, сабабнинг ҳам сабаби бор. Ҳамма нарса-нинг сабабини эса Худо деб атаганимиздир. Мен шу фикрда тўхтадим ва бутун онгим билан бу сабабнинг борлигини англашга ҳаракат қилдим. Мен ҳукмида бўлган куч борлигини ҳис қилишим билан, ҳаёт имкониятларини ҳис қила бошладим. Бироқ мен ўзимни сўрадим: “Бу сабаб, бу куч нима ўзи? У ҳақида қандай фикрлай, мен Худо деб атаган мавжудотга қандай муносабатда бўлай?” Шунда миямга таниш жавоблар кела бошлади: У яратувчи, бунёд этувчи! Бу жавоблар мени қониқтирмасди, шунда ҳаётим учун зарур бўлган унсур йўқолиб кетаётганини ҳис қилдим. Мен даҳшатга тушиб, қидирган Худоимга ёлвориб, менга ёрдам беришини сўрадим. Қанча кўп унга ёлворганим сари, шунчалик у мени эшитмаслиги ва мурожаат қилиб бўладиганининг ўзи йўқлигига намоён бўлаётгандай эди. Мен тушкунликка тушиб, Худонинг йўқлиги ҳақида фикр мени ларзага сола бошлади ва мен: “Худоим, раҳм қил, мени қутқар! Худоим, менга ўргат, Худоим!” деб дуо қилардим. Бироқ ҳеч кимнинг

менга раҳми келмасди ва мен ҳаётим тўхтаб қолаётганини ҳис қилардим.

Бироқ ҳар тарафдан мушоҳада қилиб, мен бу ёруғ оламга худди уясидан тушиб қолган қуш боласидай сабабсиз, мақсадсиз ва мазмунсиз тарзда шунчаки бу ҳаётга келиб қолган эмасдирман деб ўйладим. Майли, мен уядан тушиб қолган жўжа бўла қолай, лекин она қуш мени қанотлари остида сақлади, дунёга келишимга ёрдам берди, меҳр берди, яхши кўрди — мен шунга амин эдим. Ўша онам қани? Агар мени ташлаб кетган бўлса, унда ўша ташлаган ким? Мени кимдир яхши кўриб дунёга келтирганини инкор эта олмайман. Бироқ у ким? Яна Худоми?

“У менинг изланишимни, тушкунликка гарқ бўлганимни, қурашаётганимни билади ва кўриб турибди. У бор” дердим ўзимга. Буни бир онга бўлса ҳам тан олишим билан ҳаётга қизиқишим ортиб, қалбимни қувонч эгалларди. Лекин яна уни тан олишим билан бирга унга мурожаат қилишни қидира бошлардим. Лекин яна уч шахс кўринишидаги ярагувчи, бизнинг Худо тасаввуримга келди, у дунёдан айри, мендан алоҳида кўринди, у ҳақида ишончим худди муз каби эрий бошлади ва мен яна тушкунликка тушдим. Яна ўзимни ўлдиришдан бошқа имконим қолмаётганини ҳис қилдим.

Бир-икки марта эмас, ўнлаб, юзлаб марта мен шу ҳолатга тушдим — бир жонланиб қувончга тўламан, бир тушкунликка тушиб, яшай олмаслигимни англардим.

Эсимда, бу эрта баҳорда бўлган, мен ўрмонда бир ўзим эдим. Мен ўрмон товушларига қулоқ солардим. Шу билан бирга охирги уч йилда фақат битта нарсани ўйлашимни ҳаёлимдан ўтказдим. Мен яна Худони изладим.

“Яхши, ҳеч қанақа Худо йўқ, - дедим ўзимга, - Айталиқ, тасаввуримдан ташқаридаги Худо йўқ, лекин ташқи воқелиқ бутун ҳаётим кабидир. Ҳеч нарса, ҳеч қанақа мўъжиза бунақа нарсани исбот қилиб беролмайди, чунки мўъжизалар менинг тасаввуримда бўлади, бундан ташқари, ақлга сиғмайди”.

«Бироқ тушунчамдаги Худо мен излаган билан бир хилми? — сўрардим ўзимдан. — Бу тушунча қаердан келиб қолди?» Шу фикр пайдо бўлиши билан менда ҳаёт қувончлари мавжлана бошлади. Атрофимдаги ҳамма нарса жонланиб, маънога эга бўлди. Бироқ қувончим узоққа чўзилмади. Ақл ишлашда давом этарди. “Худо ҳақида тушунча Худо эмас, - дедим ўзимга, - тушунчалар менинг ичимда рўй бераётган ҳолатдир, Худо ҳақида тушунчаларни уйғотишим ва уйғотмаслигим мумкин. Бу мен қидирган нарса эмас. Мен ҳаётим усиз бўлмайдиган нарсани қидиряпман”. Яна атрофимда ва ичимда ҳамма нарса ўла бошлади ва мен ўзимни ўлдиришни истадим.

Бироқ шу онда ўзимга, ичимдаги ҳолатга эътибор қаратдим ва менда юз марталаб содир бўлган ўлиш ва тирилишни эсладим. Мен фақат Худо борлигига ишонганимдагина яшаганимни эслайман. Аввал бўлганидай ҳозир ҳам шуни айтаман: Худо борлигини ҳис қилишим билан яшай бошлайман, унга ишонишдан қолсам, ўламан. Бу ўлиш ва тирилишлар нима ўзи? Худонинг борлигига ишончимни йўқотганимда ахир яшамайман, мен ўзимни алақачон ўлдирардим, агар ичимдаги хира бўлса ҳам уни топишимга умид бўлмаганида. Мен уни ҳис қилганимда ва излаганимда ҳақиқатан ҳам яшайман. Яна нимани излаяпман? — бақриб юборди ичимдаги овоз. — Мана у. У шуки, усиз яшаб бўлмайди. Худони билиш ва яшаш битта нарсадир. Худо ҳаётдир.

“Худони излаб яша ва шунда усиз ҳаёт бўлмайди”. Шундан кейин ҳамма вақтдан кўра ичим ва атрофим ёришди ҳамда бу нур мени энди тарк этмади.

Мен ўзимга суиқасд қилишдан халос бўлдим. Бу катта ўзгариш менда қачон ва қандай содир бўлди, буни айтишмасдим. Менда сезилар-сезилмас, аста-секин ҳаётий куч-қувват сўниб борди ва мен яшаб бўлмайдиган даражага, ўз ўзимни ўлдиришга келдим. Шундан кейин яна худди шундай аста-секинлик билан менга ҳаёт кучи қайтиб келди. Шуниси қизиқки, менга қайтган ҳаёт кучи янги эмас эди, мени илк кунларимдан бошлаб ҳаётим давомида юргизган шу куч эди. Мен ҳамма нарсада аввалги ҳолатга, болаликка, ёшликка қайтдим. Мени яратган ва мёндан нимадир истайдиган иродага ишонишга қайтдим. Мен ҳаётимнинг энг муҳим ва ягона мақсади - яхшироқ бўлмоққа, ўша ирода билан рози-ризоликда яшашга қайтдим. Мен олис бўлган вақтлардан бутун инсоният ўз ўзини бошқариш учун ишлаб чиққан иродага қайтдим. Бошқача айтганда, мен Худога эътиқодга, маънавий юксалишга қайтдим. Фарқи шундаки, илгари буларнинг ҳаммаси онгсиз тарзда қабул қилинган, мен эса бусиз яшай олмаслигимни ақлан англадим.

Мана мен билан қандай ҳолат содир бўлди: мени гўёки қайиққа ўтқаздилар, номаълум бўлган алақандай соҳилдан мени итариб юбордилар, бошқа соҳилга томон йўналишни кўрсатдилар, мен тажрибасизга эшкакни тутқазиб, ўзимни ёлғиз қолдирдилар. Мен эшкак билан билганимча ишладим, суздим, бироқ қанча узоққа сузиб бормай, ўрталарга келиб қолганимда оқим тезлашиб кетди. Менга ўхшаган оқим ўзи билан олиб кетиб қолаётган сузувчилар кўп учради. Шундай сузувчилар бор эди, эшкак эшишда тўхтамасди, бошқалари

эса эшкакни ташлаб қўйишган. Катта қайиқлар, одам тўла кемалар бор эди, уларнинг баъзилари оқимга қарши курашишса, баъзилари қаршилиқ қилмай оқим билан сузиб кетардилар. Мен сузиб борганим сари, сузувчиларга қараб, ўз йўналишимни унутиб қўя бошладим. Сув ўртасига келганда, пастга қараб кетиб бораётган кема ва қайиқларга дуч келиб, мен батамом йўналишимни унутдим ва эшкакларни ташлаб юбордим. Ҳамма томонимда кема ва қайиқларда одамлар бундан бошқа йўналиш йўқлигига мени ишонтирган ҳолда пастга қараб сузиб кетардилар. Мен уларга ишониб, улар билан сузиб кетдим.

Оқим мени узоқ узоқларга олиб кетди ва олдинда кема ва қайиқларнинг қирғоқдаги тошларга бориб урилгани эшита бошлади. Олдимда ҳалокатдан бошқа нарсани кўрмасдим ва ундан қандай халос бўлишни билмасдим. Атрофга қарай бошладим, шунда ортимда бир қанча қайиқлар тинмай меҳнат қилиб, эшкакларни эшиб, оқимга қарши керакли йўналишда сузиб кетишарди. Мен ҳам йўналишим ҳақида эсладим ва ортга тепага, қирғоққа қараб суза бошладим.

Қирғоқ — бу Худо эди, йўналиш эса диний нақллар эди, эшкак эса қирғоққа — Худога боришим учун қиладиган амалларим. Шундай қилиб, мен ҳаёт кучи янгиланди ва мен яна яшай бошладим.

### XIII

Мен ўз доирамдаги ҳаётни ҳақиқий ҳаёт эмас деб билиб, ундан узоқлашдим, чунки биз яшаган тўкин-сочинлик бизни ҳаётни тушунишдан, унинг маъносини англаб етишдан маҳрум қилади. Инсоният ҳаёти мен каби зарурқунандалардан иборат эмаслигини тушундим,

меҳнаткаш халқ ҳақиқий ҳаёт кечиришлари ва ҳаёт маъносини билишларини англаб етдим. Менинг атрофимдаги оддий одамлар рус халқи эди ва мен улар англаган ҳаёт мазмунига мурожаат қилдим. Бу мазмун, агар уни ифодалаш мумкин бўлса, қуйидагича эди: ҳар ким бу дунёга Худонинг иродаси билан келган. Худо одамни шундай яратганки, ҳар ким ўз қалбини барбод қилиши ёки қутқариши мумкин. Инсоннинг ҳаётдаги вазифаси қалбини қутқаришдир. Қалбини қутқариш учун эса Худо буюрганидай яшаши керак, Худонинг буюрганидай яшаш учун ҳаёт лаззатидан воз кечиб, меҳнат қилиш керак, сабр-тоқатли бўлиш, шукур қилиш ва раҳм-шавқатли бўлиш лозим. Халқ бу мазмунни ўз динидан, руҳонийлардан, оғиздан оғизга ўтиб келган ривоятлардан, нақллардан, мақоллардан олган.

Бу мазмун менга аниқ ва қалбимга яқин эди. Бироқ халқ эътиқоди билан бу мазмун билан чамбарчас боғлиқ, яна унинг эътиқодини айрим ҳолатлардан айириш мумкин эмас. Мана шу ҳолатлар олдин мени ўзидан итарарди. Мен уларга тушунарсиз кўринарди: турли-туман сеҳру жодулар, черков маросимлари, пост тутишлари, авлиёларга ва сувратларига сажда қилишлар шулар жумласидан. Халқ уларни эътиқоддан ажрата олмайди, мен ҳам. Аммо халқ эътиқод қуйган нарсаларнинг кўпчилиги менга ҳар қанча ғалати туюлмасин, мен уларнинг ҳаммасини қабул қилдим, черковга қатнадим, эрталаб ва кечқурунлари ибодат қилдим, пост тутдим, дастлаб ақлим ҳеч нарсага қаршилиқ қилмади. Авваллари менга мумкин эмасдай туюлган нарсалар энди менда қаршилиқ уйғотмасди.

Эътиқодга ҳозирги муносабатим билан олдингидан фарқ қиларди. Авваллари менга ҳаётнинг ўзи маънога эгадай, эътиқод эса менга мутлақо кераксиз, ақлга

~~Қарши~~ ҳаёт билан боғланмаган қоидалардай кўри-  
нарди. Ушанда ўзимдан бу қоидалар қанақа маънога  
эга деб сўрадим ва уларни маъносиз деб воз кечдим.  
Энди эса бутунлай бунинг акси — мен қатъий била-  
манки, менинг ҳаётим ҳеч қанақа маънога эга эмас ва  
эга бўлолмайди ҳам, шунинг учун эътиқод қоидала-  
ри менга нафақат керак, балки мен ҳақиқий тажриба  
орқали ҳаётга фақат шу эътиқод қоидаларигина маъно  
беради. Авваллари уларга тишим ўтмай, мутлақо ке-  
раксиз ёзувлардай қарардим, энди эса уларни тушун-  
масам, маъносини ўрганиш керак дердим.

Мен қўйидагича фикрладим. Мен ўзимга шундай де-  
дим: Эътиқод билими инсоният онги каби сирли ибти-  
додан келиб чиқади. Мана шу ибтидо Худодир, у ин-  
сон танаси ва ақлининг ҳам бошидир. Менинг-жиемим  
менга Худодан ворислик йўли билан қандай етиб кел-  
ган бўлса, шу тарзда менга ақлим ва ҳаётни билишим  
ҳам етиб келган. Шунинг учун ҳаётни билишимнинг  
бирон ривожланиш босқичи ёлгон бўлиши мумкин эмас.  
Одамларнинг ҳақиқатан ишонган нарсалари ҳақиқат бў-  
лиши керак; у ҳар хил кўринишда, усулда ифодалани-  
ши мумкин, бироқ у ёлгон бўлиши мумкин эмас. Агар  
ёлгон бўлиб туюлса, демак мен уни тушунмабман.

Бундан ташқари мен ўзимга шундай дердим: ҳар қан-  
дай эътиқод моҳияти шундан иборатки, у ҳаётга шун-  
дай маъно берадики, у маъно ўлим билан йўқ бўлиб  
кетмайди. Табиийки, ҳашамат қўйнида жон бераётган  
шоҳнинг, меҳнат машаққати билан қийналган қари қул-  
нинг, ақли кирмаган гўдакнинг, донишманд кексанинг,  
калта фаҳм кампирнинг, ёш бахтиёр жувоннинг, эҳти-  
рослар қуюнида ўртанаётган йигитнинг саволига жавоб  
бермоқ учун, яъни ҳар хил шароит ва маълумот дара-  
жасига эга бўлган одамларнинг саволига жавоб бермоқ



учун — албаттаки, ҳаётнинг “Мен нима ман? Яшашимдан нима ишдади?” деган уша ягона мангу саволига бериладиган жавоб битта бўлса, иймон берилган жавоб моҳиятан бир хил бўлса-да, чексиз турли кўринишда ифодаланган бўлади. Бу жавоб ягона, теранроқ бўлгани сайин, одамларнинг маълумоти ва мавқеига мос тарзда ифодаланиши оқибатида шунча ғалати ва беўхшов кўриниш олади. Бироқ эътиқоднинг расм-русум томонларининг ғалатилигини оқлайдиган бу тарздаги мулоҳазаларим мен учун ҳаётда ягона бўлган ишда, яъни эътиқодда шубҳа қиладиган хатти-ҳаракатлар қилишимга етарли эмас эди. Мен агар бу ишни қилсам, ўзимни ўзим алдагандай, илоҳий деб билган нарсаларим устидан кулгандай бўлардим. Бироқ шу ерда менга янги рус илоҳиётга оид адабиётлари ёрдамга келди.

Бу китобларда қайд этилишича, эътиқоднинг ҳақиқий ақидапараста бегуноҳ ҳисобланувчи черковдир. Бу ақидадан черков тарғиб қилган ҳамма нарса ҳақиқат деган хулоса келиб чиқади.

Черков бир-бири билан муҳаббат орқали боғланган ва шунинг учун ҳам ҳақиқий билимга эга бўлган хужоғайлар уюшган жой сифатида эътиқодим асосидир. Мен ўзимга Худонинг ҳақиқати бир одам ўзига намоён бўлмайди, у муҳаббат билан боғланган одамлар бирлашганидагина очилади. Ҳақиқатни танимоқ учун бўлинмаслик керак, бўлинмаслик учун эса бир-биримизни яхши кўриб, маъқул бўлмаган нарса билан мураса қилишимиз зарур. Ҳақиқат севги қаршисида намоён бўлади, шундай экан, агар сен черков расм-русум ва маросимига итоат этмасанг, севгини бузган бўласан, бу билан эса ҳақиқатни билиш имкониятидан маҳрум бўласан.

Мен бу фикрлашларимда сафсаталарни кўрмасдим. Мен муҳаббатда бирлашиш улкан муҳаббатни бери-

ши-ю, бироқ Никей белгилари билан ифодаланган илоҳий ҳақиқатни бермаслигини кўрмасдим. Шунингдек, муҳаббат ҳақиқатнинг маълум ифодаси ҳаммининг бирлашишига мажбурий бўла олмаслигини кўрдим.

Мен бу мулоҳазаларимда хато кўрмасдим, шунинг учун православ черковининг барча маросимларини қолдирмай бажаришим имконини берди, мен уларни тушунмасам ҳам тўғри деб қабул қилдим. Мен бутун ички иродамни ишга солиб, турли хаёлларга боришдан, зиддиятларга аҳамият бермасликка, черков буюрганларини ақлим имкон берганча ўзимга тушунтиришга уринардим.

Мен черков маросимларини бажара туриб, ақлимни қўлга олиб, бутун инсоният амал қилган нақлларни бажаришга кўндирдим. Мен севимли аждодларим — отам, онам, бобом, бувим билан бирлашдим. Улар ва улардан аввалгилар ҳам ишонишган ва мени дунёга келтиришган. Мен яна халқдан миллионлаб одамлар билан боғландим. Бундан ташқари, бу ишларда бирон ёмонлик кўрмадим (нафсга эрк беришни мен ёмонлик деб билардим). Эрталаб барвақт туриб, черков хизматини қиламан ва мен шуни аниқ билардимки, ақлимнинг манманлигини енгиб, аждодларим ва замондошларим билан бирлашиш, ҳаёт маъносини англаш имконига эга бўлман, мен булар учун жисмоний танам хотиржамлигини қурбон қилардим.

Худди шу ҳолат пост тутганимда, ҳар кунги дуолар ўқиш ва таъзим қилишларда, рўза тутганимда содир бўлган. Бу қурбонлик қанчалар кичик бўлмасин, улар яхшилик учун қурбонлик эди. Мен пост қилардим, рўза тутардим, уйда ва черковда вақтинчалик ибодатларни амалга оширардим.

Черковда хизмат қилганимда ҳар бир сўз моҳиятига етишга, уларнинг маъносини топишга ҳаракат қи-

лардим. Ибодатда мен учун энг муҳим гаплар қуйидагилар эди: “Ҳам фикр бўлиб бир-биримизни севайлик...”. Ундан кейинги “Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухга сиғинайлик” деган иборани тушириб қолдирардим, чунки уларни тушунмасдим.

#### XIV

Яшашим учун эътиқодим шу қадар керак эдики, беихтиёр диндаги зиддият ва ноаниқликларни кўрмасликка ҳаракат қилардим. Бироқ диний маросимларни ақлан тушунишга уринишнинг чеки йўқ эди. Ибодатлар вақтида руҳонийлар томонидан баъзи буюрганларининг мазмунини менга борган сари тушунарли бўлиб бораверди, мен улардаги айрим гаплар маъносини тушунтиришга уринардим. Подшо ва унинг яқинлари ҳақида тез-тез такрорланиб турадиган дуоларни шу билан изоҳлардимки, улар йўлдан озишга кўпроқ мойил, шунинг учун уларнинг ҳақиқага кўпроқ ибодат қилмоқ керак. Аммо барча черков хизматларининг учдан икки қисми бутунлай тушуниб бўлмасди, ёки ўзимни тушунганга олиб, ўзимни алдаётгандай, Худога бўлган муносабатимни бузаётгандай бўлардим.

Муҳим байрамларни нишонлаганда ҳам худди шундай ҳисларни туярдим. Шанба куни — бир кунни Худога бағишлашни тушунардим.

Бироқ энг асосий байрам қайта жон ато бўлиши воқеаларини тасаввур қила олмасдим ва тушунмасдим. Ва шу ном билан, яъни воскресенье деб ҳар ҳафта нишонланадиган кун номланган эди. Мана шу кунда евхаристанинг муъжизалари содир бўлар экан, мен уларни умуман ақлимга сиғдира олмасдим. Рождестводан ташқари қолган ўн икки байрам муъжизалар ҳақида эди, улар-

ни инкор этмаслик учун улар ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилардим: Вознесенье, Пятидесятница, Богоявление, Покров ва бошқалар. Бу байрамларни нишонлашда мен учун умуман аҳамиятсиз бўлган нарсаларга эътибор қаратиларди, шунга мен уларни қабул қилишим учун қандайдир изоҳлар ўйлаб топардим ёки ақлимга сиғмайдиган нарсаларга кўз юмиб қўя қолардим.

Ҳаммасидан кўра ибодатларнинг чўқинтириш ва причашение келтириш каби маросимларида мендаги қаршилик кучли бўларди, буларда мен икки йўлдан бирини танлашим керак бўларди: ё ўзимни алдашим, ё уларнинг бирини ташлаб юборишим керак.

Мен кўп йиллардан сўнг причашение маросимини биринчи амалга оширганимда қанчалар азобланганимни ҳеч унутмайман. Хизмат, иқрорлик, қоидалар — буларнинг ҳаммаси менга тушунарли эди ва менга ҳаёт маъноси очилаётганини ўйлаб қувончга тўлардим. Причашение маросимининг ўзини Исо Масихни эслаш ва гуноҳлардан тозаланиш, ҳамда унинг барча ўғитларини қабул қилишни билдиради деб ўзимни ишонтитардим. Агар бу тушунтириш сунъий бўлса, мен унда сунъийликни сезмадим. Менга руҳонийларга таъзим қилиш, уларга бутун қалбимни очиб иқрор бўлиб, ибодат қоидаларини тузган оталарга фикран яқинлашиш, барча художўйлар билан бирлашиш менга ёқарди ва шунинг учун тушунтиришларимдаги сунъийликни ҳис қилмасдим. Бироқ ибодатлар орасида сиз ютган нарса қон билан тана деган сўзларни такрорлаш борасидаги талаб қалбимга пичоқдай урилди ва буни қабул қилишим нафақат ёлгон, балки ўта кетган шафқатсизлик эди.

Ушанда буни ўзимга очикчасига тан олмас эдим, бироқ ҳозир бемалол айта оламанки, бу шафқатсиз талаб эди ва у менга кучли оғриқ берди. Мен энди худ-

ди ёшлигимда каби ҳаётда ҳамма нарса аниқ бўлиши керак деган фикрда эмас эдим. Мен эътиқодга келишимга сабаб иймон ва ўлим ҳақлигидан бошқасини топганим йўқ, шунинг учун эътиқодни четга сура олмадим ва унга бўйсундим. Шунда қалбимда буни кўтара оладиган ҳисни топа олдим. Бу ҳис ўз ўзимни камтарликка тушириш ва тақдирга тан бериш ҳиссидир. Мен кўндим ва қон билан танани ютдим, мен ишонишни истадим, бироқ зарбадан қутулиб қола олмадим. Олдинда мени нималар кутаётганини билиб, бошқа қадам ташлай олмадим.

Мен черков маросимларини қилишда давом этдим ва мен эътиқод қилган дин ҳақиқат деб ишонардим, шунда мен билан содир бўлган ҳолат ўшанда тушунарсиз ва ғалати туюларди.

Мен саводсиз мусофирнинг Худо, эътиқод, ҳаёт, қутқарилиш, дин ҳақида гапларини эшитардим. Халққа яқинлашиб, ҳаёт, эътиқод, ҳақида фикрларини эшитдим ва борган сари ҳақиқатни англаб боравердим.

Мен диний китоблар мутолаасига берилдим. Мен мўъжизаларга эътибор бермай, фикрни англатувчи фабула сифатида қарадим, шунда китоб ўқиш менга ҳаёт мазмунини очди. Китобларда Улуғ Макарий, шаҳзода Иоасаф (Будданинг тарихи) ҳаёти, Иоани Златоустининг сўзлари, қудуқдаги йўловчи, тилла топиб олган Монах, сарсон-саргардон Петр ҳақида ҳикоялар бор эди. У ерда ҳаммага ўлим ҳаётни истисно қилмайди, деган шаҳидларнинг ҳикояси бор эди. Саводсиз, аҳмоқ, черков таълимотидан беҳабар одамларнинг қутқарилиши тарихи бор эди.

Аммо мен Худога ишонадиган олимларга яқинлашиб, уларнинг китобларини қўлга олишим билан менда шубҳаланиш, норозилик, баҳслардан аччиқланиш пайдо

бўларди ва мен уларнинг гапларини чуқурроқ англай борганим сари ҳақиқатдан тобора узоқлашиб, тубсизликка қараб кетаётганимни ҳис қилардим.

## XV

Мен неча бора оддий одамларнинг саводсизлиги ва олим эмаслигига қанчалар ҳавас қилганман. Мен учун диндан келиб чиқадиган маъносиз нарсалар ҳеч шак-шубҳасиз қабул қила оладилар. Улар ҳақиқатни қабул қилиб, унга ишона оладилар, мен ҳам ишонардим, бироқ мен бахтиқарога бир нарса аниқ эдики, ҳақиқат нозик иплар билан ёлгон билан аралашиб ўралашиб қолган ва бу ҳақиқатни шу ҳолича қабул қила олмасдим.

Шу тарзда уч йил яшадим. Дастлаб мен довдираб аста-аста ҳақиқатга яқинлашиб борардим, фақат қалбимда қандайдир ҳис мени бошқариб, ёрқинроқ жойга йўналтирарди ва йўлимдаги зиддиятлар у қадар мени ажаблантирмасди. Агар бирон нарсага тушунмасам, мен ўзимга: “Мен айбдорман, мен аҳмоқман” дердим. Бироқ мен ўрганган ҳақиқатлар моҳиятига кириб борганим сари бу зиддиятлар шунчалар менга оғир бўларди, шунчалар мен тушунишни билмаганим учун англамаган нарсалар билан ўзимни алдаб тушунгандай бўлган нарсаларим ўртасидаги фарқ кескин бўлиб бораверди.

Мана шубҳаларим ва азобларимга қарамай православия динига эътиқод қилишда давом этавердим. Бироқ кўндаланг келиб қолган ҳаёт саволларига жавоб бериш вақти келди. Менинг яшашимга асос бўлган эътиқодга зид келувчи черков билан бу саволларга жавоб бериб бўлмасди. Бу эса православиядан тўлиқ чекинишимга сабаб бўлди.

Бу савол биринчидан православ черковининг бошқа — католик ва раскольник деб аталувчи черковларга муносабатига боғлиқ эди. Бу вақтда динга қизиқишим оқибатида турли диний оқимларга ишонувчилар — католик, протестант, эски удумчилар, молоканлар билан яқинлашдим. Мен бу одамларнинг биродарлари бўлишни истадим. Хўш, нима бўлди? Бу динларнинг ҳаммаси одамларни ягона эътиқод ва муҳаббат остида бирлаштиришларини ваъда бериб, бошқаларни иблис ҳукмида эканлигини даъво қилишади.

Мен шуни кўрдимки, ушбу динлар вакиллари бошқа дин аҳлига душман кўзи билан қарайди. Масалан, православ католикни хурофотчи деб билса, католик ҳам православга эътиқод қилувчи ҳақида худди шундай фикрда бўлади. Гап шундаки, сенга кимдир сен ёлғон динга ишонасан, мен ҳақ, деса бундан ёмони бўлмаса керак, иккинчидан, кимдир энг яқин инсонларингни, болаларингни, ака-укаларингни сен эътиқод қилган диндан қайтариб, ўз динига сиғинтирса, ўртадаги адоват янада кучайиб боради. Мен динларни ўрганганим ва уларга четдан қарай олганим учун дин ўзаро адовати туфайли у бунёд этиши керак бўлган эзгуликка қарши хизмат қилиб қўяётгани менга яққол кўриниб турибди.

Биз каби кўп динга эътиқод қилувчи мамлакатларда яшаб келган маърифатли одамлар бу ҳолатнинг нақадар бемаънилигини очиқ-ойдин кўрадилар: католик православга ва протестантга, протестант католик ва православга, православ эса ҳар иккисига нафрат, шак-шубҳасиз, ўзига ўта кетган ишонч билан муносабатда бўлади. Қандай шундай бўлиши мумкинки, икки бир-бирини бутунлай инкор этувчи диннинг иккисида ҳақиқий дин қандай бўлиши кераклиги борасида ҳақиқат йўқ. Ахир бу ерда қандайдир изоҳ бўлиши керак, деб ўй-

ладим ва уни қидира бошладим, китоблар ўқидим, шу борада кўплаб одамлар билан гаплашдим. Бунга ҳеч қандай изоҳ топа олмадим. Бу худди Сумск гусарлари ўз қўшинларини энг биринчи деб ҳисоблаши, сариқ уланлар эса уларга қарши ўз қўшинини энг биринчи деб ўйлаганларидек.

Турли мазҳаб ва оқимларнинг энг яхши вакиллари, руҳонийлари билан гаплашдим, улар ўзларининг ҳақ томонда эканлиги, бошқалар адашган эканликларини таъкид қилишдан нари ўтмайдилар. Архимандрит, архиер, қариялар, оқсоқоллар, схимникларга мурожаат қилдим, улардан бунинг сабабини сўрадим, бироқ улардан биронтасини тушунтириб беришга қодир бўлмади. Бироқ улардан фақат биттаси тушунтирди, шундай тушунтирдики, бошқа ҳеч кимдан сўрамадим.

Ҳар қандай иймонсиз одам илк бор эътиқодга мурожаат қилса (ёш авлод орасида бундайлар кўп), уларда қуйидагича савол пайдо бўлади: нима учун ҳақиқат католицизмда эмас, лютеранликда эмас, балки православда? У гимназияда таълим олади, оддий одам, балки билмас, лекин у протестантда ҳам, католикда ҳам ўз эътиқодлари ягона эканликларига ишонишлари ҳақида билмаслиги мумкин эмас. Ҳар бир дин тарихини ўрганиб чиқиш ҳам тўғри эмас, улар ҳар бир ўз тарихини ўзи ёзган. “Динни юқорида туриб англаса бўлмасмикин? — дердим ўзимга. — Шу даража юқорики, уерда фарқлар йўқ бўлиб кетса? Эски удумчилар билан бирга юрган йўлимиздан кетаверсак бўлмасмикин? Улар хоч, мақтов ва салб юриш бизда бошқача дейишади. Биз уларга дедик: сизлар Никея рамзига, ва шу-шунга ишонасизлар, биз ҳам ишонамиз. Кўп жиҳатлар тўғри келади, шуларни тан олайлик ва бирлашайлик дедим, тафовутли жиҳатларга аҳамият бермайлик, дедим. Сух-



батдошим менинг фикримга қўшилди, лекин дедики, бунақа ён беришлардан диний ҳокимиятга дарз кетади, уни ота-боболаримизнинг динидан чекинишда ва диндорлар ўртасида бўлинишига олиб келиши билан айблашади, ҳолбуки диний ҳокимиятнинг асосий вазифаси бизга оталаримиздан қолган юнон-россия православ динини софлигича сақлаб кейинги авлодга етказишдир.

Ва мен ҳаммасини тушундим. Мен эътиқодни, ҳаёт кучини изламоқдаман, улар эса одамлар олдида маълум инсоний мажбуриятларни бажаришнинг энг маъқул йўлини излашмоқда. Улар қанча адашган биродарлари ҳақида ачинишларини гапирмасин, қанча уларнинг гуноҳлари кечирилиши учун ибодат қилишмасин, инсоний ишларни амалга ошириш учун зўрлик керак бўлган, у ҳар доим бўлган ва бўлади ҳам. Икки мазҳаб ўз йўллариини ҳақ, бир-бириникини ёлғон деб билса, сафларига кўпроқ биродарларни жалб қилиш учун ўз динларини тарғиб қилишлари керак бўлади. Агар ёлғон таълимотни ўзини ҳақиқатда деб билган тажрибасиз черков аҳли ўртасида тарғиб қилса, черков бу китобларни ёқиб юбормаслиги, одамларни диндан адаштираётганларни йўқ қилмаслиги мумкин эмас. Православ черковининг фикрига кўра сохта олов алангасида ёнаётган ва энг муҳим масалада, иймон масаласида черков аҳлини йўлдан адаштираётган мазҳабпарастни нима қилмоқ керак? Нима қилиш мумкин, қандай бошини олиб ташламаслик ёки қамамаслик мумкин? Алексей Михайлович даврида бундайларни ёқишган, энг олий жазо қўлланилган, ҳозир ҳам энг оғир жазо белгиланади, уларни ёлғизликка маҳкум қилиб қамалади. Мен диний эътиқод номи билан қилинаётган ишларни кўриб, даҳшатга тушдим ва деярли бутунлай православ динидан юз ўгирдим.

Черковнинг ҳаётинг масалаларига иккинчи муносабати уруш ва қатлга муносабатидан иборат эди. Шу вақтда Россияда уруш бошланди. Шунда руслар христианлик муҳаббати билан ўз биродарларини ўлдира бошладилар. Бу ҳақида ўйламасликнинг иложи йўқ. Одам ўлдириш энг катта ёвузлик, ҳар қандай эътиқод нафратланадиган асос эканлигини кўрмасликнинг иложи йўқ. Бунинг ўрнига черковда қурол-аслаҳамиз урушда қўл келиши борасида дуо қилинар, одам ўлдиришни эса диндан деб аташарди. Нафақат жанг майдонида қотилликни, балки адашиб келиб қолган бечора душман ўғлонларини ҳам ўлдириб юборишлари черков томонидан, руҳонийлар томонидан оқланарди. Христианликка ишонувчи одамлар қилган ишларини кўриб даҳшатга тушдим.

## XVI

Мен шубҳаланишдан тўхтадим ва шунга ишонч ҳосил қилдимки, мен қўшилган дин таълимотида ҳамма ҳақиқат бор эмас. Аввал бутун диний таълимотни ёлғонга чиқарган бўлардим, бироқ ҳозир бундай дея олмайман. Ахир халқ ҳақиқат билимига эга бўлмаса, у бошқача яшаган бўларди. Бундан ташқари, бу ҳақиқат билими менга маълум эди, уни билиб, англаб яшардим. Бироқ бу илмда ёлғон ҳам бор эди. Бунга шубҳа қилмаслигим мумкин эмас эди.

Аввал мени нима итарган бўлса, энди олдимда жонланиб турарди. Гарчи мени итарувчи ёлғон халқда черков вакилларига нисбатан кам бўлса-да, мен уларнинг эътиқодларида ёлғонга ўрин борлигини кўрдим. Лекин бу ёлғон қаердан келди-ю, ҳақиқат қаердан пайдо бўлди? Ёлғон ҳам, ҳақиқат ҳам черковдан олинган. Ёлғон

Ва ҳақиқатлар илоҳий ривоятлар ва ёзма манбалардан келиб чиққан.

Мен ўзим билмаган ҳолда бу ёзув манба ва ривоятларни ўрганишга тушдим, илгари бу ишни қилишга қўрқардим.

Мен бир вақтлар кераксиз деб нафратланган ва ўзим улоқтирган диншуносликни ўрганишга киришдим. Унда диншунослик менга бемаъниликлар тўпламидай туюлганди, у пайтлари ҳаёт маънога эга ва ҳаммаси очиқ-ойдин кўринарди, эндиликда эса соғлом каллага сигмаётган нарсани бажонидил улоқтириб ҳам ташлар эдим, аммо ноилож қолган эдим.

Бу диний эътиқоднинг асоси бўлиб, менга намоён бўлган ҳаёт маъносини яхлит билиш билан боғлиқ эди. Менинг кекса, қаттиқ ақлимга у ҳар қанча ёввойи кўринмасин, у қутарилишнинг бирдан-бир умиди эди. Уни англамоқ учун, ҳатто, мен илм қондаларини англагандай эмас, шунчаки жўн англамоқ учун уни эҳтиёт билан синчиклаб текшириб чиқмоқ керак эди. Мен эътиқод илми ўзига хос жиҳатларини билган ҳолда буни изламайман, излай олмайман ҳам. Мен шуни биламанки, буларнинг ҳаммасининг изоҳи худди ибтидо каби чексизликда яширинган. Мен шундай англаб етайки, бунинг охири мени муҳаррар тушуниб бўлмасга олиб борсин; мен истайманки, тушуниб бўлмаслик ақлим нотўғри талаб қўйгани учун эмас (улар тўғри, ундан ташқарида ҳеч нимага тушуна олмайман), балки шунинг учунки, мен ақлимнинг чегарасини кўряпман. Мен шундай тушунишни истайманки, барча тушуниб бўлмас ҳолатлар ишониш керак бўлган мажбурият эмас, онгнинг зарурияти каби намоён бўлсин.

Таълимотда ҳақиқат борлиги шубҳасиз, бироқ шубҳасизки, унда ёлгон ҳам бор ва мен шу ёлгон билан

ҳақиқатни топмоқчи, бирини иккинчидан ажратмоқчи бўлдим. Ва мен шу ишга киришдим. Бу таълимотда қандай ёлгон топдим, қандай ҳақиқат топдим, бу кейинги асаримда баён этилади, агар у кимгадир қизиқ бўлса ва босиб чиқарилса.

Буни мен уч йил аввал ёзганман. Ҳозир унинг босма қисмини кўриб чиқиб, ўша вақтда мени ўз қуршовига олган ҳисларга яна чўмдим, шунга бўлса керак, бир кун олдин туш кўрдим. Бу туш бу асардан узоқдан узоқ ёзилган ҳисларим ва фикрларимни қисқа кўринишда ифодалаган бўлиб, ким мени тушунган бўлса унга тушим маъноси яққол намоён бўлади ва ёзганларимни эслатиб ўтади. Мана менинг тушим: тўшакда ётган эмишман. Ўзимни яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас ҳис қиляпман, юқорига қараб ётибман. Мен яхши ётибманми, деб ўйлай бошладим ва оёқларимга қандайдир ноқулайлик бўлаётганлигини ҳис қилдим. Мен оёқларимни қимирлатиб кўйдим, ниманинг устида ётибман ва нега бу ҳаёлимга шу вақтгача келмади, деб ўйлай бошладим. Ётган жойимни кузатдим ва бир-бирига ўралашиб тўқилган арқонли тасмалар кроват чеккасига бориб уланган. Оёқ учлари бошқа тасмада ётган бўлса, болдирим бошқасида, шунга оёқларимга ноқулай эди. Қаердандир бу тасмаларни силжитишим мумкинлигини биламан. Оёқ ҳаракати билан чеккадаги тасмани оёғим остига итардим. Шундай қилсам тинчроқ бўлади деб ўйладим. Бироқ уни узоқроққа итариб юборибман, қанча уни илинтириб, оёқ тагига олиб келишга уринмай, у сирғалиб нарига кетиб қолмоқда. Шунда оёғим осилиб қолди. Мен бутун танам билан қимирлаб, ҳозир яхши жойлашиб оламан деган ишонч билан вазиятни ўнгламоқчи бўлдим. Бироқ бу ҳаракатларим билан бадтар бўлди, қарасам, тагимда тасмалар ўзаро чу-

валашиб, оёғим ерга тегмай бутун танам осилиб қолди. Мен елкаларим билангина ўзимни ушлаб турибман. Мен ўзимни ноқулай ҳис қилиб қолмай, юрагимга гулгула тушди. Шу он ўзимдан сўраяпман, нима учун миямга олдин келмади. Ўзимдан сўраяпман: мен қаердаман ва ниманинг устида ётибман.

Мен атрофга аланглаб, энг аввало танам қулаши мумкин бўлган пастга қарадим. Мен шундай баландда эдимки, узун минора ёки баҳайбат тоғ у ёққа турсин, бундай баландликни ҳатто хаёлимга ҳам келмаган.

Мени ўзига тортаётган пастликда, туби йўқ жарликда аниқ бир нимани кўра олганим йўқ. Юрагим эзилиб, қўрқув мени адо қилиб борарди. Агар пастга қараверсам, охирги тасмалардан ҳам сирғалиб, тушиб кетишимни ва ҳалок бўлишимни ҳис қилдим. Мен қарамасдим, бироқ бу ҳам ёмон эди, чунки менга нима қилиши, охирги тасмадан тушиб кетсам, нима бўлишини ўйлاردим. Яна бир дақиқа, мен қулайман. Шунда миямга бир фикр келади, бу ҳақиқат бўлиши мумкин эмас, бу туш. Уйғон. Мен уйғонишга ҳаракат қиляпман ва буни удалай олмаяпман. Нима қилсам экан, нима қилай? — деб ўзимдан сўраб, юқорига қарадим. Юқорида ҳам чеки йўқ осмон. Мен тубсиз осмонга қараб, остимдаги тубсизликни унутишга уриндим. Пастдаги тубсизликдан итариламан ва менга қўрқув солади. Юқоридаги тублик мен ўзига жалб қилади ва мени тасдиқлайди. Мен ўша-ўша охирги тасмаларда осилиб турибман, осилиб турганимни биламан, фақат юқорига қараб турганим учун пастдаги тубсизликдан қўрқувим унутилди. Худди тушда бўлганидай, менга бир овоз деди: “Бунга аҳамият бер, бу ўша!” ва юқори узоқ-узоқларга тикилдим ва тинчланиб бораётганимни ҳис қилдим. Ҳаммаси эсимда: оёқларимни қимирлатганим, осилиб қол-

ганим, даҳшатга тушганим ва юқорига тикилиб, қўрқувимни унутганим.

Ўзимдан сўраяпман: энди нима бўлди, ҳали ҳам осилиб турибманми? Мен атрофга қараш билан бирга, энди мени мустаҳкам таянч ушлаб турганини ҳис қилдим. Мен осилиб турганим йўқ, балки маҳкам ётганимни кўрдим. Қандай ётибман деб ўзимдан сўрайман, пайпаслаб кўрдим, атрофимга қараб чиқдим, шуни билдимки, битта тасма ўртадан танам остидан ўтган бўлиб, мени мувозанатда ушлаб турарди. Шундай механизм бор эдики у мени ушлаб турарди, ўнгда бу механизм бунинг уддасидан чиқа олмаса-да, мен унинг ёрдамида маҳкам ётганимни тушундим. Тушда нега буни англаб етмаганимдан ҳайрон қоламан. Билсам, миямда бир устун бор, унинг мустаҳкамлигига шубҳам йўқ, гарчи унинг ҳеч нимада турганини билсам-да. Бу устундан тасмалар ўтказилган бўлиб, унда тананинг марказини қўйганча тепага қараб ётса, йиқилиш борасида ҳатто гап бўлиши мумкин эмас. Мана шу менга аниқ бўлди, мен хурсанд эдим ва тинчландим. Худди менга қара ва эслаб қолгин дегандай бўлишди. Ва мен уйғондим.

Иқрорнома. Толстой томонидан асосан 1879 йилда ёзилган, 1881 йилда қайта ишланган, унинг сўнгги бўлими 1882 йилга тегишли.

Иқрорноманинг биринчи нашри «Русская мысль» журналида амалга ошди ва у “Чоп этилган асарга кириш” деб номланган.

## ҲОЖИ МУРОД

Уйга далалар орқали қайтдим. Ёзнинг айнаи ўртаси эди. Майсазор тозаланиб буғдой экишга тайёрлаб қўйилганди. Бу фасл яна турли хил гулларни саралаш билан ҳам ажабланарли: қизил, оқ, пушти ранг, хушбўй момиқ йўнғичқалар; сурбет дасторгуллар; ўртаси ёрқин сариқ, барглари сутдек оппоқ “севадими-севмайдими”, хушбўй ҳидли сариқ сурепка, бинафша ва оқ рангли тик турувчи қўнғироқсимон лолачалар; ер бағрилаб ўсадиган нўхатсимон гуллар; сариқ, қизил, пушти ранг батариб тизилган скабиозлар; ним пушти ранг патли ва ёқимли ҳидли зуптурум; қуёшда ва янгилигида ёрқин зангори, кечга яқин ва қўхналигида қизил тус олувчи бўтақўзлар; бодом ҳидли, нозик ва дарҳол сўлийдиган зарпечаклар.

Ҳар хил гуллардан ажобтовур гулдаста йиғиб уй томон кетаётиб, ариқ ичида малинасимон рангда тўлиқ гуллаган, бизда “татар” деб аталувчи ўрилган чакамуққа кўзим тушди. Уни олиб гулдастамга қўшмоқчи бўлдим. Ариққа тушиб, гул ўртасига сингиб кетиб, бўшашиб мудраётган сертук арини ҳайдаб, гулларни юла бошладим. Лекин бу қийин эди: банднинг тиконсимон бўлишидан ташқари у мустаҳкам ҳам эди. Тиконлар қўлимни ўраб олган рўмолдан ҳам ўтиб кетарди. Толаларни бирма-бир ажратиб, беш дақиқалар чамаси, оввора бўлдим. Гулни базўр узиб қўлимга олиб кўрсам, пояси ҳам сўлиган, ўзи ҳам у даражада барра ва гўзал эмаслигини билдим. Ундан ташқари, ўзининг қўпол ва беўхшов-

лиги билан дастадаги гулларга қовуша олмади. Унинг ўз жойида турганида гўзал кўринишини ўйлаб, қилган ишимдан пушаймон ҳам бўлиб, гулни ташлаб юбордим. Шунда гулни узишдаги ҳаракатимни эслаб, ҳаёт кучи ва қуввати қанча эканлиги, гулнинг эса уни қанчалик ҳимоя қилиб, арзон бермаслиги ҳақида ўйладим.

Йўл шудгор қилинган дала орқали ўтар эди. Мен қия тепалик бўйлаб чанг босган қора ер йўлидан кетардим. Ҳайдалган ер помешчикники ва анчайин катта эди. Йўлнинг иккала томони ва олдиндаги қир томонда ҳали ишлов берилмаган ва текис ариқ олинган даладан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Ер яхши ҳайдалганлигидан бирон жойда биронта ўсимлик ёки ўт ўлан кўринмасди, — фақат қора ер. Қоп-қора ўлик даладан бирон-бир тирик нарсани излай туриб ўйладим: инсон нақадар ваҳший жонзот. У ўз ҳаёти йўлида қанчадан-қанча тирик мавжудотларни нобуд қилиб юборади. Қаршимда, йўлнинг ўнг томонида қандайдир бутоққа кўзим тушди. Унга яқин бориб, бу ҳам ўзим бекорга юлиб ташлаб юборган “татар” эканлигини англадим. “Татар” тупи уч новдадан иборат бўлиб, биттаси синган ва узиб олинган қўлга ўхшаб, бутоқ қолдиғи осилиб турарди. Қолган иккаласининг ҳар бирида бир-вақтлар қизил, энди эса қора гуллар сақланганди. Бир банд синиб, унинг ярми учидаги кирланган гули билан пастга қараб осилиб турарди; бошқаси қора тупроққа беланган бўлишига қарамай, қаддини тик тутиб турарди. Бутоқ гилдирак билан топталганлиги, кейин эса ёнбош бўлиб турганлигини англаш қийин эмасди. Гўёки унинг танасининг бир қисмини юлиб, ичини ағдариб, қўлини узиб, кўзини ўйиб олгандек эди. Лекин у атрофидаги оғайниларини нобуд қилган инсонга таслим бўлмасдан турибди.



“Қандай қувват! — уйладим мен. — Инсон ҳамма нарсани енгди, миллионлаб майсаларни нобуд қилди, бу эса ҳамон таслим бўлмайди”.

Шунда қисман ўзим кўзим билан кўрган, қисман гувоҳлардан эшитган, қисман эса тасаввур қилган қадимги бир Кавказ воқеаси ёдимга тушди. Ушбу тасаввурим ва хотирамда қолган воқеа мана бундай эди.

## I

Бу воқеа 1851 йилнинг сўнгида содир бўлганди.

Совуқ ноябрь кечасида Ҳожи Мурод ёқимли тезак тутуни бурқсиб турган нотинч Махкет қишлоғига кириб келди: Эндигина сўфи азон айтиб бўлганди. Тезак тутуни билан тўйинган мусаффо ҳаволи тоғда, сигирларнинг маърашию, қўй-эчкиларнинг баъраши аралаш зич қурилган тоғликлар уйларида асалариларнинг увуллаши каби эркакларнинг томоқ қириб бахслашаётганию, пастдаги булоқ яқинидан аёллар ва болаларнинг овозлари эшитилиб турарди.

Шомилнинг ноиб, жасоратлари билан машҳур Ҳожи Мурод ҳар доим атрофида ўнлаб муридлари кузатувида юрарди. Энди эса, бошида қулоқчин, эғнида орасидан милтиқ учи чиқиб турган енгсиз чакмонига ўралиб биргина муриди билан бирга отда кириб келди. У бошқаларнинг эътиборини жалб қилмасликка ҳаракат қилиб, йўлидан чиққан одамларнинг юзига ним қора кўзлари билан эҳтиёткорона, лекин тезда қараб оларди.

Овулнинг марказига чиққач, Ҳожи Мурод майдонга олиб чиқадиган кўчадан юрмай, чапга, тор кўчага бурилди. Тепасида уйлар зич жойлашган жарлик бўйлаб ўйилган иккинчи тор кўчага яқин келиб, атрофга алан-

глаб отни тўхтатди. Уйнинг олдидаги бостирма тагида ҳеч ким кўринмади. Томда эса, янги лойшувоқ қилинган мўри ортида пўстинга ўралган киши ётарди. Ҳожи Мурод томдаги одамни қамчи сопи билан туртиб, тили билан танглайини тақиллатиб қўйди. Пўстин тагидан тунги қалпоқ ва йиртиқ камзул кийган чол кўринди. Қария киприксиз қизил ва нам тортган кўзларини пирпиратиб турарди. Ҳожи Мурод одатдагидек “Ассалому алайкум” — дея саломлашиб, юзини очди.

— Ва алайкум ассалом, — деди Ҳожи Муродни таниган чол тишсиз

оғзи билан тиржайиб. Кейин эса озгин оёқларига мўри ёнидаги ёғоч пошнали ботинкасини кийиб ўридан турди. Пойафзалини кийиб бўлгач, астарсиз булжмакланган пўстинини елкасига ташлаб, томга қўйилган нарвондан пастга тушди. Кийина туриб ҳам, пастга тушаётиб ҳам қария ингичка ажин босган ҳамда кунда қорайган бўйнида бошини сарак-сарак қилиб, тишсиз оғзи билан тўхтовсиз ямланарди. Ерга тушгач, у мезбонларга хос тавозе билан Ҳожи Муроднинг отининг бир қўли билан жиловидан, яна бири билан ўнг узангисидан тутди. Лекин Ҳожи Муроднинг бақувват ва чаққон муриди отидан сакраб тушиб, чолни четга суриб, жилов ва тизгинни ўз қўлига олди.

Ҳожи Мурод отидан тушиб, билинар-билинемас оқсаб айвон тагига ўтди. Уйнинг ичидан ўн беш ёшлар чамасидаги ўспирин югуриб чиқдида, қора қорағатдек тим қора кўзлари билан келганларга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Мачитга югур, отангни чақир, — буюрди унга чол. Ўзи эса Ҳожи

Муроднинг олдига тушиб, унинг қаршисида енгил уй эшигини гичирлатиб очди. Ҳожи Мурод уйга кириши билан ичкари хонадан сариқ қўйлаги устидан қизил

камзул ташлаб олган кўк лозимдаги ёши ўтган озгин аёл ёстиқлар олиб чиқди.

— Хуш келибсан, — деди аёл ва икки букилиб меҳмонга ёстиқ қўя бошлади.

— Ўғилларинг омон бўлишсин, — елкасидан чакмон, милтиқ ва қиличини ола туриб, жавоб қайтарди Ҳожи Мурод ва қўлидагиларни чолга узатди.

Чол аҳтиёткорлик билан милтиқ ва қилични силлиқ сувалган ва оқланган деворнинг ўзининг қуроли осиглиқ турган жойига яқин миҳга, иккита ялтираб турган тоғораларнинг ўртасига илиб қўйди.

Ҳожи Мурод, елкаси оша осилган қайишдаги тўп-пончани тўғрилаб, черкесча камзулининг этагини ёйиб, аёл ташлаган ёстиққа ёнбошлади. Чол унинг қаршисига ўзининг яланг оёқлари устига чўкиб, кўзи юмуқ ҳолда қўлини дуога очди. Ҳожи Мурод ҳам худди шундай қилди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам дуо қилиб, юзига сурилган қўлларини соқоллари устида қовуштирди.

— Нима янгиликлар бор? — чолдан сўради Ҳожи Мурод.

— Хабар йўқ, — жавоб қайтарди қария, унсиз қизарган кўзларини

Ҳожи Муроднинг кўзларига эмас, кўксига қарата. — Мен асаларизорда яшайман. Эндигина ўғлимни кўришга келгандим. У билади.

Ҳожи Мурод ўзи билиши керак бўлган нарсани чол айтгиси келмаётганини тушунди ва уни бошқа саволга тутмади. Шунчаки бошини енгил ирғаб қўйди.

— Айтарли яхши гап йўқ, — гап бошлади қария. — Бор янги гап шуки,

барча қуёнлар қандай қилиб бургутларни қувишни маслаҳатлашишяпти. Бургутлар эса ҳали унисининг, ҳали бунисининг терисини шилаяпти. Ўтган ҳафтада

ўрис итлар мичикликларнинг гарамини ёқиб юборишган. Бети курсин уларнинг, — дарғазаб хириллади чол.

Хонага Ҳожи Муроднинг муриди кириб, бақувват оёқлари билан кенг, лекин юмшоқ қадам ташлаб юриб келдида, Ҳожи Мурод сингари ўзида фақат тўппонча билан ханжарни қолдириб, эғнидан чакмонни, милтиқни ва қилични олиб Ҳожи Муроднинг қуроллари осиглиқ миҳга илиб қўйди.

— У ким? — деб сўради чол Ҳожи Муроддан, кириб келган кишига ишора қилиб.

— Менинг муридим. Исми Элдор, — деди Ҳожи Мурод.

— Яхши, — деди чол ва Элдорга Ҳожи Муроднинг ёнидан ўтиришга жой кўрсатди.

Элдор оёқларини чалиштириб ўтириб, гапга тушиб кетган чол юзига чиройли қўй кўзлари билан тикилиб қолди. Қария қандай қилиб ўтган ҳафтада йигитларнинг иккита аскарни қўлга олганлиги ҳақида гапириб берарди: бирини ўлдиришди, иккинчисини эса Шомилнинг ихтиёрига жўнатишди. Ҳожи Мурод паришон ҳолда тинглаб, орада эшикка тикилиб, ташқаридаги товушларга қулоқ тутарди. Уй олдидаги айвон тагида оёқ товушлари эшилди. Эшик гичирлаб очилиб, уй эгаси кириб келди.

Уй эгаси Садо, калта соқолли, узун бурунли қирқ ёшлар атрофидаги киши бўлиб, унинг ҳам кўзлари ўзи билан бирга югуриб келиб, ичкарига киргач, эшик олдида ўтириб олган ўша ўн беш ёшли болақайникидек қора, лекин у даражада ялтирамас эди. Мезбон эшик олдида ёғоч ботинкасини ечиб, ўсиб кетган қора сочлари билан қопланган боши узра папахини орқага суриб олди, ва шу заҳоти Ҳожи Муроднинг қаршисига чўкка тушиб ўтирди.

У ҳам худди қария каби қўлларини баланд кўтариб, дуо қилдида, қўлларини юзига суриб бўлгач, кейин гапни бошлади. У Шомилдан Ҳожи Муродни ўлик ёки тирик ҳолда қўлга олиш ҳақида буйруқ бўлганлиги, куни кеча Шомил жўнатган кишилар қайтиб кетганлиги, халқнинг эса Шомилнинг гапини икки қилишдан қўрқиши, шунинг учун эҳтиёт бўлиш кераклиги ҳақида гапириб берди.

— Менинг уйимда, — деди Садо, — мен тирик эканман, меҳмонимга ҳеч ким тегинмайди. Лекин далада қандай? Уйлаш керак.

Ҳожи Мурод диққат билан тинглади ва маъқуллаб бошини ирғатди. Садо гапни тугатгач деди:

— Яхши. Энди ўрисларга хат жўнатиш керак. Менинг муридим боради.

Фақат кузатиб борадиган киши зарур бўлади.

— Укам Батани юбораман, — деди Садо. — Батани чақир, — деди у ўглига қараб.

Бола пружинанинг устидан тургандек ўрнидан сапчиб турдида, қўлларини силкитиб, эшикдан тез чиқиб кетди. Ун дақиқалардан кейин у кунда яхши қорайган, қотмадан келган, калта оёқли, эгнига чокидан сўкилиб кетган, енглари йиртиқ камзул кийиб олган чечен билан кириб келди. Ҳожи Мурод янги келган киши билан сўрашдида, ортиқча сўз айтмай дарров сўради:

— Менинг муридими ўрисларга олиб бора оласанми?

— Бўлади, — тезда ва қувноқ жавоб берди Бата.

— Ҳаммасини бажарса бўлади. Биронта чечен менга қарши чиқа олмайди. Бошқаси бўлса ваъда берадию, устидан чиқмайди. Мен эса бажараман.

— Майли, — деди Ҳожи Мурод. — Меҳнатинг учун учта оласан, — деб учта бармоғини кўрсатди.

Бата тушунганини тасдиқлаб бошини силкитди. Лекин унга пуллардан ҳам Ҳожи Муродга хизмат қилиш шарафлироқ эканлигини қўшиб қўйди. Қандай қилиб Ҳожи Мурод ўрисларнинг додини берганини тоғда ҳамма билади...

— Яхши, — деди Ҳожи Мурод. — Ипнинг узун, гапнинг қисқаси яхши.

— Тушундим, тилимни тияман, — деди Бата.

— Аргун идораси яқинида, жарликнинг қаршисида ўрмондаги

ялангликда иккита гарам турибди. Биласанми?

— Биламан.

— У ерда менинг учта отлигим мени кутишяпти, — деди Ҳожи Мурод.

Ҳая! — дея бошини ирғади Бата.

— Мағом хонни сўрайсан. Мағом хон нима дейиш ва нима қилишни билади. Уни ўрис бошлиқ князь Воронцов ёнига бошлаб борасан. Қўлингдан келадими?

— Олиб бораман.

— Олиб бориб, яна орқага қайтариб олиб келасан. Бажара оласанми?

— Бажарса бўлади.

— Олиб бориб келасанда, ўрмонга қайтасан. Мен шу ерда бўламан.

— Ҳаммасини бажараман, — деди Бата. Ўрнидан туриб, қўлини кўксига қовуштирдида, чиқиб кетди.

Яна бир одамни Гехига жўнатиш керак, — деди Ҳожи Мурод, Бата хонадан чиқиши билан. — Гехида мана нима қилиш керак, — у камзулнинг учидан ушлаб шундай деяётиб, хонага кирган икки аёлни кўриб жим бўлиб, қўлини туширди.

Улардан бири Садонинг хотини, ёши ўтган озғин ёстиқ олиб келган аёл эди. Иккинчиси қизил лозим ва

яшил камзул кийган ҳали жуда ёш қиз бўлиб, кўкси-ни кумуш тангачалар билан безалган парда билан бекитган эди. Озгин елкалари орасига тушиб турган калта, лекин қалин кокилининг учига кумуш пул тақилган эди. Худди отаси ва акасиники сингари қора кўзлари жиддий бўлишга тиришган юзида қувноқ ялтираб турарди. У меҳмонларга тик боқмасада, уларнинг борлигини ҳис қилиб турар эди.

Садонинг хотини устида мевалар, ёққа пиширилган қуймоқ, пишлоқ, юпқа пиширилган нон ва асал бўлган пастак айлана хонтахта олиб кирди. Қизча эса дастшўй, қумғон ва сочиқ олиб кирди.

Садо ва Ҳожи Мурод аёллар ўзларининг тагчарм-сиз махсиларида овоз чиқармай юриб, олиб кирилган нарсаларни меҳмонлар олдига жойлаштириб чиқмагунча жим турдилар. Элдор эса аёлларнинг хонадалигида қўй кўзлари билан ўзининг чалиштирилган оёқларига тикилиб, ҳайкалдек қотиб ўтирарди. Фақат аёллар эшикдан чиқиб, уларнинг оёқ товуши бутунлай эшитилмай қолгандагина, Элдор нафасини ростлади, Ҳожи Мурод эса камзулининг астаридан бир ўқ олиб, ўқнинг ичидан ўралган ёзувли қоғозни олди.

— Ўғлинг берасан, — деди хатни кўрсатиб.

— Жавобини қаерга ? — сўради Садо.

— Сенга, сен эса менга етказасан.

— Бажарилади, — деди Садо ва хатни камзулининг астарига бекитди.

Кейин қўлига қумғонни олиб, дастшўйни Ҳожи Муродга томон сурди. Ҳожи Мурод эса камзулининг енгини шимариб, оппоқ мускулли қўлларини тирсагидан юқорисигача Садо қумғондан қуяётган тиниқ ва совуқ сув тагига тутди. Қўлини тоза дағал сочиқ билан ар-тиб бўлгач, Ҳожи Мурод таомга юзланди. Элдор ҳам

шундай қилди. Меҳмонлар таммадди қилгунча, Садо уларнинг қаршисида ўтириб, бир неча марта уларга келганлари учун миннатдорчилик билдирди. Эшик олдида ўтирган болакай, ялтироқ қора кўзларини Ҳожи Муроддан узмай, отасининг гапларини тасдиқлагандек жилмайиб кўярди.

Суткадан ортиқ ҳеч нарса емаганига қарамай, Ҳожи Мурод озгина нон, пишлоқ тановвул қилди, холос. Сўнгра ханжарнинг тагидан олган пичоғининг учида озгина асал олиб нонга сурди.

— Асалимиз яхши. Бу йил асал ҳар йилгидан ҳам кўп, ҳам яхши, — деди чол. Афтидан у Ҳожи Муроднинг унинг асалидан еганидан мамнун эди.

— Раҳмат, — деди Ҳожи Мурод ва ейишдан тўхтади.

Элдорнинг ҳали егиси келардию, лекин у ҳам ҳожа-си каби таомдан узоқлашди ва Ҳожи Муродга дастшўй ва қумғонни узатди.

Садо Ҳожи Муродни уйига қабул қилиб, ҳаёти-ни таҳликага қўяётганини биларди. Чунки Шомил билан Ҳожи Мурод ўртасидаги жачжалдан кейин Чеченистоннинг барча аҳлига кимки Ҳожи Муродни қабул қилса ўлдирилиши ҳақида эълон қилинган эди. У шунингдек овул аҳли Ҳожи Мурод унинг уйда эканлигини билиб қолиши мумкинлигини, ва шундай бўлса дарҳол унинг топширилишини талаб қилишини ҳам биларди. Бу нафақат Садонинг кўнглига гулгула соларди, аксинча хурсанд ҳам қиларди. Садо ўз меҳмонини ҳаёти эвазига бўлсада ҳимоя қилишни ўзининг бурчи деб биларди. Ва у шундай йўл тутаётганидан хурсанд ҳам бўларди, фахрланарди ҳам.

— Сен менинг уйимда, бошим эса елкамда экан, сенга ҳеч ким ҳеч

нарса қилмайди, — дея такрорлади у Ҳожи Муродга.



Ҳожи Мурод диққат билан унинг ялтироқ кўзларига тикилдида, тантанавор эълон қилди:

— Сени ҳаёт ва қувонч кутади.

Садо бундай сўзлардан миннатдорлигини қўлини кўкси узра унсиз қовуштириш билан изҳор қилди. Печга ўтинни қалаб, хона дарчасини ёпиб, хурсанд ва тўлқинланган ҳолда меҳмонхонадан чиқдида, оила аҳли яшайдиган хонага ўтди. Аёллар ҳали ухламасдан уйларида тунаган хавfli меҳмонлар ҳақида суҳбатлашишар эди.

## II

Худди ўша тунда Воздвиженскийнинг олдинги қалъасидан, Ҳожи Мурод тунаган қишлоқдан ўн беш чақирим масофада Чоҳгирин дарвозаси ортидаги итсеҳкомдан унтер-офицер ва учта аскар чиқиб келди. Шинеллари елкаси оша ўралган аскарлар поча пўстин ва папахада, ўша вақтдаги кавказ аскарлари каби кўнжи тиззасидан юқори этик кийиб олишгандилар. Елкасига милтиқ осган аскарлар аввалига йўлдан юришди. Беш юз қадамлар чамаси юриб, ўнга бурилди. Этиклари билан қуруқ ўтларни шитирлатиб, ўнг томонга йигирма қадамлар юрдида, қора танаси кечаси ҳам кўриниб турадиган синиқ чинорнинг ёнида тўхтадилар. Дарахтга одатда разведка жўнатишар эди.

Дарахтларнинг учида аскарлар билан бирга югурган ёрқин юлдузлар энди дарахтнинг яланғоч шохлари орасида тўхтаганди.

— Раҳмат, — деди қуруққина қилиб унтер-офицер Панов, елкасидан учида найзаси бор узун милтигини ечар экан. Кейин уни шақирлатиб дарахтга суяб қўйди. Уч аскар ҳам худди шундай қилдилар.

— Ахир бор эдику, йўқотдим, — норози мингиди деди Панов. — Ё эсдан чиқди, ё йўлда тушиб қолди.

— Нимани излаяпсан ўзи? — сўради аскарлардан бири тетик ва қувноқ овозда.

— Трубкани, жин урсин, қаёққа йўқолди!

— Найи синмаганми, ишқилиб? — жаранглади тетик овоз.

— Найи мана.

— Тўғри ерга тушдимиз?

— Қаердан билай?

— Бунинг тезда иложини қиламиз.

Разведкада чекиш мумкинмасди. Лекин бу разведкани разведка деб бўлмасди. Тоғлиқларнинг келиб қурол ўғирлаб кетмаслиги ва шу қуролдан истеҳкомга ўқ узмаслиги учун шунчаки олдинги позицияга жўнатилган қоровул эди. Панов ўзини чекишдан маҳрум қилгиси келмаганлигидан қувноқ аскарнинг таклифига осон кўнди. Қувноқ аскар пичоғини олиб ерни ковлаб кетди. Бир пасда тайёр бўлган чуқурчага тамакини солиб, устига найчани ўрнатди. Аскарнинг ёноқ суяклари чиққан юзини ёритиб олтингугурт ҳам ёна қолди. Найчадан тутун бурқсиб чиқди. Панов эса маҳорканинг ёқимли ҳидини сизди.

— Эпладимми? — сўради аскар ўрнидан тураётиб.

— Эплаганда қандай.

— Авдеев, барака топ! Қани, озроқ чектирчи.

— Авдеев Пановга ўрнини бўшатиб, оғзидан тутунни бурқситиб, ён томонга ағдарилди. Аскарлар ўзаро суҳбатлашиб чека бошладилар.

— Айтишларига қараганда рота командири яна қутига тушибди. Яна ютқизгандирда, — деди аскарлардан бири эринган овозда.

— Беради, — деди Панов.

— Дабатта, у яхши зобит, — тасдиқлади Авдеев.

— Яхшиликка яхшикуя, — маъюс давом этди гап бошлаган, — менинг маслаҳатим, — рота у билан гаплашиб олиши керак: олган бўлсанг, айт, — қанча, қачон берасан.

— Ротанинг қандай ҳукм чиқаришига боғлиқ, — деди Панов, оғзини найдан ола туриб.

— Маълум, келишилади, ҳар қалай катта одам, — тасдиқлади Авдеев.

— Сули сотиб олишим керак эди. Ундан ташқари баҳорга этигимни тайёрламоқчи эдим. Пул керак. Қандай қилиб олди экан у... — норози минғирлади гап бошлаган аскар.

— Айтаяпманку, рота қандай ҳал қилишига боғлиқ деб, — такрорлади

Панов. — Биринчи марта эмаску: олади ва беради.

Уша вақтлари Кавказда ҳар бир рота сайланган одам орқали ўз хўжалигини юритарди. Ғазнадан одам бошига олти сўм эллик тийиндан пул олинардида, рота ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминларди: карам экарди, ғарам ўрарди, ўзининг аравалари бўларди, ротанинг отлари ҳамиша тўқ бўларди. Ротанинг пуллари эса қутида сақланарди. Қутининг калити рота командирида бўлгани учун тез-тез у ердан қарзга пул олиб турарди. Ҳозир ҳам шундай бўлганди. Аскарлар шу ҳақда суҳбатлашишаётганди. Хафа бўлган аскар Никитин рота командиридан ҳисобот талаб қилишни хоҳларди, Панов ва Авдеев ундай қилмаслик керак деб ҳисоблашишарди.

Пановда сўнг Никитин ҳам чекиб олдида, тагига шинелини тўшаб, дарахтга суяниб ўтириб олди. Аскарлар жим бўлиб қолганди. Фақат тепадан шамолнинг дарахт учларини қимирлатаётганлиги эшитилиб турарди. Ку-

тилмаганда гоҳ йиғига, гоҳ кулгига, гоҳ эса увуллашга ўхшаган чия бўриларнинг чийиллаши эшитилиб қолди.

— Бу лаънатиларнинг қаҳ-қаҳ отиб кулишиничи, — деди Авдеев.

— Булар сенинг юзингнинг қийиқлигига кулаятдилар, — тўртинчи аскарнинг хохолларга хос ингичка овози эшитилди.

Яна ҳамма жим бўлиб қолди. Фақат шамол юлдузларни гоҳ бекитиб, гоҳ чиқариб дарахтнинг шохларини қимирлатарди.

— Антонич, сен ҳам зерикасанми? — кутилмаганда сўради Авдеев

Пановдан.

— Қанақанги зерикашни айтаяпсан? — хоҳламай жавоб берди Панов.

— Мен баъзан шундай зерикаман, шундай зерикаман, ўзимни қаёққа уришни билмайман.

— Сени қарая! — деди Панов.

— Пулларимни ичиб қўйганимда ҳам зерикканимдан эди. Чидай олмадим. Ўзимдан кетгунча ичиб қўрайинчи деб ўйладим.

— Қўпинча шароб баттар қилади.

— Шундай бўлдиям. Нимаям қилардим?

— Нимадан бунча зерикасан?

— Менми? Уйни соғинаман.

— Бой яшармидиларинг?

— Бой бўлмасак ҳам ўрта ҳол яшардик. Яхши яшардик. — Авдеев яна

Пановга кўп марталаб гапириб берган дардини гапира бошлади. — Мен акамни ўйлаб ишни қилиб қўйдим. Унинг тўрт-бешта боласи бор! Мени энди уйлантиришганди. Онам туриб олди. Ўйлаб туриб, кўндим: шоядки, яхшилигимни билса деб. Бойнинг ёнига бор-

дик. Бой эса яхши одам. У деди: “Азамат! боравер”. Шундай қилиб акамнинг ўрнига кетдим.

— Бу яхшику, деди Панов.

— Ишонасанми Антонич, энди соғинаяпман. Кўпинча — нимага акамнинг ўрнига кетдим, — деб ўйланиб қоламан. У энди ҳукмронлик қилаяпти. Мен эса қийналаяпман. Ўйлаб кўриб, яна гуноҳдан кўрқаман.

Авдеев жим бўлиб қолди.

— Яна чекамизми? — сўради Авдеев.

— Нимаям қилардик. Майли, сол!

— Лекин аскарларга чекиш насиб қилмади. Авдеев энди ўрнидан туриб найни тўлдирмоқчи эди, йўл томондан шамолнинг шовқини аралаш қадам товушлари эшитилди. Панов милтигини қўлига олиб, Никитинни оёғи билан туртди. Никитин эса ўрнидан туриб, шинелини қўлига олди. Учинчиси — Бондаренко ҳам ўрнидан турди.

— Оғайнилар, шундай туш кўрдим...

Авдеев Бондаренкога жим бўлиш ишорасини қилди. Аскарлар эса, қулоқ солиб, қотиб қолишди. Этиқдан бошқа нарса кийган одамларнинг юмшоқ оёқ товушлари яқинлашиб келарди. Қоронғуликда қуруқ шохлар ва баргларнинг қисирлаши тобора аниқроқ эшитила бошлади. Кейин эса чеченларга хос томоқ қириб гаплашганларнинг гаплари эшитилди. Аскарлар энди нафақат эшитди, балки шуълада дарахтлар орасида иккита сояни ҳам кўрдилар. Соялардан бири паст бўйи милтиғи ва иккита ҳамроҳи билан йўлга чиқди.

— Ким келаяпти? — қичқирди у.

— Чеченлармиз, тинч ниятда, — деди пастак бўйлиси. У Бата эди.

Милтиқ ва қилич йўқ, — деди у ўзига ишора қилиб. — Кинезь керак.

Баланд бўйлиси эса дўсти ёнида жим турарди. Унда ҳам қурол йўқ эди.

— Айғоқчи. Демак — полк командирига, — деди Панов, дўстларига тушунтира.

— Кинезь Воронцов қаттиқ керак, катта иш керак, — деди Бата.

— Майли, майли, олиб борамиз, — деди Панов. — Нима ҳам қилардик, сен Бондаренко билан олиб бор, — деди Авдеевга мурожаат қилиб. — Навбатчига топшириб орқанга қайт. — Кўзинга қара, — деди яна Панов. — Олд томонингда олиб юр. Бўлмаса бу яланг пешоналар олғир бўладилар.

— Нима ҳам қиларди? — деди Авдеев, милтигининг найзаси билан худди санчаётгандек ҳаракат қилиб. — Бир санчаман, — буғи чиқиб кетади.

— Кейин нимага ярайди у санчиб олсанг, — деди Бондаренко. — Қани, ҳайда!

Икки аскар билан айғоқчиларнинг қадам товушлари жим бўлиб қолганида, Панов ва Никитин жойларига қайтдилар.

— Нима жин чалди экан уларни кечаси! — деди Никитин.

— Зарур иши бордирда, — деди Панов. — Салқин тушиб қолдия, — қўшиб қўйди у, шинелини ёзиб. Кейин уни кийиб олдида, дарахт ёнига ўтириб олди.

Икки соатлар ўтиб, Авдеев билан Бондаренко қайтиб келдилар.

— Нима, топширдиларингми? — сўради Панов.

— Топширдик. Полк командири ёнидагилар ҳали ухлашмабди.

Тўғри ўзига топширдик. Бу яланг пешоналар яхши йигитлар экан, — давом этди Авдеев. — Худо ҳаққи! Мен улар билан суҳбатлашиб кетдим.

— Сенинг гапдонлигинг маълум эдику, — норози оҳангда деди Никитин.

— Тўғриси, худди Россияликлардек. Биттаси уйланган экан. Марушка Борми? — деб сўрадим. — Бор дейди. — Қўзилар ҳам борми? — Бор. — Кўпми? — Бир жуфт, дейди. — Гапимиз қовушиб кетди. Яхши йигитлар экан.

— Қандай яхши бўлсин, — деди Никитин. — Унга бирга-бир чиқиб қолсанг, ичак-чавогингни чиқариб ташлайди.

— Тонг яқинга ўхшайди, — деди Панов.

— Ҳа, юлдузлар сўна бошлади, — деди Авдеев, жойлашиб ўтира туриб. Акарлар яна жим бўлиб қолишди.

### III

Казарма деразалари ва аскарларнинг уйларида алақачон қоп-қоронги эди. Лекин қалъанинг энг яхши уйларидан бирида икита дераза ёришиб турарди. Бу уйда Куринский полкининг командири, бош қўмондоннинг ўғли, флигель-адъютант князь Семен Михайлович Воронцов қўним топганди. Воронцов Петербургнинг машҳур гўзали, рафиқаси Марья Васильевна билан Кичик Кавказ қалъасида бу ерликларга хос бўлмаган дабдаба билан яшардилар. Воронцов, айниқса унинг хотини ўзларини нафақат бу ерда камтар яшашаяпти деб, ҳатто оддий ҳаётдан бебаҳра ҳисоблашардилар; ҳолбуки, бу ҳаёт бу ерликларни ўзининг ҳаддан ташқари тантанаворлиги билан ҳайрон қолдирарди.

Энди тунги соат ўн иккида катта меҳмонхонада, оғир пардалари туширилган, бутун хонани эгаллаган гилам устига жойлаштирилиб, атрофи шам-чироқлар билан ёри-

тилган қарта ўйини учун мўлжалланган стол атрофида уй эгалари меҳмонлар билан қарта ўйнади. Ўйинчилардан бири узунчоқ юзли, оқ малла сочли полковник мундири эгнига флигель-адъютант вензеди ва аксельбант тақиб олган уй эгасининг ўзи Воронцов эди. Унинг шериги Петербург университети номзоди, княгиня Воронцова томонидан биринчи эридан қолган ўғли учун ёлланган ўқитувчи бўлиб, пахмоқ сочли батқовоқ йигит эди. Уларга қарши эса икки зобит ўйнардилар: бири — кенг қизил юзли, гвардиядан келиб чиққан рота командири Полторацкий{2}, ва жуда ҳам тик ҳолда ўтирган, чиройли, лекин совуқ юзли полк адъютанти эди. Ўзи норғил, катта кўзли, қорақошли гўзал Княгиня Марья Васильевна Полторацкийнинг ёнидан жой олган бўлиб, унинг оёқларига чамбаракли кенг юбкасини текизиб, унинг қарталарига қараб-қараб қўярди. Княгинянинг сўзларида ҳам, нигоҳида ҳам, илжайишида ҳам, ва танасининг барча бошқа ҳаракатларида, шунингдек таралаётган атрида ҳам Полторацкийни унинг яқинлигидан бошқа ҳамма нарсани унутишга мажбур қиладиган нарсалар мужассам эдики, Полторацкий у туфайли хато устига хатога йўл қўярди. Бу эса унинг ҳамкорининг ғашини келтирарди.

— Йўқ, бу мумкин эмас! Яна тузни тузладик! — қизариб деди адъютанат Полторацкий тузни туширганда.

Полторацкий, худди ўйқудан уйғонгандек, меҳрга тўла, кенг очилган кўзлари билан ҳеч нарсага тушунмай норози адъютантга боқарди.

— Уни кечиринглар! — деди илжайиб Марья Васильевна. — Кўряпсизми, мен сизга айтдимку, — дея Полторацкийга муруожаат қилди.

— Сиз ҳеч нарса демадингизку, — деди кулиб Полторацкий.



— Наҳотки, ундай эмасми? — деди у, ва яна кулиб қўйди. Ва бу жавоб кулгиси Полторацкийни шундай даҳшатли ҳаяжонлантирди ва қувонтирдик, у қип-қизариб кетди, ва қартани чангаллагудек йиғиб олиб, қориштира бошлади.

— Қўй, сен аралаштирма, — қатъий оҳангда деди адъютанат ва ўзининг узук тақилган оппоқ қўллари билан қартани шундай тарқата бошладик, худди улардан эртароқ қутулмоқчидек.

Меҳмонхонага князнинг уй хизматкори кириб, князни навбатчи кўрмоқчи эканлигини маълум қилди.

— Кечирасизлар, жаноблар, — деди Воронцов, рус тилини инглиз акцентига талаффуз қилиб. — Marie, сен менинг ўрнимга ўтир.

— Розимисизлар? — сўради княгиня, шойи кўйлагини шигиллатиб, бахтли аёлга хос чарақлаб кулиб ўридан энгил тураркан.

— Мен ҳамиша ҳамма нарсага розиман, — деди адъютант, ўзига қарши энди умуман ўйнай олмайдиган княгиня ўйнашидан қувониб. Полторацкий эса фақат кулиб қўлларини ёйиб қўйди.

Князь меҳмонхонага қайтганида роббер ниҳоясига етганди. У бошқача қувноқ ва тўлқинланган ҳолда қайтди.

— Биласизларми мен сизларга нима таклиф қиламан?

— Қани, эшитайлик?

— Шампанское ичамиз.

— Мен бунга ҳамиша тайёрман, — деди Полторацкий.

— Нима ҳам дердик, бу ажойиб, — деди адъютант.

— Василий! Тарқатинг, — деди князь.

— Сени нимага чақирган экан? — сўради Марья Васильевна.

— Навбатчининг ёнида яна бир киши бор эди.

— Ким? Нима? — шошиб сўради Марья Васильевна.

- Айта олмайман, — деди елкасин қисиб Воронцов.
- Айта олмасанг, — дея такрорлади Марья Васильевна. — Унда биз уни кўрамиз.

Шампанское келтиришди. Меҳмонлар бир стакандан ичишдида, ўйинни тугатиб, ҳисоб-китоб қилиб тарқалишди.

- Эртага ўрмонга сизнинг ротангиз белгиланганми?
- деб сўради князь Полторацкийдан.
- Менинг. Нима эди?
- Унда биз сиз билан эртага кўришармиз, — деди князь энгил илжайиб.

— Хурсандман, — деди Полторацкий, Воронцов нима деганини яхши тушунмай. Уни ташвишлантираётган нарса, қандай қилиб ҳозир Марья Васильевнанинг катта опшоқ қўлини сиқиб қўйиш эди.

Марья Васильевна, ҳар доимгидек, нафақат Полторацкийнинг қўлини сиқиб қўйди, ҳатто қаттиқ силкиб ҳам қўйди. Бу билан унинг ўйиндаги хатосини яна бир эслатиб қўйди. Полторацкийнинг назарида унга майин ёқимли ҳамда маъноли кулиб ҳам қўйгандек бўлди.

Полторацкий уйига шундай завққа тўлиб қайтардики, уни фақат узоқ вақт фронтда бўлгач, ниҳоят ўзининг аввалги даврасидаги аёлни учратган одамгина тушунарди. Яна қандай дейсизми; княгина Воронцовадек.

Дўсти билан яшайдиган уйига келиб эшикни ичкарига итарди, лекин эшик ёпиқ эди. Таққиллатиб кўрди. Эшикни ҳеч ким очмади. У жаҳли чиққанидан эшикни оёғи ва қиличи билан савалаб кетди. Эшик ортидан қадам товушлари эшитилди, ва Полторацкийнинг крепостной хизматкори Вавило эшик иллагини туширди.

— Нима учун эшикни қулфлаб олдинг?! Галварс!

— Мумкин эмасмиди, Алексей Владимир... Полторацкий

Вавилони урмоқчи эдию, лекин фикридан қайтди.

— Жин урсин сени. Шамни ёқ.

— Ҳозир.

Вавило ҳақиқатдан ҳам ичган эди. У каптенармусни-кида туғилган кунини нишонлаган эди. Уйга келиб эса ўзининг ҳаёти ҳақида каптенармус Иван Макеичники билан солиштириб уйлаб кўрди. Иван Макеичнинг даромади яхши, уйланганди ва бир йилдан кейин узил-кесил истеъфога чиқиши керак эди. Вавило эса болалигидан юқори табақадагилар уйига олинганди, яъни жанобларга хизмат қилиши керак эди. Мана, ёши қирқдан ошибди ҳамки, у уйланмасдан ўзининг бетартиб хўжайини билан бирга доим сафарда ҳаёт кечираяпти. Хўжайин ёмон одам эмасди, кам урарди, лекин бу қанақанги ҳаёт! “Кавказдан қайтгач озодликка чиқаришни ваъда қилган. Озодликка чиқиб қаерга ҳам борардим. Ит ҳаёт!” — уйлади Вавило. Унинг қаттиқ уйқуси келганидан, уйга биров кириб бирон нарсани олиб чиқиб кетмаслиги учун эшикни қулфлаб ухлаб қолганди.

Полторацкий дўсти Тихонов билан ётадиган хонага кирди.

— Нима бўлди, ютқаздингми? — деди Тихонов уйғониб.

— Йўғе, ун етти сўм ютдим, ва бир шишани бўшатдик.

— Марья Васильевнани ҳам кўрдингми?

— Марья Васильевнани ҳам кўрдим, — тақрорлади Полторацкий.

— Уйғониш вақти яқинлашиб қолди, — деди Тихонов. — Соат олтида чиқиш керак.

— Вавило, — қичқирди Полторацкий. — Қара, мени эртага соат бешда яхшилаб уйғот.

— Сиз уришиб кетсангиз қандай уйғотаман?

— Мен уйғот деяпман. Эшитдингми?

— Хўп бўлади.

Вавило этик ва кўйлакни олиб чиқиб кетди.

Полторацкий эса тўшакка ётди ва илжайиб папирос чекдида, шамни ўчирди. Қоронғуда кўз ўнгида Марья Васильевнанинг илжаяётган жамоли пайдо бўлди.

Воронцовлар ҳам ҳали ухлашмаганди. Меҳмонлар кетгач, Марья Васильевна эрининг ёнига келиб қатъий деди:

— Eh bieu, vous allez me dire ce que c'est?

— Mais, ma chere...

— Pas de «ma chere»! C'est un йmissaire, n'est-ce pas?

— Quand meme je ne puis pas vous le dire.

— Vous ne pouvez pas? Alors c'est moi qui vais vous le dire!

— Vous?

— Ҳожи Мурадми? Шундайми? — деди, бир неча кундан бери эрининг

Ҳожи Мурад билан келишув олиб бораётганини эшитган, ва Ҳожи Мураднинг эрининг қабулида бўлганлигидан шубҳа қилмаган княгиня.

Воронцов буни инкор қила олмади, лекин рафиқасини Ҳожи Мураднинг ўзи эмас, айғоқчиси бўлганлиги, ва эртага ўрмон қирқиладиган жойда Ҳожи Мурад унинг қаршисига чиқиши ҳақидаги хабари билан ҳафсаласини пир қилди.

<sup>1</sup> — Сен менга нима бўлганини айтасанми?

— Лекин, азизим...

— “Азизим”нинг нима даҳли бор! Бу албатта айғоқчи, шундайми?

— Шундай бўлишига қарамай мен сенга айта олмайман.

— Айта олмайсанми? Унда, мен сенга айтаман!

— Сен? (француз тилида)

Қаланинг ичидаги бир хил ҳаётдан зерикқан иккала ёш Воронцовлар. — эри ҳам, хотини ҳам бу хабардан хурсанд бўлишди. Бу хушхабар отасига ёқиши ҳақида суҳбатлашиб, эри-хотин кечаси соат учга яқин уйкуга ётишди.

#### IV

Ўзига қарши жўнатилган Шомилнинг муридларидан қочиш билан бўлиб уч тунни бедор ўтказган Ҳожи Мурод Садо унга хайрли тун тилаб уйдан чиқиши билан уйкуга кетди. У ечинмасдан, уй эгаси қўйган қизил пар ёстиққа тирсаги билан ёнбошлаганича ухлаб қолди. Унинг яқинида девор тагида Элдор ухлади. Элдор оёқ-қўлларини ёзганча чалқанча тушиб ухлаганидан унинг оқ камзулдан кўриниб турган кўкси сочи қиртишлаб олинган, ёстиқдан тушиб кетган бошидан баланд эди. Тарвақайлаб кетган, худди болаларникидек мўй билан қопланган устки лаблари ҳўплаб ичаётгандек йиғиларди ва очиларди. У ҳам худди Ҳожи Муроддек ухлади: ечинмасдан, белида тўппончаси ва ханжари билан. Уй печида ўтинлар ёниб бўлаёзганди ва унда хира чироқ салгина ёришиб турарди.

Ярим тунда меҳмонхона эшиги гичирлади, ва Ҳожи Мурод шу ондаёқ ўрнидан турди ва тўппончага ёпишди. Хонага тупроқ тўшамаси устида енгил қадам босиб Садо кириб келди.

— Нима керак? — худди ҳеч қачон ухламагандек тетик сўради Ҳожи Мурод.

— Ўйлаб кўриш керак, — деди Ҳожи Муроднинг қаршисида чўнқайиб ўтириб олган Садо. — Сенинг қандай келганингни томда туриб бир аёл кўрибди ва эрига айтибди, энди эса бутун қишлоқ билади. Ҳозир

хотинимнинг олдига қўшни аёл келиб айтибдики, чоллар сени тўхтатиш мақсадида мачитнинг олдида тўпланишаётган экан.

— Кетиш керак, — деди Ҳожи Мурад.

— Отлар тайёр, — деди Садо ва тезда уйдан чиқди.

— Элдор, — шивирлади Ҳожи Мурад, ва ўз исмини, айниқса

Ҳожасининг товушини эшитган Элдор, папахини тўғирлаб, кучли оёқларида ўрнидан сакраб турди. Ҳожи Мурад енгсиз чакмонининг устидан қуролини тақди. Элдор ҳам шундай қилди. Ва иккаласи ҳам жимгина айвон тагига чиқишди. Қоракўзли болакай отларни келтирди. Туёқларнинг овозини эшитиб, қўшни уй эшигидан бир бош суқилиб кўриндида, ёғоч ботинкаларини таққиллатиб кимдир мачит томонга чошиб кетди.

Ой кўринмасди, лекин қоп-қора осмонда юлдузлар чарақлаб турарди, ва қоронғуда Кавказ тоғ уйларининг томи ва қишлоқнинг чеккасидаги энг баланд мачит биниси минораси билан кўриниб турарди. Мачитдан гала-говур товушлар эшитиларди.

Ҳожи Мурад тезда милтигини қўлига олиб, оёғини ингичка узангига қўйиб, овоз чиқармасдан танасини ошириб, баланд эгарга жойлашди.

— Худо ярлақасин сизларни! — деди у мезбонга қарата, одат бўлиб қолган ҳаракат билан ўнг оёғи билан иккинчи узангини излар экан. Қўлидаги қамчи билан отни ушлаб турган болакайни қоч ишораси билан енгил туртиб қўйдида. Болакай чеккага ўтди ва от нима қилишини билгандек тетик қадам билан йўлакчадан катта кўчага чиқди. Элдор орқада келарди. Пўстин кийиб олган Садо қўлларини тез-тез силкитиб, кўчанинг гоҳ у, гоҳ бу томонига ўтиб, улар билан салкам теп-

па-тенг чопди. Овулдан чиқишда йўлнинг нариги томонида шарпа, кейин иккинчиси кўринди.

— Тўхта! Ким келаяпти? Тўхта! — қичқирди товуш, ва бир неча киши йўлни тўсиб чиқдилар.

Тўхташ ўрнига Ҳожи Мурод белбогидан тўппончасини олдида, тезликни ошириб, отни йўлни тўсганларнинг устига солди. Йўлдаги одамлар қочиб қолишди, ва Ҳожи Мурод атрофга қарамай, отини катта-катта йўрғалатиб, йўл бўйлаб пастга тушиб кетди. Элдор ҳам отини катта-катта йўрттириб, орқасидан чопди. Уларнинг ортидан икки марта ўқ овози эшитилди. Ўқлар иккала чавандозга ҳам тегмай, чийиллаб ўтиб кетди. Ҳожи Мурод шу тезликда чопишни давом эттирди. Уч юз қадамлар ўтиб энгил ҳансираётган отини тўхтатди ва атрофга қулоқ солди. Олдинда пастда тезоқар сув шовуларди. Орқада эса овулда қичқираётган хўрозлар товуши эшитиларди. Улар орасидан Ҳожи Муроднинг орқасидан яқинлашиб келаётган отлар туёқларининг овози ва гаплар эшитилди. Ҳожи Мурод отни туртди ва худди шундай равон тезликда кетди.

Орқада от чоптириб келаётганлар Ҳожи Муродга етиб олишди. Улар тахминан йигирматача отлиқ эдилар. Улар ё Ҳожи Муродни ушламоқчи, ёки бўлмаса Шомилнинг олдида ўзларини оқлаб олиш учун ушламоқчидек кўринмоқчи бўлган овул аҳли эди. Улар қоронғуда ҳам кўринадиган даражада яқин келишганда Ҳожи Мурод тўхтади ва жиловни қўйиб юбориб, одат бўлиб қолган ҳаракатда чап қўл билан милтиқ гилофини очиб, ўнг қўли билан уни суғуриб олди. Элдор ҳам шундай қилди.

— Нима керак? — дея қичқирди Ҳожи Мурод. — Қўлга олмоқчимисизлар? Мана, олинглар! — Ва у милтигини кўтарди. Овул аҳли тўхтади.

Ҳожи Мурод милтигини қўлида ушлаб жарликка туша бошлади. Отлиқлар, яқинлашмасдан орқасидан эргашдилар. Ҳожи Мурод жарликнинг нариги томонига ўтиб олганида орқасидан келаётганлар унга қичқириб, уларнинг гапини тинглашини сўрашди. Бунга жавобан Ҳожи Мурод милтиқдан ўқ отдида, отини чоптириб кетди. У тўхтаганида орқасидан қувиб келаётганларнинг овози эшитилмади; хўрозларнинг ҳам овози эшитилмасди, фақат ўрмонда сувнинг шилдирашию, ҳар замонда уккининг йиғиси аниқ эшитиларди. Ўрмоннинг қора деворига жуда яқин қолганди. Бу ер унинг муридлари кутиб турган ўрмон эди. Ўрмонга яқин келиб, Ҳожи Мурод тўхтади ва ўпкасини тўлдириб нафас олиб ҳуштак чалди. Кейин жим туриб қулоқ солди. Бир дақиқадан кейин ўрмондан шундай ҳуштак овози эшитилди. Ҳожи Мурод йўлдан бурилиб, ўрмонга қараб юрди. Юз қадамча юриб, у дарахтлар орасидан аланга ва унинг атрофида ўтирган одамлар сояларини ва ярми оловда ёришиб турган, ўзи эса тушовда турган эгарланган отни кўрди.

Аланга атрофида ўтирган кишилардан бири тезда ўрнидан турдида, Ҳожи Муроднинг ёнига келиб, отнинг жилови ва узангисидан тутди. У Ҳожи Муроднинг укаси тутинган, хўжалигини юритадиган авар Ханаф эди.

— Оловни ўчиринглар, — деди Ҳожи Мурод, отдан туша туриб.

Одамлар оловни ва ёнаётган шох-шаббаларни тепиб ўчирдилар.

— Бу ерга Бата келдими? — тўшалган чакмон томон келар экан, сўради Ҳожи Мурод.

— Келди, аллақачон Муғом хон билан бирга кетди.

— Қайси йўлдан кетишди?



— Мана бу йўлдан, — жавоб берди Ханаф, Ҳожи Мурод келган томоннинг қарама-қарши томонини кўрсатиб.

— Майли, — деди Ҳожи Мурод, ва милтиқни олиб ўқлади. — Эҳтиёт бўлиш керак, орқамдан қувиб келишди, — деди у ўтти ўчираётган одамга мурожаат қилиб.

Бу чечен Ҳамзало эди. Ҳамзало чакмонга яқин келиб, унинг устида ғилофда ётган милтиқни олди ва индамай ялангликнинг чеккаси, Ҳожи Мурод келган томон кетди. Элдор эса отдан тушиб, Ҳожи Муроднинг отини ушладида, иккаласининг ҳам бошини баланд тутиб, дарахтга боғлаб, кейин худди Ҳамзало каби елкасида милтиқ билан ялангликнинг бошқа чеккасига бориб турди. Олов ўчирилди, осмонда ғира-шира бўлсада юлдузлар чақнаб турганидан, ўрмон унчалик ҳам қоронгу эмасдек туюлди.

Юлдузларга, осмоннинг ярмигача кўтарилган Стожарга боқиб, Ҳожи Мурод тун ярмидан ошган, демак тунги намоз вақти келган деган хулосага келди. У Ханафдан ҳар доим тўрвасида олиб юрадиган қумгонни сўради ва чакмонни елкасига ташлаб, сув томон кетди.

Пойафзалини ечиб, таҳорат олган Ҳожи Мурод чакмон устига яланг оёқ турдида, кейин оёгининг болдирлари устига чўккалади, аввал бармоқларини қулоғига яқин келтириб, кўзларини юмиб, шарқ томонга юзланиб, одатий ибодатни бошлади.

Намозни тугатиб, у ўз жойига, тўрвалари ётган жойга қайтиб келдида, чакмон устига ўтириб, қўлларини тиззалари устига тираб, бошини қуйи солиб, ўйланиб қолди.

Ҳожи Мурод ҳамиша ўз бахтига ишонган. Бир ишга жазм қила туриб, у омадга қаттиқ ишонарди ва ҳамма иши бароридан келарди. Бу эса унинг бутун қизгин ҳарбий ҳаёти давомида камдан-кам учрайдиган ҳолат эди.

Энди ҳам шундай бўлишига қаттиқ ишонди. У Воронцов берган қўшин ёрдамида Шомилга қарши боришни, уни асирга олишни, ва ундан қасос олишни, рус пошшоси уни мукофотлашни, кейин у яна фақат Аварияни эмас, бутун Чеченистонни бошқаришни тасаввур қилиб кўрди. Шундай фикрлар билан у қандай қилиб ухлаб қолганини билмай қолди.

У тушига қандай қилиб йигитлари билан “Ҳожи Мурад келаяпти” деган қичқириқ билан Шомилнинг устига бостириб бориб, хотинлари билан асир қилиб олаётгани кирди. Унинг хотинларининг йиғи ва ҳайқириқлари қулоқлари остида аниқ жаранглади. Бир маҳал уйғониб кетса, “Ҳожи Мурад келаяпти” деган қичқириқ ва Шомилнинг хотинларининг йиғилари уни уйғотиб юборган чиябўрилларнинг увуллаши экан. Муғом хоннинг ҳали қайтмаганини билиб, Ҳожи Мурад бошини жойига қўйиб яна пинакка кетди.

Уни Бата билан биргаликда ўз элчихонасидан қайтган Муғом хоннинг қувноқ овози уйғотиб юборди. Муғом хон Ҳожи Мураднинг ёнига ўтириб олиб, қандай қилиб аскарлар уларни учратгани ва шахсан князнинг олдига олиб боргани, ўзи эса князь билан суҳбатлашгани, князь эса хурсанд бўлиб, эрталаб уларни Шолин яланглигида, Мичик ортида ўрислар ўрмон қирқаётган жойда кутиб олишга ваъда бергани ҳақида сўзлаб берди. Бата воқеаларга аниқлик киритиб, ҳамроҳининг гапларини бўлиб турди.

Ҳожи Мурад ўзининг ўрисларга қўшилиши ҳақидаги таклифига Воронцов айнан қандай сўзлар билан жавоб бергани ҳақида батафсил сўраб олди. Муғом хон ҳам, Бата ҳам бир овозда князь Ҳожи Мурадни меҳмондек қабул қилишини, ва унга яхши бўлиши учун ҳаракат қилишини айтдилар. Ҳожи Мурад улардан йўл ҳақида

сўраб олди. Муғом хон йўлни яхши билиши ва уларни тўғри ўша ёққа олиб бориши ҳақида ишонтиргач, Ҳожи Мурод пулни олдида, Батага ваъда берган уч рублни берди. Муридларига эса тўрвадан олтин нақшли қуролини, папахини, салласини олишини, ўзлари эса ўрисларнинг олдига кўркам ҳолда бориши учун тозалашиб олишларини буюрди. Улар қуроallarини, эгар-жабдуқлар ва отларни тозалаб бўлгунича юлдузлар сўниб, атроф ёришиб, тонг шамоли эса бошлади.

## V

Эрта тонгда, ҳали қоронғулик тўлиқ чекинмасдан, иккита рота болталар билан Полторацккийнинг қўмондонлиги остида Чоҳқирин дарвозасидан ўн чақиримчага чиқдилар. Йўлларга кўрсаткичларни ўрнатиб бўлгач, тонг ёришиши билан ўрмонни кесишни бошладилар. Соат саккизларга яқин оловда ёниб тугаётган шох-шаббаларнинг ёқимли ҳиди аралаш туман тарқала бошлади. Беш қадам наридаги шеригини кўрмасдан фақат овозини эшитаётган ўрмон қирқаётганлар оловни ҳам, қирқилган дарахтлар билан қопланган ўрмон йўлларини ҳам кўра бошладилар. Қуёш булутлар орасидан гоҳ ола қашқа бўлиб кўриниб, гоҳ бекиниб оларди. Ялангликда, йўлдан узоқроқда Полторацккий ўзининг субалтерн-офицери Тихонов, учинчи ротанинг иккита зобити, ҳамда Пажеск корпусидаги дўсти — дуэль туфайли мансабдан туширилган собиқ кавалергард барон Фрезе билан бирга давра қуриб ўтиришарди. Уларнинг атрофида егулик ўралган қоғозлар, чекиб ташланган папирос қолдиқлари, бўшаган шишалар ётарди. Зобитлар ароқ ичишардида, орқасидан тамадди қилишарди ёки пиво ичишарди. Барабанчи саккизинчи шишани очди. Полторацккий уйқу-

га тўймаганлигига қарамай, ўзини хавф-хатар яқин келган вақтида аскарлари ва дўстлари ёнида ҳис қилгани каби, бошқача кўтаринки кайфиятда, қувноқ ҳолда эди.

Зобитлар сўнги янгилик, генерал Слепцовнинг ўлими ҳақида қизгин суҳбатлашишарди. Бу ўлим воқеасида ҳеч ким ҳаётдаги энг муҳим ҳолат — унинг тугаши ва яна ўзи бошланган манбага қайтишини эмас, фақат абжил зобитнинг қўлидаги қиличи билан тоғликлар устига мардонавор бостириб боришию, уларни тап тортмасдан чопиб ташлашини кўрарди.

Зеро ҳаммага, айниқса зобитларга маълум эдики, Кавказдаги урушда ҳам, бошқа жангларда ҳам олдиндан кўра билинган, тасвирланган найзали қўл жангию, қилич билан чопишлар бўлмайди (ундайлар бўлган тақдирда ҳам фақат қочаётганларга найза санчиш мумкину, фақат уларни қилич билан чопиш осон кечади). Қўл жанги ҳақидаги бундай ёлгон-яшиқ уйдирмалар зобитлар томонидан тан олинарди, ва уларга ғурур билан бирга қувонч ҳам бағш этарди. Ундайлар камтарона давраларда ўтириб ичардилар, чекардилар, ҳазиллашардилар, ўлим ҳақида, ўша Слепцовни олиб кетгани каби, улардан ҳар бирини ҳар дақиқада олиб кетиши мумкин бўлган ўлим ҳақида қайғурушмасди. Ҳақиқатдан ҳам, худди улар кутган нарсани тасдиқлагандек, суҳбатларининг ўртасида йўлнинг чап томонидан милтиқ товуши эшитилдию, ўқ ҳавода чийиллаб ўтиб, дарахтга қадалди. Фанимининг ўқига қарши аскарлар милтиқларининг бир неча гумбурлаган овозлари жавоб бўлди.

— Эҳе! — Қувноқ овозда кичқирди Полторацкий, — бу ҳужум қаторгаку! Қани, Костя, — Фрезега мурожат қилди у, сенинг бахтинг. Ротанинг ёнига бор. Ҳозир биз шундай жанг кўрсатиб қўямиз, ажойиб бўлади! Саҳна чиқиши бўлади.

Мансабидан тушган барон сакраб оёққа турдида, ўзининг ротаси жойлашган тутун чиққан томонга чошиб кетди. Полторацкийга ўзининг кичкина отини тутқазди. Отга ўтириб у ротани қаторга, ўқ отиш йўналиши бўйича бошлаб кетди. Аскарлар ўрмон чеккасида, пастга тушиб кетадиган яланғоч тўсин қаршисида занжирсимон тизилиб туришарди. Шамол ўрмонга қараб эсарди. Ва нафақат тўсиннинг нишоби, балки унинг қарама-қарши томони ҳам аниқ кўриниб турарди.

Полторацкий сафга етиб келганида туман ортидан қуёш кўрина бошлаганди, ва тўсиннинг нариги томонидан бир неча отлиқ кўриндилар. Булар Ҳожи Муродни кузатиб келган ва унинг ўрислар томон келишини кўрмоқчи бўлган чеченлар эди. Улардан бири сафга қарата ўқ узди. Сафдаги аскарлардан бир нечтаси унга жавобан ўқ уздилар. Чеченлар ортга чекиниб, отишма тўхтади. Лекин ротаси билан етиб келган Полторацкий отишга буйруқ берди ва худди шуни кутиб турганидек саф бўйлаб ўқларнинг чиройли тутунлар қуршовидаги узилмас, қувноқ ва қулоққа ёқимли шатирлаши эшитилди. Аскарлар эрмак топилганига хурсанд бўлиб, такрор-такрор отиб, яна милтиқларини ўқлашга шошилардилар. Чеченларнинг жиззакилиги тутиб, бирин-кетин олдинга чиқиб, аскарлар томонга бири неча марта отиб қўйдилар. Улардан бири аскарни яралади. У ўша пистирмадаги Авдеев эди. Дўстлари унинг ёнига келганида у қорни билан ерга ётган ҳолда иккала қўли билан қорнидаги ярасини чангаллаб, у ёқдан бу ёққа ирғалиб қўярди.

— Энди милтиғимни ўқлаётгандим, чиқ этганини эшитдим, — деди Авдеев билан жуфтликда бўлган аскар.  
— Қарасам у милтиғини қўлидан қўяпти.

Авдеев Полторацкийнинг ротасидан эди. Тўпланган аскарларни кўриб, Полторацкий отини улар томон бурди.

— Ҳа, ука, ўқ тегдими? — деди у. — Қаеринга?  
— Авдеев жавоб бермади.

— Энди милтиғимни ўқлаётгандим, жаноби олийлари, — гап бошлади

Авдев билан жуфтликда бўлган аскар. — Чирқ этганини эшитдим, қарасам у милтиғини тушираяпти.

— Те-те, — тилини тақиллатди Полторацкий. — Ҳа, оғрияптимиз  
Авдеев?

— Оғримаяпти, лекин юришга қўймаяпти. Шароб бўлганида, жаноб олийлари.

Ароқ, яъни Кавказда аскарлар ичадиган спирт топилди. Панов қовоғини солиб, идиш қопқоғида Авдеевга спирт олиб келди. Авдеев ичишни бошлаганди, лекин шу заҳотиёқ қопқоқни қўли билан итарди.

— Кўнглим тортмаяпти, — деди у. — Ўзинг ич.

Панов қолган спиртни ичди. Авдеев ўрнидан туришга уриндию, яна ўтирди. Шинелни тўшаб, унга Авдеевни ётқизишди.

— Жаноб олийлари, полковник келаяпти, — деди фельдфебель Полторацкийга.

— Майли, сен шуғулан, — деди Полторацкий, ва қамчини ўйнатиб, тойчоқни йўрттириб, Воронцовга қарши чиқиш учун кетди.

Воронцов полк адъютанти, казак ва таржимон чеченлар қуршовида ўзининг малла рангли инглизча айгирида етиб келди.

— Сизларда нима бўлаяпти? — сўради у Полторацкийдан.

— Мана, бир тўда чиқиб, сафга ҳужум қилди, — жавоб берди унга Полторацкий.

— Хўш-хўш, кейин сиз ҳам бошладингиз.

- Ундаймас князь, — илжайиб деди Полторацкий.
- Ўзлари бошлади.
- Эшитишимча, аскарни яралабди?
- Ха, афсус. Яхши аскар.
- Оғирми?
- Оғирга ўхшайди, — қорнига.
- Мен, биласизми, қаёққа кетаяпман? — сўради

Воронцов.

- Билмайман.
- Наҳотки тушуниб етмаяпсиз?
- Йўқ.
- Ҳожи Мурод чиқди ва ҳозир бизнинг қарши-мизга келади.

— Бўлиши мумкин эмас!

— Кеча унинг айғоқчиси келганди, — деди Воронцов, қувончли кулгисини базўр ушлаб туриб. — Ҳозир мени Шалин яланглигида кутиши керак. Сиз ўқчиларни ялангликкача жойлаштириб чиқингда, ёнимга келинг.

— Хўп бўлади, — деди Полторацкий, қўлини папахига теккизиб, ва ўзининг ротаси томон от чоптириб кетди. Ўзи сафни ўнг томонга тарқатиб чиқди. Чап томонга тарқатишни эса фельдфебелга буюрди. Бу орада ярадорни тўрт аскар қалъага олиб кетишди.

Полторацкий Воронцовнинг ёнига қайтаётганда орқасидан у томон етиб келаётган отлиқларни кўрди. Полторацкий тўхтаб, уларни кутди.

Ҳаммасидан олдинда оқ ёлли отида оқ черкескада, папахи устидан салла тортган, эғнида тилла ҳашамли милтиқли салобатли одам келаётганди. Бу одам Ҳожи Мурод эди. У Полторацкийнинг ёнига келиб, унга татар тилида бир нарса деди. Полторацкий қошини чимириб, қўлларини иккала томонга ёйиб, тушунмаганини ифодалади, ва илжайиб қўйди. Ҳожи

Мурод ҳам кулгига кулги билан жавоб берди ва бу болаларча хушфеллик Полторацкийни ҳайратлантирди. У бу қўрқинчли тоғликни бундай ҳолда кўраман деб ҳеч ўйламаганди, маъюс, қуруқ, бегона одамни кўришни кутганди. Унинг олдида эса кўпдан таниш дўстидек меҳр билан куладиган оддий одам турарди. Унинг битта хислати кўзга тез ташланарди: у ҳам бўлса ораси кенг икки кўзи бўлиб, бу кўзлар бошқа одамларнинг кўзларига диққат ва тикилиб қарар, шунингдек хотиржам қарарди.

Ҳожи Муроднинг аъёнлари тўрт кишидан иборат эди. Улар орасида кечаси Воронцовнинг ёнига келган Муғом хон ҳам бор эди. У қизил ва айлана юзли, қоп-қора қоғоқсиз ялтироқ кўзли, уларда ҳаётдан мамнунлик ёрқин акс этиб турарди. Яна бири бақувват, сертук одам бўлиб, қошлари ўсиб кетганди. Бу Ҳожи Муроднинг хўжалигини юритадиган Ханаф эди. У ўзи билан бирга устига тўрвалар ортилган отни етаклаб келганди. Аъёнлар орасидан иккитаси айниқса ажралиб турарди: бири — ёш, аёл каби ингичка, белбоғда ва кенг елкали, озгина бўртиб чиққан малла соқоли билан, қўй кўзли ёқимтой Элдор эди. Иккинчисининг бир кўзи қийшиқ бўлиб, қоши-киприги йўқ эди. Малла ранг соқоли олинган, бурни ва юзи аралаш чандиқ бўлиб, у чечен Ҳамзало эди.

Полторацкий Ҳожи Муродга йўлда кўринган Воронцовни кўрсатди. Ҳожи Мурод эса унга томон юриб бориб, яқинлашганда қўлини кўксига қўйиб татар тилида бир нарса дедида, тўхтади. Таржимон чечен таржима қилди:

— Рус қиролининг ихтиёрига ўтаман ва унга хизмат қиламан деяпти.

Аллақачон ўтмоқчи эдим. Шомил йўл қўймади.



Таржимонни эшитиб бўлгач, Воронцов замшли қўлқопдаги қўлини Ҳожи Муродга чўзди. Ҳожи Мурод бу қўлга қараб, бир дақиқа иккиландида, лекин кейин уни қаттиқ қисиб, гоҳ таржимонга қараб, гоҳ Воронцовга қараб бир нарсалар деди.

— У айтаяптики, ҳеч кимга чиқмоқчи эмасди, фақат сенга, чунки сен сардорнинг ўғлисан. Сени қаттиқ ҳурмат қилган.

Воронцов бошини силкиб миннатдорчилигини изҳор қилди. Ҳожи Мурод ўзининг аъёнларини кўрсатиб яна бир нарсалар деди.

— У айтаяптики, булар унинг муридлари бўлиб, улар ҳам худди унинг ўзи каби русларга хизмат қилади.

Воронцов уларни кўздан кечириб, уларга ҳам бош силкиб қўйди.

Қувноқ қора кўзли, қовоқсиз Муғом хон ҳам шундай бошини силкиб, ниманидир аралаштириб Воронцовга гапирди. Чунки сертук авар оппоқ тишларини кўрсатиб тиржайди. Малла Ҳамзало эса бир дақиқага қизил кўзини Воронцовга ярқиратиб қўйдида, яна ўз отининг қулоқларига қаратди.

Воронцов ва Ҳожи Мурод аъёнлари қуршовида ортга, қалъа томонга йўл олганида, сафдан бўшаган аскарлар тўпланиб олишиб, ўзларининг фикрлари билан бўлишди:

— Нечтанинг бошига етди, аблаҳ, энди унинг кўнглига қарайди, шекилли, — деди улардан бири.

— Бўлмасамчи. Шмелнинг биринчи командири эди. Энди эса эҳтимол...

— А ёшичи, нима дейиш мумкин, йигитча.

— Малласи-чи, малласи, ҳайвондек тикилади.

— Уҳ, итдек бўлса керак.

Барчаси айниқса малласини эслаб қолишди.

Ўрмон кесилаётган жойда йўлга яқин аскарлар томоша қилиш учун югуриб чиқдилар. Зобит уларга бақирди, лекин Воронцов уни тўхтатди.

— Қўявер, ўзларининг эски танишларини кўриб олишсин. Сен биласанми, ким бу? — сўради. Воронцов яқин турган аскардан ўзининг инглизча талаффузида шошилмай гапириб.

— Ҳеч қандай, князь жаноби олийлари.

— Ҳожи Мурадни эшитганмисан?

— Қандай эшитмайин, унинг кўп марталаб таъзири-ни берганмизку.

— Ҳа, лекин ундан ҳам оладиганимизни олганмиз.

— Худди шундай князь жаноби олийлари, — жавоб берди бошлиқ билан гаплашганидан хурсанд бўлган аскар.

Ҳожи Мурад ўзи ҳақида гаплашишаётганини тушунди ва унинг кўзларида қувноқ кулги ярқиради. Воронцов қалъага энг қувноқ ва кўтаринки кайфиятда қайтди.

## VI.

Воронцов Шомилдан кейин иккинчи ўринда турадиган Россиянинг қудратли душманини айнан ўзи алдаб оғдириб олганлигидан ва уни қабул қилганлигидан хурсанд эди. Фақат битта нарса ёқимсиз эди: Воздвиженскийдаги қўшинларга генерал Меллер-Закомельский қўмондонлик қиларди ва барча ишларни у орқали амалга ошириш керак эди. Воронцов эса барча ишларни уни хабардор қилмасдан ўзи амалга оширганлиги учун кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин эди. Айнан мана шу фикр Воронцовнинг хурсандчилигига бир оз раҳна соларди.

Ўз уйига яқинлашган Воронцов Ҳожи Муроднинг муридларини полк адъютантига топширдида, Ҳожи Муроднинг ўзини уйига олиб кетди.

Безаниб олган ва доим кулиб турувчи княгиня Марья Васильевна олти ёшли жингалак сочли ўгли билан бирга Ҳожи Муродни меҳмонхонада кутиб олдилар. Ҳожи Мурод эса қўлларини кўксига қўйиб, таржимон орқали бир мунча тантанали оҳангда ўзини князнинг меҳмони ҳисоблашини ва мезбон, ҳамда унинг барча оила аъзолари меҳмон учун муқаддас саналишини эълон қилди. Ҳожи Муроднинг тапқки кўринишию, ўзини тутишини Марья Васильевна ёқтириб қолди. Катта оппоқ қўлларини меҳмонга узатганида унинг қизариб кетиши Марья Васильевнанинг унга бўлган ихлосини янада оширди. У меҳмонга ўтиришни таклиф қилиб, кофе ичишни хоҳлаши билан қизиқди, ва олиб келишни буюрди. Лекин Ҳожи Мурод унга кофе олиб келганида рад қилди. У рус тилини озроқ тушунарди, лекин сўзлаша олмасди, тушунмаганда эса илжаярди, ва бу илжайиши худди Полторацкийга ёққани каби Марья Васильевнага ҳам ёқиб қолди. Марья Васильевна жингалак сочли ўткир кўзли ўглини эркалаб Булька деб чақирарди. Хуллас, Булька онасининг олдида тик туриб олиб, бир вақтлар у ҳақда мислсиз жангчи деб эшитган Ҳожи Муроддан кўзини узмай турарди. Раҳбариятни Ҳожи Муроднинг келганидан хабардор қилиш учун меҳмонни рафиқасининг олдида қолдириб, Воронцов идорасига кириб кетди. Грозныйга, чап қанот қўмондони генерал Козловскийга маълумот ва отасига хат ёзиб бўлгач, Воронцов уйига шошилди. У рафиқасининг уни сийлаб ҳам, хафа қилиб ҳам бўлмайдиган бегона, қўрқинчли одам билан ёлғиз қолдирганидан ранжишидан хавотирда эди. Лекин унинг хаво-

тирига ўрин йўқ эди. Ҳожи Мурад тиззасида Булькани, Воронцовнинг ўғай ўғлини олиб креслода ўтирарди. Ва бошини қуйи солиб, таржимоннинг Марья Васильевнанинг кулиб айтаётган сўзларини таржима қилишига диққат билан қулоқ соларди. Марья Васильевна унга агар меҳмон мезбонларга мақтаган ҳар бир нарсасини бераверса, унда тез орада ўзи Одам атога ўхшаб юриши ҳақида кулиб гапириб беради...

Ҳожи Мурад князь кириб келганида тиззасидан бунинг учун хафа ва ҳайрон бўлган Булькани тушириб ўрнидан турди. Бунда унинг хушчақчақ юзи жиддий тус олди. У фақат Воронцов ўтиргандан кейин ўтирди. Сўнг суҳбатини давом эттириб, Марья Васильевнанинг саволига жавобан ўзларининг мезбонга нима ёқса барчасини совға қилиши кераклиги ҳақидаги қонунини тушунтирди.

— Сенинг ўғлинг мезбон, — деди у рус тилида, яна тиззасига чиқиб ўтирган Бульканинг бошини силаб.

— Сенинг қароқчинг ажойиб экан, — деди француз тилида Марья

Васильевна эрига. — Булька унинг ханжари билан қизиққанди, совға қилиб юборди.

Булька ханжарни ўғай отасига кўрсатди.

— C'est un objet de prix<sup>1</sup>, — деди Марья Васильевна.

— Il faudra trouver l'occasion de lui faire cadeau<sup>2</sup>, — деди Воронцов.

Ҳожи Мурад эса ерга қараб ўтираркан, боланинг жингалак сочларини силаб, — йигит, йигит, — деб қўярди.

<sup>1</sup> Бу қимматбаҳо буюм (Француз тилида).

<sup>2</sup> Бир вазият топиб, унга ҳам бирон нарса совға қилиш керак (Француз тилида).

— Ажойиб ханжар, ажойиб, — дерди Воронцов, чархланган, ўртасида чизикчаси бор ўткир ханжарни қинидан ярмигача суғуриб. — Миннатдорчилик билдир.

— Сўрачи, мен унинг эвазига нима қилишим керак? — деди Воронцов таржимонга.

Таржимон таржима қилди ва Ҳожи Мурод шу заҳотиёқ — ҳеч нарса керак эмас, — деб жавоб берди. У фақат намоз ўқиб олиш учун бирон хонага олиб боришини сўради. Воронцов камердинарни чақирди ва унга Ҳожи Муроднинг тилагини бажарйши кераклигини буюрди.

Ҳожи Мурод ўзига ажратилган хонада ёлғиз қолиши билан, унинг юзи ўзгарди: мамнунлик, мулојимлик ва тантанаворлик бирданига йўқолиб, ўрнини ташвиш ифодаси эгаллади.

Воронцов уни ўйлаганидан анча яхши кутиб олди. Лекин бу қабул қанча яхши бўлса, Ҳожи Мурод Воронцов ва унинг зобитларига шунча кам ишонарди. У ҳамма нарсадан қўрқарди: уни ушлаб, кишанлаб, Сибирга жўнатишидан ҳам, ёки шунчаки ўлдиришидан ҳам. Шунинг учун доим сергак турарди. У олдига келган Элдордан муридларни қаерга жойлаштиргани, уларнинг отлари қаердалиги, қуроолларини олиб қўйган-қўймаганликлари ҳақида сўради.

Элдор отларнинг князь отхонасида эканлигини, одамларнинг саройга жойлашганлигини, уларнинг қуроолларини ўзларида қолдирганликларини, шунингдек таржимон уларни чой билан меҳмон қилаётганини айтди.

Ҳожи Мурод, тушунмай бошини силкитди ва ечиhib, намозга ўтирди. Намозни ўқиб бўлгач, ўзига кумуш ханжарини олиб келишини буюрди. Сўнгра кийиб, белбоғини боғлаб, оёғи билан пастак диванга ўтириб, нима бўлишини кута бошлади.

Соат бешга яқин уни князь билан бирга тушлик қилишга чақаришди.

Тушлик вақтида Ҳожи Мурод паловнинг Марья Ваильевна олган жойидан олиб тарелкасига солганидан бошқа ҳеч нарса емади.

— Уни биз заҳарлаб қўйишимиздан қўрқаяпти, — деди Марья

Васильевна эрига. — У мен олган жойдан олди. — Ва шу заҳотиёқ таржимон орқали Ҳожи Муроддан яна қачон намоз ўқиши ҳақида сўради. Ҳожи Мурод беш бармоғини кўтариб қуёшни кўрсатди.

— Демак яқинда.

Воронцов занжирли қўл соатини олиб, пружинаси устидаги тугмачасини босди. Соат биру ўн бешни кўрсатиб занг чалди. Ҳожи Муродни бу кўнғироқ ҳайрон қолдирди, ва у яна бир чалиб беришини, соатни эса кўрсатишини сўради.

— *Voilà l'occasion. Donnez-lui la montre<sup>1</sup>,* — деди Марья

Васильевна эрига.

Воронцов шу заҳотиёқ Ҳожи Муродга соатни таклиф қилди. Ҳожи Мурод қўлини кўксига қўйиб, соатни олди. У бир неча бор тугмачани босиб кўриб, маъқуллаб бошини силкитиб қўйди.

Тушликдан сўнг князга Меллер-Закомельскийнинг адъютанти ҳақида хабар беришди. Адъютант князга Ҳожи Муроднинг унга чиққанини билиб генералнинг жуда қаттиқ норози бўлгани, унга бу ҳақда маълумот берилмаганлиги, ва у зудлик билан Ҳожи Муродни унга етказиши кераклиги ҳақида хабар берди. Воронцов генералнинг буйруғи бажарилишини айтди, ва

<sup>1</sup> Мана имконият. Соатингни унга совға қил (Француз тилида).

Ҳожи Муродга таржимон орқали генералнинг талабини етказиб, у билан бирга Меллернинг ёнига бориши кераклигини сўради.

Марья Васильевна адъютантнинг нима учун келганини билиб, эри билан генералнинг ўртасида кўнгулсизлик рўй беришини тушунди, ва эрининг қаршилигига қарамай, у ва Ҳожи Мурод билан генералнинг олдига бориш учун отланди.

— Vous feriez beaucoup mieux de rester; c'est mon affaire, mais pas la vôtre.

— Vous ne pouvez pas m'empêcher d'aller voir madame la générale.

— Бошқа вақти борсанг бўларди.

— Мен ҳозир хоҳлаяпман.

Иложи йўқ эди. Воронцов рози бўлди ва учаласи бирга кетишди. Улар

Кирганида Меллер маъюс адаблилик билан Марья Васильевнани рафиқасининг ёнига кузатиб қўйди. Адъютантга эса Ҳожи Муродни қабулхонага кузатиб қўйишни, ва буйруқ бермагунича ҳеч қаёққа қўйиб юбормасликни буюрди.

— Марҳамат, — деди у Воронцовга, хонасининг эшигини очиб, князни ўзидан аввал ўтказиб юборар экан.

Хонага киратуриб, у князь қаршисида тўхтадида, ўтиришни таклиф қилмасдан деди:

— Мен бу ерда ҳарбий қўмондонман, шунинг учун душман билан ҳар қандай музокара мен орқали амалга оширилиши керак. Нима учун сиз менга Ҳожи Муроднинг чиқиши ҳақида хабар бермадингиз?

<sup>1</sup> — Сен қолсанг анча яхши иш қилган бўлардинг; бу менинг ишим, сенинг эмас.

— Сен менга генералнинг хотинини йўқлашимга тўсқинлик қила олмайсан. (Француз тилида).

— Ёнимга айғоқчи келиб Ҳожи Муроднинг таслим бўлиши ҳақида эълон қилди, — генералнинг газабланишини кутиб ҳаяжонланганлигидан ранги оқариб жавоб берди Воронцов.

— Сиздан сўраяпман, нима учун менга хабар бермадингиз?

— Мен шундай қилмоқчи эдим, барон, лекин...

Кутилмаганда бароннинг жаҳли бўлинди. У анчадан бери кўнглида йиғилиб турганларни чиқариб олди.

— Мен кеча хизматни бошлаган одамлар қариндошлик ришталаридан фойдаланиб, бурнимнинг тагида ўзларига даҳли йўқ ишларни ҳал қилишлари учун олампаноҳга йигирма етти йилдан бери хизмат қилиб келатганим йўқ.

— Зоти олийлари! Адолатсиз гапирмаслигингизни сўрайман, — унинг гапини бўлди Воронцов.

— Мен ҳақиқатни гапираяпман ва... — баттар газабланиб гапирди Генерал.

Шу вақт юбкасини шигиллатиб Марья Ввасильевна, унинг ортидан эса паст бўйли, камтарин хоним, Меллер-Закомельскийнинг рафиқаси кириб келдилар.

— Етар, барон, Simon сизни ранжитмоқчи эмасди, — гап бошлади

Марья Васильевна.

— Мен, княгина, у ҳақда гапираётганим йўқ...

— Биласизми, яхшиси буни қолдирамиз. Биласизми: ёмон бахс яхши жанжалдан яхши. Нималар деяпман...

— У кулиб юборди.

Ва жаҳлдор генерал гўзал хонимнинг мафтункор кулгисига бўйсунди. Унинг мўйловлари тагида кулги пайдо бўлди.

— Тан оламан, мен ноҳақ эдим, — деди Воронцов, — лекин...



— Мен ҳам қизишиб кетдим, — деди Меллер ва князга қўлини берди.

Тинчлик ўрнатилганди, ва Ҳожи Муродни вақтинча Меллернинг ихтиёрида қолдиришга, кейинчалик чап қанот бошлиғи ёнига жўнатишга келишилди.

Ҳожи Мурод қўшни хонада ўтирарди, ва уларнинг гапларини тушунмасада, тушуниши керак бўлган нарсани тушунди: улар бу ҳақда баҳслашганию, унинг Шомилдан чиқиши ўрислар учун катта аҳамиятга эга эканлигини, агар уни сургун қилмаса ёки ўлдирмаса, демак улардан кўп нарса талаб қилиш мумкинлигини тушунди. Ундан ташқари у Меллер-Закомельскийга кўп нарса боғлиқ бўлишига қарамай, қўл остидаги Воронцовчалик салмоғи йўқлигини, демак, Меллер-Закомельский эмас, Воронцов нуфузли эканлигини тушунди; шунинг учун Меллер-Закомельский Ҳожи Муродни чақириб сўроқ қилганида, Ҳожи Мурод ўзини мағрур ва тантанавор тутиб, оқ подшога хизмат қилиш учун тоғдан тушиб келганини, ва ҳаммаси ҳақида фақат ўзининг сардорига, яъни бош қўмондон князь Воронцовга, Тифлисга ҳисобот беришини айтди.

## VII

Яраланган Авдеевни қалъадан чиқишдаги юпқа тахта билан қопланган кичкина уйда жойлашган госпиталга олиб бордилар, ва умумий палатадаги бўш турган каравотлардан бирига жойлаштирдилар. Палатада тўртта бемор ётарди: — бири тифдан иссиғи чиқиб, яна бири — ранги оқариб, кўзларининг таги кўкариб кетган, иситма аралаш қалтироқ босган, касалликнинг яна тутиб қолишини кутиб тўхтовсиз эснаб ётарди. Яна ик-

кита уч ҳафта бурунги кутилмаган ҳужумда яраланганлар — бири қўлининг кафтидан (у оёқда тик турарди), иккинчиси елкадан (буниси каравотда ўтирарди). Тифдан ташқари барчаси олиб келинганни қуршаб олдида, олиб келганларни сўроққа тутдилар.

— Бошқа пайти алангада куйдиради ва нўхатдек сочиб ташлайдию, ҳеч

нарсa бўлмайди. Бу сафар эса тўрт-беш марта олдию, — гапириб берди олиб келганлардан бири.

— Ҳар кимга буюргани бўлади!

— Уҳ, — оғриққа бардош бериб инграб юборди Авдеев, уни каравотга ётқизаётганида. Ётқизиб бўлишгач юзини буриштирдию, бошқа инграмади, лекин товонларини тўхтовсиз ишқалаб турди. У қўли билан ярани ушлаб, ҳаракатсиз олдинга тикилиб ётарди.

Доктор келди ва ўқ тешиб чиқмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ярадорни ағдаришни буюрди.

— Бу нимаси? — унинг елкасидаги ва орқасидаги кесишиб кетган оқ чандиқларни кўрсатиб сўради доктор.

— Бу эски яралар, жаноби олийлари, — инграб гапирди Авдеев. Булар уни ичиб қўйган пуллар учун жазо излари эди.

Авдеевни яна ағдардилар, ва доктор найчасимон асбоби билан қоринни узоқ вақт ковлади ва ўқни пайпаслаб кўрди, лекин ола олмади. Ярани боғлаб, устидан ёпишқоқ пластр билан елимлаб, доктор кетди. Ярани ковлаганида ва боғлаганида Авдеев тишини тишига қўйиб, кўзларини юмиб ётди. Доктор кетгач, кўзларини очиб, атрофни ҳайрон бўлиб томоша қилиб чиқди. Унинг кўзлари беморлар ва фельдшерга тушди. Лекин у гўёки уларни эмас, бутунлай бошқа, уни ҳайрон қолдирадиган нарсаларни кўрарди.

Авдеевнинг ўртоқлари Панов ва Серёгин келишди. Авдеев кўз олдига ҳайрон бўлиб тикилганча ётарди. У узоқ вақт ўртоқларини уларга тикилиб туришига қарамай, таний олмади.

— Сен, Петро, нима, уйга буюрмайсанми? — деди Панов.

Авдеев Пановнинг юзига тикилиб туришига қарамай, жавоб бермади.

— Мен уйга буюрмайсанми деб сўраяпман? — яна сўради Панов, унинг совуқ, суякдор қўлига тегиниб.

Авдеев худди ҳушига келгандек бўлди.

— А Антонич, келдингми?

— Мана, келдим. Уйга бирон нарса буюрмайсанми? Серёгин ёзиб беради.

— Серёгин, — деди Авдеев, кўзини Серёгинга қийналиб буриб, — ёзиб берасанми?.. Шундай экан, ёз: “Ўғлингиз Петруха кўп яшашингизни буюради”. Акамга хасад қилгандим. Мен сенга ўшанда айтгандим. Энди ўзим хурсандман. Илоҳим, кўп яшасин, мен хурсандман. Шундай деб ёз.

Шуларни айтиб бўлгач, у Пановга узоқ вақт жим тикилиб қолди.

— Трубкани топдингми? — кутилмаганда сўради у. Панов жавоб бермадию, бошини ирғади.

— Трубкани деяпман, трубкани, топдингми? — тақрорлади Авдеев.

— Сумкада экан.

— Ана, кўрдингми. Энди менга шам беринглар, мен ҳозир ўламан, — деди Авдеев.

Шу вақтда аскарини кўриш учун Полторацкий кириб келди.

— Ҳа, ука, ёмонми? — деди у.

Авдеев кўзини юмдида, инкор маъносида бошини чайқади. Унинг ёноқлари чиққан юзи оқарган ва жиддий

эди. У ҳеч нима демади ва фақат яна Пановга мурожаат қилиб такрорлади:

— Шам бер. Уламан.

Унинг қўлига шам тутқазиб қўйдилар. Лекин бармоқлари эгилмади, ва шамни бармоқлари орасига қистириб қўйиб, ушлаб турдилар. Полторацкий кетди, ва у кетганидан беш дақиқа ўтиб, фельдшер Авдеевнинг юрагига қулоғини қўйиб, унинг тамом бўлганини айтди.

Авдеевнинг ўлими Тифлисга жўнатилган маълумотномада шундай қайд қилинганди: “23 ноябрь куни Куринский полкининг иккита ротаси ўрмон қирқиш учун қалбадан чиққан эди. Куннинг ўртасида кутилмаганда тоғлиқларнинг катта бир тўдаси ҳужум қилиб қолди. Сафдагилар чекина бошлашди, ва шу вақтда рота қўл жангига ўтиб, тоғлиқларни улоқтириб ташлади. Жанг давомида икки оддий аскар енгил яраланди ва биттаси ҳалок бўлди. Тоғлиқлар эса, ўлган ва яраланганлар билан ҳисоблаганда, тахминан юз кишини йўқотдилар”.

## VIII

Мана, ўша Воздвиженский госпиталида Петруха Авдеев ҳаётдан ўз юмган куни унинг чол отаси, ўзи унинг ўрнига аскарга кетган акасининг хотини, катта акасининг келин-қизи совуқ хирмонда сули майдалаяпти. Яқинда қалин қор ёғди, ва тонга яқин қаттиқ музлама бошланди. Хўроз қичқирмасдан уйғонган қария, музлаган ойнадан ойнанинг ёрқин нурини кўриб, печдан тушдида, пойафзалини, пўстинини ва қалпоғини кийиб, хирмонга йўл олди. У ерда икки соатлар чамаси ишлаб, қария уйга қайтдида, ўғли билан аёлларни уйғотди. Келинлар ва қизи хирмонга келганида у тозалаб бўлинганди. Ёғоч белкурак оппоқ қорга сан-

чилган, ёнида эса хивчинлари юқорига қараб, супурги турарди. Сулу дасталари эса икки қаторда саф тортиб ёйилиб ётарди. Занжирли галла янчгичларни қўларига олиб, майдалаб кетдилар. Бир текис уч мартадан уришарди. Чол, сомонларни майдалаб, оғир занжир билан қаттиқ урарди, қизи эса равон зарба билан устидан уриб қўярди, келин эса дастани бошқа томонга ўгириб турарди.

Ой ботди, ва тонг ёриша бошлади; катта ўгли, Аким, почапўстинда ишлаётганларнинг ёнига келганида, улар чегара учун тортилган арқоннинг бошига етиб қолганди.

— Сен нимага дангасалик қилаяпсан? — қичқирди унга отаси, майдалашдан тўхтаб, занжирга суяниб.

— Отларни олиб кетишим керакку.

— Отларни олиб кетиш керакмиш, — масхара қилди уни отаси. — Кампир олади. Занжирни ол. Жудаям семириб кетибсан. Пиёниста!

— Сен менга ароқ қуйганмидинг? — минғирлади ўғил.

— Нима? — чимирилиб, дағдаға билан сўради чол. Ўғли индамай занжирни қўлига олди, ва иш тўрт занжирда кета бошлади: трап, та-па-тап, трап, та-па-тап... Трап! — учта зарбадан кейин чолнинг оғир занжири тушарди.

— Бўйи бойникидек. Менинг эса иштоним ундай турмайди, — деди чол ўзининг зарбасини ўтказиб. Лекин тактни йўқотмаслик учун ҳавода занжирни айлантириб оларди. Қатор бошига етгач, аёллар хаскаш билан сомонлардан тозалай бошлади.

— Тентак Петруха, нимага сен учун кетди. Сенинг аскарликда эсингни киритиб қўярди, у эса уйда сендайларнинг бештасининг ишини бажарарди.

— Етар энди, ота, — деди келин, янчилган боғларни отар экан.

— Беш-олтитангни боқаман, биронтангинг ишинг кўринмайди.

Петруханинг битта ўзи иккитангинг ишингни бажарарди, у сен эмасдинг...

Жунли пайтаваси устидан кийилган янги пиймаси билан топталган сўқмоқдан қорни гичирлатиб кампир яқинлашиб келди. Эрақлар созурилмаган донни уюмга тўплашарди, келинлар ва қизи супурарди.

— Раис кириб ўтди. Баршчинаяга ҳамма гишт олиб бориш керак экан,

— деди кампир. — Мен нонушта тайёрлагандим. Борасизларми дегандим.

— Майли. Кўк отни аравага қўшда, кетавер, — деди чол Акимга. — Қара яна, тунов кунгидай бўлмасин, сен жавоб берасан. Петрухани эслатасан.

— Уйда бўлса уни уришасан, — тўнғилади энди Аким отасига, — у йўқ бўлса мени талайсан.

— Демак шунга лойиқсан, — шундай жаҳл билан жавоб берди онаси.

— Петрухани сен билан алиштириб бўлмайди.

— Майли, хўп! — деди ўғли.

— Майлимиш. Унни сотиб ичдинг, энди майли дейсан.

— Эски хамиртурушни икки марта эслайди, — деди келин, ва ҳаммаси занжирларни жойига қўйиб, уйга кетишди.

Ота ва бола ўртасидаги келишмовчиликлар анча илгари, салқам Петрухани аскарликка жўнатиш вақти бошланганди. Ўшанда чол какку қушни қарчиғайга алиштирганини тушунганди. Тўғри, қонун бўйича, чолнинг тушунишича, боласи йўқ оилалининг ўрнига кетиши керак эди. Акимнинг тўртта боласи бору, Петронинг эса ҳеч биттаси йўқ эди. Лекин Петро худди отасига ўхшаган ишчан эди: чаққон, зеҳли, кучли,

чидамли ва , энг муҳими, меҳнаткаш эди. У ҳар доим ишлаган. Агар у ишлаётганларнинг ёнидан ўтиб қолса, худди чол каби дарров ёрдамга шошиларди: Ё икки қатор ўриб кетарди, ёки аравани қўшишарди, ё дарахт, ё ўтин чошиб берарди. Чол унга ачинди, лекин иложи йўқ эди. Аскарлик ўлим билан баробар эди. Аскар оиладан ажралиб бўлган ҳисобланарди, ва у ҳақида ўйлаб кўнгиладан ярасини янгилаш бефойда эди. Фақат онда-сонда, чол катта ўғлини ҳозиргидек чақиб олиш учун уни эсларди. Онаси эса кичик ўғлини кўп эсларди ва икки йилдан бери чолдан Петрухага пул жўнатишини сўраб ёлворарди. Лекин чол индамасди.

Авдеевлар хонадони ўзига тўқ эди, чолнинг берки-тиб қўйган пуллари ҳам бор эди, лекин у йиғиб қўйган пулларини ишлатишни кўзи қиймасди. Энди кампир унинг кенжа ўғлини эслаб қолганлигидан фойдаланиб, яна пул сўрашга, сулини сотса, ҳеч бўлмаса ўғлига бирон чақа жўнатишга кўндиришга қарор қилди. У шундай қилди ҳам. Ёшлар баршчинага кетиб, чол-кампир ўзлари қолганида, эрини сулининг пуллари билан Петрухага озроқ жўнатишга кўндириди. Тўпланган сули уюмларидан ўн икки чораги тегирмонга олиб бориш учун учта аравага юкланганида, у чолга руҳоний сўзи билан ёзиб берган хатини тутқазди. Чол эса шаҳарда хатга рубль қўшиб, манзил бўйича жўнатишга ваъда берди.

Кафтан устига янги пўстин кийиб олган янги оппоқ пайтаваларда қария хатни олдида, ҳамёнга жойлади. Худога дуо қилиб, олдинги чанага ўтирдида, шаҳарга жўнаб кетди. Орқадаги чанада невараси кетарди. Шаҳарда қария хизматкорга хатни ўқиб беришни буюрди ва диққат билан тинглади. Онаси Петрухага ёзган хатида, биринчидан, оқ фотиҳа тила-

ганди, иккинчидан ҳаммадан салом айтганди, чўқинтирган отасининг ўлими ҳақидаги хабарни, ва ниҳоят Аксиня (Петрнинг хотини) кетиб қолгани ҳақида “биз билан яшамасдан одам бўлмоқчи экан. Эшитдик, яхши ва ҳалол яшаяпти экан”, — деб хабар берганди. Бериб юборган нарсалари ҳақида, пул ҳақида, кейин эса куйиб кетган кампир кўзида ёшлар билан руҳонийдан сўзма-сўз ёзишини сўраб, шундай деганди: “Менинг азиз болажоним, жоним Петрушенка, сен туфайли кечаётган қайғум туфайли кўз ёшларимни тўкиб бўлдим. Қуёшим менинг, мени кимларга қолдирдинг...” Шу ерга келганида кампир увиллаб йиглаб юборди ва деди:

— Шундай бўлади.

Хатда шу битиклар қолди, лекин Петрухага пулни ҳам, хотини кетиб қолганлиги ҳақидаги хабарни ҳам, онасининг сўнги сўзлари битилган хатни ҳам олиш насиб қилмаганди. Хат ва пуллар орқага Петруханинг жангда ҳалок бўлганлиги ҳақидаги ҳарбий котибнинг ёзган “Подшомизни, Ватанимизни ва православие динимизни ҳимоя қилиш йўлида”, — деган хабари билан бирга қайтиб келди.

Кампир бу хабарни олиб, анча вақтгача йиглаб юрди. Кейин ишга шўнғиб кетди. Биринчи якшанба куниёқ у черковга бориб, “яхши одамлар худонинг бандаси Петрни ёд олиши учун” кулча тарқатиб чиқди.

Аскар хотини Аксинья ҳам “бор-йўғи бир йил бирга яшаган севимли эрининг ўлими” ҳақидаги хабарни эшитиб, увлаб юрди. У эрига ҳам, ўзининг барбод бўлган ҳаётига ҳам ачиниб йиғларди. Йиғисида у “Петр Михайловичнинг жингалак сочларидан тортиб севгисигача, ўзининг эса етим Ванька билан бирга аччиқ қисмати-гача” айтиб йиглади. У шунингдек “Петрушадан ака-



сини аяб, уни — одамлар орасида аламли дарбадар кезиб юрган хотинини аямаганлиги учун” гина қилди ҳам.

Қалбининг тўрида эса Аксинья Петрининг ўлимидан хурсанд ҳам эди. У ишбошининг уйида яшар ва ундан хомиладор эди. Энди ҳеч ким уни уруша олмасди, ишбоши эса, гапига қараганда, унга уйланиши мумкин эди.

## IX

Воронцов, Михаил Семенович{3} Англияда тарбияланган, рус элчисининг ўғли эди. Ўша вақтдаги рус амалдорларининг орасида камдан-кам учрайдиган Европа таълимини олган кишилардан бўлиб, паст табақадаги одамлар билан юмшоқ ва мулойим, юқори табақадагилар билан эса саройга хос муносабатда бўла оладиган мулозаматни яхши кўрадиган одам эди. У барча юқори мансаб ва орденларга эга бўлган, шу билан бирга моҳир ҳарбий, ҳамда Краон остонасида Наполеоннинг устидан галаба ҳам қозонган саналарди. 51- йилда етмишдан ошганди, лекин у ҳали бақувват эди. Тетик ҳаракат қиларди, муҳими, ўзининг машҳурлигини ёйиш ва тасдиқлашга етадиган даражада ақлини назорат қила оларди. У жуда катта бойлик эгаси ҳам эди. Ўзининг ва рафиқаси графиня Браницкаянинг бойлигига эгалик қиларди. Шу билан бирга губерниянинг ҳарбий раҳбари сифатида ҳам мўмайгина даромад кўрарди. Мулкининг каттагина қисмини Қримнинг жанубий қирғоғида қаср ва боғ барпо этишга сарфларди.

1851 йил 7 декабрь куни кечқурун унинг Тифлисдаги саройига уч от қўшилган курьер экипажи етиб келди. Генерал Козловскийдан Ҳожи Муроднинг русларга чиққани ҳақида хабар олиб келган, чарчаган ва чангда қорайиб кетган зобит соқчилар ёнидан ўтиб ноиб са-

ройининг кенг айвонига кириб келди. Соат кечқурун олти эди, ва Воронцов курьер келгани ҳақида хабар олиб келганида тушликка ўтаётганди. У курьерни куттирмай қабул қилди ва шунинг учун тушликка бир қанча вақт кечикди. У меҳмонхонага кирганида княгиня Елизавета Ксаверьевна ҳузурида гуруҳ-гуруҳ бўлиб турган дастурхонга таклиф қилинган ўттизталар чамаси меҳмонлар юзлари билан кириб келган кишига бурилдилар. Воронцов ўзининг оддий, ҳашаматли погонларсиз ҳарбий қора камзулида бўлиб, ярим погонлар таққан, ҳамда бўйнида оқ крести бор эди. У соқоли қиртишлаб олинган тулкиникисимон юзи билан ҳамма йиғилганларни кузатиб, ёқимли кулиб турарди.

Меҳмонхонага юмшоқ қадамлари билан шошилиб кириб келаркан, хонимлар олдида кечиккани учун уз сўради ва эркаклар билан кўришди. Қирқ беш ёшли қомати тўладан келган, баланд бўйли шарқликларга хос гўзал грузин княгиняси Манана Орбельянининг қаршисига келар экан, столга кузатиб қўйиш учун унга қўлини берди. Келгинди малларанг дағал тукли мўйловли генералга княгиня Елизавета Ксаверьевнанинг ўзи қўлини берди. Грузин князи графиня Шуазелга, княгинянинг дугонасига қўлини берди. Доктор Андреевский, адъютантлар ва бошқалар, ким хонимлар билан, ким уларсиз уч жуфтлик ортидан юрдилар. Кафтан ва чулки кийган хизматкорлар ботинкларида юриб, стулларни орқага суриб, яна қайтиб ўтирадиганларга яқин суриб қўярдилар. Метрдотель кумуш идишдан буғи чиқиб турган шўрвани тантанавор қўйиб чиқди.

Воронцов узун столнинг ўртасида ўтирди. Унинг қаршисига рафиқаси, княгиня генерал билан бирга ўтирди. Ўнг томонида унинг хоними, гўзал Орбельяни, чап то-

монида қадди қомати келишган, қорадан келган, қизил юзли, ялтироқ тақинчоқлар тақиб олган грузин княгинясининг қизи тинимсиз илжайиб ўтирарди.

— Excellentes, chère amie, — деб жавоб берди Воронцов княгинянинг курьер қандай хабар олиб келгани ҳақидаги саволига. — Simon a eu de la chance! Ва у ажойиб янгиликни ўтирганларнинг ҳаммаси эшитадиган оҳангда ҳикоя қила кетди. Унинг ўзи учун бу янгилик эмасди. Чунки Шомилнинг жасур ва машҳур ёрдамчиси Ҳожи Мурод руслар томонга ўтгани ва бугун-эрта Тифлисга олиб келиниши мумкинлиги ҳақида музокаралар аллақачон давом этаётганди. Барча тушлик қилаётганлар, ҳатто столнинг охирида ўтирган, унгача бир нимага паст товушда кулаётганлар — ёшлар ҳам, адъютантлар ва амалдорлар ҳам жим бўлиб эшитдилар.

— Сиз эса, генерал, бу Ҳожи Муродни эшитганмисиз? — сўради княгиня дағал тукли мўйловли генерал қўшнисидан, князь гапини тугатгач.

— Бир неча марта, княгиня.

Ва генерал қандай қилиб Ҳожи Мурод 43-йилда, тоғликлар Гергебилни олганида, генерал Пассеканинг отрядига тўқнаш келгани ва қандай қилиб у, уларнинг кўз олдида полковник Золотухинни ўлдиргани ҳақида сўзлаб берди.

Воронцов генерални, худди унинг, ниҳоят гапирганидан хурсанддек, ёқимли илжайиш билан эшитди. Лекин бирдан Воронцовнинг юзи паришонхотир ва маъюс тус олди.

Гапга берилиб кетган генерал қандай қилиб бошқа бир жойда Ҳожи Мурод билан тўқнаш келгани ҳақида сўзларди.

<sup>1</sup> Ажойиб, азизим. Семеннинг омади келди. (Француз тилида).

— Ахир уку, — деди генерал, — эслаб кўринг, зоти олийлари, ёрдамга келган сухар экспедициясига пистирма уюштирган.

— Қаерда? — қайта сўради Воронцов, кўзларини қисиб.

Гап шунда эдики, жасур генерал “ёрдам” деб агар етиб келган қўшимча куч ёрдам бермаганида, бахтсиз Даргин сафарида бутун отряд, уларга қўмондонлик қилаётган князь Воронцов билан бирга қирилиб кетиши мумкин бўлган воқеани кўзда тутганди. Воронцов қўмондонлигидаги Даргин сафарида руслар жуда кўп талофат кўрганини ҳамма биларди. Унда кўп одамлар ўлиб ва яраланиб, бир неча замбараклар йўқ бўлиб кетганди. Жуда ҳам шармандали сафар бўлгани учун кимдир Воронцов ёнида бу гапни гапирса, Воронцов подшога маълумот ёзганидек гапирарди. Яъни бу русларнинг мисли кўрилмаган жасорати деб. “Ёрдам” сўзига урғу бериш билан эса бу жангнинг мисли кўрилмаган жасорат эмас, балки кўплаб одамларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган хато эканлигига ишора қилинарди. Буни ҳамма тушунарди. Бирлари ўзини генералнинг сўзлари маъносини тушунмасликка оларди, яна бирлари эса нима бўлишини қўрқиб, кутиб туришарди. Баъзи бирлари кулиб бир-бирларига қараб қўйишарди.

Фақат дағал тукли мўйловли генерал ҳеч нарсани сезмади ва ўзининг ҳикоясига берилиб, бамайлихотир жавоб берди:

— Ёрдамда, зоти олийлари.

Севимли мавзусидан гап очилганидан берилиб кетган генерал қандай қилиб “бу Ҳожи Мурод шундай усталик билан отрядни иккига бўлиб юборган эдики, агар ёрдам келмаганида, — у худди атайин “ёрдам” сўзини

бошқача меҳр билан такрорлагандек, — ҳаммаси тамом бўларди, чунки...”

Генерал гапни тугатишга улгурмади, чунки гап ни-мада эканлигини тушунган Манана Орбельяни, унинг Тифлисдаги хоналарининг қулайлиги ҳақида сўраб, гапни бўлганди. Генерал ҳайрон бўлиб ҳаммага, жумладан столнинг охирида ўтириб, ўзига қаттиқ ва маъноли тикилиб турган адъютантга ҳам қараб чиқди. Княгиняга жавоб бермай, у қовогини солдида, жим бўлиб қолди ва шошилиб тановвул қила бошлади. У тарелкасида ётган нафис таомнинг на таъми, на кўринишга эътибор бермай, чайнамасдан ютарди.

Ҳамма ноқулай аҳволга тушиб қолди. Лекин княгиня Воронцованинг қаршисидан жой олган жуда ахлоқ, лекин ўта хуш муомалали ва устаси фаранг лаганбардор грузин князи ноқулай вазиятни тўғирлаб юборди. У худди ҳеч нимани фаҳламагандек, қаттиқ овозда қандай қилиб Ҳожи Мурод Ахмад хон Мехтулинскийнинг бевасини ўғирлагани ҳақида ҳикоя қила кетди:

— Тунда қишлоққа кириб келиб, ўзига керакли нарсани одида, бутун тўдаси билан жўнаб қолди.

— Нима учун унга айнан ўша аёл керак бўлиб қолганди? — сўради княгиня.

— У унинг эри билан душман эди, унинг изидан тушиб юрарди. Лекин ҳеч қаерда, то хоннинг ўлимигача учрата олмади. Энди икки баробар қилиб ўчини олди.

Княгиня буни, грузин князининг қаршисида ўтирган ўзининг эски қадрдони графиня Шуазелга француз тилида таржима қилиб берди.

— Quelle horreur!<sup>1</sup> — деди графиня, кўзини юмиб, бошини сарак-сарак қилиб.

<sup>1</sup> Қандай ёмон! (Француз тилида).

— Ундай эмас, — деди кулиб Воронцов, — менга айтишларича у асира билан рицарларга хос ҳурмат кўрсатган ва озод қилган.

— Ҳа, пул эвазига.

— Албатта, ҳар қалай, у олийжаноблик кўрсатибди.

Князнинг бу сўзлари Ҳожи Мурод ҳикоясига бир оз жон киритди.

Сарой аъёнлари шуни тушунишдики, Ҳожи Мурод қанчалик ижобий ҳислатлари билан ёд олинса, князь Воронцов бунини шунчалик ёқтирар экан.

— Бу кишининг жасурлиги қойил қоладиган даражада. Ажойиб инсон.

— Албатта, қирқ тўққизинчи йил у куппа-кундузи Темир хон Шурга бостириб кириб, расталарни талон-тарош қилиб чиқиб кетган.

Стол охирида ўтирган армани, ўша пайти Темир хон Шурда бўлган экан. Ҳожи Муроднинг жасоратини батафсил сўзлаб берди.

Умуман бутун тушлик Ҳожи Мурод ҳақидаги ҳикоя билан давом этди. Ҳамма, бири олиб-бири қўйиб, унинг мардлигини, ақлини, олийжаноблигини баҳолаб кетди. Кимдир у қандай қилиб йигирма олтита асирни ўлдиришни буюргангани гапириб берди. Лекин бунга ҳам оддийгина муносабат билдирилди:

— Нима қилиш керак эди! *A la guerre comme &#224; la guerre*<sup>1</sup>.

— У катта одам.

— Агар у Европада туғилганида эди, балки янги Наполеон бўлиши мумкин эди, — деди мақтовга уста ахмоқ грузин князи. У Наполеон ҳақидаги ҳар қандай эслатма князга ёқишини биларди. Чунки айнан унинг устидан қозонилган ғалаба учун княз бўйинини оқ крест безаб турарди.

<sup>1</sup> Уруш урушда (Француз тилида).

— Наполеон бўлмаса ҳам шижоатли кавалерия генерали бўлиши мумкин эди, — ҳа, — деди Воронцов.

— Наполеон бўлмаса Мюрат{4} бўларди.

— Унинг исми Ҳожи Мурод.

— Ҳожи Мурод чиқди. Энди Шомил тамом, — деди кимдир.

— Улар энди (бу энди князь Воронцов даврида деганини билдирарди.) бардош бера олмаслигини ҳис қилишяпти, — деди бошқаси.

— Tout cela est gr&#226;ce &#224; vous<sup>1</sup>, — деди Манана Орбельяни.

Князь Воронцов ўзининг устига қуйилиб келаётган мақтовлар тўлқинини пасайтиришга уринди. Лекин ўзига бу ёқарди. Ва у ўз хонимини столдан меҳмонхонага кўтаринки кайфиятда олиб чиқиб кетди.

Тушликдан сўнг меҳмонхона бўйлаб кофе тарқатилётган пайтида князь ҳамма билан хуш муомалада эди. Ва дағал тукли мўйловли генералнинг ёнига бориб, унинг ноқулай аҳволга тушганини пайқамганини сездиришга уринди.

Барча меҳмонларни айланиб ўтиб, князь қарта ўйнашга ўтирди. У фақат қадимий ўйин бўлган ломбер ўйинини ўйнарди. Князнинг партнерлари аввал грузин князи, кейин эса, князь хизматкоридан ломберни ўрганган арман генерали, ва ва тўртинчи, ўзининг ҳокимияти билан машҳур доктор Андреевский эди.

Ёнига Александр I портрети туширилган олтин тамакидонини қўйиб олган Воронцов атлас қарталар қутисини очдида, тарқатмоқчи бўлганди, кумуш патнисда хат билан италян хизматкор Джованни кириб келди.

— Яна курьер, зоти олийлари.

<sup>1</sup> Бунинг ҳаммаси сиз туфайли (Француз тилида).

Воронцов қарталарни қўйиб, ва уэр сўраб, хатни очиб ўқий бошлади.

Хат ўғлидан эди. У Ҳожи Муроднинг чиқиши ва Меллер-Закомельский билан ораларида бўлиб ўтган мо-жаро ҳақида баён қилганди.

Княгиня яқин келдида, ўғли нима деб ёзгани ҳақи-да сўради.

— Ҳар доимги гап. Il a eu quelques d&#233;sagr&#233;ments avec le commandant de la place. Simon a eu tort<sup>1</sup>. But all is well what ends well<sup>2</sup>, — деди у, хат-ни рафиқасига бераркан. Кейин партнерларига эҳтиром билан мурожаат қилиб, қарталарни олишларини сўради.

Биринчи партия учун қарталар улашиб бўлингач, Воронцов тамакидонни очдида, ҳар доим яхши кай-фиятда бўлган пайти қиладиган амалини қилди: кек-саларга хос бурушган оппоқ қўллари билан бир чим-дим француз тамакисидан олдида, бурни тагига олиб келиб тўкди.

## Х

Эртаси куни Ҳожи Мурод Воронцов ёнига келгани-да, князь қабули одам билан тўла эди. Бу ерда фор-ма кийган ва барча орденларини таққан кечаги дағал тукли мўйловли генерал ҳам бор эди. У ҳам генерал билан саломлашмоқчи бўлиб келганди. Бу ерда пол-кни озиқ-овқат билан таъминлаш борасида суд қилини-ши эҳтимоли бўлган полк командири ҳам, доктор Ан-дреевский ҳомийлигидаги бой армани ҳам, бор эди. У ароқни сотиб олиш арафасида турган эдию, шартно-

<sup>1</sup> У билан қалъа комендантлари орасида қандайдир кўнгилсизлик ўтган экан. Бу ерда Семен ноҳақ эди. (Француз тилида).

<sup>2</sup> Лекин ҳаммасининг яхши тугаши яхши (Инглиз тилида).



мани энди тиклаш ташвишида юрганди. Бу ерда ўлдирилган зобитнинг бутунлай қора кийимда келган беваси ҳам бор эди. У ё пенсия тўғирлаш, ёки бўлмаса болалар таъминотини давлат ҳисобига ўтказишларини сўраб келганди. Ажойиб костюм кийиб олган хонавайрон бўлган грузин князи ҳам келганди. У бекор қилинган черков ерини ўзлаштириш ташвишида келганди. Бу ерда Кавказни бўйсундиришнинг янги услуби ҳақидаги лойиҳа солинган катта тутун кўтариб олган назоратчи ҳам бор эди. Бу ерда ҳатто уйдагиларга қандай қилиб князь қабулида бўлганини ҳикоя қилиб бериш учун келган хон ҳам бор эди.

Ҳамма навбатини кутарди, ва бирин-кетин оқ-малла сочли келишган адъютант йигит ҳамроҳлигида князь хонасига кириб кетарди.

Хонага дадил қадам ташлаб Ҳожи Мурод кириб келганида ҳамманинг нигоҳи унга қадалди, ва у хонанинг ҳар хил бурчагидан ўзининг исми шивирлаб тилга олинаётганини эшитди.

Ҳожи Мурод ёқасида ингичка кумуш уқаси бор жигар рангли камзули устидан узун оқ рангли черкеска кийиб олганди. Оёғида тағигача, худди қўлқопдек таранг ёпишиб турадиган шиппаксимон такчармли қора рангли этик, сочи қириб олинган бошида саллали папаха. Ўша салла туфайли бир вақтлар у Ахмад хоннинг маълумотига асосан генерал Клюгенау{5} томонидан қамоққ олинганди. Ва айнан шу воқеа туфайли Шомил томонига ўтиб кетганди. Ҳожи Муроднинг бир оёғи калталигидан оқсаганлиги туфайли, ингичка танаси у ёқдан бу ёққа қалқиб, қабулхона паркети устида тез-тез қадам ташлаб юриб келди. Унинг кенг очилган кўзлари олдинга бамайлихотир қараганидан, гўёки ҳеч кимни кўрмасди.

Келишган адъютант, у билан кўришгач, князга у ҳақида хабар бергунига қадар, ўтириб туришини сўради. Лекин Ҳожи Мурод ўтиришдан бош тортди. Қўлини ханжар ортига қўйиб, атрофдагиларга нафрат билан тикилиб тик тураверди.

Таржимон, князь Тарханов, Ҳожи Мурод ёнига келиб у билан гап бошлади. Ҳожи Мурод, хоҳламай, қисқа-қисқа жавоб берди. Хонадан назоратчилардан шикоят қилгани келган Қумиқ князи чиқди. Унинг орқасидан чиққан адъютант Ҳожи Муродни чақирдида, уни хона эшиги томон бошлаб бориб, ичкарига киргизиб юборди.

Воронцов Ҳожи Муродни стол олдида тик турган ҳолда қутиб олди. Бош қўмондоннинг қари оппоқ юзи кечагидек кулимсирамасди, балки талабчан ва тантанаворроқ эди.

Улкан столли ва яшил чий пардали катта-катта деразали хонага кириб, Ҳожи Мурод ўзининг кунда қорайган ва унча катта бўлмаган қўлларини кўксининг оқ черкеска кесишган жойига қўйдида, шошилмасдан, аниқ ва эҳтиром билан ўзи яхши сўзлай оладиган қумиқ шевасида, кўзларини бир оз ерга қарата деди:

— Улуғ қирол ва сизнинг буюк ҳимоянгизга ўтаман. Оқ подшога сўнги томчи қоним қолгунча хизмат қилишга ваъда бераман, ва ҳар иккаламизнинг душманимиз бўлган Шомилга қарши жангда нафим тегишига ишонаман.

Таржимонни эшитиб бўлгач, Воронцов Ҳожи Муродга қаради, Ҳожи Мурод эса — унинг юзига.

У икковининг кўзлари тўқнаш келиб, бир-бирига сўз билан ифодалаб бўлмайдиган жуда кўп нарсалар, жумладан таржимон таржима қилганларидан бутунлай бошқа нарсалар деди. Улар, сўз ишлатмасдан бир бири

ҳақида бутун ҳақиқатни сўзларди: Воронцовнинг кўзлари Ҳожи Мурод айтган биронта сўзга ишонмаслиги, у барча русларга душман эканлигини, ва ҳар доим шундай бўлиб қолишини, ҳозир, фақат мажбур бўлганлигидан бугун бўйсуниб турганлигини билишини гапирарди. Ҳожи Мурод буни тушунарди ва ҳар қалай ўзининг содиқлигига ишонтаришга уринарди. Унинг кўзлари қари князга қараб, у уруш ҳақида эмас, ўлими ҳақида ўйласа бўларди, чол қари бўлса ҳам айёр, ундан эҳтиёт бўлиш керак дерди. Воронцов ҳам буни тушунсада, Ҳожи Муродга уруш натижаси учун зарур бўлган гапни гапирди.

— Унга айт, — деди Воронцов таржимонга (у ёш зобитларга “сен” деб мурожаат қиларди), — бизнинг подшоҳимиз қанчалик қудратли бўлса, шунчалик марҳаматли ҳам. У албатта, менинг илтимосимга кўра уни кечиради ва ўз хизматига олади. Тушунтирдингми? — деди у Ҳожи Муродга тикилиб. — Амиримнинг марҳаматли қарори етиб келгунича, унга айт, уни ўзим қабул қилиб тураман ва бу ердаги туришига кўнгилдагидек шароит яратаман.

Ҳожи Мурод яна бир бор қўлини кўксига қўйдида, ниманидир тўлқинланиб гапирди.

У таржимон орқали айтдики, аввал ҳам 39-йил Аварияни бошқарганида русларга содиқ хизмат қилган. Ва агар унинг душмани Ахмад хон уни йўқ қилиш мақсадида генерал Клюгенауга у ҳақида тухмат қилмаганида эди, уларга ҳеч қачон хиёнат қилмаган бўларди.

— Биламан, биламан, — деди Воронцов (зеро у билса ҳам аллақачон барчасини унутганди). — Биламан, — деди у, ўзи ҳам ўтириб, Ҳожи Муродга ҳам девор тагидаги ўриндиққа ўтиришни таклиф қила туриб. Лекин

Ҳожи Мурад ўтирмади, кучли елкаларини қисиб шундай улуғ киши қаршисида ўтира олмаслигини билдириб.

— Аҳмад хон ҳам, Шомил ҳам, ҳар иккаласи менинг душманларим, — давом этди у таржимонга қараб.

— Князга айт: Аҳмад хон ўлди, мен ундан қасос ола олмадим. Лекин Шомил ҳали тирик экан, мен ундан қасдимни олмай ўлмайман, — деди у қошларини чимириб ва тишларини гичирлатиб.

— Ҳа, ҳа, — хотиржам сўзлади Воронцов. — У Шомилдан қандай қилиб ўч олмоқчи экан? — сўради таржимондан. — Ҳа, унга айт, у ўтириши мумкин. Ҳожи Мурад яна инкор қилди. Унинг берган саволига эса русларга Шомилни йўқ қилишда ёрдам бермоқчи бўлгани учун чиққанини айтди.

— Яхши, яхши, — деди Воронцов. — У айнан нима қилмоқчи? Ўтир, ўтир...

Ҳожи Мурад ниҳоят ўтирди ва унга қўшин бериб лезгин линиясига жўнатишса, у бутун Доғистонни оёққа тургазиб Шомилга ҳеч қандай имконият қолдирмаслигини айтди.

— Бу яхши. Бу мумкин, — деди Воронцов. Мен ўйлаб кўраман.

Таржимон Ҳожи Мурадга Воронцовнинг сўзларини етказди.

— Сардорга айт, — деди у яна, — менинг оилам душманим қўлида; ва токи оилам тоғда экан, мен қўли боғлиқ бўламан ва жанг қила олмайман. Агар унга тўғридан-тўғри борсам у менинг хотинимни, онамни, болаларимни ўлдиради. Князь менинг оиламни қўлласин, уларни асирларга алмаштирсин, шунда мен ё ўламан, ёки Шомилни йўқ қиламан.

— Яхши, яхши, — деди Воронцов. — Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрамин.

Энди у штаб бошлиғи ёнига борсинда, унга ўзининг режаси, ҳолати ва истагини батафсил изоҳлаб берсин.

Шу билан Ҳожи Муроднинг Воронцов билан дастлабки учрашуви яқун топди.

Ўша куни кечқурун янги, шарқона дид билан безатилган театрда италянча опера кетарди. Воронцов ўзининг ложасида ўтирарди, шу вақт партерда салладаги чўлоқ Ҳожи Муроднинг таниқли қомати кўзга ташланди. У Воронцов томонидан тайинланган адъютанти Лорис-Меликов{б} билан бирга кириб келдида, биринчи қатордан жой олди. Биринчи акт тугаши билан Ҳожи Мурод шарққа оид, мусулмонларга хос салобат билан, нафақат ҳайрон бўлмасдан, ҳатто бефарқ ҳолда томошабинларни хотиржам кузатиб, уларнинг барчасининг эътиборини ўзига жалб қилиб чиқиб кетди.

Эртаси куни, душанба куни Воронцовларнинг уйда одатдагидек кеча эди. Катта, ёрқин безалган залда қишки боғ орасида мусиқа янгради. Бўйни, қўллари ва деярли бутун елкалари очиқ ёш қиз-жувонлар ёрқин рангли мундир кийиб олган эркаклар билан айланиб рақсга тушишарди. Буфет ортида малайлар эгнига олдинги этаги қисқа, орқаси узун қизил фрак, оёғига эса чулки ва ботинкалар кийиб олиб, нафис идишларга шампан виноси қуярди ва хонимларга ширинлик тарқатиб чиқарди. “Сардорнинг” хотини ҳам, ўзининг кекса ёшига қарамай, очиқ-сочиқ кийиниб олиб, меҳмонларни оралаб юриб, кечагидек одамларни бефарқ ва хотиржам кузатаётган Ҳожи Муродга ҳам таржимон орқали бир неча ёқимли сўзлар айтди. Бека ортидан Ҳожи Муроднинг ёнига яна бир неча енгил кийинган аёллар яқинлашиб келдиларда, уялмасдан ундан кўриб турган нарсалари ёқаётган ёки ёқмаётганлигини

сўрадилар. Воронцовнинг ўзи эса олтин погонлар ва аксельбантлар тақиб олиб, бўйнида лентали оқ крести билан унинг ёнига келдида, ҳамма сўраган нарса ҳақида сўради. Афтидан, буларнинг барчаси Ҳожи Муродга ёқиши аниқлигига ишончи комил эди. Ҳожи Мурод барчага айтган жавобини Воронцовга ҳам тақрорлади: уларда бундай нарсалар йўқ, — деди, лекин буларнинг уларда бўлмаганлининг яхши ёки ёмонлиги ҳақида фикр билдиришдан қочиб.

Ҳожи Мурод шу ерда, балда ҳам Воронцов билан ўз оиласини сотиб олиш ишлари ҳақида гаплашмоқчи бўлдию, лекин Воронцов уни эшитмасликка олиб, ундан узоқлашиб кетди. Кейин Лорис-Меликов келиб Ҳожи Муродга бу ерда иш ҳақида гаплашишнинг мавриди эмаслигини тушунтирди.

Соат ўн бирга бонг урганида Ҳожи Мурод ўзининг Марья Васильевна совға қилган соатида вақтни кўриб қўйдида, Лорис-Меликовдан кетиш мумкинлиги ҳақида сўради. Лорис-Меликов мумкинлиги, лекин қолса яхши бўлишлигини тушунтирди. Шунга қарамай, Ҳожи Мурод қолмади ва унинг ихтиёрига берилган фаэтонда ўзига ажратилган тураржойга кетди.

## XI

Ҳожи Муроднинг Тифлистеда бешинчи кун бўлганида, унинг ёнига бош қўмондон топширигига биноан ноиб адъютанти Лорис-Меликов келди.

— Бошим ва қўлим билан сардорга хизмат қилишдан хурсандман, — деди Ҳожи Мурод ўзининг одатдаги дипломатларга хос ифодаси билан бошини эгиб, қўлини кўксига қўйиб. — Буюр, — деди у Лорис-Меликовнинг кўзига мулойим боқиб.

Лорис-Меликов стол ёнидаги юмшоқ ўриндиққа ўтирди. Ҳожи Мурод унинг қаршисидаги пастак тахтачага чўкди, ва қўли билан тиззасига таяниб, бошини эгган ҳолда диққат билан Лорис-Меликовни тинглади. Татар тилида эркин сўзлаша оладиган Лорис-Меликов князнинг Ҳожи Муроднинг ўтмишидан хабари бўлишига қарамай, унинг ўзидан эшитиш истаги борлигини айтди.

— Сен менга айтчи, — деди Лорис-Меликов, — мен эса ёзиб оламан, кейин рус тилига таржима қиламан, ва князь уни подшога жўнатади.

Ҳожи Мурод жим бўлиб қолди (у нафақат ҳеч қачон суҳбатдошининг сўзини бўлмаган, балки яна бирон нарса демасмикан деб кутган ҳам), кейин папахини орқага силтаб бошини кўтардида, Марья Васильевнани забт этганидек болаларча кулди.

— Буни бажарса бўлади, — деди у, чамаси подшоҳ унинг тарихини ўқишидан хурсанд бўлиб.

— Менга ҳаммасини шошилмасдан ҳикоя қилиб бер (татар тилида сиз деган мурожаат бўлмайди), — деди Лорис-Меликов, чўнтагидан ёзув қоғозини ола туриб.

— Буни бажарса бўлади, фақат гапириб берадиган нарса жуда кўп. Кўп иш бўлиб ўтган, — деди Ҳожи Мурод.

— Бир кунда улгурмасанг кейинги кун давомини сўзларсан, — деди Лорис-Меликов.

— Бошидан бошлайми?

— Ҳа, энг бошидан: қаерда туғилгансан, қаерда яшагансан.

Ҳожи Мурод бошини қуйи солдида, узоқ вақт шундай ўтириб қолди; кейин тахтача ёнида ётган таёқчани олдида, сопи фил-суягидан бўлган ва олтин-суви юритилган ханжари тагидан устарадек ўткир-пўлат-пичоқ-

часини олиб, у билан таёқчани майдалаган ҳолда ҳикоясини бошлади:

— Ёз: Унча катта бўлмаган, биз тоғликларнинг тили билан айтганда, эшакнинг бошидек келадиган Цельмес қишлоғида туғилдим, — бошлади у. — Биздан икки ўқ етқудек масофада хонлар яшайдиган Хунзах қишлоғи. Ва бизнинг оиламиз улар билан яқин эди. Онам катта хонни Абунунцал хонни эмизгани учун мен хонларга яқин бўлиб қолдим. Хонлар учта эди: акам Османнинг эмишган укаси Абунунцал хон, менинг укам саналган Умма хон, ва кичиги Булач хон. Уни Шомил қоядан ташлаб юборган. Бу кейин содир бўлган. Овулар бўйлаб муридлар юганида мен ўн беш ёшда эдим. Улар ёғоч қиличларни тошларга уриб қичқиришарди: “Му- сулмонлар, ғозават!” Ҳамма чеченлар муридлар ёнига келишди, аварлар ҳам қўшилишди. Мен шунда қасрда яшардим. Хонларга худди укадек эдим: нимани хоҳласам қилардим, бой бўлдим. Менинг отларим ҳам, қуролим ҳам, пулим ҳам бўларди. Ҳузур-ҳаловатда, ҳеч нарсани ўйламасдан яшардим. Токи Қози мулла{7}ни ўлдириб, ўрнига Ҳамзат бўлмагунича. Ҳамзат хонларга элчи жўнатиб, агар улар ғозават йиғмасалар у Хунзахни хонавайрон қилиш хабарини етказган. Бу ерда ўйлаб қўриш керак эди. Хонлар руслардан қўрқишарди, шунингдек ғозават йиғишга ҳам қўрқишарди. Шунда Хоннинг бекаси мени иккинчи ўғли Умма хон билан бирга Тифлисга русларнинг катта бошлиғидан Ҳамзатдан ҳимоя қилишини сўраш учун жўнатди. У ерда бошлиқ Розен барон эди. У на мени, на Умма хонни қабул қилди. Ёрдам беришга қуруқ ваъда бердию, лекин ҳеч нарса қилмади. Фақат унинг зобитлари Умма хон билан қарта ўйнагани келиб-кетарди. Улар унга шароб ичириб, ёмон жойларга олиб борардилар. У эса борини



уларга қартадан ютқазиб қайтарди. У ҳўкиздек кучли, шердек жасур, лекин қўнгли сувдек бўш эди. Агар мен уни олиб кетмаганимда, сўнги отлари ва қуролини ҳам ютқазарди. Тифлистан сўнг менинг фикрим ўзгарди ва хон бекаси ва ёш хонларни ғозават йиғишга қўндирдим.

— Фикринг нимадан ўзгарди? — сўради Лорис-Меликов, — мабодо руслар ёқиб қолмадими?

Ҳожи Мурад жим бўлиб қолди.

— Йўқ, ёқиб қолишмади, — қатъий жавоб берди у ва қўзларини юмиб олди. — Менинг ғозават йиғишни хоҳлашимга яна бир иш сабаб бўлганди.

— Қандай иш экан?

— Целъмес яқинида хон иккаламиз учта мурид билан тўқнаш келиб қолгандик: иккитаси кетди, учинчисини эса мен тўппончадан отиб ўлдириб қўйдим. Ёнига қуролини олмоқчи бўлиб борганимда, у ҳали тирик эди. У менга қарадида, шундай деди: “Сен мени ўлдирдинг. Менга яхши. Сен эса мусулмонсан, ёш ва кучлисан, ғозаватни қабул қил. Худонинг буюргани экан”.

— Кейинчи, сен қабул қилдингми?

— Қабул қилмадим, фақат ўйланиб қолдим, — деди Ҳожи Мурад ва ҳикоясни давом эттирди. — Ҳамзат Хунзахга яқинлашиб келганида, унинг қаршисига чолларни чиқариб, биз ғозават йиғишга рози эканлигимизни, фақат у бизга илмли одамни жўнатиб, унинг тартиб қондасини тушунтиришини сўрадик. Ҳамзат чолларга мўйловларини қириб, бурунларига санчиб, улар бурнига нонни яқинлаштириб олиб келиб, кейин эса қайтаришини буюрди. Чолларнинг айтишича, Ҳамзат бизга ғозаватни ўрганишимиз учун шайхни жўнатишга тайёр экану, фақат хон бекаси унинг ёнига омонат сифатида ўзининг кичик ўғлини жўнатиши керак экан. Бека унга ишондида, Булач хонни Ҳамзатнинг ёнига жўнатди.

Ҳамзат Булач хонни яхши кутиб олди ва катта акаларини ҳам чақирishi учун бизнинг ёнимизга жўнатди. У отаси хонлар отасига қандай хизмат қилган бўлса, ўзи ҳам хонларга шундай хизмат қилиш ниятида эканлигини айтишни буюрди. Хон бекаси ожиза, калтафаҳм ва бошқа барча эрки ўзида бўлган аёллар каби қўрс аёл эди. У иккала ўғлини жўнатишга қўрқдида, Умма хоннинг ўзини жўнатди. Мен у билан кетдим. Бир чақирим беридан бизни муридлар қўшиқлар куйлаб, милтиқлардан отиб, атрофимизда от ўйнатиб кутиб олдилар. Биз яқинлашиб борганимизда Ҳамзат чодирдан чиқдида, Умма хоннинг узангиларига яқин келиб, уни хондек қабул қилди. У деди: “Мен сизнинг уйингизга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ ва қилмайман ҳам. Сиз мени фақат ўлдирманг ва одамларни розаватга олиб келишимга халақит берманг. Мен эса сизга бутун қўшиним билан отам сизнинг отангизга хизмат қилгани каби хизмат қиламан. Мени уйингизда яшашга қўйинг. Мен сизга ўз маслаҳатларим билан ёрдам берман, сиз эса нима хоҳласангиз шуни қиласиз”. Умма хон гапга нўноқ эди. У нима дейишни билмай жим турарди. Шунда мен, “Агар шундай бўлса, унда Ҳамзат Хунзахга борсин, — дедим. — Хон бекаси ва хон уни ҳурмат билан кутиб олади”. Лекин менга гапимни тугатишимга қўймади. Шунда мен биринчи марта Шомил билан тўқнаш келдим. У шу ерда, имомнинг ёнида эди. У “сендан эмас, хондан сўраяпти”, — деди. Мен жим бўлдим, Ҳамзат эса Умма хонни чодирга бошлаб кетди. Кейин Ҳамзат мени чақирдида, элчилари билан Хунзахга боришимни буюрди. Мен кетдим. Элчилар хон бекасини катта ўғлини ҳам Ҳамзатнинг ёнига қўйиб юборишга кўндиришга уринарди. Мен бу ерда хиёнатни кўрардим ва бекага ўғлини жўнатмасли-

ги кераклигини айтдим. Лекин тухумда қанча соч бўлса, аёл бошида ҳам шунча ақл бўларкан. Бека ишондида, ўғлига боришни буюрди. Абунунцал хоҳламади. Шунда бека ўғлига “Сен қўрқаяпсан”, — деди. У худди асаларидек, одамнинг қаеридан огритиб чақишни биларди. Абунунцал қизишиб кетганидан у билан бошқа гаплашмадида, отни эгарлашни буюрди. Мен у билан кетдим. Ҳамзат бизни Умма хонни кутиб олгандан ҳам яхшироқ кутиб олди. Унинг ўзи икки ўқ овози наридан тоғнинг тагига бизни кутиб олишга чиқди. Унинг ортидан отлиқлар югуриб, қўшиқлар куйлаб, милтиқларидан отиб, отлар ўйнатиб чиқдилар. Биз лагерга етиб келганимизда Ҳамзат хонни чодирга олиб кириб кетди. Мен эса отлар билан қолдим. Тоғнинг тагига турганимда Ҳамзатнинг чодирдан ўқ овозларини эшитдим. Чодирга югурдим. Умма хон юз тубан тушиб, қонга беланиб ётарди. Абунунцал эса муридлар билан олишаётганди. Унинг юзининг ярми чопилган ва осилиб турарди. У бир қўли билан юзини ушлаб, иккинчисида ханжар ушлаб, ким яқинлашса чопарди. Менинг кўз олдимда у Ҳамзатнинг укасини чопиб ташлади ва иккинчисига интилди, лекин муридлар уни отиб ташлашди ва у йиқилди.

Ҳожи Мурод тўхтади, унинг кунда қорайган юзи қизариб кетди ва кўзлари қонга тўлди.

— Мен қўрқиб кетдим ва қочдим.

— Йўге? — деди Лорис-Меликов. — Мен сени ҳеч қачон ҳеч нарсадан қўрқмас керак деб ўйлардим.

— Шундан кейин ҳеч қачон; шундан бери мен ўша уятни эслайман ва эслаганимдан ҳеч нарсадан қўрқмайман.

## XII

— Энди етарли. Намоз вақти бўлди, — деди Ҳожи Мурод, черкесча камзулининг ички чўнтагидан Воронцов совға қилган соатни чиқарар экан. Унинг пружинасини авайлаб босиб, бошини ён томонга эгиб, болаларча кулиб эшитди. Соат ун икки ва чорак дақиқага бонг урарди.

— Тутинган оғайним Воронцов совға қилган, — деди у кулиб. — Яхши одам.

— Ҳа, яхши одам, — деди Лорис-Меликов. — Соат ҳам яхши. Унда сен намоз ўқийвер, мен эса кутиб тураман.

— Яхши, — деди Ҳожи Мурод ва ётоқхонага кириб кетди.

Бир ўзи қолган Лорис-Меликов ён дафтарига Ҳожи Мурод сўзлаб берган ҳикоядан энг муҳим жойларини ёзиб олди. Кейин папирос тутатиб, хонада у ёқдан бу ёққа юриб чека бошлади. У ётоқхонага қарама-қарши хона эшигига яқин келганда одамларнинг татар тилида тез-тез нима ҳақидадир безовталаниб сўзлашган гапларини эшитиб қолди. У буларнинг Ҳожи Муроднинг муридлари эканлигини тушундида, эшикни очиб, улар ёнига кириб борди.

Хонани тоғликларга хос бўлган аччиқ терининг ҳиди тутиб кетганди. Ерда, енгсиз босма чакмон устида яғир чикиб кетган йиртиқ камзулда қийшиқ кўзли малларангли Ҳамзало ўтирарди. У қўлига тугунни олди. У нима ҳақидадир куюниб гапираётган пайтда Лорис-Меликов кириб қолди, ва у жим бўлиб қолди. Лекин унга эътибор ҳам бермай ишини давом эттираверди. Унинг қаршисида қувноқ Мағом хон турарди. У ҳам оппоқ

тишларини кўрсатиб, қоп-қора киприксиз кўзларини ялтиратиб, фақат бир нарсани такрорларди. Келишган Элдор эса кучли қўлларининг енгини шимариб олиб, миҳда осиглиқ эгарнинг айилини ишқалаб тозаларди. Ассий ишчи, хўжалик раҳбари Ханаф хонада йўқ эди. У ошхонада тушлик тайёрларди.

— Нима ҳақда баҳслашдиларинг? — сўради Лорис-Меликов Мағом хондан, у билан кўришиб бўлгач.

— У ҳадеб Шомилни мақтайди, — деди Мағом хон, Лорисга қўлини бера туриб. — Шомил катта одам, — дейди. Ҳам ўқимишли, ҳам ҳалол, ҳам яхши чавандоз эмиш.

— Қандай қилиб ундан кетди, ҳадеб мақтаса?

— Кетган, яна мақтайди, — тишларини ярқиратиб гапириб қўйди Мағом хон.

— Хўш, уни ҳалол-пок одам ҳисоблайсанми? — сўради Лорис-Меликов.

— Агар ҳалол бўлмаганида, халқ эргашмас эди, — тезда деди Ҳамзало.

— Шомил эмас, Мансур{8} ҳалол-пок эди, — деди Мағом хон. — У ҳақиқий ҳалол эди. У имом вақтида бутун халқ бошқача эди. У овулар бўйлаб чиққанида халқ қаршисига чиқиб, унинг черкескасининг этагини ўпиб, гуноҳларидан тавба қиларди, ва бошқа ёмон иш қилмасликка қасам ичарди. Чолларнинг айтишича унда ҳамма одамлар ҳалол яшашаркан, — чекмаган, ичмаган, намозни қўймаган, бир-бирига кечиримли бўлган, ҳатто қон тўкилган бўлса ҳам. Ўша пайтлари пул ёки нарса топиб олса, қозиққа боғлаб, йўлнинг устига қўйиб қўйишган экан. Шунда худо ҳам халққа ҳамма нарсада омад берган экан, ҳозиргидек эмас, — деди Мағом хон.

— Энди ҳам тоғларда ичмайди ва чекмайди, — деди Ҳамзало.

— Сенинг Шомилинг Ламорой, — деди Мағом хон, Лорис-Меликовга кўзини қисиб.

“Ламорой” тоғликларнинг нафратли сўзи эди.

— Ламорой — тоғлик. Тоғда ахир бургутлар яшайдику, — жавоб берди Ҳамзало.

— Ҳа, баракалла! Зўр айтдинг, — деди тишларини ялтиратиб Мағом хон, рақибнинг устамонлик билан қилган жавобига.

Лорис-Меликовнинг қўлидаги кумуш папирос қутисини кўриб қолиб, ундан чекишга сўради. Лорис-Меликов уларга чекиш маън қилингани ҳақида сўраганида, у бир кўзини қисиб ётоқхонадаги Ҳожи Муродга ишора қилиб, ҳозирча, кўрмай турган пайтида мумкинлигини айтди. Ва шу заҳотиёқ, оғзидан тутунини чиқарганича қизил лабларини қўпол чўччайтириб, чека бошлади.

— Бу яхшимас, — деди жиддий Ҳамзало ва хондан чиқиб кетди.

Мағом хон унга ҳам ишора қилиб қўйдида, Лорис-Меликовдан қаердан шойи камзул билан оқ папаха сотиб олиш мумкинлигини сўради.

— Нима, шунчалик пулинг кўпми?

— Бор, етарли, — кўзини қисиб жавоб берди Мағом хон.

— Сен ундан пулларни қаердан топгани ҳақида сўра, — деди Элдор, бошини Лорисга буриб, чиройли қулиб қўйдида.

— Ютиб олдим, — тезда гапирди Мағом хон. Кейин кеча кечқурун Тифлисни айланиб юриб, осмонга танга отиб ўйнаётган бир тўда пулдор рус, арман одамларга дуч келиб қолгани ҳақида сўзлаб берди. Катта нарсани тикилганди: учта тилла ва кўп кумуш. Мағом хон

ўйин қандай кетаётганлигини тушундида, чўнтагидаги мис тангаларни жиринглатиб ўйинга кирдида, барчаси билан ўйнамоқчи эканлигини эълон қилди.

— Қандай қилиб ҳаммаси билан? Сенда шунча пул бормиди?— сўради

Лорис-Меликов.

— Менинг бор-йўғи йигирма тийин пулим бор эди, — деди тишларини ярқиратиб Мағом хон.

— Агар ютқазиб қўйганингдечи?

— Унда мана.

Ва Мағом хон тўппончани кўрсатди.

— Нима, берармидинг?

— Нима учун берарканман? Қочиб кетардим, ким етиб олса ўлдирардим. Тамом.

— Нима бўлди, ютдингми?

— Ҳа, албатта, ҳаммасини йиғиштириб олдимда, жўнавордим.

Мағом хон ва Элдорни Лорис-Меликов жуда яхши тушунди. Мағомхон қувноқ, ишратпараст, ўзини қаерга қўярини билмайдиган, енгилтабиат, ўзининг ва бошқаларнинг ҳаёти билан ўйнашадиган, шу ўйин туфайли бугун русларга, эратага эса худди шундай йўл билан қайтиб яна Шомилга чиқиши мумкин эди. Элдор ҳам тушунарли эди: у ўзининг сохибига содиқ, вазмин, кучли ва қатъий эди. Лорис-Меликов учун малла рангли Ҳамзало тушунарсииз эди. Лорис-Меликов шуни тушунгандики, бу одам нафақат Шомилга содиқ бўлган, шу билан бирга унда барча русларга нисбатан ўчмас нафрат бор эди. Шунинг учун Лорис-Меликов унинг нима учун русларга чиққанини била олмасди. Лорис-Меликовнинг калласига, баъзи бир раҳбарларникига ўхшайдиган бир фикр келди: Ҳожи Муроднинг чиқиши ва унинг Шомил билан душманлиги

ҳақидаги ҳикояси ёлгон. Унинг асл мақсади — русларнинг ожиз жойларини ўрганиб олиш, кейин яна тоққа қочиб, кучларни ўша томонга буриш. Ва Ҳамзало ўзининг бор ҳатти-ҳаракати билан бу тахминни тасдиқларди. “Улар ва Ҳожи Муроднинг ўзи ҳам, — ўйлади Лорис-Меликов, — ўзларининг мақсадларини яшира олишади, лекин яшириб бўлмайдиган нафрати буни билдириб қўяди”.

Лорис-Меликов у билан гаплашишга уриниб кўрди. У бу ерда зерикмаётганлиги ҳақида сўради. Лекин у ўзининг машғулотидан чалғимай, битта соғ кўзи билан Лорис-Меликовга қараб қўйдида, хириллоқ овозда жавоб берди:

— Йўқ, зерикарли эмас.

Бошқа саволларга ҳам худди шундай жавоб берди.

Лорис-Меликов навкарлар хонасида бўлган пайтида Ҳожи Муроднинг тўртинчи навкари авар Ханаф ҳам кириб келди. Юзлари, бўйни ва кўксини худди мўйнадек тук босган эди. Бу фикр-мулоҳазасиз, кучли ишчи эди. У ҳамиша ўзининг ишлари билан банд юрарди, ва худди Элдор каби сохибига содиқ эди.

У навкарлар хонасига гуруч олгани кирганида Лорис-Меликов уни тўхтатиб, қаердан эканлиги ва қанчадан бери Ҳожи Муроднинг хизматида эканлиги ҳақида сўради.

— Беш йил, — жавоб берди Ханефи Лорис-Меликовнинг саволига. — Мен у билан бир овулданман. Менинг отам унинг амакисини ўлдириб қўйган, кейин улар мени ўлдиришмоқчи бўлганида, — деди у хотиржам ўсиб кетган қошлари остидан Лорис-Меликовга қараб. — Мен улардан мени ука ўрнида қабул қилишини сўраганман.

— У нима дегани: ука ўрнида қабул қилиш?



— Мен икки ой сочимни, тирногимни олмадим ва улар ёнига келдим.

Улар мени Патиматнинг ёнига киришимга ижозат беришди. Патимат менга кўксини очди ва мен уларга ука бўлиб қолдим.

Қўшни хонадан Ҳожи Муроднинг овози эшитилди. Элдор хўжайнининг чақирганини эшитгани заҳотиёқ қўлини артиб, шошилиб меҳмонхонага кириб кетди.

— Чақираяпти, — деди у қайтиб чиқиб.

Магом хонга яна бир папирос бериб, Лорис-Меликов меҳмонхонага кириб кетди.

### XIII

Лорис-Меликов меҳмонхонага кирганида Ҳожи Мурод уни қувноқ юз билан қарши олди.

— Нима, давом эттирамизми? — деди у, тахтачага ўтира туриб.

— Ҳа, албатта, — деди Лорис-Меликов. — Мен эса сенинг навкарларинг билан бироз суҳбатлашдим. Биттаси жуда қувноқ экан, — қўшиб қўйди Лорис-Меликов.

— Ҳа, Магом хон енгил одам, — деди Ҳожи Мурод.

— Менга ёш, келишгани ёқиб қолди.

— Ҳа, Элдорми. У ёш бўлса ҳам темирдек мустаҳкам.

Улар жим бўлиб қолишди.

— Хўш, гапираверйми?

— Ҳа, ҳа.

— Мен қандай қилиб хонларни ўлдирганини айтдим. Уларни ўлдиришди, ва Ҳамзат Хунзахга чиқди ва хон саройига жойлашди, — деб бошлади Ҳожи Мурод. — Бека хон қолганди. Ҳамзат уни олдига чақирди. Аёл унга шанғиллаб кетди. У навқари Асельдерга буюрганди, орқасидан келиб уриб ўлдирди.

— Уни нима учун ўлдирди? — сўради Лорис-Меликов

— Нима қилиш керак эди: олд оёғинг билан ошиб ўтдингми, орқа оёғинг билан ҳам ошиб ўт. Бутун уруғни қуритиш керак эди. Шундай қилди ҳам. Шөмил кенжасини ҳам ўлдирди. Қоядан ташлаб юборди. Бутун авария Ҳамзатга бўйин эгди, фақат мен укам иккаламиз бўйин эгишни хоҳламадик. Биз иккаламиз ундан хонларнинг тўкилган қони учун қасос олишимиз керак эди. Ўзимизни бўйин эккандек тутдигу, лекин қандай қилиб қасос олиш пайида юрардик. Бувамиз билан маслаҳатлашиб, унинг саройдан чиқшини пойлаб юришга қарор қилдик. Пистирмадан туриб ўлдириш учун. Кимдир буни эшитиб қўйган экан Ҳамзатга етказибди. Ҳамзат бувамни чақириб шундай дебди: “Қара, агар сенинг набираларинг менга қарши ёмонликни ўйлаётган бўлса, улар билан сени битта хочга осаман. Мен худо йўлида иш қилаяпман ва менга халақит бериш мумкин эмас. Бор, кетавер, ва менинг айтганларимни унутма”. Бувам уйга келиб, бўлган гапларни бизга айтиб берди. Шунда биз кутмасликка, ишни байрамнинг биринчи кунинда мачитда амалга оширишга қарор қилдик. Дўстларимиз фикридан қайтишди. Биз укамиз иккаламиз қолдик. Иккаламиз иккитадан тўппонча олдиқда, чакмонни кийиб мачитга бордик. Ҳамзат ўттизта навқари билан кириб келди. Уларнинг ҳаммаси қиличларини яланғоч ҳолда ушлашарди. Ҳамзатнинг ёнида унинг севимли Асельдери — бека хоннинг қалласини чопаган навқари юрарди. Бизни кўриб у чакмонимизни ечишни буюриб бақирди ва менинг олдимга келди. Ханжарим қўлимда эди, ва мен уни ўлдириб Ҳамзатга ташландим. Осман укам унга қарата ўт очди. Ҳамзат ҳали тирик эди ва ханжар билан укамга ташланди, лекин мен унинг қалласига уриб йиқитдим. Навқарлар ўттизта эди, биз

эса — иккита. Улар Осман укамни ўлиришди, мен эса ўзимни ҳимоя қилиб, деразадан сакраб қочдим. Ҳамзатнинг ўлганини эшитиб, бутун халқ оёққа турди ва уларга ташланди. Навкарлар қочдилар, қочишга улгурмаганларини ўлдиришди.

Ҳожи Мурод тўхтадида, чуқур хўрсиниб, нафасини ростлаб олди.

— Бунинг ҳаммаси яхши эди, — давом этди у, — кейин ҳаммаси бузилиб кетди. Ҳамзатнинг ўрнига Шомил келди. У менга элчи жўнатиб, русларга қарши бирга курашни таклиф қилди. Агар мен инкор қилсам, у Хунзахни хонавайрон қилиб, мени ўлдиришни ваъда берди. Мен унга бормаслигимни ва уни бу ерга қўймаслигимни айтдим.

— Сен нима учун унга қўшилмадинг? — Сўради Лорис-Меликов.

Ҳожи Мурод қовоғини солдида, дарров жавоб бермади.

— Мумкин эмасди. Шомилнинг гарданида Осман билан Абунундал хонларнинг қони бор эди. Мен унга бормадим. Розен-генерал менга зобит мансабинини юбордида, Авариянинг бошлиғи бўлишни буюрди. Ҳаммаси яхши бўлиши мумкин эдикуя, лекин Розен-Авариянинг устидан дастлаб Қозиқумиқ хони Магомед-Мирзони, кейин эса Аҳмед хонни қўйди. У мени ёмон кўрарди. У ўғлидан бека хоннинг қизи Салтанатга совчи жўнатди. Уни унга бермадилар, ва у бунда мени айбдор деб ўйлади. Шунда у генерал Кюгенауга мен тўғримда бўхтон тўқиб жўнатган: гўёки мен аварларга аскарлар учун ўтин юборишни буюрмаганман ва мана бу тасмани тақиб олганман, — дея Ҳожи Мурод папахасидаги тасмани кўрсатди. — Бу эса менинг Шомилга қўшилганимга ишора эди. Ге-

нерал ишонмаган ва менга тегинмаган. Лекин генерал Тифлисга кетганида Ахмед хон ўзича иш тутган: аскарлар ротаси ёрдамида мени тутиб олиб, занжир билан замбаракнинг оғзига боғлаб қўйган. Олти кун шу аҳволда ушлаган. Еттинчи кун бўшатиб, Темир хон Шуруга олиб борди. Қирқта аскар ўқланган милтиқлари билан қўриқлаб боришган. Қўлларим боғлиқлигига қарамай, қочишга уринсам ўлдириш буюрилган. Буни мен билардим. Биз Моксох яқинидаги тор сўқмоққа яқинлашганимизда, ўнг томонда элик метр чуқурликда жарлик бор эди. Мен аскарлардан ўнг томонга, жар ёқасига ўтдим. Аскарлар мени тўхтатишмоқчи бўлганида ўзимни жарликка отдим ва ўзим билан бир аскарни тортиб кетдим. Аскар жойида ўлди. Мен эса, —мана, кўриб турганингиздек, тирикман. Қовурғаларим, бошим, оёқ-қўлларим ҳаммаси синган. Судралмоқчи бўлдим. Иложини қила олмадим. Бошим айланиб, ҳушимдан кетдим. Ўзимга келсам, қондан жиққа ҳўл эканман. Чўпон кўриб қолибди. Одамларни чақириб, мени овулга олиб боришибди. Қовурғаларим, бошим тузалиб кетди, оёғим ҳам тузалди, лекин калта бўлиб қолди.

Ва Ҳожи Мурод калта оёғини чўзди.

— Бундан кўра хизмат қилганим яхши, — деди у. — Халқ билиб, менинг олдимга кела бошлади. Мен соғайиб кетдим. Цельмесга ўтдим. Аварлар яна мени ўзларига бошлиқ қилиб чақирибди, — хотиржам ва ишончли ғурур билан деди Ҳожи Мурод. — Ва мен рози бўлдим.

Ҳожи Мурод тезда ўрнидан турди. Ва тўрвалардан портфелни олдида, ундан иккита сарғайиб кетган хатни чиқариб Лорис-Меликовга берди. Биринчи хатда шундай ёзилганди: “Прапорщик Ҳожи Мурод! Сен мен-

да хизмат қилдинг — мен сендан мамнун эдим ва сени яхши одам деб ҳисоблардим. Яқинда генерал майор Аҳмедхон сенинг хиёнаткор эканлигинг, тасма таққанинг, Шомил билан бирга эканлигинг, халқни рус раҳбариятига бўйсунмасликка чақирганинг ҳақида хабардор қилди. Мен сени қамоқа олиб, ҳузуримга олиб келишларини буюрдим, сен эса қочдинг. Бунинг яхшиликка ёки ёмонликка эканлигини ҳам билмай қолдим. Чунки сенинг айбдор ёки абсиз эканлигингни билмайман. Ҳеч кимдан қўрқма — мен сенинг ҳимоячингман. Хон сенга ҳеч нарса қилмайди. У менинг қўл остимда экан, сен қўрқадиган нарса йўқ”.

Кейин Кюгенау ҳамиша сўзининг устидан чиқишини ва адолатли эканлигини ёзган. Яна Ҳожи Муродни ўзига қўшилишга кўндиришга уринган.

Лорис-Меликов биринчи хатни ўқиб бўлганида, Ҳожи Мурод иккинчи хатни олди. Лекин Лорис-Меликовнинг қўлига бермасдан туриб, у қандай қилиб биринчи хатга жавоб бергани ҳақида сўзлаб берди.

— Мен ёздимки, тасма таққаним рост, лекин Шомил учун эмас, виждонимни тозалаш учун. Шунингдек, Шомил томонга мен ўта олмайман ҳам, ўтмайман ҳам. Чунки у орқали менинг отам, ака-укаларим ва қариндошларим ўлдирилган. Лекин энди русларга ҳам қўшила олмайман, чунки менинг шаънимга иснод келтирилган. Хунзахда қўлим боғлиқ ҳода турганимда бир аблах келиб менга ...ган. Ўша одам ўлдирилмагунича мен сизларга қўшила олмайман. Энг муҳими, ёлғончи Аҳмед хондан қўрқаман. Шунда генерал менга мана бу хатни жўнатган, — деди Ҳожи Мурод Лорис-Меликовга бошқа сарғайган хатни тутқаза туриб.

“Сен менинг хатимга жавоб берибсан, раҳмат, ўқиди Лоррис-Меликов. — Айтишингча сен қайтишга қўрқмас экансану, лекин бир кофир томонидан шаънинг топталгани бунга йўл қўймас экан. Мен сени ишонтириб айтаманки, рус қонуни адолатли. Сен ўз кўзинг билан сени ҳақоратлаган кишининг ўлдирилишин кўрасан, мен буни тергов қилишга изн берганман. Эшит, Ҳожи Мурод. Менинг сендан норози бўлишга ҳаққим бор. Чунки сен менга ва менинг шаънимга ишонмаяпсан. Лекин мен сени тоғликларнинг ишонмаслик характерини ҳисобга олиб, кечираман. Агар сенинг виждонинг тоза бўлса, тасмани виждонингни тозалаш учун тақиб юрган бўлсанг, унда сен ҳақсан ва рус ҳукумати ва менинг кўзимга тик қарай оласан. Сени таҳқирлаган киши, ишонтириб айтаманки, жазоланади, мулкинг қайтарилади, ва сен рус қонуни нима эканлигини биласан ва кўрасан. Унинг устига, руслар ҳамма нарсага бошқача кўз билан қарайди. Уларнинг наздида бир ярамас шаънингни топтаганлиги учун сен ўзингни ерга урдинг ҳисобланмайсан. Мен ўзим тоғликларга тасма тақишга ижозат бердим ва уларнинг ҳаркатини кузатиб турибман. Шундай экан, такрорлайман, сен қўрқадиган нарса йўқ. Мен юборган одам билан бирга ҳузуримга кел. У менга содиқ, у сенинг душманларингнинг қули эмас, балки ҳукумат олдида эътибор қозонган одамнинг дўсти”.

Кейин Кюгенау Ҳожи Муродни қўшилишга кўндиришга яна уринди.

— Мен бунга ишонмадим, — деди Ҳожи Мурод Лоррис-Меликов хатни ўқиб бўлганида, — ва Кюгенауга қўшилмадим. Мен учун энг муҳими — Аҳмед хондан ўч олиш эди. Буни руслар орқали амалга ошира олмасдим. Бу вақтда Аҳмед хон Цельмесни қуршаб

олиб, мени тутиб ўлдирмоқчи эди. Менинг одамларим кам эди. Уларга қарши тура олмас эдик. Шу пайт менинг ҳузуримга Шомил жўнатган одам хат билан келди. У менга Ахмед хонга қарши чиқишга, ҳамда уни ўлдиришга ёрдам беришга, шунингдек бутун Авариянинг бошқарувини ваъда берди. Мен узоқ ўйладимда, Шомил томонга ўтдим. Мана шу вақтдан бери мен русларга қарши тўхтовсиз курашиб келганман.

Шу ерда Ҳожи Мурад ўзининг барча ҳарбий ишлари ҳақида сўзлаб берди. Улар жуда кўп эди ва Лорис-Меликов улар ҳақида қисман биларди. Унинг барча юришлари ва ҳужумлари ниҳоят даражада тезкор ҳайратланарли ҳаракатлар ва жасоратларга бой, шунингдек, ҳамшиша муваффақиятли тугалланарди.

— Мен ва Шомил ўртамизда ҳеч қачон дўстлик бўлмаган, — ҳикоясини тугатди Ҳожи Мурад, — лекин у мендан қўрқарди ва мен унга керак эдим. Шунда мендан Шомилдан кейин ким имом бўлиши ҳақида сўрашди. Мен — кимнинг қиличи ўткир бўлса, ўша имом бўлади; — деб жавоб бердим. Бунини Шомилга етказишган ва у мендан қутулмоқчи бўлган. У мени Табасаранга жўнатди. Мен у ерга бориб, мингга қўй, уч юзга от ўндириб келдим. Лекин у менга нотўғри қилгансан деб, ноибликдан бўшатган ва унга ҳамма пулларни жўнатишимни буюрди. Мен минг олтин жўнатдим. У навқарларини жўнатиб менинг бор мулкимни тортиб олди. Мени эса ҳузурига боришимни талаб қилди. Мени ўлдирмоқчи эканлигини билганим учун у ерга бормадим. Мени тутиш учун одам жўнатган. Мен улардан қочиб қутилиб Воронцовга келиб қўшилдим. Фақат оиламни қутқара олмадим. Онам, хотиним, ўғлим унинг қўлида, Сардорга айт: токи оилам унинг қўлида экан, мен ҳеч нарса қила олмайман.

— Мен етказаман, — деди Лорис-Меликов.

— Ҳаракат қил. Менинг топганим сеники, фақат князь ҳузурида ёрдам бер. Менинг қўлим боғлиқ ва арқоннинг учи Шомилнинг қўлида.

Шу сўзлар билан Ҳожи Мурод Лорис-Меликовга сўзлаган ҳикоясини тугатди.

#### XIV

Йигирманчи декабр куні Воронцов ҳарбий вазир Чернишевга қуйидагини ёзди{9}. Хат француз тилида ёзилган эди.

“Муҳтарам князь, мен Ҳожи Мурод масаласини қандай ҳал қилишга келишиб олмасдан туриб, ва икки-уч кун бетоблигим туфайли, сизга сўнги почта орқали ёзмадим. Охирги хатимда сизга Ҳожи Муроднинг бу ерга келганлиги ҳақида хабар бергандим: У Тифлисга саккизинчида келди. Эртаси куні мен у билан танишдим. Шундан сўнг саккиз ёки тўққиз кун у билан суҳбатлашдим ва у биз учун кейинчалик нима қилиб бериши мумкинлиги тўғрисида, айниқса, уни энди нима қилиш кераклиги ҳақида чуқур мулоҳаза юритдим. Чунки у ўз оиласи ҳақида қаттиқ қайғурапти. Ва токи оила аъзолари Шомилнинг қўлида экан, у бизга хизмат қила олмаслигини, шунингдек биз томондан кўрсатилган кечирим ва иззат-икромга миннатдор эканлигини исботлай олмаслиги ҳақида очиқчасига эълон қилапти. Яқинлари тақдирининг номаълумлиги уни саросимага солиб қўйган. У билан бирга яшашига буюрилган одамларимнинг кўрсатмаларига қараганда, у кечалари ухламаяпти, деярли ҳеч нарса тановул қилмаяпти, фақат тоат-ибодатда бўлаяпти. Ва ягона эрмагини — кўп йиллардан бери унга одат бўлиб



қолган ҳаракатни амалга оширишга — бир қанча ка-  
заклар билан бирга отда чошиб келишга ижозат сўра-  
япти. У ҳар куни ҳузуримга келиб, унинг оиласи ҳақи-  
да бирон нарса билишим билан қизиқади. Шунингдек  
у бизнинг қўлимизда бўлган асрларни Шомилга унинг  
оила аъзолари эвазига алиштиришга таклиф қилишим-  
ни илтимос қилади. Асрлар эвазига ўзи бир оз пул  
ҳам қўшишни таклиф қилаяпти. Пуллар топиб беради-  
ган одамлар бор экан. У менга ҳамиша — менинг ои-  
ламни қутқаринг ва кейин менга сизга хизмат қилиш-  
га имкон беринг (унинг фикрича, энг яхшиси лезгин  
линиясида), ва бир ой ичида сизга катта хизмат кўр-  
сатмасам, мени қандай лозим топсангиз, шундай жа-  
золанг, — деб такрорлади.

Мен унга буларнинг барчаси адолатли, ва унинг  
яқинлари бизнинг қўлимизда гаровда эмас, тоғда бўл-  
ганлиги туфайли кўпчилик бунга ишонмаган бўлишини  
тушунтирдим. Мен, шунингдек, низомга қарши бор-  
самда, асирлар ва уларнинг устига яна қўшимча пул-  
лар ҳам топиш учун бор имкониятни ишга солишим,  
шунингдек яна бошқа имкониятларни ҳам излаб кўри-  
шимни тушунтирдим. Шундан сўнг мен унга Шомил  
унинг оила аъзоларини ҳар қандай ҳолатда ҳам қайта-  
риб бермаслиги, аксинча унга тўғридан-тўғри қайтиши-  
ни, эвазига эса аввалги лавозимини қайтариб бериши-  
ни, акс ҳолда унинг онасини, хотинини ва олти фар-  
зандини ўлдиришини эълон қилиши мумкинлиги ҳақи-  
да фикримни очиқ баён қилдим. Мен ундан очиқчаси-  
га — агар Шомилдан шундай таклиф олса нима қили-  
шинг мумкин? Шу саволга очиқчасига жавоб бер, —  
деб сўрадим. Ҳожи Мурод кўзлари ва қўлларини ос-  
монга кўтариб, ҳамма нарса худонинг қўлида эканли-  
ги, лекин у ҳеч қачон душманига таслим бўлмаслиги,

чунки Шомил уни ҳеч қачон кечирмаслиги, унда эса у узоқ вақт тирик қолмаслигини айтди. Оиласининг қирилиб кетиши борасида эса Шомилни бундай енгилтак ҳаракат қилмайди деб ўйлайди: биринчидан, уни бунданда ашаддийроқ душманга айлантиришни хоҳламайди, иккинчидан эса, Доғистонда уни бу йўлдан қайтарадиган, унга таъсирини ўтказа оладиган жуда кўп одамлар бор. Ниҳоят, у менга шуни бир неча бор такрорладикки, тақдир унга нима тайёрлаганидан қатъи назар, унинг учун энг муҳими — оиласини қутқариш бўлиб қолади. У мендан Чеченистон ҳудудига қайтишига, оиласи билан топишишига ёрдам беришимни худони ўртага қўйиб илтимос қилди. Душман томонидаги кўпчилик ноиблар у билан дўстона алоқада эканлиги, шунингдек руслар томонидан ишғол қилинган ва ҳали нейтрал ҳисобланган ҳудудлардаги аҳоли билан у бизнинг ёрдамимизда осон алоқа қила олади. Бу эса унинг мақсадига эришишига ҳам, биз учун фойдали ишларни бажариб, ишончимизни қозониши учун ҳам қўл келади. Бунинг учу у ўзини яна Грознийга йигирма ёки ўттиз отлиқдан иборат конвой билан жўнатишимизни сўраяпти.

Сиз, муҳтарам князь, бунинг мен учун қанчалик катта масъулиятли иш эканлигини яхши тушунасиз. Унга бутунлай ишониш ўта эҳтиётсизлик бўлади. Лекин биз унинг қочиб кетиши учун бор воситаларини олиб қўйишни хоҳласак, унда уни қамаб қўйишимизга тўғри келади. Бу менимча адолатсизлик бўлиши баробарида сиёсатга ҳам тўғри келмайди. Бутун Доғистон бўйлаб яқинда тезда тарқаладиган бундай чора биз учун фойда келтирмайди деб қўрқаман. Бу Шомилга қарши борадиганларнинг хоҳишини сўндиради деб қўрқаман. Ундайлар бизга таслим бўлишга маж-

бур бўлган имомнинг жасур ёрдамчиси тақдири билан қизиқиши тайин. Биз Ҳожи Муродга у бизнинг асиримиздек муомалада бўлсак, унинг Шомилга хиёнати биз учун ўзининг самарасини йўқотган бўларди. Шундай экан, агар Ҳожи Мурод қочишни ўйлаган бўлса, мен катта хатода айбланишимни ҳис қилган ҳолда ҳозирги тутган йўлимдан бошқа йўл тута олмайман деб ўйлайман. Бундай ҳолатда, хато қилишдан, жавобгарликни зиммага олмасдан, тўғри йўлдан кетиш қийин, лекин тўғри йўл кўриниб турса, унда нима бўлганда ҳам у йўлдан юриш керак.

Муҳтарам князь, сиздан буни шоҳ-императорга кўриб чиқиши учун етказишингизни ўтиниб сўрайман, ва мен бахтли бўлардимки, агар ҳукмдоримиз менинг ҳатти-ҳаркатимни қўллаб юборсалар. Сизга ёзганларимнинг барчасини генерал Завадовский ва генерал Козловскийларга ҳам ёзганман. Уларга шу мақсадда ёздимки, генерал Козловский Ҳожи Мурод билан шахсан учрашиб, Ҳожи Муродни Козловскийнинг рухсатисиз бирон ҳатти-ҳаракат қилмаслиги ва ҳеч қаёққа чиқмаслиги тўғрисида огоҳлантириб қўйиш учун. Мен уни бизнинг отлик отрядимиз билан бирга чиқиши кераклиги ҳақида, агар шундай қилмаса Шомил уни биз тутқунликда ушлаётганимиз тўғрисида бўлмағур гапларни тарқатиб юбориши мумкинлиги ҳақида ҳам огоҳлантирганман. Лекин шу билан бирга мен ундан ҳеч қачон Воздвиженское томонга бормаслиги ҳақида ваъдасини олганман. Чунки Ҳожи Мурод менинг ўғлимга дастлаб таслим бўлиб боргану, кейин эса иккаласи оғайни бўлиб кетгани учун. Менинг ўғлим эса у ерднинг бошлиги эмаслиги туфайли баъзи тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Қолаверса, Воздвиженскоега кўп сонли душман аҳолиси жуда яқин жойлашган. Унинг ўз ишон-

ганлари билан учрашиши учун ҳар томонлама Грозний қулай деб ўйлайман.

Ундан бир қадам ҳам жилмайдиган танланган йи-гирмата казакдан ташқари, мен муносиб ва жуда ақлли зобит ротмистр Лорис-Меликовни ҳам қўшиб жўнат-дим. У татар тилини билганидан ташқари, Ҳожи Му-родни ҳам жуда яхши билади, ва менимча Ҳожи Му-род унга кўпроқ ишонади ҳам. Ҳожи Мурод ўн кун давомида бу ерда хизмат юзасидан бўлиб турган Шу-шинский уездининг бошлиғи подполковник князь Тар-ханский билан бир уйда яшади. У муносиб инсон ва мен унга ишонаман. У ҳам Ҳожи Муроднинг ишон-чини қозонган ва татар тилини яхши билади. Айнан у орқали биз энг нозик ва махфий ишларимизни муҳо-кама қилганмиз.

Мен Ҳожи Мурод борасида Тарханский билан маслаҳатлашиб олдим. У ҳам менинг фикримга қў-шилган ҳолда ҳожи Муродни тутқинликда ушлаб, қа-маб қўйсак уни қўриқлаш қийин бўлишини, бунинг учун уни узоқроқа жўнатиб юборишга тўғри келиши-ни ёқлади. Лекин бу йўл нафақат Ҳожи мурод билан Шомил ўртасидаги келишмовчиликдан келиб чиқади-ган бизнинг фойдамизни йўққа чиқаради, у шунингдек бутун тоғликларнинг Шомилга қарши чиқишидек кат-та ишни ҳам тўхтатиб қўйиши мумкин. Князь Тар-ханов менга Ҳожи Муроднинг ҳақлигига ишониши-ни баён қилди. Ҳожи Мурод Шомилнинг унга кечи-риш тўғрисида берган ваъдасига ишонмайди, у албат-та Ҳожи Муродни ўлдиради. Тархановнинг Ҳожи Муродни қўшиб олиш борасида ягона қўрққан нар-саси — бу Ҳожи Муроднинг ўз динига берилганли-ги. Шомил эса айнан ўша томондан бунга таъсири-ни ўтказиши мумкин. Лекин мен илгари маълум қил-

ганимдек, у ҳеч қачон Ҳожи Муродни ўлдирмаслиги-га ишонтира олмайди.

Мана, муҳтарам князь, сизга бу ердаги ишлар юзасидан баён қилмоқчи бўлган хабарим”.

## XV

Ушбу маълумот Тифлистан 24 декабрда жўнатилган эди. Янги 52-йилнинг кириб келиши арафасида Фельдъегер ўнлаб отларни югуртириб, ва яна шунчалаб аравакашларни уриб, уни ўша вақтдаги ҳарбий вазир князь Чернишевга етказди. Ва 1852 йил 1 январ куни Чернишев император Николайга бошқа хужжатлар каби Воронцовнинг бу хабарини ҳам етказди.

Чернишев Воронцовни ҳамма уни ҳурмат қилиши учун ҳам, улкан бойлиги учун ҳам ёқтирмасди. Унинг устига Воронцов ҳақиқий тўра эди, Чернишев эса, ҳар қалай, рагвену<sup>1</sup>, эди. Ундан ҳам муҳими — императорнинг Воронцовга бўлган алоҳида ихлоси эди. Шунинг учун Чернишев Воронцовга зарар келтириш мумкин бўлган ҳар қандай имкониятдан фойдаланар эди. Кавказ ишлари ҳақидаги аввалги ҳисоботида раҳбариятнинг бепарволиги туфайли тоғликлар томонидан кичик бир Кавказ отряди қирилиб кетганлигини кўрсатиб, Воронцовга нисбатан Николайнинг норозилигини уйғотишга эришганди. Энди у Воронцовнинг Ҳожи Мурод иши юзасидан қабул қилган қарорининг фойдасиз томонини кўрсатишни ният қилди. У подшоҳга Воронцовнинг ҳамиша русларнинг зиёнига маҳаллий халққа нисбатан талабчанликни бўшаштиришини, худди шундай Ҳожи Муродни ҳам Кавказда қолдиргани нотўғри эканлигини эслатиб қўйишни хоҳлади. Шунингдек Ҳожи Му-

<sup>1</sup> жўжахўроз (Француз тилида).

роднинг эса асл мақсади бизнинг мудофаа воситаларимизни ўрганиш бўлиши мумкин. Яхшиси, Ҳожи Муродни Россиянинг марказига жўнатиш керакда, қачонки унинг оиласини тоғликлар қўлидан озод қилиб бўлгандан кейин ундан фойдаланиш керак, ана шунда унинг содиқлигини текширишга имкон бўлади — деган фикрни ҳам илгари сурмоқчи бўлди.

Лекин Чернишевнинг бу режаси амалга олмади, чунки 1 январ куни эрталаб Николайнинг кайфияти ёмонлиги туфайли ҳеч кимни қабул қилишни хоҳламади. Унинг устига Чернишевнинг таклифини қабул қилиши мумкин ҳам эмасди. У Чернишеви фақат ўрнига одам топилмаётганлиги учун ушлаб турганди. Аслида эса декабристлар ишида унинг Захар Чернишевни{10} йўқ қилиб, унинг мулкига эга бўлмоқчи бўлганлигини биларди, ва уни бунинг учун аблах деб ҳисобларди. Шундай қилиб, Николайнинг ёмон кайфияти туфайли Ҳожи Мурод Кавказда қолди. Агар Чернишев ўз маърузасини бошқа пайти қилганида эди, унинг тақдир ўзгариб кетиши мумкин эди.

Соат тўққиз яримларда йигирма даража совуқда, Чернишевнинг бошига учи учқур ҳаво ранг бахмал қалпоқ кийиб олган семиз, соқолли аравакаши Николай Павловичнинг чанасига ўхшаш кичкина чана ўриндиғида ўтириб олиб, Қишки Саройнинг кичик кириш жойига етиб келди. Келиб ўзининг оғайниси, князь Долгорукийнинг аравакашига дўстона бош ирғаб салом берди. У хўжайинини алақачон тушириб, сарой эшиги тагида кўпдан бери совуқ қотган қўлларини йиққалаб ўтирарди.

Чернишев сув қундузининг юмшоқ мўйнасидан бўлган ёқали шинелида, тепасига хўроз пати қистирилган учбурчак шляпада форма бўйича кийинган эди. Айиқнинг терисидан бўлган оёқ ёпқичини очиб, чанадан музла-

ган калишсиз (у калиш киймаслиги билан фахрланарди) оёқларини авайлаб туширди. Темир тепкиларини шақирлатиб оёқларини қоқдида, гилам устидан юриб бориб, швейцар мулозамат билан очган эшикдан ичкарига кириб кетди. Кириш жойида югуриб келган камер-лакей қўлига шинелини илиб, кўзгу ёнига келдида, жингалакланган парикдан авайлаб шляпасини ечди. Кўзгу қаршисига келиб, ўзини ойнага солдида, қари қўлларининг одат бўлиб қолган ҳаракатлари билан чаккалари ва кокилини жингалак қилди, крестини, аксельбантини, исм ва фамилияси бош ҳарфлари бир-бирига чирмаштириб тўқилган калта зар погонларини тўғирлаб қўйди. Қийналиб ҳаракатланаётган қари оёқлари билан ожиз қадамлар ташлаб, қия зинадан юқорига кўтарила бошлади.

Эшиклар ёнида дабдабали кийиниб турган ва итоаткорона эгилаётган камер-лакейлар ёнидан ўтиб, Чернишев қабулхонага кирди. Уни калта погонлари, аксельбандлари ялтираб турган янги мундирда қип-қизил юзли, қора мўйловли, чаккалари худди Николай Павлович тараганидек, кўзларига қараб таралган, яқинда тайинланган флигель-адъютант эҳтиром билан кутиб олди. Худди Николай каби юзини бакенбард, мўйлов ва чаккаси безаб турган, ҳарбий вазирнинг ўртоғи князь Василий Долгорукий зеркиб турган юз ифодаси билан ўрнидан турдида, Чернишевни қарши олди ва у билан саломлашди.

— *L'empereur?*<sup>1</sup> — мурожаат қилди Чернишев флигель-адъютантга, хона эшигига саволнома ишора қила туриб.

— *Sa Majesté* #233; *vient de rentrer*<sup>2</sup>, — худди ўзининг овозидан ўзи

<sup>1</sup> Императорми? (Француз тилида).

<sup>2</sup> Ҳазрати олийлари эндигина қайтдилар (Француз тилида).

ҳузур қилаётгандек жавоб берди флигель-адъютант. Худди бошига қўйилган стакандаги сув тўкилиб кетмаслиги учундек, равон қадамлар ташлаб, товушсиз очиладиган эшик ёнга бордию, гўё ўзи турган жойга ҳурмат изҳор қилганидек бутун танаси билан эшик ортига ғойиб бўлди.

Бу орада Долгорукий портфелини очиб, ундаги қоғозларини текшира бошлади.

Чернишев қовоғини солиб олиб у ёқдан бу ёққа юрар экан, императорга нима деб гапиришни эслаб оларди. Эшик қайта очилиб, ундан аввалгидан ҳам кўпроқ ялтираб эҳтиромли флигель-адъютант чиқиб келдида, ва зир ва унинг ўртоғини подшоҳ ёнига киришга ишора билан таклиф қилди.

Қишки сарой ёнғиндан кейин алақачон қайта қуриб бўлинганди, ва Николай унинг юқори қаватида яшарди. У вазирлар ва юқори лавозимдаги амалдорларни қабул қиладиган хона жуда баланд бўлиб, тўртта катта деразаси бор эди. Император Александр I нинг портрети асосий деворда осиглик турарди. Деразалар орасида иккита ёзув столи, деворлар тагида эса бир неч стуллар турарди. Хона ўртасида катта стол, стол ёнида Николайнинг ўриндиги ва қабул қилинадиганлар учун стуллар жойлашганди.

Николай зар погонларсиз қора сюртукда ярим погончаларда стол ёнида йирик гавдасини ортга ташлаб ўтирарди, ва ўзининг жонсиз нигоҳлари билан келганларга боқарди. Қал бошинини бекитадиган парик билан моҳирона қўшиб таралган чаккалари туфайли бўртиб чиқандек қия тушган кенг пешонали узун ва оппоқ юзи бугун ўзгача совуқ ва ҳаракатсиз эди. Ҳамиша нурсиз кўзлари бугун янада нурсиз эди. Тепага қараб буралган мўйловлари остидаги қимтилган ла-



блари ва баланд ёқа билан бекитилган қиртишланган ва бир оз ёғ босган лунжларига бакендбардлари етмаганди. Ёқага қадалган ияги унинг юзига норозилик ва ҳатто газаб ифодасини берарди. Бундай кайфиятнинг сабабаи чарчоқ эди. Чарчоғига эса яқинда бўлиб ўтган маскарад эди. Маскарадда у бошида қуши бор каска кийган ҳолда иштирок этиб, одатдагидек унга яқинлашаётган ва ҳуркиб яна унинг улкан ва ўзига ишонган танасидан ўзини четга олаётган жамоа орасидан ўтиб, яна ўша ўтган маскарадда ўзининг гўзал ва оппоқ қомати ва нозик овози билан бунинг қари ҳиссиётини уйғотган, кейин эса яна учрашишга ваъда бериб гойиб бўлган маскани учратганди. Кечаги маскарадда эса у яна яқин келди, лекин бу сафар Николай уни қўйиб юбормади. Уни ўз хоними билан ёлғиз қолиш мақсадида атайин шунақанги вазиятлар учун ажратилган ложага бошлаб борди. Ложа эшигигача индамай бориб, Николай капельдинерни кўзи билан излай бошладди. Лекин у йўқ эди. У қовоғини уйиб, ўзи очдида, хонимни ичкарига ўтказиб юборди.

— Il y a quelqu'un<sup>1</sup>, — деди маска, тўхтаётган туриб. Ложа ҳақиқатдан ҳам

банд экан. Бахмал диванда улан зобити билан ёшгина, яхшигина оқ малла жингалак сочли маскарад кийимидаги аёл маскасини ечган ҳолда бир-бирига яқин ўтирардилар. Бутун танаси билан кўринган Николайнинг газабли қоматини кўрган оқ малла соч аёл шошилиб маскасини кийди, улан зобити эса қўрқанидан қотиб, дивандан ҳам тура олмай қолиб, Николайга қотиб қолган кўзлари билан қараб қолди.

Николай ўзининг одамларда қўрқув уйғотишига одаланиб қолганди. Ва бу унга ёққани учун ҳам, баъзи-

<sup>1</sup> Бу ерда кимдир бор (Француз тилида).

да қўрқиб қолган одамларни ёқимли сўзлар оҳанги билан ҳайрон қолдиришни яхши кўрарди. Бу сафар ҳам шундай қилди.

— Ука, сен менга қараганда ёшроқ экансан, — деди у қўрқувдан қотиб қолган зобитга. — Балки менга жой бўшатарсан.

Зобит сакраб ўрнидан турдида, оқариб, қизариб эгилган ҳолда маска ортидан ложадан чиқиб кетди. Николай эса ўзининг хоними билан ёлғиз қолди.

Маска яхшигина йигирма ёшли соддагина қиз экан. У швед мураббийсининг қизи экан. Ўша қиз қандай қилиб ёшлигидан портретларга қараб Николайни яхши кўриб қолганини, унга сажда қилганини ва қандай қилиб бўлса ҳам унинг эътиборини қзонишга қарор қилгани ҳақида Николайга сўзлаб берди. Мана, у мақсадига эришди. Энди, ўзи айтганидек, унга бошқа ҳеч нарса керак эмас. У қиз Николайнинг аёллар билан одатий учрашадиган жойига олиб келинган эди ва Николай у билан бир соатлар чамаси бирга бўлди.

Ўша кечаси у хонасига келиб, ўзи у билан фахрланадиган тор ва қаттиқ тўшагига ётиб, Наполеоннинг шляпасидек машҳур деб ҳисоблаган плаши билан ёпинганида, узоқ вақт ухдай олмади. У гоҳ ўша қизнинг оқариб кетган юзининг қўрққан ва завқли ифодасини, гоҳ яқин таниши Нелидовани эсларди ва ҳар иккаласини солиштирарди. Оилали кишининг ахлоқсизлиги ёмон эканлиги ҳақидаги ўй эса калласига келмасди. Агар кимдир уни мана шу учун муҳокама қилса ҳайрон қоларди. Лекин ўзининг ҳатти-ҳаракатини тўғри деб ҳисоблашига қарамай, ўзида қандайдир сарқит бордек ҳис қиларди, ва бу ҳисни ўчириш учун ҳамиша ўзини юпатадиган нарса ҳақида ўйларди, яъни у қандай буюк инсон эканлиги ҳақида.

Кеч ухлашига қарамай, ҳар доимгидек соат еттидан ўтганда уйғонди, ва одатдагидек ювиниб-тараниб, йирик, тўқ танасини муз билан артиб, худога сиғинди, ва талаффуз қилинаётган сўзлар маъносига аҳамият бермасдан оддий, болалигидан такрорлаб келаётган “Богородицу”, “Верую”, “Отче наш” дуоларини ўқиди. Сўнг шинели ва фуражқасини кийиб кичик эшикдан қирғоқ кўчага чиқди.

Қирғоқ кўчанинг ўртасида унга ўзига ўхшаган баланд бўйли мундир ва шляпа кийган бир йигит дуч келди. Ҳуқуқшунослик билим юртида ўқиркан. Эркин фикр юритувчиларни эслатадиган билим юрти мундирини кўрган Николай Павлович қовоғини солди. Лекин ўқувчининг қаддини ғоз тутиб честь бериши, ва ўша пайтдаги мускуллари бўртиб чиққан тирсакларию, баланд бўйи ўзига ярашгани унинг норозилигини биров пасайтирди.

— Фамилиянг нима? — сўради у.

— Полосатов! Император жаноби олийлари.

— Азамат!

Ўқувчи ҳамон қўлини шляпасига қадаб турарди. Николай тўхтади.

— Ҳарбий хизматни хоҳлайсанми?

— Асло йўқ, император жаноби олийлари.

— Тўнка! — шундай дедию, Николай бурилиб йўлида давом этди.

Йўл-йўлакай баланд овозда биринчи тўғри келган сўзларни айтиб кетди. “Копервейн, Копервейн, — дея кечаги қизнинг исмини такрорлаб кетди. — Ёмон, ёмон”. У нима деяётгани ҳақида ўйламасди, лекин ўзининг ҳиссиётини гапирган гапига бўлган эътибори билан бўғди. “Ҳа, менсиз Россиянинг ҳоли не кечарди, — деди у ўзига, яна норози ҳиссиётнинг яқинлашиб келаётганини ҳис қилиб. — Ҳа, менсиз биргина Россиянинг эмас,

Европанинг ҳоли не кечарди”. Ва у қайнағаси, прусс қиролини, унинг ожизлигини ва аҳмоқлигини эслади ва бошини чайқаб қўйди.

Орқага қайтиб, эшик олдига яқинлашганда, хизматкори билан бирга Салтиковский эшигига келиб тўхтаган Елена Павловнанинг каретасига кўзи тушиб қолди. Елена Павловна унинг учун нафақат фан, поэзия, ҳақида, ҳатто одамларни бошқариш ҳақида ҳам ўзларини Николайдан яхши бошқара оламиз деб мулоҳаза юритадиган одамларнинг тимсоли эди. Ундай одамларни қанчали чўқтирсанг ҳам яна сиртга сузиб чиқаверишини биларди. Ва у яқинда ҳалок бўлган акаси Михаил Павловични эслади. Уни аламли ва қайғули ўй босди. У маънос қовоғини солдида, яна биринчи тўғри келган сўзларни такрорлай бошлади. Фақат саройга кирганида шивирлашни тўхтатди. Ўз хонасига кириб, кўзгу қаршида бакенбарди ва чаккасидаги сочларини ҳамда қора улама сочларини силаб, мўйловини бураб, тўғри маърузалар қабул қилинадиган хонага кириб кетди.

Биринчи бўлиб у Чернишевни қабул қилди. Чернишев ўша заҳотиёқ, Николайнинг юзидан, ва энг муҳими, кўзидан билдики, ҳозир унинг кайфияти йўқ, ва унинг кечаги саргузаштларидан хабардор Чернишев бунинг сабабини тушунди. Совуқ кўришиб, Чернишевни ўтиришга таклиф қилиб, Николай унга жонсиз кўзлари билан тикилиб қолди.

Чернишевнинг маърузасида биринчи бўлиб, интендант хизмати амалдорларининг ўғирликларининг очилгани ҳақидаги иш турарди. Кейин эса Пруссия чегарасидаги қўшиннинг кўчиши ҳақида, кейин биринчи рўйхатда тушириб қолдирилган баъзи одамларга Янги йил мукофотлари тайинланиши ҳақида, кейин эса Воронцовнинг Ҳожи Муроднинг қўшилиши ҳақидаги ахбороти,

ва ниҳоят, профессор ҳаётига тажовуз қилган тиббиёт академияси талабаси ҳақидаги иш жой олганди.

Николай, лабларини жим қимтиб, бармоғидаги биргина олтин узуги бор катта оппоқ қўллари билан қоғоз варақларини силар экан, кўзларини Чернишевнинг пешонаси ва кокилидан узмасди.

Николайнинг ҳамма ўғирлашига ишончи комил эди. У энди интендант амалдорларини жазолаш кераклигини биларди, ва уларни аскарликка жўнатишга қарор ҳам қилди, лекин бу нарса бўшатишларнинг ўрнига келганларга худди шу нарсани қилишига халақит бермаслигини ҳам тушунарди. Амалдорларнинг хислати ўғирлик қилишдан, унинг эса вазифаси уларни жазолашдан иборат эди. Бу қанчалик унинг жонига тегмасин, ўз вазифасини сидқи дилдан бажарарди.

— Кўриниб турибдики, Россияда биттагин ҳалол одам бор экан, — деди у. Чернишев Россиядаги ягона ҳалол одам бу Николайнинг ўзи деб тушундида, маъқулаб кулиб қўйди.

— Шундай, жаноби олийлари, — деди у.

— Қолдир, мен резолюция қўяман, — деди Николай, қоғозни олиб, уни столнинг чап томонига қўяркан.

Шундан сўнг Чернишев мукофотлар ва қўшиннинг кўчирилиши ҳақида маъруза қила бошлади. Николай рўйхатни кўриб чиқди, бир нечта номни ўчирди, ва кейин икки дивизиянинг Пруссия чегараларига кўчирилиши ҳақида қисқа ва қатъий фармойиш берди. Николай Пруссия қиролини 48-йилда унга берилган Конституция учун ҳеч кечира олмасди. Шунинг учун қайнағасига хатлар ва сўзларида энг дўстона муносабатларини изҳор қила туриб, Пруссия чегарасида ҳар эҳтимолга қарши қўшин тутиш керак деб ҳисобларди. Бу қўшинлар Пруссияда халқнинг қўзғалиб қолган (Ни-

колай ҳамма ерда норозиликка тайёргарликни кўрарди) ҳолатида қайнағасининг тахтини ҳимоя қилиш мақсадида киритиш учун зарур бўлиб қолиши мумкин эди. Худди шундай ўз вақтида Австрияни венгерлардан ҳимоя қилиш мақсадида қўшин киритгани каби. Бу қўшинлар чегарада Пруссия қиролига берадиган маслаҳатларининг салмоғини ва аҳамиятини ошириш учун ҳам зарур эди.

“Ҳа, мен бўлмасам Россиянинг ҳоли не кечарди”, — яна ўйлаб қолди у.

— Хўш, яна нима экан? — сўради у.

— Кавказдан фелдъегер, — деди Чернишев ва Воронцовнинг Ҳожи

Муроднинг қўшилиши ҳақидаги ахборотини маъруза қила бошлади.

— Қаранг, қанақа, — деди Николай. — Яхши бошланиш.

— Кўришиб турибдики, сиз жаноби олийлари томонидан тузилган режа мева беришни бошляпти, — деди Чернишев.

Николайнинг стратегик хислатларининг мақталиши унга жуда ёқимли эди. Чунки у ўзининг стратегик хислатлари билан фахрлансада, қалбининг тўрида унинг йўқлигини фаҳмларди. Энди ҳам у ўзига қаратилган бир мунча батафсил мақтовни эшиттиси келарди.

— Сен қандай тушунасан? — сўради у.

— Менинг тушунишимча, агар аввалдан сиз жаноби олийларининг режангизга риоя қилиб, секин-аста бўлсада, ўрмонларни қирқиб, заҳираларни йўқ қилиб борилса эди, Кавказ аллақачон забт этилган бўларди. Ҳожи Муроднинг чиқишини ҳам мен худди шу сабабли деб биламан. У бошқа чоралари қолмаганини тушуниб етди.

— Тўғри, — деди Николай.

Николайнинг режасига буткул қарама-қарши бўлган душман ҳудудига аста-секин ўрмонни қирқиб, озиқ-овқатларни йўқ қилиб ҳаракат қилиш режаси Ермолов{11} ва Вельяминовники бўлишига қарамай, Николай ушбу режани ўзига ёзиб олганди. Аслида эса Николайнинг режаси бўйича Шомил қароргоҳини тезда бирваракайига ишғол қилиб, қароқчилар уясини хонавайрон қилиш керак эди. Ушбу операцияни амалга ошириш учун 1845 йилда кўплаб одамларнинг умрига зомин бўлган Даргин экспедицияси бошланганди. Зотан ўрмонни қирқиб, озиқ-овқатларни йўқ қилиб, аста-секин ҳаракатланиш режаси уники эканлигига ишонтириш учун унинг 45-йилдаги қаттиқ туриб маъқуллаган буткул қарама-қарши ҳарбий ташаббусини бекитиш керак бўларди. Лекин у уни яширмади, аксинча, бир-бирига қарама-қарши бўлган 45-йилдаги ўз режаси билан ҳам, аста-секин амалга оширилиши керак бўлган режа билан ҳам фахрланарди. Унинг атрофидаги одамларнинг доимий аниқ жирканч хушомадлари уни шу даражага олиб бордики, у ўзидаги қарама-қаршиликларни англамай, ўзининг сўзлари ва ҳаракатларини ҳақиқат билан мувофиқлаштирмай қўйди. Аксинча, ўзининг барча фармойишлари, улар қанчалик маъносиз, адолатсиз ва бир-бирига номуносиб бўлишига қарамай, уларнинг сермаъно, адолатли ва бир-бири билан мувофиқлигига ишончи комил эди. Ва буни фақат у қилаётгани учун.

Кавказ маърузасидан сўнг Чернишев маъруза қилган тиббиёт академияси талабаси бўйича ҳам қабул қилган қарори худди шундай эди. Гап шунда эдики, имтиҳондан икки марта йиқилган йигит учинчи марта топширган. Ва имтиҳон оловчи яна уни ўтказмаганидан кейин, асабийлашган талаба бунда адолатсизликни кўриб, стол

устидан қаламтарошни олиб, профессорга ташланган ва унга бир нечта арзимас жароҳат етказган.

— Фамилияси нима? — сўради Николай.

— Бжезовский.

— Полякми?

— Келиб чиқиши Польшага бориб тақалади, шунингдек католик, — жавоб берди Чернишев.

Николай қовоғини солди.

У полякларга кўп ёмонлик қилган. Қилган ёмонликларини тушунтириш учун у барча полякларни ярамас эканлигига ишончи комиллиги етарли эди. Николай уларни шундай деб ҳисобларди ва улардан ўзи қилган ёмонликлари даражасида нафратланарди.

— Бир оз шошмай тур, — деди у, ва кўзини юмиб, бошини қуйи солди.

Чернишев Николайнинг муҳим масалани ҳал қилиш пайтида у фикрини жамлаб олиш учун шундай қилишини биларди, ҳатто бунининг ўзидан эшитганди. Унинг айтишича, шундай қилса гўё қандайдир бир ички овоз айтгандек тўғри қарор қабул қиларди. У энди мана шу талаба иши туфайли яна қўзғалган полякларга бўлган ёвуз ниятини қандай қилиб тўлиқроқ қаноатланишни ўйларди. Унинг ички овози шундай қарор қабул қилишини ўргатди. У маърузани олдида, ҳошиясига йирик ёзув билан шундай деб ёзди: “Ўлим жазосига лойиқ. Лекин худога шукур, бизда ўлим жазоси йўқ. Ва уни мен кирита олмайман. Мингта одам орасидан 12 марта ўтказилсин, Николай”, — ўзининг йирик имзосини қўйди.

Николай ўн икки минг марта қалтак билан уриш нафақат аниқ ва азобли ўлим эканлигини, шунингдек ҳаддан ташқари ваҳшийлик эканлигини ҳам биларди. Чунки энг кучли одамни ўлдириш учун ҳам



беш миӊ марта уриш етарли эди. Лекин унга ўта ваҳший бўлиш ва бизда ўлим жазоси йўқлиги ҳақида ўйлаш ёқарди.

Талаба ҳақидаги фармойишини ёзиб бўлиб, уни Чернишевга узатди.

— Мана, — деди у. — Ўқи.

Чернишев ўқиб чиқди ва, доно қарорга ҳурмат ила ҳайрон қолганини ифодалаб бошини эгди.

— Жазо пайтида бўлиб туриши учун барча талабаларни майдонга олиб чиқсин, — қўшиб қўйди Николай.

“Улар учун бу фойдали. Мен бу инқилобий кайфиятни йўқ қиламан, илдизи билан суғуриб ташлайман”, — деб ўйлади у.

— Эшитаман, — деди Чернишев ва жим туриб, кочилини тўғирладида,

Кавказ маърузасига қйатди. —

— Михаил Семеновичга қандай ёзишни буюрасиз?

— Менинг Чеченистондаги хонадонларни хонавайрон қилиш, озиқ-овқатларни йўқ қилиш тизимимни маҳкам тутсин, уларни қўққисдан ҳужум уюштириб, безовта қилиб турсин, — деди Николай.

— Ҳожи Мурод ҳақида нима буюрасиз? — сўради Чернишев.

— Ахир Воронцов ундан Кавказда фойдаланмоқчи эканлигини ёзаяптику.

— Бу хатарли эмасми? — деди Чернишев Николайнинг нигоҳидан қочиб. — Михаил Семенович керагидан ортиқ ишонувчан деб қўрқаман.

— Сен нима деб ўйлаган бўлардинг? — Чернишевнинг Воронцов қарорини ёмонга чиқариш ниятини пайқаган Николай кутилмаганда сўради.

— Мен уни Россияга жўнатиш хавсизроқми деб ўйлагандим.

— Сен ўйлабсан, — истехзоли кулиб деди Николай.  
— Мен эса ўйламайман ва: Воронцовнинг фикрига қўшиламан. Унга шундай деб ёз:

— Эшитаман, — деди Чернишев ва ўрнидан туриб, таъзим қила бошлади.

Бутун маъруза давомида Николайнинг қўшинни кўчириш ҳақидаги саволига жавобан бор-йўғи бир неча сўз айтган Долгорукий ҳам таъзим қилди.

Чернишевдан кейин таъзим қилишга келган Фарбий ўлка генерал-губернатори Бибиқов қабул қилинди. Бибиқовнинг православ динига ўтишни инкор қилиб бош кўтарган деҳқонларга қарши чорасини маъқуллаб, унга бўйсунмаганларнинг барчасини ҳарбий суд билан суд қилишни буюрди. Бу қатор ёнидан ўтказишга ҳукм қилинишни билдирарди. Ундан ташқари, у бир неча минг давлат деҳқонларининг уделга ўтказилиши ҳақидаги хабарларни чоп этган газеталар муҳаррирларини аскарликка жўнатишни буюрди.

— Мен буни зарур деб ҳисоблаганим учун қиламан, — деди у. — Буни муҳокама қилишга йўл қўймайман.

Бибиқов черковлар бирлашмаси ҳақидаги қарорнинг ваҳшийлигини ва давлат, яъни ўша вақтдаги ягона эркин одамларнинг уделга, яъни қирол фамилиясидаги крепостнойларга ўтказилишининг бутунлай адолатсиз эканлигини тушунарди. Лекин қарши чиқиб бўлмасди. Николайнинг қарорига рози бўлмаслик — бу қирқ йилдан бери тўплаган ва фойдаланиб келаётган дабдабали ҳолатини йўқотиш демак эди. Ва шунинг учун ҳам у ўзининг қора лекин оқара бошлаган сочли бошини итоатқорона эгди. Ва бу унинг итоатқор, шунингдек подшонинг ваҳший, ақлсиз ва адолатсиз истагини бажаришга тайёр эканлигининг белгиси эди.

Бибиковга жавоб бериб, Николай вазифасини яхши бажарган онг билан керишдида, соатига қаради ва ташқарига чиқиш учун кийна бошлади. Эгнига зар погонли ва лентали, орденлар тақилган мундирини кийиб, заллар қабулхоналарига чиқди. У ерда унинг чиқишини юздан ортиқ кишилар — мундир кийган эркаклар ва безакли кўйлаклар кийган аёллар — маълум жойлардан жой олган ҳолда ҳаяжон билан кутишарди.

Жонсиз нигоҳи, олдинга дўппайиб чиққан кўкраги, камарнинг тепаси ва пастидан осилиб чиққан қорни билан у кутиб турганлар қаршисига чиқди ва барча нигоҳларнинг қулларча титроқ билан унга боқиб турганини ҳис қилиб, янада тантанавор кўриниш қабул қилди. Таниш кишиларга кўзи тушиб қолса, кимнинг ким эканлигини эслаб, тўхтаб, баъзан рус тилида, баъзан эса француз тилида бир икки сўз ташлардида, тешиб юборгудек тикилиб, унга нима деяётганини тингларди.

Табрикларни қабул қилиб бўлгач, Николай черковга ўтди.

Худога сифинишга келган дунё одамлари Николайни табриклар ва мақтардилар, ва бундан зериккан бўлсада, худди шундай бўлиши керак бўлган нарсани қабул қилаётгандек табрик ва мақтовларни қабул қиларди. Буларнинг ҳаммаси шундай бўлиши керак эди. Чунки бутун дунёнинг роҳат-фароғатию бахти унга боғлиқ эди. У бундан чарчаган бўлсада дунёдан ўзининг кўмагини қизганмасди. Ибодат сўнгида сочини силлиқ тараган руҳоний “многая лета”ни ижро этганида ва унга хонишчилар жўр бўлганида, Николай атрофга аланглаб, дераза ёнида таниш аёли Нелидовани кўриб қолди ва кечаги қиз билан солиштириб буни маъқул топди.

Ибодатдан сўнг у хотини ёнига кетди, ҳамда болалари ва хотини билан ҳазиллашиб, оиласи даврасида бир неча дақиқани ўтказди. Кейин Эрмитаж орқали ўтиб, сарой вазири Волконский ҳузурига кирди ва ишлар орасида ўзининг махсус жамғармасидан кечаги қизнинг онасига ҳар йиллик нафақа таинлашни буюрди. У ердан чиқиб, ўзининг одатдаги сайрига кетди.

Бу кун тушлик Помпей залида ўтди. Кичик ўғиллари Николай ва Михаилдан ташқари барон Ливен, граф Ржуевский, Долгорукий, Пруссия элчиси, Пруссия қиролининг флигель-адъютанти таклиф қилинган эдилар.

Император ва унинг рафиқасининг чиқишини кутиб туриб, Пруссия элчиси ва барон Ливен ўртасида Польшадан сўнги вақтларда олинган ташвишли хабарлар қизиқ ҳангома бошланганди.

— La Pologne et le Caucase, ce sont les deux cautes de la

Russie, — деди Ливен. — Il nous faut cent milles hommes & peu pr&s dans chacun de ces deux pays<sup>1</sup>.

Элчи бундай эканлигидан ясама таажублик изҳор қилди.

— Vous dites la Pologne, — деди у.

— Oh, oui, c'&tait un coup de ma&tre de Maeternich de nous en avoir laiss& d'embarras...<sup>2</sup>

Сухбатнинг шу ерида бошини силкитиб музлаган кулгиси билан император рафиқаси ва унинг кетидан Николай кириб келди.

<sup>1</sup> — Польша ва Кавказ — бу Россиянинг икки яраси. Бизга бу мамлакатларнинг ҳар бирида ҳеч бўлмаганда юз минг одам керак бўлади. (Француз тилида).

<sup>2</sup> — Сиз Польша дейсиз.

— Ҳа, бу бизга қийинчиликлар туғдириш учун қўйилган Меттерхеннинг моҳирона қадами эди. (Француз тилида).

Тушлик пайти Николай Ҳожи Муроднинг чиқиши, ҳамда ўзининг тоғликларни ўрмонларни кесиб бориш ва истехкомларни мустаҳкамлаш тизими йўли билан сиқиб бориши ҳақидаги фармойиши туфайли Кавказ уруши тез орада тугаши ҳақида сўзлаб берди.

Элчи, Пруссиялик флигель-адъютант билан тез кўз уриштириб олдида, Николайнинг буюк стратегик хислатларини яна бир бор исботловчи бу режани жуда мақтаб кетди. Кўз уриштиришга сабаб эса эрталаб бу икки пруссиялик меҳмонлар ўзини буюк стратегик ҳисоблайдиган Николайнинг ожизлиги тўғрисида фикр алмашгандилар.

Тушликдан сўнг Николай юзлаб аёллар трикода машқ қиладиган балетга кетди. Улардан бири унга жуда ёқиб қолганидан, Николай балетмейстерни чақириб, миннатдорчилик билдириб, унга олмос кўзли узукни совға қилишини буюрди.

Эртаси куни Чернишевнинг маърузаси давомида Николай Ҳожи Мурод чиққан бўлса, унда Чеченистонни безоват қилишни кучайтириш ва чегара линияларини сиқиб боравериш кераклиги ҳақидаги Воронцовга қаратилган ўзининг фармойишини яна бир бор тасдиқлади.

Чернишев Воронцовга шу маънода ёзиб юборди ва бошқа чопар отларни қувиб, аравакашларни уриб, Тифлис томон чопиб кетди.

## XVI

Николай Павловичнинг ушбу кўрсатмасининг ижросини амалга ошириш мақсадида 1852 йилниг январида Чеченистонга кутилмаган ҳужум эълон қилинди.

Ҳужумга мўлжалланган отряд тўртта пиёдалар батальонидан, икки юз казакдан ва саккизта замбарак-

дан ташкил топган эди. Икки томонидан баланд қўнж-ли этикларда, почта пўстин ва папахалар кийган махсус ўқчиларнинг кузатуви остида колонна йўлга чиққанди. Ўқчилар елкасидаги ўқдонларда ўқлари ва милтиқлари билан жарликларга тушиб-чиқиб, сафни узмасдан кетарди. Ҳар доимгидек отряд душман ҳудудида имкон қадар шовқинсиз ҳаракатланарди. Фақат онда-сонда ариқлардан ўтишда силкинган қурол-аслаҳалар шақирларди, ёки жимлик ҳақидаги буйруқни тушунмайдиган артиллерия отлари пишқирарди ёки кишнарди. Ёки бўлмаса, жаҳли чиққан бошлиқлар ортда қолиб кетаётган қўл остидагиларга овози хириллаб бақирарди. Бир марта шовқин бузулишига тўғри келди. У ҳам бўлса, ўқчилар сафи ва колонна орасида қолган кичкина тиконли гулзор ичидан қорни ва орқаси оқ, елкаси эса қўнғир рангли эчки, орқасидан худди шундай елкасига шох-шаббалар илинган бошқа эчки югуриб чиқди. Чиройли ва қўрқиб қолган жониворлар олд оёқларини бирлаштириб, катта-катта сакраб колоннага шу қадар яқин келиб қолдиларки, баъзи аскарлар қийқириш ва кулги билан уларнинг қувлаб кетишди. Улар милтиқ найзаларини санчишга уринишарди. Эчкичалар эса тезда ортга бурилиб, саф орасидан физиллаб ўтиб, тоққа қараб югуриб кетди, орқасидан рота кучуклари қувлаб кетди.

Ҳали қиш эди. Лекин чоқ тушда, отряд ўн чақиримчалар юриб қўйганида, қуёш тик ҳолга келганди. Ва шунақанги қиздирардики, учи ялтираётган найзаларнинг кўзни қамаштириши ҳам ёқмасди. Улар гўё яна битта кичкина қуёшдек иссиқни эслатарди.

Топ-тоза зилол сувли сой ортда қолди. Олдинда ҳайдалган ерлар ва кичкина жарли ўтлоқлар, ундан ҳам олдинда ўрмон билан қопланган сирли қоронғу тоғлар,

қора тоғлар ортида қоялар учлари кўринарди, баланд горизонтда ҳамиша гўзал, ҳамиша ўзгариб турувчан, ранглари олмосдек ўйнаб турадиган қорли тоғлар.

Бешинчи ротанинг олдинги сафида, қора камзулда, бошида папахаси ёнида қиличи билан, яқинда гвардиядан кўчирилган баланд бўйли, келишган зобит Бутлер кетарди. Унинг юрагини ҳам ҳаёт қувончи, ҳам ўлим хавфи, ҳам шундай улкан ишга ҳисса қўшиш хоҳиши эгаллаган. Бутлер бундай операцияга иккинчи бор чиқиши эди. У ўқ овозию, замбараклардан отилган снарядларнинг чийиллаб учишига эътибор бермай, дўстларига бутунлай бошқа нарсалар ҳақида бефарқ сўзлаб кетаверишини қувониб тасаввур қилиб кетарди.

Отряд яхши йўлдан мақкажўхориси ўрилган далага қараб бурилди ва ўрмонга яқинлаша бошлади. Шу пайт қаёқдандир чийиллаб ядро учиб келдида карвоннинг ўртасига, йўлнинг ёқасига келиб тушди ва портлади.

— Бошланаяпти, — деди кулиб, Бутлер ёнида кетаётган ҳамроҳига.

Ҳақиқатдан ҳам портлаган ядро ортидан ўрмондан белги тақиб олган отлиқ чеченларнинг каттагина бир тўдаси кўринди. Тўда ўртасида катта яшил белгилиси кўринди ва ротанининг ўткир кўз эски фельдфебелининг Бутлерга айтишича, бу Шомилнинг ўзи бўлиши мумкин эди. Тўда тоғнинг тагига тушиб келиб, энг яқин тўсиннинг тепасида кўриндида, пастга туша бошлади. Қора иссиқ камзулда ва папахада кичкина генерал ўзининг йўргасида Бутлер ротасига етиб келдида унга ўнг томонга, тушиб келаётган отлиқларга қарама-қарши томонга юришни буюрди. Бутлер кўрсатилган томонга тезда ўз ротасини бошқариб қетди. Лекин жарликка тушишга улгурмай, орқасидан биринкетин иккита замбаракнинг отилган овозини эшитди. Ўги-

рилиб қаради. Иккита замбарак устидан кўкимтир тутун кўтарилдида, тўсин бўйлаб ёйилиб кетди. Эҳтимол, артиллерияни кутмаган тўда ортга чекинди. Бутлернинг ротаси тоғликлар кетидан ўқ узди ва бутун жарлик порох тутуни билан қопланди. Фақат қувиб бораётган казаклардан қочиб, жарлик тепасида отиб чекинаётган тоғликлар кўринарди. Отряд тоғликлар ортидан яна йўлида давом этди ва иккинчи жарликнинг ён бағрида овул кўринди.

Бутлер казаклар изидан ўз ротаси билан қишлоққа кирди. Аҳолидан ҳеч ким йўқ эди. Аскарларга ғалла, ғарам ва уйларни ёқиш буюрилганди. Бутун овул бўйлаб аччиқ тутун тўшалди, ва бу тутун оралаб уйлاردан қўлига илинган нарсаларни ташиб аскарлар изғиб юришарди. Улар тоғликлар ўзлари билан олиб кета олмаган товукларни ҳам олиб чиқиб отардилар. Зобитлар эса тутундан узоқроққа ўтириб олиб, нонушта қиларди ва ичардилар. Фельдфебель уларга тахтачага солиб бир неча асалари уясини олиб келди. Чеченлардан дарак йўқ эди. Тушдан сўнг озроқ чекинишга буйруқ бўлди. Роталар овул чеккасида колоннага сафга тизилдилар ва Бутлернинг асосий кучлардан ортда қолган қисмда бўлишига тўғри келди. Энди жойидан силжиши билан чеченлар пайдо бўлдиларда, отряднинг изидан юриб унга қарата ўқ уза бошлади.

Отряд очиқ жойга чиқиши билан тоғликлар орқада қолдилар. Бутлернинг бўлинмасидан ҳеч ким яраланмади. Шунинг учун бўлса укерак, у кўтаринки кайфиятда қайтди.

Отряд эрталаб кечиб ўтган сойни кесиб ўтаётиб, маккажўхори даласи ва ўтлоққа ёйилиб кетди. Қўшиқчилар олдинги сафга ўтдиларда, қўшиқ янграб кетди. Шамол йўқ эди, ҳаво шу қадар тоза ва мусаффо эдики, юз-



лаб чақирим наридаги қорли тоғлар ёнингда тургандек кўринарди. Қўшиқлар тинганида эса бир хил қадамлар товуши ва қурол аслаҳаларнинг шақирлаши эшитиларди. Бутлернинг бешинчи ротасида куйланган кўшиқлар полк шарафига ҳарбий мактаб ўқувчиси томонидан битилган эди ва ўйноқи эди: “Шу ишми, шу ишми, аскарлар, аскарлар!”

Бутлер отда ўзининг бошлиғи майор Петров билан ёнма-ён кетарди. У билан бирга яшарди ва ўзининг гвардиясидан кетиб, Кавказга кетганидан қувончи ичига сиғмасди. Гвардиядан кетишига асл сабаб унинг Петербургда қартадан ютқазиб қўйгани эди. Шундай экан, унинг ҳеч вақоси ҳам қолмаганди. Унинг гвардияда қолса, ўйиндан ўзини тия олишига кўзи етмаганди, ютқазадиган нарсанинг эса ўзи қолмаганди. Энди бунинг ҳаммаси ўтмишда қолди. Бошқача яхши, мардонавор ҳаёт бошланди. У энди касод бўлганини ҳам, тўланмаган қарзларини ҳам унутди. Кавказ ҳам, уруш, аскарлар, зобитлар, сархуш ва тозақалб жасур майор Петров — уларнинг ҳаммаси унга шундай яхши кўринардик, баъзан ўзига ишонмасди. У энди Петербургда, чекилган тамакилар ҳидига тўлган хонада бурчакдан туриб пул тикиб ўйнамаслигига ҳам ишонмасди, шунингдек пул тикканларни ҳам кўра олмасдан, бошининг эзилиб оғришини ҳис қилишига ҳам. Бу ерда эса ажойиб ўлкада азамат-кавказликлар орасида.

“Шу ишми, шу ишми, аскарлар, аскарлар!” — кўшиқ куйлардилар. Оти эса мусиқага монанд шўх қадам ташларди. Пахмоқ юнгли рота оти кул ранг Трезорка худди бошлиқдек, думини бураб, Бутлер ротаси олдида чопарди. Қалбида тетиклик, хотиржамлик ва қувонч ҳукм сурарди. Уруш унинг учун жонини хатарга қўйиб, ҳатто ўлимга тик бориб, мукофот ва бу ер-

даги рус дўстларининг ҳурмати қозониш эди. Урушнинг яна бир жиҳати: ўлим, аскарлар, зобитлар ва тоғликларнинг яраланиши, буни айтиш қанчалик таажубли бўлмасин, унинг тасаввурига сиғмасди. У ҳатто, онгсиз равишда, ўзининг уруш ҳақидаги романтик тушунчасига содиқ қолиш мақсадида ўлганлар ва ярадорларга қарамасди ҳам. Ҳозир ҳам шундай эди — бизда уч киши ўлган, ўн икки киши яраланган. У ётган жасад ёнидан ўтиб кетди ва кўзининг қири билан унинг заъфарон қўлининг ғалати ҳолатига ва бошидаги тўқ қизил ранг доғга қараб қўйдида, эътибор бермади. Тоғликлар эса унинг учун фақат улардан ҳимояланиш керак бўлган чавандозлар сифатида кўринарди.

— Мана, қанақа, отам, — деди майор қўшиқ орасида.

— Сизларникидақа эмас, Питердагидек: ўнга тўғирлан, чапга тўғирлан. Ишни бажариб бўлдингми, — уйга. Машурка энди бизга пирог, яхши балиқ шўрва беради. Ҳаёт! Шундайми? Қани, “Қандай шафақ қимирлади”, — буюрди у ўзининг севимли қўшиғини.

— Майор аввалига фельдшернинг қизи Машка билан никоҳда эди. Кейин эса Марья Дмитриевна билан. Марья Дмитриевна чиройли оқ малла сочли, юзларини сепкил босган, ўттиз ёшли бефарзанд аёл эди. У ўзининг ўтмишидан қатъи назар, энди майорнинг вафодор дўсти эди, уни худди энагадек парвариш қиларди, бу эса ҳушини йўқотгунча ичадиган майорга қўл келарди. Қалъага келганида ҳаммаси худди майор кутганидек бўлди. Марья Дмитриевна унинг, Бутлернинг ва отряддан таклиф қилинган яна икки зобитнинг ширин тушлик билан қорнини тўйгазди. Майор еди, гапиролмайди даражада ичди ва ётоғига ухлашга кириб кетди. Бутлер ҳам чарчаган, лекин мамнун ва озгина чағир ичганди. У ҳам ўзининг хонасига кирдида,

базўр ечишиб, қўлини жингалак сочли бошининг тагига қўйдида, қаттиқ, ҳатто туш ҳам кўрмай ухлаб қолди.

## XVII

Хужум туфайли хонавайрон бўлган қишлоқ Ҳожи Мурод русларга чиқишдан аввал тунаган қишлоқ эди.

Уйда ўша пайти Ҳожи Мурод тўхтаган Садо, овулга руслар келишидан аввал оиласи билан тоққа чиқиб кетганди. Овулга қайтиб келганида унинг уйи вайрон бўлганди: том тушиб кетганди, йўлак устунлари ва эшиги ёқиб юборилганди, ичкараси куйганди. Кўзлари ярқираб шунда Ҳожи Муродга завқ билан қараган чиройли ўғлининг ўлик жасадини мачит ёнига устини чакмон билан ёпиб, отга юклаб олиб келганди. Унинг елкасига найза санчилганди. Ҳожи Мурод келганда меҳмонга хизмат қилган ўша хушбичим аёл кўкси узра йиртилган қўйлагидан унинг қари осилган кўкраги қўриниб, сочлари тўзиб, ўғлининг тепасида турарди ва юзини қонатиб тирнаб, тинмай увилларди. Садо кирка ва белкуракни олиб, яқинлари билан ўғлига гўр қазишга кетди. Чол отаси бузилган уйи деворига суяниб ўтириб, қўлидаги чўпни майдалаб, олдига маъносиз тикилиб ўтирарди. У ҳозиргина ўзининг асаларизоридан қайтиб келганди. У ердаги икки ғарам пичани ҳам ёқиб юборилганди. Қариянинг ўзи парвариш қилиб бораётган ўрик ва олча дарахтлари синдирилган ва ёқилган, муҳими, барча ари қутиларига ичидаги арилари билан бирга қўшиб ўт қўйилганди. Ҳамма уйлардан ва яна икки ўлик келтирилган майдонда аёллар йиғиси эшитиларди. Кичкиналар оналари билан қўшилиб йиғлашарди. Оч қолган ҳайвонлар ҳам бўқирарди. Ёш болалар уйнаш ўрнига қўрқиб қолган кўзлари билан катталарга қараб қолгандилар.

Булоқ булганганди, афтидан атайин, ундай сув олмаслик учун. Худди шундай мачит ҳам булганганди. Имом ва унинг ёрдамчилари мачитни тозаладилар. Чоллар майдонда тўпланиб, чўнқайиб ўтириб олиб, ҳолатни муҳокама қилишарди. Русларга нисбатан нафрат ҳақида ҳеч ким сўз очмади. Каттаю кичик чеченларнинг қалбида кечаётган ҳиссёт нафратдан анча кучли эди. Бу нафрат эмасди. Бу ўрис итларини инсон деб тан олмаслик эди ва уларга нисбатан бўлган жирканч, у махлуқларнинг тутуруқсиз вахшийликларидан тааж-жубланиш, уларни қириш истаги худди каламушларни, заҳарли ўргимчакларни ва бўриларни қириш каби табиий деб қабул қилингандики, бу ўз жонини инстинктив ҳолда сақлашга айланганди.

Аҳоли ўртасида танлов турарди: ё жойида қолиб, зўр бериб барпо қилинган ва осонгина, шунингдек маъносиз бузиб ташланган нарсаларни қайта тиклаш, албатта ҳар қандай ҳолатда такроран бузилиш эҳтимоли сақланган ҳолда, ё бўлмаса диний қонун талабларига, шунингдек ўрислардан жирканишлари ва нафратланишларига қарамай, уларга бўйсунуш.

Чоллар намоз ўқиб олдиларда, Шомилга ундан ёрдам сўраб элчи жўнатишга қарор қилдилар ва шу заҳотиёқ бузилганларни тиклашга киришдилар.

## XVIII

Ҳужумдан кейин учинчи куни Бутлер нонушта вақтигача бир оз тоза ҳавода айланиш мақсадида орқа эшикдан кўчага чиқди. У одатда Петров билан бирга чой ичарди. Тоғлар ортидан қуёш кўринди ва у ёритиб турган кўчанинг ўнг томонидаги лойсувоқ уйларга қараш қийин эди. Лекин ҳар доимгидек чап томонга, узоқла-

шиб ва баландалаб кетаётган ўрмон билан қопланган тоғлар, даъра ортидан кўзга ташланадиган, булутга ўхшашга интилаётган қорли чўққиларнинг жилосиз сафига қараш завқли ва тинчлантирувчи эди.

Бутлер ушбу тоғларга боқаркан, кўксини тўлдириб нафас олди ва бу гўзал оламда яшаётганига, айнан ўзи яшаётганига қувонди. Уни яна кечаги воқеада, хужумда, ва айниқса чекинишнинг ўта шиддатли пайтида ўзини яхши тутгани, шунингдек Петронинг рафиқаси Маша, ёки Марья Дмитриевна уларни сафардан қайтганларидан кейин меҳмон қилгани, унинг ҳамма билан оддий ва хушмуомалада бўлгани, айниқса Бутлерга бошқача мулоимлик билан муомала қилгандек кўрингани ҳақидаги хотиралар бир оз қувонтирарди. Марья Дмитриевна қалин кокили ва сепкил босган меҳрибон юзидаги чақнаб турган кулгиси билан беихтиёр Бутлерни ўзига жалб қилди. Кучли, ёш, бўйдоқ Бутлерга худди бу аёл уни хоҳлаётгандек кўринарди. Лекин у меҳрибон, соддадил дўстига нисбатан бу ёмон иш деб ҳисоблардида, Марья Дмитриевна билан энг оддий, эҳтиромли муносабатни сақларди ва бунинг учун ўзидан хурсанд эди. Ҳозир у мана шулар ҳақида ўйлаб турарди.

Унинг фикрини худди бир неча киши югуриб ўтганидек чанг йўлдан кўп отлар туёғининг кетма-кет товушлари эшитилиши бўлди. Бошини кўтариб, кўча бошида бир тўда отлиқларнинг яқинлашиб келаётганига кўзи тушди. Йигирматача казакларнинг олдида икки отлиқ келарди: бири — оқ черкесча камзулда ва саллали баланд папахада, иккинчиси — рус хизмати зобити, қора, қийғир бурунли, кўк рангли черкесча камзулда, қуроли ва кийимида кумуш сероблиги билан ажралиб турарди. Саллали чавандоз тагида кичкина бошли, чиройли кўзли малла ранг жийрон от бўлса, зобит эса

баланд бўйли карабах отини миниб олганди. Отларни севувчи Бутлер биринчи отнинг тетик кучини дарров пайқади ва уларнинг кимлигини билиш учун тўхтади. Зобит Бутлерга мурожаат қилди:

— Бу қўшин бошлигининг уйими? — деб сўради у, ўзининг талаффузи билан рус эмаслигини сездириб, ва қўлидаги қамчи билан Иван Матвеевичнинг уйини кўрсатди.

— Худди шундай, — деди Бутлер.

— Бу эса ким бўлди? — деб сўради Бутлер, зобитга яқин келиб, ва кўзлари билан саллали кишини кўрсатиб.

— Бу Ҳожи Мурад. У шу ерга жўнатилди. Қўшин бошлигининг уйига жойлашади, — деди зобит.

Бутлер Ҳожи Мурад ҳақида, унинг русларга қўшилгани ҳақида ҳам биларди. Лекин уни бу ерда, шундай кичкина истехкомда учратаман деб ўйламаганди.

Ҳожи Мурад унга дўстона қараш қилди.

— Салом, хуш келибсиз, — деб билганича татарча саломлашишга уринди.

— Соғ бўл, — жавоб берди Ҳожи Мурад, бошини эгиб. У Бутлернинг ёнига келдида икита бармоғида қамчи илиғлиқ турган қўлини чўзди.

— Бошлиқмисан? — сўради у.

— Йўқ, бошлиқ шу ерда, ҳозир чақираман, — деди Бутлер, зобитга қарата, зинадан тушиб эшикни очар экан.

Лекин, Марья Дмитриевнанинг ибораси билан айтганда “кўча эшик” ёпиқ эди. Бутлер тақиллатди, жавоб олмагач, орқа эшикдан кирмоқчи бўлиб айланиб кетди. Ўзининг навқарини ҳам чақириб, жавоб олмагач, шунингдек иккала навқарини ҳам топа олмагач, ошхонага кирди. Бошига рўмол ўраб олган ва қизариб кетган Марья Дмитриевна оппоқ йўғон билаклари узра енгини

шимариб олиб, ўралган, худди билагидек оппоқ хамирни пирожокларга мўлжаллаб кичкина бўлакларга кесарди.

— Навкарлар қаёққа йўқолди? — сўради Бутлер.

— Ичишга кетишди, — деди Марья Дмитриевна. — Сизга нима?

— Эшикни очиш керак. Уйингиз олдида бир гала тоғликлар туришибди. Ҳожи Мурод келган.

— Бошқа нарса ўйлаб топинг, — деди Марья Дмитриевна, кулиб.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ. Рост. Кириш эшиги ёнида туришибди.

— Наҳотки рост бўлса? — деди Марья Дмитриевна.

— Мен нима учун сизга ёлгон гапиришим керак. Боринг, қаранг ишонмасангиз, улар эшик олдида туришибди.

— Улар ҳам пайтини топиб келибди, — деди Марья Дмитриевна, енгини тушуриб, қалин кокилидаги соч тўгноўғичини изларкан. — Унда мен бориб Иван Матвеевични уйғотай, — деди у.

— Қўяверинг, мен ўзим бораман. Сен эса, Бондаренко, бориб эшикни оч, — деди Бутлер.

— Яхши бўлди, — деди Марья Дмитриевна ва яна ўзининг ишига қайтди.

Ҳожи Муроднинг Грознийда эканини эшитган Иван Матвеевич, унинг ҳозир шу ерда эканлигига ҳайрон бўлмади. Ўрнидан туриб, қоғозга тамакисини ўраб, ёндириб олдида, баланд овозда йўталиб, “ўша шайтонни” бунга жўнатган бошлиқларга жавраб, кийина бошлади. Кийина туриб, навқаридан “дорини” талаб қилди. Дори бу ароқ эканлигини билган навкар уни узатди.

— Бу аралшмадан ёмони йўқ, — жавради у, ароқни ичиб, орқасидан қора нон тишларкан. — Мана, кеча чағир ичгандим, ҳозир бошим оғрияпти. Ана, энди тай-

ёрман, — деди у ва меҳмонхонага ўтди. У ерда уни Бутлер ва у кузатиб келган Ҳожи Мурод, ҳамда унга ҳамроҳлик қилган зобит кутардилар.

Ҳожи Муродга ҳамроҳлик қилган зобит Иван Матвеевичга чап қанот бошлигининг Ҳожи Муродни қабул қилиш ҳақидаги буйруғини узатди. Буйруқда шунингдек, унга тоғликлар билан фақат айғоқчилар орқали хабарлашиш имконини яратиш, ўзини эса кузатиб борувчи соқчиларсиз чиқармаслик кўрсатилганди.

Қоғозни ўқиб чиқаркан, Иван Матвеевич Ҳожи Муродга синчиклаб разм солди, ва яна қоғоздагини ўқишга киришиб кетди. Бир неча бор шундай қоғоздан меҳмонга нигоҳини буриб, ниҳоят у Ҳожи Муродга қараб деди:

— Яхши бек, яхши. Майли, яшасин. Унга тушунтир, менга уни қўйиб юбормаслик буюрилган. Буйруқ эса муҳокама қилинмайди. Бутлер, сен нима деб ўйлайсан, уни идорага жойлаштирамизми?

Бутлер жавоб беришга ҳам улгурмаганди, эшик олдида Марья Дмитриевна пайдо бўлдида, Иван Матвеевичга қараб деди:

— Нима учун идорага? Мана шу ерга жойлаштирадилар. Омборхонани меҳмонхона қилиб берамиз. Ҳеч бўлмаганда, кўз олдимизда бўлади, — дедида, Ҳожи Муродга қаради. У билан кўзи тўқнаш келгач, дарров юзини бурди.

— Нима ҳам дердик, ўйлайманки, Марья Дмитриевна ҳақ, — деди Бутлер.

— Бор, ишингни қил, бу хотинларнинг иши эмас, — деди қовоғини уйиб, Иван Матвеевич.

Бутун суҳбат давомида Ҳожи Мурод ханжарининг сопини ушлаб ўтирардида, орада бир оз нафратланиб кулиб қўярди. У қаерда яшашнинг фарқи йўқлигини ай-



тди. Унинг учун муҳими, сардорнинг нима қилиш мумкину, нима мумкин эмаслигини белгилаб бергани, — бу тоғликлар билан учрашишга рухсат. Шунинг учун ҳам уларни бу ерга келишига рухсат беришларини хоҳлашини айтди. Иван Матвеевич бунинг бажарилишини айтиб, Бутлердан меҳмонларга егулик олиб келгунларича, уларга қарашини сўради. Ўзи эса идорага бориб зарур қоғозларни тўлдиради ва керакли буйруқлар тайёрлашини айтди. Ҳожи Муроднинг янги дўстларга нисбатан муносабати шаклланиб бўлганди. Иван Матвеевич билан танишганидаёқ, унга нисбатан нафрати уйғонганди ва ҳамиша у билан паст келмай муносабатда бўлди. Унга егулик тайёрлаб, олиб келадиган Марья Дмитриевна жуда ҳам ёқиб қолганди. Унга унинг соддалиги, илгари кўрмаган, бошқа халқларга хос бўлган гўзал хислатлари, беихтиёр унинг ўзига қизиқиши ортиши ёқиб қолди. У билан гаплашмасликка, унга қарамасликка ҳаракат қилардию, лекин барибир кўзлари унга бурилардию, унинг ҳаракатларини кузатарди.

Бутлер билан биринчи кўришдаёқ дўстона келишиб кетди. У билан жон деб суҳбатлашарди. Ҳаёти билан қизиқарди, ўзининг ҳаёти ҳақида сўзларди. Шунингдек унга айғоқчилар оиласи ҳақида келтирган хабарлар ҳақида гапириб, ҳатто у билан энди нима қилиш мумкинлигини муҳокама ҳам қиларди.

Айғоқчилар олиб келган хабарлар яхши эмасди. У қалъада бўлган тўрт кун давомида улар икки марта келишди ва иккала вақтда ҳам ёмон хабарлар олиб келишди.

## XIX

Ҳожи Муроднинг оиласи у ўрисларга чиқиши билан Ведено овулига олиб келинганди ва Шомилнинг қарорини кутиб, қўриқланарди. Аёллар — Патимат кампир ва Ҳожи Муроднинг иккита хотини — ва уларнинг бешта боласи юзбоши Иброҳим Рашиднинг уйида сақланарди. Ҳожи Муроднинг ўғли, ўн саккиз яшар Юсуф эса зиндонда, яъни бир саржиндан ортиқроқ чуқурда ўзига ўхшаб, тақдири ҳал бўлишини кутаётган тўртта жиноятчи билан бирга ўтирарди.

Шомил сафарда бўлганлиги учун қарор ҳали қабул қилинмаганди. У ўрисларга қарши уюштирилган юришда эди.

1852 йил 6 январ куни Шомил ўрислар билан бўлган жангдан кейин Ведено қишлоғига, уйига қайтганди. Русларнинг фикрича у жангда енгилиб, Веденога қочганди. Унинг ўзининг ва навкарларининг фикрича эса, ғалаба қилиб, ўрисларни қувиб юборганди. Ушбу жангда, энг кам юз берадиган ҳолат юз берганди, яъни Шомилнинг ўзи милтиқдан ўқ узиб, қиличини яланғочлаб, отини ўрислар устига солаётганди, навкарлари уни тўхтатиб қолишди. Улардан иккитаси шу ерда вафот этди.

Туш пайти Шомил милтиқ ва тўппончалардан ўқ узиб, от чоптириб келаётган бир тўда навкарлари қуршовида маконига қайтиб келди.

Катта Ведено қишлоғининг барча аҳли ўзининг ҳукмдорини кутиб, кўча ва томларга чиқиб олишганди ва тантана сифатида милтиқ ва тўппончалардан отишарди. Шомил оқ араб отида кириб келиб, уйининг яқинида унинг жиловини бўш қўйди. Отнинг эгар-жабдуқлари оддий бўлиб, олтин ва кумушлар билан безатилма-

ганди. Юпқа қилиб ишланган жабдуқ устидан ингичка қизил қайиш белбоғ тортилган бўлиб, эгар тагидан ўтган тугунли қайишда узангилар осилиб турарди. Имомнинг елкасида енглари ва ёқасида қора рангли мўйнаси кўришиб турадиган жигар ранг мовутли пўстин бўлиб, унинг ингичка ва узун танасига ярашиб турарди. Унинг устидан эса ханжар тақилган қора қайиш маҳкам тортиб боғланганди. Бошида баланд, тепаси япалоқ папахаси бўлиб, устидан оқ салла ўралган, салланинг учи эса бўйнига тушиб турарди. Оёғида яшил рангли чувак бўлиб, болдири қора чарм билан таранг тортилиб, устидан оддий ип билан боғланганди.

Умуман имомнинг буюмида ёки отида олтин, кумуш каби бирон безак йўқ эди. Унинг баланд, келишган қадди-қоматига кийм боши ва қурол аслаҳаларини олтин ва кумуш безаклар билан беаган навкарларининг қуршаб туриши у ҳақда одамларда ўзи истаган таассуротни, яъни улугворликни шакллантирарди. Қалта қилиб олинган малла рангли соқоли безаб турган оқариб кетган юзию, доим қисилиб турган кўзлари худди жонсиздек қотиб тураради. Овулдан ўтар экан, у ўзига тикилиб турган минглаб нигоҳларни ҳис қилсада, унинг кўзлари ҳеч кимга қарамади. Имомниги кириб келишини кўришга бошқа одамлар қатори Ҳожи Муроднинг хотинлари ва болалари ҳам чиққанди. Фақат биргина Патимат кампир, — Ҳожи Муроднинг онаси чиқмаганди. У оппоқ сочлари тўзиган ҳолда, узун қўллари билан озгин оёқларини қучоқлаб, уйнинг ичидаги ерда тим қора кўзлари билан ўчоқда ёниб тугаётган чўпларга тикилиб ўтирарди. У ҳам худди ўгли каби Шомилни ёмон кўрарди. Энди эса янада кўпроқ нафратлангани учун уни кўргиси келмасди.

Шомилнинг тантанали кириб келганини Ҳожи Муроднинг ўғли ҳам кўрмади. У ўзи ўтирган сассиқ ва қоронғу чуқурдан ўқ ва қўшиқ овозларини эшитардида, кучга тўлган, лекин озодликдан маҳрум этилган ёш йигитлар каби азобланарди. Бадбўй чуқурда танаси ва либоси қирлаб кетган, ўша бир хил, бебахт, ҳолдан кетган, лекин ҳатто бир-бирини ҳам кўра олмайдиган қамалганларни кўриб, ёруғ ва тоза ҳавода эмин-эркин ўйнаб-кулаётган, ўз хожаси атрофида қуролааридан ўқ узиб, от ўйнатиб юрган одамларга ҳаваси келди.

Овулдан ўтиб, Шомил ўзининг саройи жойлашган катта ҳовлига кириб келди. Иккита қуроланган лезгин йигитлар Шомилни очиқ турган биринчи дарвоза ёнида кутиб олдилар. Ҳовлида одам тўла эди. Бу ерда узоқ ерлардан ўз ишлари билан келганлар, тиланчилар, Шомилнинг ўзи судга чақирган кимсалар бор эдилар. Шомил кириб келиши билан уларнинг барчаси ўринларидан туриб, қўлларини кўксига қовуштириб, имомнинг ҳурматини жойига қўйиб кутиб олдилар. Баъзилари тиззалари билан ерга тиз чўкиб, то Шомил ташқи дарвозадан ички дарвозага қадар ўтиб кетгунича шу алфозда турдилар. Шомил улар орасида ўзи ёқтирмайдиган ва ёрдам сўрайвериб зериктириб юборган одамлар танисада, уларнинг ёнидан қотиб қолган тошдек юзи билан ўтиб кетдида, ички ҳовлига кириб, дарвозадан кирганда чап томонда жойлашган бино олдидаги узун айвон олдида отдан тушди.

Сафар танглигидан жисмоний эмас, руҳан чарчаган Шомилнинг ҳеч нарса қилгиси келмас ва ҳеч нарса ҳақида ўйлагиси ҳам келмасди. Чунки у тилида ғалаба қилгани ҳақида тан олсада, қалби билан бунга ишонмасди. Чунки кўплаб чечен овулларининг кули кўкка совурилган, хонавайрон бўлганди, ўзгариб туради-

ган енгил табиат халқ — чеченлар иккиланардилар, ва улардан баъзилари, ўрисларга яқинлари руслар томонига ўтишга тайёр эдилар. Буларнинг ҳаммаси оғир эди. Бунга қарши чора кўриш керак, лекин ушбу дақиқаларда Шомилнинг ҳеч нарса қилгиси келмас, ҳеч нарса ҳақида ўйлагиси келмасди. У энди фақат бир нарсани — дам олиш ва сеvimли хотинларидан бири, ўн саккиз ёшли оёқлари чаққон, қора кўзли Аминетнинг эркалашларини истарди.

Лекин ҳозир нафақат уни бошқа хотинлари билан бирга девор ортидан кузатиб турган Аминет ҳақида ўйламаслик ҳам керак, унинг яқинига йўламаслик ҳам керак, ёстиққа ёнбошлаб дам ҳам олмаслик керак эди. Энг аввал пешин намозини ўқиб олиши зарур эди. Имом сифатида буни бажармаса ҳам бўлмасди, ва ўзи ҳам гуноҳга ботарди. Бу унинг учун кундалик озуқадай бўлиб қолганди. Ва у таҳорат олдида, намозини ўқиб олди. Ибодатни тугатиб, уни кутиб турганларни чақирди.

Биринчи бўлиб, баланд бўйли, истараси иссиқ, оппоқ соқолли, юзлари қип-қизил устоз қайнатаси Жамол-Эдин кирди. Юзига фотиҳа тортиб, Шомилдан сафар воқеаларидан сўраб кетди.

Ҳар хил воқеалар қаторида — қасд олиш мақсадида ўлдиришлар, мол ўғирланиши ҳақида, тариқат қонунини бузганлар ҳақида: тамаки чекиш, шароб ичиш — Жамол-Эдин Ҳожи Муроднинг ўз оиласини ўрисларга олиб чиқиб кетиш учун одам юборгани, лекин бунинг маълум бўлиб қолгани, ва ҳозир унинг оиласи Веденга олиб келиниб, имомнинг қарорини кутиб қўриқланаётгани ҳақида сўзлади. Қўшни меҳмонхонада ушбу масалаларни муҳокама қилиш мақсадида қариялар тўпланганди, ва Жамол-Эдин Шомилга ҳозироқ уч кун

дан бери уни кутиб ўтирган уларнинг барчасига рухсат беришни маслаҳат берди.

Ўзи унча ёқтирмайдиган қийғир бурунли, қора ва ёқимсиз юзли катта хотини Зайдет олиб келган таом билан уйда тушлик қилиб олиб, Шомил меҳмонхонага ўтди.

Унинг кенгаш аъзолари бўлган сочлари оқарган ва малла ранг соқолли олтига чоллар ўринларидан туриб Шомилни кутиб олдилар. Уларнинг баъзлари саллали, баъзилари салласиз баланд папахалар кийб олган ва янги камзул ва черкескаларда белларидаги қайишларига ханжар осиб олишганди. Шомилнинг бўйи уларнинг барчасидан баланд эди. Юзларига фотиҳа тортиб бўлишгач, жойларига ўтирдилар. Шомил эса ўртадаги энг баланд ёстиққа ўтирдида, олдиларида турган масалалар бўйича муҳокамани бошлашди.

Жиноятда айбланаётган кишиларнинг ишларини шарият бўйича ҳал қилишарди: ики кишини ўғирлик қилганлари учун қўлларини кесишга, биттасини эса одам ўлдиргани учун бошини танасидан жудо қилишга буюрдилар, учтасини авф этдилар. Кейин эса энг муҳим масалага — чеченларнинг ўрислар томонига ўтишига қарши чора ўйлаш масаласига ўтдилар. Бундай ўтишларга қарши Жамол-Эдин томонидан қуйидаги мурожаатнома тузиб чиқилганди:

“Ўрислар сизларга лутф кўрсатиб ўзларига бўйсунмишга чақираяптилар. Уларга ишонманглар ва бўйсунманглар, чиданглар. Агар бунинг учун бу дунёда мукофотланмасаларинг, келажакда ажрини оласизлар. Сизларнинг қуроолларингизни олиб қўйган вақтларни эсланг. Агар шунда, 1840 йилда ақл билан иш тутмаганларингизда эди, аскарга айланардиларингиз ва ханжар ўрнига найзали милтиқлар билан юрардиларингиз. Хотинла-

ринг эса енгил кийиниб, таҳқирланган бўлардилар. Келажак ҳақида ўтмишга қараб ҳукм чиқаринглар. Файридин билан яшагандан кўра ўрислар билан жангда ўлган маъқул. Чиданглар, мен эса қўлимда қиличим билан келиб, сизларни ўрсиларга қарши жанга бошлайман. Энди эса ўрсисарга бўсуниш ҳақида нафақат ният қилишни, ҳатто ўйламасликни ҳам қатъий буюраман”.

Шомил ушбу мурожаатни маъқуллаб, имзолаб бердида, тарқатишни буюрди.

Булардан сўнг Ҳожи Муроднинг иши муҳокама қилиниши керак эди. Бу иш Шомил учун жуда муҳим эди. Унинг ўзи бир нарсани — агар унинг ёнида чаққон, жасур ва мард Ҳожи Мурод бўлганида эди, Чеченистонда ҳозир содир бўлаётган воқеалар бўлмаслигини тан олгиси келмасди. Ҳожи Мурод билан ярашиб, яна унинг хизматларидан фойдаланиш яхши эди. Агар бундай бўлмаган тақдирда ҳам унинг ўрисларга ёрдам беришига йўл қўймаслик керак эди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай йўл билан уни чақириш керак ва ўлдириш керак эди. Бунинг учун иккита йўл бор эди: ёки Тифлисга уни шу ёқнинг ўзида ўлдириш қўлидан келадиган одам юриб, ўлдириш керак, ёки бўлмаса, уни бу ерга чақириб, шу ерда ўлдириш керак эди. Бунинг учун ягона восита — унинг оиласи, айниқса Ҳожи Мурод жуда яхши кўрадиган ўғли эди. Шомил Ҳожи Муроднинг ўз ўғлини қай даражада яхши кўришини биларди. Шунинг учун унинг ўғли орқали иш кўриш керак эди.

Маслаҳатчилар бу ҳақда келишиб олганларидан кейин Шомил кўзларини юмиб, жим қолди.

Кенгаш аъзолари бунинг нимани аёнлаштишини биларди. Беш дақиқали тантанавор сукутдан сўнг Шомил кўзларини очиб, уларни баттарроқ қисиб, шундай деди:

— Ҳузуримга Ҳожи Муроднинг ўғлини келтиринглар.

— У шу ерда, — деди Жамол-Эдин.

Ҳақиқатдан ҳам Ҳожи Муроднинг ўғли Юсуф озиб кетган, юзлари сўлгин, уст-боши йиртилиб, қўланса ҳид келаётган, лекин ўзининг танаси ва юзи ҳали ҳам кўркам ҳолда, Патимат онасиники каби ёниб турган тим қора кўзлари билан, чақирилишини кутиб, ташқи дарвоза олдида турарди.

Юсуф Шомилга нисбатан отаси билан ҳамфикр эмасди. У бўлиб ўтган воқеаларни билмас, ёки билса ҳам, бошидан ўтказмаганлиги туфайли, нима учун отаси Шомил билан бунчалик душманлик руҳида эканлигини тушунмасди. Ноибнинг ўғли сифатида Хунзаҳда кечирган энгил ва айши-ишратга берилган ҳаётини қўмсаётган гўр йигит Шомил билан адоватга бориш керак эмас деб тушунради. У отасининг фикрига қарши, Шомил билан завқланарди, ва унга нисбатан тоғда тарқалган тантанавор сифинишни ҳис қиларди. У энди имомга нисбатан бўлган ҳаяжонли иззат-икром билан меҳмонхонага кирди, ва Шомилнинг қисилган кўзларига дуч келиб, эшик олдида тўхтади. Бир қанча вақт шу алфозда туриб қолдида, кейин Шомилга яқин бориб, унинг катта, узун бармоқлари узун оппоқ қўлларини ўпди.

— Сенми Ҳожи Муроднинг ўғли?

— Мен, ҳурматли имом.

— Унинг нима қилганини биласанми?

— Биламан, ҳурматли имом, ва бундан афсусдаман.

— Ёзишни биласанми?

— Муллагликка ўқиганман.

— Унда отанга байрамгача қайтиб келса, уни кечиршим ва ҳаммаси аввалгидек бўлишини ёз. Агар ундай бўлмасада, ва у ўрисларда қолса, — Шомил қовоғини ваҳимали ўйди, — унинг хотинини, яъни сенинг



онангни овулларга бериб юбораман, ўзингнинг эса бошингни узиб оламан.

Юсуфнинг юзида биронта мусукул қилт этмади. Шомилнинг сўзларини тушунган ифодасида бошини эгди.

— Шундай деб ёзда, менинг элчимга бер. Шомил жим бўлиб қолдида,

узоқ вақт Юсуфга тикилди.

— Яна шуни ҳам ёзки, мен сени аядим ва ўлдирмайман, фақат бошқа хиёнатчилар қаторида кўзларингни ўйиб оламан. Жўна.

Юсуф Шомилнинг ҳузурида вазмин кўрингани билан, уни меҳмонхонадан олиб чиқиши блан, ёнидаги одамнинг ханжарини суғуриб олиб, ўзини сўйиб ташламоқчи бўлди. Лекин унинг қўлларини ушлаб қолди ва боғлаб яна зиндонга олиб кетишди.

Ушбу кеча, тунги намоз тугагач, Шомил оқ пўстинни кийдида, ҳовлини бўлиб турган девор ортига, хотинлари жойлшган қисмига ўтиб, Аминетнинг хонасига йўл олди. Лекин у ерда Аминет йўқ эди. У катта хотинларининг ёнида эди. Шунда Шомил сездирмасдан эшик орқасига ўтдида, уни кута бошлади. Аминет эса шойи матони унга эмас, Зайдетга совға қилгани учун Шомилдан хафа эди. У Шомилнинг қандай қилиб чиққанини ва унинг хонасига уни излаб кирганини кўрди, лекин атайин хонасига бормади. У Зайдетнинг эшиги олдида узоқ вақт турдида, паст овозда кулиб, ўзининг хонасига тинмай кириб-чиқаёиган оппоқ жуссани кузатди. Беҳуда уни кутиб, Шомил тунги намоз вақтига яқин ўз хонасига қайтиб кетди.

## XX

Ҳожи Мурод мудофаа иншоотида, Иван Матвеевичнинг уйда бир ҳафта яшади. Марья Дмитриевна сертук Ханаф (Ҳожи Мурод ўзи билан икки навкарини — Ханаф ва Элдорни олганди) билан уришиб қолганига ва уни ошхонадан чиқариб юборгани учун Ханафнинг уни сўйиб қўйишига оз қолганига қарамай, аниқ, Ҳожи Муродга нисбатан бошқача ҳис-туйғу, ҳурмат ва майл ҳис қиларди. У энди тушликни унга Элдор орқали берса ҳам, унга дуч келиб қолишнинг ва кўнглини олишнинг ҳар хил йўллари изларди. У Ҳожи Муроднинг оиласи ҳақидаги суҳбатда фаол иштирок этарди. Энди у унинг нечта хотинлари, нечта болалари-борлигию, уларнинг ёшларини биларди. Ва ҳар доим айғоқчи бориб-қайтганидан сўнг кимни кўрса, ўшани музокара натижалари ҳақида сўроққа тутарди.

Бутлер эса ҳафта давомида Ҳожи Мурод билан бутунлай дўстлашиб кетди. Баъзан Бутлер унинг хонасига, баъзан эса Ҳожи Мурод Бутлернинг хонасига келардилар. Баъзан улар таржимон орқали, баъзида эса имо-ишора билан, энг муҳими, кулиб суҳбатлашишарди. Аниқки, Ҳожи Мурод Бутлери ёқтириб қолганди. Бу Элдорнинг Бутлерга муносабатидан маълум эди. Бутлер Ҳожи Муроднинг хонасига кирганида, Элдор уни хурсанд бўлиб, тишларини ярқиратиб кутиб олардида, шошиб унинг ёнбошига ёстиқ қўярди, агар қиличи бўлса, уни ечиб олиб қўярди.

Бутлер шунингдек, Ҳожи Муроднинг укаси тутинган тукдор Ханаф билан ҳам танишиб, келишиб кетди. Ханаф жуда кўп тоғликларнинг қўшиқларини биларди ва яхши куйларди. Ҳожи Мурод Бутлернинг ҳурматига

у келганида Ханафни чақириб, ўзи яхши деб ҳисоблаган қўшиқларини куйлашни буюрарди. Ханафнинг овози баланд эди ва у ниҳоятда дона-дона ва ифодали қилиб куйларди. Унинг қўшиқларидан бири Ҳожи Муродга ёқарди ва ўзининг тантанавор-маъюслиги билан Бутлерни лол қолдирди. Бутлер таржимондан унинг маъносини таржима қилиб беришини сўради ва ёзиб олди.

Қўшиқ қасос туфайли одам ўлдириш ҳақида — Ҳожи Мурод билан Ханаф ўртасида бўлиб ўтган воқеага таллуқли эди:

“Менинг қабримда тупроқ қурийди — ва мени унитасан азиз онажон!

Қабристонни қабр ўти босади — қари отам, қайғунгни майса ўчиради. Синглимнинг кўзларида кўз ёшлар қурийди, ва қайғу унинг юрагидан учиб кетади.

Лекин мени унутмайсан сен акам, токи қасдимни олмас экансан. Мени унутмайсан укам, токи ёнимга келиб ётмас экансан. Сен қайноқсан эй ўқ, ўлим олиб келасан, лекин сенмасмидинг менинг содиқ ёрим? Эй қора ер, менинг ёпинчигимсан, лекин менмасмидим сени топдаган? Сен совуқсан, ўлим, лекин мен сенинг ҳожанг эдим. Танамни ер олади, руҳимни — осмон”.

Ҳожи Мурод ҳамиша шу қўшиқни кўзларини юмиб эшитарди ва ҳар қачон чўзилиб, пасайиб борадиган нота билан тугаётганида рус тилида “Яхши қўшиқ, ақлли қўшиқ”, — деб қўярди.

Ҳожи Муроднинг келиши, у ва унинг навкарлари билан яқинлашиб кетиши туфайли ўзига хос серғайрат тоғликларнинг поэзияси Бутлерни буткул ўзига жалб қилди. У ҳам ўзига камзул ва черкесча камзул, шунингдек одатда тоғликлар киядиган оёк кийим олди. У ўзини худди тоғликлардек ҳис қилар, ва худди улардек яшаётгандек ҳис қиларди.

Ҳожи Мурод кетадиган куни, уни кузатиб қўйиш мақсадида Иван Матвеевич бир неча зобитларни йигди. Ҳожи Мурод йўлга отланиб, қурооланган ҳолда тез ва юмшоқ қадамлар билан оқсаб хонага кирганида зобитлардан қай бири Марья Дмитриевна чой қуядиган чой столи олдида, яна бири бошқа стол ёнида ароқ, чағир ва егулик билан ўтирарди.

Ҳаммаси ўринларидан туриб, у билан қўл бериб кўришдилар. Иван Матвеевич уни столга таклиф қилганида, у миннатдорчилик билдириб, дераза ёнидаги стулга ўтирди. У кириб келганида ҳукм сурган сукунат уни, аниққи, довдиратиб қўймади. У ҳаммага диққат билан разм солиб чиқдида, бефарқ нигоҳини стол устидаги самовар ва егуликларда тўхтатди. Ҳожи Муродни биринчи мара кўриб турган уддабурон зобит Петровский таржимон орқали унга Тифлис ёққани ҳақида сўради.

— Ҳа, — деди у.

— У ҳа деярти, — жавоб берди таржимон.

— Айнан нима ёқибди унга?

Ҳожи Мурод нимадир деб жавоб берди.

— Унга ҳаммасидан театр ёқибди.

— Бош қўмондонникидаги бал ёқибдими унга?

Ҳожи Мурод қовоғини солди.

— Ҳар бир халқнинг ўз урф-одати бўлади. Бизда аёллар ундай кийинишмайди, — деди у Марья Дмитриевнага қараб.

— Унга нима ёқмабди?

— Бизда шундай мақол бор, — деди у таржимонга.

— Кўпшак эшакни гўшт билан, эшак кўпшакни хашак билан меҳмон қилибди. Натижада ҳар иккаласи ҳам оч қолибди. — У кулиб деди: Ҳар бир халққа ўзининг одати хуш келар.

Сухбат бошқа чўзилмади. Зобитлардан ким чой ичди, кимдир тановвул қилди. Ҳожи Мурод таклиф қилинган чойни олдида, олдига қўйди.

— Нима берай? Қаймоқми? Булками? — деди Марья Дмитриевна, унга чой узата туриб.

Ҳожи Мурод бошини эгди.

— Нима ҳам қилардик, хайр! — деди Бутлер, унинг тиззасига уриб. — Қачон кўришамиз?

— Хайр! хайр, — деди кулиб рус тилида Ҳожи Мурод. — Қўноқ бўлар. Сенинг қўноғинг мустаҳкам экан. Вақт бўлди, кетдик, — деди у бошини кетадиган томонга қарата силкитиб.

Хона эшиги олдида елкаси узра бир катта оқ нарса ва қўлида қилич билан Элдор кўринди. Ҳожи Мурод уни имлаб чақирди ва Элдор катта-катта қадамлари билан кириб келдида унга енгсиз оқ чакмон билан қилични берди. Ҳожи Мурод ўрнидан туриб чакмонни олдида, таржимонга бир нарсалар деб, уни Марья Дмитриевнага узатди. Таржимон деди:

— У айтаяптики: сен чакмонни мақтабсан, уни ол.

— Бу нима учун? — деди Марья Дмитриевна, қизариб.

— Шундай бўлиши керак. Одат шундай, — деди Ҳожи Мурод.

— Унда раҳамат, — деди Марья Дмитриевна, чакмонни ола туриб. — Тангри сизга ўғлингизни қутқаришингизни насиб қилсин. Яхши аскар, — қўшиб қўйди у. — Унга оиласини қутқаришини тилашимни таржима қилинг.

Ҳожи Мурод Марья Дмитриевнага қарадида, маъқуллаб бошини қимирлатиб қўйди. Кейин Элдорнинг қўлидан қилични олиб, Иван Матвеевичга берди. Иван Матвеевич қилични олдида таржимонга деди:

— Унга айт, менинг қўнғир отимни олсин, бошқа совға қиладиган нарсам йўқ.

Ҳожи Мурад унга ҳеч нарса керак эмаслигини, уни олмаслигини ифодалаб, юзининг олдида қўлини силкидида, кейин эса тоғ ва юрагини кўрсатиб, эшик томон юрди. Ҳамма унинг ортидан чиқди. Хонада қолган зобитлар қилични қиндан суғуриб томоша қилиб, баҳо бердилар. Бутлер Ҳожи Мурад билан эшик олдига чиқди. Лекин шу ерда ҳеч ким кутмаган воқеа содир бўлди. Агар Ҳожи Мураднинг зийраклиги, қатъияти ва чаққонлиги бўлмаганида эди, воқеа унинг ўлими билан тугаши мумкин эди.

Тош-кечув овулининг қўмиқ аҳолиси Ҳожи Мурадга шу қадар ҳурмати баланд—эдики,—машҳур—ноибни кўриб кетиш учун истехкомга кўп марта келгандилар. Ҳожи Мурад кетишидан уч кун аввал унга элчи жўнатиб, жума куни мачитларига келишини сўрагандилар. Ҳожи Мураддан қасос олиш ниятида бўлган ва уни кўра олмайдиган Тош-кечувлик қўмиқ князлари эса халққа Ҳожи Мурадни мачитга киритмасликларини эълон қилганлар. Халқ қўзғалиб, князлар тарафдорлари билан улар ўртасида муштлашув бошланиб кетган. Рус раҳбарлар тоғликлар ҳаракатини бостириб, Ҳожи Мурадга у ерга бормаслигини тайинлаб, элчи жўнатган. Ҳожи Мурад мачитга бормаган ва ҳамма шу билан иш тугади деб ўйлашган.

Лекин Ҳожи Мураднинг кетиши арафасида, у эшик олдига чиққанида, отлар эса кириш йўлакчасида турган пайтда, Иван Матвеевичнинг уйига Бутлер ва Иван Матвеевичга таниш қўмиқ князи Арслон хон келди.

У Ҳожи Мурадни кўриши билан белидаги қайишидан тўппончасини олдида, Ҳожи Мурадга тўғирлади. Лекин Арслон хон отишга улгурмади. Ҳожи Му-

род оқсоқлигига қарамай, худди мушукдек эшик олдида турган жойидан Арслон хонга отилди. Арслон хон ўқ узди, лекин текиза олмади. Ҳожи Мурод эса унга томон югуриб бориб, бир қўли билан унинг отининг тизгинини ушлади, иккинчиси билан ханжарини суғуриб олдида, татар тилида бир нарса деб қичқирди.

Бутлер ва Элдор бир вақтнинг ўзида душманлар томон югуриб бордида, уларнинг қўлларидан тутдилар. Отишмани эшитиб, Иван Матвеевич чиқди.

— Арслон, нима бўлди, менинг уйим олдида бу аблаҳликни ўйлаб чиқараяпсан! — деди у, гап нимадалигини англаб. — Бу яхши эмас, оғайни. Далада қанча хоҳласанг қил, менинг маконимда қиргин уюштирганинг нимаси.

Арслон хон қора мўйловли кичкина одам эди. У ранги оқариб, қалтираб отдан тушдида, Ҳожи Муродга газаб билан қараб, Иван Матвеевич билан болохонага кетди. Ҳожи Мурод ҳансираб ва кулиб отлар томон қайтди.

— У нима учун уни ўлдирмоқчи бўлди? — таржимон орқали сўради Бутлер.

— У бизда қонун шундай деяпти, — Ҳожи Муродниг сўзларини таржима қилди таржимон. — Арслон ундан қон учун қасос олиши керак экан. Мана шунинг учун ўлдирмоқчи бўлган.

— Агар унга йўлда етиб олсачи? — сўради Бутлер. Ҳожи Мурод кулди.

— Нима ҳам бўларди, ўлдирса, демак оллоҳ шуни хоҳлаган бўлади.

Майли, хайр, — деди у яна рус тилида, ва отнинг яғринидан ушлаб, барча кузатишга чиққанларга кўз ташлаб чиқди ва Марья Дмитриевна билан нигоҳлари мулойим туташди.

— Хайр, онахон, — деди унга мурожаат қилиб, — раҳмат.

— Оилангни қутқаришингни насиб этсин, — такрорлади Марья Дмитриевна.

У унинг сўзларини тушунмасада, хайрихоҳлигини тушуниб, унга бошини силкитиб қўйди.

— Қара, мезбонингни унутма, — деди Бутлер.

— Унга айт, мен унинг содиқ дўстиман, ҳеч қачон унутмайман, — жавоб берди у таржимон орқали, ва оқсоқлигига қарамай, узангига энди оёқ қўйганди, бир зумда баланд эгар устида пайдо бўлди, ва қиличини тўғирлаб, одатий ҳаракат билан тўппончасини пайпаслаб, тоғликларга хос ўзгача мағрур ва жанговар кўринишда отда ўтириб, Иван Матвеевичнинг уйдан узоқлашди. Ханаф ва Элдор ҳам худди шундай отларига ўтириб, мезбонлар ва зобитлар билан дўстона хайрлашиб, ўз соҳибининг изидан отини йўрттириб кетдилар.

Ҳар доимгидек, кетганлар ортидан мулоҳаза бошланди.

— Азамат!

— Худди бўридек Арслон хонга ташландия, бирданига юзи ўзгарди.

— У алдаб кетади. Катта муттаҳамга ўхшайди, — деди Петровский.

— Қанийди, русларда ҳам шунақанги муттаҳамлар кўп бўлса, — дея кутилманганда ўкинч билан аралашди Марья Дмитриевна. — Уйимизда бир ҳафта яшади. Ундан яхшиликдан бошқа ҳеч нарса кўрмадик, — деди у. — Хушмуомала, ақли, адолатли.

— Сиз буни нимадан билдингиз?

— Билдимда.

— Ёқтириб қолдингми ё? — деди кириб келган Иван Матвеевич. — янаям билмадим.



— Ёқтирсам ёқтирибман, сизларга нима? Фақат нима учун яхши одам бўлса, айбламоқ керак. У татар бўлса ҳам яхши одам.

— Тўғри, Марья Дмитриевна, — деди Бутлер. — Тарафини олиб тўғри қилаяпсиз.

## XXI

Чечен чегараларида жойлашган олдинги қалъаларда ҳаёт аввалгидай давом этарди. Шундан бери икки марта тревога чақирилдию, иккаласида ҳам роталар, казаклар ва милиционерлар югуриб чиқиб, тоғликларни тўхтата олмай, беҳуда қайтиб келдилар. Улар қочиб кетдилар ва бир марта Воздвиженскийда сугориладиган жойдан саккизта казаклар отини олиб қочиб, бир казакни ўлдириб кетдилар. Овул хонавайрон бўлган охириг вақтдан бери ҳужумлар бўлгани йўқ. Чап қанотга янги бошлиқ князь Барятинскийнинг{12} тайинланиши изидан Катта Чеченистонга катта экспедициянинг келиши кутилаётганди.

Меросхўрнинг дўсти, Кабардин полкининг собиқ командири князь Барятинский энди чап қанотнинг бошлиғи сифатида, Грознийга етиб келиши билан подшоҳнинг олдиндан берган кўрсатмасини бажаришни давом эттириш мақсадида отрядни йигди. У ҳақда Чернишев Воронцовга ёзганди. Воздвиженскийда тупланган отряд у ердан позицияга Куринский йўналишида чиқди. У ерда қўшин ўрмон кесарди.

Ёш Воронцов ажойиб мовутдан тикилган палаткада яшарди ва унинг рафиқаси Марья Васильевна лагерга келиб турардида, кўпинча тунашга қоларди. Барятинскийнинг Марья Васильевна билан муносабати ҳеч кимдан сир тутилмаганди, ва келиб чиқиши сарой-

дан бўлмаган аскар ва зобитлар унинг лагерда эканлиги туфайли тунги пистирмаларга жўнатиларди. Ва бунинг учун улар тунги меҳмонини қўпол сўзлар билан ҳақоратлашарди. Одатда тоғликлар замбаракаларни яқин олиб келиб, лагерни ўққа тутишарди. Отилган ядролар кўпинча мўлжалга келиб тушмасди, ва шунинг учун ҳам оддий ҳолларда бу отишмаларга қарши ҳеч қандай чоралар кўрилмасди. Лекин тоғликлар замбаракаларни яқин олиб келиб, Марья Васильевнани қўрқитмасликлари учун пистирмаларга одам жўнатиларди. Бой хотинни қўрқитмасликлари учун ҳар тунда пистирмага бориш ҳам ҳақоратли, ҳам жирканч иш эди. Шунинг учун Марья Васильевнани аскарлар ва олий табақага қўшилмаган зобитлар ёмон сўзлар билан сийлашарди.

Таътилга чиққан Бутлер йиғилиб қолган Пажеск корпусидан ҳамтовоқ бўлиб қолган ва Куринск полкида бирга адъютант ва раҳбарият ҳузурида хизмат қилган полкдошларини кўриш мақсадида мана шу отрядга келганди. Бошида вақтни жуда қувноқ ўтказди. У Полторацкий палаткасида жойлашганди ва у ерда жуда кўп уни хурсандчилик билан кутиб олган танишларини учратди. Ҳали ўзи унча яхши танимаган Воронцов ёнига ҳам борди. Бир вақтлар у билан ҳам битта полкда бирга хизмат қилганди. Воронцов уни жуда яхши кутиб олдида, князь Барятинский билан таништирди. Шу билан бирга Барятинскийдан аввал чап қанот бошлиғи бўлиб хизмат қилган генерал Козловский шарафига уюштирилган хайрлашув тушлиғига таклиф қилди.

Тушлик ажойиб ўтди. Олтита палаткалар олиб келиниб бир қаторга ўрнатилганди. Уларнинг бутун узунлиги бўйлаб шишалар ва асбоблар билан тўлдирилган

стол ёзилганди. Буларнинг барчаси Петербургдаги гвардия ҳаётини эслатарди. Соат иккида столга ўтиришди. Столнинг ўртасида бир томонда Козловский, бошқа томонида Барятинский ўтирганди. Козловскийнинг ўнг томонидан Воронцов, чап томонидан эса унинг рафиқаси Марья Васильевна жой олишганди. Бутун стол бўйлаб Кабардин ва Куринск полкларининг зобитлари ўтиришарди. Бутлер Полторацкий билан ёнма-ён ўтириб қолди. Уларнинг иккаласи ҳам қўшни зобитлар билан қувноқ суҳбат қуриб ичишарди. Иссиқ овқат тортилиш вақти келганидан навқарлар бокалларга шампан виноси қўйишни бошлаганларида Полторацкий ҳақиқий қўрқув ва афсус билан Бутлерга деди:

— Бизнинг “қандай” имиз шарманда бўлади.

— Нима эди?

— У нутқ сўзлаши керак. Унинг қўлидан нима ҳам келарди?

— Э, ука, бу ўқ ёмғири остида уюмларни забт этиш эмас. Унинг устига

Яна ёнида хоним ва сарой аёнлари. Тўғриси, унга қараш ачинарли, — зобитлар ўзаро суҳбатлашишарди.

Мана, тантанали дақиқа бошланди. Барятинский ўрнидан туриб, бокални қўлига олиб, Козловскийга қисқа сўз билан мурожаат қилди. Барятинский сўзини тугатганда Козловский ўрнидан турди ва ўта қатъий овозда бошлади:

— Ҳазрати олийларининг амри ила мен сизларни тарк этайман, сизлардан айрилаяпан, жаноби зобитлар, — деди у. — Лекин мени ҳамиша ўзларинг билан бирга деб ҳисобланглар... Сиз жанобларга ҳақиқатдек маълум — бир киши майдонда жангчи эмас. Шунинг учун мен хизмат давомида эришган барча ютуқларим учун, подшоҳ императоримиз сахийлиги билан тақдирланганларим

учун ҳам, барча эришган лавозимларим учун ҳам, яхши ном олганим учун ҳам — барчангиз, тамомила барчангиз олдингизда... — шу ерда унинг овози титради, — мен фақат сизларнинг, ва фақат сизларнинг олдингизда қарздорман, азиз дўстларим! — Ва ажин босган юзи баттар тиришди. У ҳиққилади ва кўз ёшлари унинг юзларига тушди. — Чин юракдан сизларга самимий қалбан миннатдорчилигимни изҳор қиламан...

Козловский бошқа гапира олмади, ва ўрнидан туриб, олдига келган зобитларни қуча бошлади. Ҳамма таъсирланганди. Княгиня юзини даструмом билан бекитди. Князь Семн Михайлович, оғзини қийшайтириб, кўзларини пирпиратди. Зобитларнинг кўпчилиги ҳам кўзларига ёш олдилар. Козловскийни жуда оз биладиган Бутлер ҳам кўз ёшларини тўхтата олмади. Бунинг ҳаммаси унга жуда ёқарди. Кейин эса Барятинский шарафига, Воронцов ва бошқа зобитлар, аскарлар шарафига қадаҳ сўзлар айтила бошлади. Меҳмонлар тушликдан ичилган шароблардан маст ҳолда, ва ўзлари мойил бўлган ҳарбий завқ билан чиқдилар.

Ҳаво ажойиб, серқуёш ва сокин эди. Салқин ҳаво баҳри-дилни очарди. Ҳар томондан аланга қасир-қусур қилар, қўшиқлар эшитиларди. Гўё ҳамма ниманидир байрам қилаётгандек. Бутлер энг бахтли, ёқимли кайфиятда Полторацкий ёнига келди. Полторацкийнинг уйида зобитлар йиғилиб, қарта ўйини бошланганди, адъютант эса юз рублдан банкка гаровга қўйди. Бутлер қўлида, чўнтагида ҳамёнини ушлаб, палаткадан бир-икки марта ташқарига чиқди. Барибир чидай олмади. Ўзига ва акаларига берган сўзига қарамай, пул тика бошлади.

Орадан бир соат вақт ўтмасдан Бутлер қизариб кетган, терга тушган, ҳамма ёғи бўрга ботган, столга икка-

ла тирсаги билан таяниб олиб, ўзи тиккан пулни ёзиб борарди. У шунақанги кўп ютқаздики, қарзини ёзишга ҳам қўрқиб қолди. Санамасдан бир нарсани биларди. Нотаниш адъютант ёзиб бораётган қарзини тўлашга бутун маошини ва отини берса ҳам етмасди. У яна ўйнарди, лекин жиддий юзли адъютант ўзининг оппоқ топ-тоза қўллари билан қартани қўйдида, Бутлернинг қарзини ҳисоблаб кетди. Бутлер ҳижолат тортиб кечирим сўрадида, ҳозир ютқазганларининг ҳаммасини тўлай олмаслигини, уйдан пул жўнатишини кутишини тушинтира кетди. Буларни айтаётганда ҳамманинг унга раҳми келиб кетганини, ҳатто Полторацкий ҳам ундан кўзини олиб қочаётганини сезиб қолди. Бу унинг сўнги кечаси эди. Ўйнамаса бўларди. Унинг ўрнига чақирганида Воронцовнинг ёнига борганида “ҳаммаси яхши бўларди”, — ўйлади у. Энди ёмон эмас, жуда ёмон бўлганди.

Дўстлари ва танишлари билан хайрлашиб, у уйига кетди, ва келиши билан ухлашга ётди. Ўн саккиз соат қотиб ухладди. Одатда ютқазгандан кейин шундай ухлайди. Марья Дмитриевна уни кузатиб келган казакка бериш учун ўзидан элик танга сўраганидан, унинг хафа юзидан ва саволларга қисқа жавобидан яна ютқазганини билдида, Иван Матвеевичга уни қўйиб юборгани учун бақира кетди.

Эртаси куни Бутлер соат ўн иккига яқин уйғондида, ўзининг ҳолатини эслаб, барчасини унитишга уриндию, иложини топа олмади. Бегона одамдан қарз бўлиб қолган тўрт юз етмиш рублни тўлашнинг чорасини топмиш керак эди. Йўллардан бири шу эдики, у акасига хат ёзиб, унда қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, сўнги марта улар умумий фойдаланадиган тегирмон ҳисобидан беш юз рубль жўнатишини илтимос қилганди. Кейин ўзининг хасис қариндошига у хоҳлаган

фоизда беш юз рубль бериб туришини илтимос қилиб хат ёзди. Кейин эса Иван Матвеевичнинг ёнига бориб, ундан беш юз рубль қарз бериб туришини сўради. Унинг ўзида ёки ундан ҳам кўра Марья Дмитриевнада пул бўлишини биларди.

— Мен берган бўлардим, — деди Иван Матвеевич, — ҳозир берган бўлардим, Машка бермайдида. Бу хотинлар жудаям хасис бўлишадиди. Лекин йўлини топиш керак, топмаса бўлмайди. Жин урсин, анави маркитантда йўқмикан?

Лекин маркитандан қарз сўраб бўлмасди. Шундай экан, Бутлер учун нажот фақат акаси ёки хасис қариндошидан келиши мумкин эди.

## XXII

Чеченистонда мақсадига эриша олмаган Ҳожи Мурад Тифлисга қайтиб келдида, ҳар куни Воронцовнинг ҳузурига борарди. Уни қабул қилганда эса тоғлик асирларни йиғиб, унинг оиласига алмаштиришни илтимос қилиб ялинарди. Усиз унинг қўли боғлиқдек бўлиб, ўзи хоҳлаган даражада русларга ёрдам ҳам бера олмаслигини ва айниқса Шомилни йўқ қила олмаслигини такрор-такрор тушунтирарди. Воронцов қўлидан келган барча нарсани қилишга мужмал ваъда берарди, лекин бу ишни қандай амалга оширишни Тифлисга генерал Аргутинский келиши билан, у билан маслаҳатлашиб бир қарорга келишини айтиб, ишни чўзарди. Шунда Ҳожи Мурад Воронцовдан вақтинча Закавказьенинг унча катта бўлмаган шаҳри Нуха шаҳрига бориб яшаб туришга рухсат беришини сўради. Унинг режасига кўра ана шу ердан туриб унга содиқ одамлар орқали Шомил билан оиласи ҳақида музокара олиб бориш қулай бўлар-

ди. Ундан ташқари, мусулмонлар шаҳри бўлган Нухада мачит бўлиб, у ана шу мачитда мусулмон қонунлари талаблари бўйича ибодатни тўлиқроқ бажара олиши мумкин эди. Воронцов Петербургга бу ҳақда хат ёздида, ўзи шу орада ҳар қалай Ҳожи Муродга Нухага кетишга ижозат берди.

Воронцов учун, Петербургдаги ҳукумат учун, шунингдек Ҳожи Мурод тарихини биладиган кўпгина руслар учун бу воқеа ё Кавказ жангидаги бахтли ҳодиса, ёки оддий қизиқ ҳодиса бўларди. Ҳожи Мурод учун эса бу, айниқса сўнги пайтларда, ҳаётидаги ўта хавfli бурилиш эди. Унинг тоғдан қочиб кетишига тўғри келганди. Унинг бир сабаби ўзининг жонини сақлаш бўлса, яна бир сабаби Шомилга нисбатан бўлган нафрати эди. Бу йўл унга қанчалик оғир бўлмасин, у ҳар қалай мақсадига эришганди, ва у ҳақиқатдан ҳам Шомилга қарши кураш режасини ишлаб чиққанди. Лекин унинг оиласини олиб чиқиб кетиш у ўйлагандан кўра оғирроқ эди. Унинг оиласини тутиб турган Шомил аёлларини овулларга тарқатиб юборишни, ўғлини эса ё ўлдириб, ё кўзини ўйиб олишини ваъда берганди. Энди Ҳожи Мурод Нухага ўтиб, ўзининг Доғистондаги содиқ тарафдорлари ёрдамида айёрлик ёки куч билан ўз оиласини Шомилнинг қўлидан тортиб олиш нияти бор эди. Нухадан келган айғоқчиси унга аварлар оиласини ўғирлаб, русларга олиб чиқиб беришга ваъда берганини айтган. Лекин бунга тайёр одамлар камлиги учун Веденодаги улар сақланаётган жойга чиқиш хавfli, шунинг учун қачон оила аъзоларини бошқа жойга олиб ўтмоқчи бўлса, шунда бу ишни албатта амалга оширишини маълум қилганди. Ҳожи Мурод дўстларига агар улар оиласини қутқарса, уч минг рубль беришни ваъда қилаётганини етказишни буюрди.

Нухада Ҳожи Мурадга мачитнинг ва хон саройининг яқинидан беш хонадан иборат унча катта бўлмаган уй ажратишди. Шу уйнинг ўзидан унга бириктирилган зобитлар, таржимон ва навкарлари ҳам жой олдилар. Ҳожи Мураднинг ҳаёти тоғдан келадиган айғоқчиларни кутиш ва қабул қилиш, шунингдек Нуха чеккалари бўйлаб берилган рухсат бўйича отда сайр қилиш билан ўтарди.

8 апрель куни сайрдан қайтиб келган Ҳожи Мурад ўзининг йўқлигида Тифлистан бир амалдор келганини билди. Амалдор унга қандай хабар олиб келганини билишга иштиёқи қанчалик баланд бўлмасин, Ҳожи Мурад амалдор ва уни кузатиб келган нозир кутиб ўтирган хонага эмас, ўзининг хонасига ўтиб, пешин намозини ўқиб олди. Ибодатдан сўнг у меҳмонхона ва қабулхона вазифасини бажарувчи хонага ўтди. Тифлистан келган мансабдор, семизгина штат маслаҳатчиси Кириллов Ҳожи Мурадга Воронцовнинг истагини етказди. Унга кўра Ҳожи Мурад ўн иккинчи числога Тифлисга етиб келиб у ерда Аргутинский билан учрашиши керак эди.

— Яхши, — жаҳл билан деди Ҳожи Мурад.

Унга мансабдор Кириллов ёқмаганди.

— Пулларни олиб келдингми?

— Олиб келдим.

— Энди икки ҳафатага, — деди Ҳожи Мурад ва бармоқлари билан аввал ўн, кейин яна тўрт рақамини кўрсатди. — Ол бу ёққа.

— Ҳозир берамиз, — деди мансабдар, йўл халтасидан ҳамёнини оларкан. — Бунга пул нимага керак экан? — деди у рус тилида назоратчига, Ҳожи Мураднинг рус тилига тушунмаслигига ишониб. Лекин Ҳожи Мурад тушуниб қўйганди. У шунинг учун Кириллов-



га жаҳл билан қаради. Пулларни чиқараркан, Кириллов қайтиб боргач князь Воронцовга бирон гап етказиш мақсадида Ҳожи Муродни гапга тутишга уринди. Ва таржимон орқали унга бу ерда зерикмаётганлиги ҳақида сўради. Ҳожи Мурод штат киймидаги қуролсиз бу кичкина семиз одамга нафрат билан қарадида, ҳеч нарса демади. Таржимон саволни қайтарди.

— Унга айт, менинг у билан гаплашгим йўқ. Пулларни берсин.

Шундай деб Ҳожи Мурод пулларни санамоқчи бўлиб, яна қайтиб столга ўтирди.

Кириллов олтинларни олиб, ўнта тилла тангадан етита устунчани териб (Ҳожи Мурод кунига беш олтин танга оларди), Ҳожи Муроднинг олдига суриб қўйди. Ҳожи Мурод олтинларни камзули енгига тўқдида, кутилмаганда маслаҳатчининг елкасига қоқиб, хонадан чиқиб кетди. Маслаҳатчи ўрнидан сакраб турдида, таржимонга қараб у бундай қилишга журъат қилмаслиги керак, чунки бунинг лавозими полковник мартабасида эканлигини таржима қилишини буюрди. Назоратчи ҳам шуни тасдиқлади. Ҳожи Мурод буни билишини бошини қимирлатиб билдирдида, хонадан чиқиб кетди.

— Бу билан энди нима қиласан, — деди назоратчи. — Ханжарини тиқиб олади, вассалом. Бунақанги шайтонлар билан келишиб бўлмайди. Кўрмаяпсанми, у қутураяпти.

Қоронғу тушиши билан тоғдан қулоқчинини кўзига ча ўраб олган иккита айғоқчи тушиб келди. Назоратчи уларни Ҳожи Муроднинг хонасига бошлаб кеди. Улардан бири қоп-қора, гўтшдор тавлин, иккинчиси озгин қария эди. Улар олиб келган хабар Ҳожи Мурод учун қувонарли эмасди. Унинг оиласини қутқармоқчи бўлган дўстлари Шомилнинг ким Ҳожи Мурод-

га ёрдам берса энг даҳшатли ўлим топишини эшитиб, қўрққанидан тўғридан тўғри фикридан қайтганди. Айғоқчиларни эшитиб бўлгач, Ҳожи Мурод айқаштирилган оёқларига тирсаклари билан таянган ҳолда, папаха кийган бошини қуйи солиб, узоқ вақт жим ўтириб қолди. У ўйланса ҳам қатъий ўйланди. У ҳозир, сўнги марта нимани ўйлаётганини биларди, ва қарор қабул қилиши керак эди. Ҳожи Мурод бошини кўтардида, иккита олтин тангани олиб, айғоқчиларга биттадан бердида, деди:

— Бораверинглар.

— Жавоб қандай бўлади?

— Худо насиб қилгани бўлади. Боринглар.

Айғоқчилар ўринларидан туриб кетишди, Ҳожи Мурод эса тирсакларини тиззаларига тираб гиламда ўтиришда давом этди. У узоқ вақт шундай ўтириб ўйланди.

“Нима қилиш керак? Шомилга ишониб, унинг ёнига қайтиб бориш керакми? — ўйлади Ҳожи Мурод. — У тулки, — алдайди. Агар у малла ёлғончи ёлғон гапирмаганда ҳам унга бўйсинмаслик керак. Чунки у энди мен руслар томонида бўлганим учун ҳам менга ишонмайди”.

Ва у қўлга тушиб, одамлар орасида яшаган, кейин эса тоққа, ўзлариники ёнига қайтиб борган лочин ҳақидаги тавлин эртагини эслади. Ўша лочин оёғидаги тушовда учиб борганди, тушовга эса қўнғироқчалар осилганди. Лочинлар уни қабул қилишмади. “Қаерда сенга кумуш қўнғироқчалар таққан бўлса, ўша ерга қайтиб уч, — дейишибди улар. Бизнинг кишанларимиз ҳам, қўнғироқчаларимиз ҳам йўқ”. Лочин ватанини тарк этгиси келмабдида, шу ерда қолибди. Лекин бошқа лочинлар уни қабул қилишмабдида, чўқиб ташлашибди.

“Мени ҳам шундай чўқиб ташлашади”, — ўйлади Ҳожи Мурод.

“Шу ерда қолсинми? Рус подшосига Кавказни бў-  
сундириб бериш эвазига шон-шухрат, мартаба ва бой-  
ликка эга бўлсинми?”

“Бу мумкин”, — уйлади у, ўзининг Воронцов би-  
лан учрашганини ва қари князнинг хуш ёқадиган сўз-  
ларини эслаб.

“Лекин ҳозир бир қарорга келиши керак, акс ҳол-  
да оиласини йўқ қилади”.

Ҳожи Мурод кечаси билан ухламай уйланиб чиқди.

### XXIII

Ярим тунда унинг режаси ишлаб чиқилганди. У  
тоққа қочиб, содиқ аварлар билан бирга Веденого бо-  
стириб кириб, ё ўлиши, ёки оиласини қутқариши керак-  
лиги ҳақидаги қарорга келди. Оила аъзоларини олиб,  
русларга қайтиб келадими ёки уларни олиб Хунзах-  
га қочиб бориб, Шомил билан жангни давом эттира-  
дими, — Ҳожи Мурод буни ҳал қилмади. У фақат  
ҳозир руслардан тоққа қочиб кетиш кераклигини би-  
ларди. Ва у ҳозир қарорини амалга оширишни бошла-  
ди. Ёстиқнинг тагидан қора пахтали камзулини олди-  
ди, ўзининг навкарлари ётган хонага ўтди. Уларни бог  
соясини ажратиб турарди. У эшиги очик ҳовлига чиқи-  
ши билан уни ойнанинг шудрингли салқин ҳавоси қур-  
шаб олди. Қулоқларига эса боғда сайраётган бир неча  
булбулларнинг овози чалинди.

Соядан ўтиб, Ҳожи Мурод навкарлари хонаси эши-  
гини очди. Бу хонада чироқ йўқ эди. Фақат ой ўзи-  
нинг биринчи чорагида деразадан нурини сочиб турар-  
ди. Бир чеккада стол ва иккита стул турарди. Тўрт-  
тала навкарлар ҳам ерда, гилам устида енгсиз босма  
чакмонини ёзиб ётарди. Ханаф ҳовлида отларнинг ёни-

да ётарди. Ҳамзало эшик гичирлаганини эшииб, ўр-  
нидан турдида, Ҳожи Мурадга қаради. У эканлиги-  
ни билиб, яна жойига қайтиб ётди. Унинг ёнида ёт-  
ган Элдор эса сакраб ўрнидан турдида, буйруқни ку-  
тиб, чакмонини кийди. Қурбон ва Мағом хон ухла-  
шарди. Ҳожи Мурад чакмонини стол устига қўйгани-  
да чакмон нима биландир ёғочга урилди. Бу унга ти-  
килган олтин тангалар эди.

Буларни тикиб қўй, — деди Ҳожи Мурад бугун ол-  
ган олтинларни Элдорга бераркан.

Элдор олтинларни олиб, ёруғликка чиқдида, ханжа-  
ри тагидан пичоқчани олиб, чакмоннинг астарини сўта  
бошлади. Ҳамзало ётган жойидан туриб, оёқларини ай-  
қаштириб ўтириб олди.

— Ҳамзало, йигитларга милтиқ ва тўппончалари-  
ни кўздан кечириб, порохларни тайёрлаб қўйишларини  
буюр. Эртага узоққа кетамиз, — деди Ҳожи Мурад.

— Порох ҳам, ўқлар ҳам бор, тайёр бўлади, — деди  
Ҳамзало ва бир нималар деб тушунарсиз ириллаб қўйди.

Ҳамзало нима учун Ҳожи Мурад милтиқларни  
ўқлашни буюрганини тушунди. У бошидан, кейин ҳам,  
тобора кучлироқ бир нарсани хоҳлаётганди: рус кўппа-  
кларини имкони борича ўлдириш, сўйиш ва тоққа қо-  
чиш кераклигини. Энди буни Ҳожи Мурад ҳам хоҳла-  
ётганини кўрди ва бундан мамнун эди.

Ҳожи Мурад кетганидан кейин Ҳамзало дўстлари-  
ни уйғотдида, тўртталаси туни билан милтиқ ва тўп-  
пончаларини, запал ва чақмоқтошларини қайта-қай-  
та кўриб, ёмонларини яхшиларига алмаштириб, столга  
янги порохларни тўкиб, гильзаларни порохларнинг ўл-  
чанган миқдорлари билан тўлдириб, мойланган латта-  
ларга ўралган ўқларни тайёрлаб, қилич ва ханжарлари-  
ни чархлаб, тигини чўчка ёғи билан мойлаб чиқдилар.

Тонга яқин Ҳожи Мурод таҳорат учун сув олиш мақсадида яна ҳовлига чиқди. Боғда тонг олдидан кечагидан ҳам кучлироқ сайраётган булбуллар овози эшитилди. Навкарлар хонасида эса тошга ишқалаб қайралаётган ханжарнинг бир маромда шигиллаши эшитиларди. Ҳожи Мурод тик турган ёғоч бочкадан сув олиб хонаси эшигига яқинлашганда, муридлари хонасидан чархнинг товушидан бошқа Ҳожи Муродга таниш қўшиғини куйлаётган Ханафнинг ингичка овозини эшитди. У тўхтадида, қўшиқни тинглади.

Қўшиқда қандай қилиб Ҳамзат ўз йигитлари билан бирга руслар томонидан оқ отлар подасини ўғирлаб қочгани ҳақида ҳикоя қилинади: Кейин эса, қандай қилиб Терек ортида рус князи уларни қувлаб етиб, ўрмондек катта қўшини билан қуршаб олгани куйланарди. Кейин эса Ҳамзат отларни сўйиб, йигитлари билан отлар уюми ортидан туриб токи қуролларида ўқ, белларида ханжар ва томирларида қон бор экан, руслар билан жанг қилади. Ўлимидан аввал Ҳамзат осмондаги қушларга қараб: “Эй, учиб ўтаётган қушлар, бизнинг уйларимизга учиб борингларда, сингилларимизга, оналаримизга ва оппоқ қизларга айтинглар, биз ғозават учун ҳалок бўлдик. Уларга айтингларик, бизнинг танамиз қабрда ётмайди, суякларимизни очкўз бўрилар ташиб кетади ва кемиради, қора қаргалар эса кўзларимизни ўйиб олишади”.

Шу сўзлар билан қўшиқ якунига етди. Ва қўшиқнинг охирги гамгин куйланаётган сўзларига қувноқ Мағом хоннинг жарангдор овози жўр бўлдида, қўшиқни қаттиқ қичқириб тугатди. Кейин ҳаммаси жим бўлиб қолдида, яна боғдан булбулларнинг сайраши ва эшик ортидан онда-сонда тош-устиди сирпанаётган темирнинг овози эшитилди.

Ҳожи Мурод шу қадар ўйга чўмгандики, ҳатто қўлидаги кўзани энгаштириб, ундан эса сув тўкилаётганини ҳам сезмай қолди. У ўзига-ўзи бошини силкитиб қўйдида, ичкарига кириб кетди.

Тонги намозни адо қилиб бўлгач, Ҳожи Мурод ўз қуролини кўздан кечирдида, тўшагига ўтирди. Бошқа қиладиган иш йўқ эди. Ташқарига чиқиш учун эса назоратчидан рухсат сўраш керак эди. Ҳовли ҳали қоронғу, назоратчи эса уйқуда эди.

Ханафнинг қўшиғи унга онаси тўқиган яна бошқа бир қўшиқни эслатиб юборди. Бу қўшиқда ҳақиқий бўлган воқеа — Ҳожи Мурод энди туғилган пайтдаги воқеа акс этганди. Буни у кейин онасидан эшитганди.

Қўшиқ шундай куйланарди:

“Сенинг пўлат ханжаринг кўксимни ёрди, мен эса унга қўйгандим қуёшим-ўғлимни. Уни ювдим-қоним-билан ва битди ярам гиёҳсиз. Мен ўлимдан қўрқмаганимдек, ўғлим ҳам қўрмайди, у йигит”.

Бу қўшиқ сўзлари Ҳожи Муроднинг отасига қаратилганди. Унинг маъноси шундан иборат эдики, Ҳожи Мурод туғилган пайти хон бека ҳам ўғил — Умма хонни туққанди. Ҳожи Муроднинг онаси аввал унинг катта ўғли Абунунцални ҳам эмизганди. Хон бека бу сафар ҳам Ҳожи Муроднинг онасини чақириб, янги чақалоқни эмизишини талаб қилади. Патимат эса ўз ўғлини қолдириб, у ерга боришдан бош тортади. Ҳожи Муроднинг отаси жаҳли чиқиб хотинига боришни буюради. У яна бош тортганда, ханжари билан унга зарб бериб йиқитади. Агар уни шу ердагилар қутқариб қолмаганида эди, ўлдириб қўярди. Шундай қилиб, у аёл ўғлини эмизади ва жонини сақлаб қолади. Қўшиқ эса ўша воқеага бағишланганди.

Ҳожи Мурод онасини ёд олди: У боласини ёнига олиб уй устида пўстин тагида ётганида, ўша қўшиқни куйлаб берганди. Бола эса онадан биқинида қолган яра изини кўрсатишини сўраганди. У ҳозир ҳам онасини тирикдек кўз олдига келтирди. Қариган, ажин босган ҳолда эмас (Ҳожи Мурод уни шу ҳолда қолдириб келганди), балки ёш, чиройли ва кучли ҳолда ёд олди. Ўша йиллари беш ёшли жуссаси оғир Ҳожи Муродни ёлкасига опичиб, тоғ оша бувасиникига олиб борган йиллар эди.

У, шунингдек юзларини ажин босган, калта соқоли, кумуш югуртирувчи заргар бувасини ҳам ёд олди. Унинг ёдига қандай қилиб буваси чайир қўллари билан кумуш зарб қилганларию, неварасини дуо ўқишга мажбур қилгани тушди. Онасининг этагидан ушлаб тоғ тагидаги булоққа сув олибкелгани борганларини хотирлади. У оғилхонага сигир соғишга борган онасининг ортидан эргашгани, онаси сутни пиширгани, қайнаётган айрон тутунининг ҳиди ва таъми ёдига тушди. Шунда озғин ит келиб юзларини ялаганди. Илк бор онаси унинг сочини қириб олганини, кейин у деворда осиглиқ турган мис тоғорада ўзининг аксини, кўкимтир рангдаги юмалоқ тақир бошчасини томоша қилганини эслади.

У ўзининг ёшлигини эслар экан, ўзи сочини қириб олган севимли ўғли Юсуф эсига тушди. Энди Юсуф ёш, келишган йигит бўлиб етишган. Ўғли унинг кўз ўнгиди охирги марта кўргани ҳолда гавдаланарди. У Целъмесдан чиқиб кеганида содир бўлганди. Ўғли отни тутқазди туриб, кузатиб қўйишга ижозат сўради. У кийиниб, қуролланиб, отининг тизгинидан ушлаб турганди. Юсуфнинг қизарган, ёш, чиройли юзи ва баланд, ингичка гавдасидан (у отасидан баланд эди) ёшлик жа-

сорати ва ҳаёт қувочнчи уфуриб турарди. Ҳали ёш бўлишига қарамай елкалари кенг эди. Жуда кенг, ёш йигитга хос тос суюги ва ингичка, узун қомати, узун ва кучли қўллари, ундаги куч, қайишқоқлик, ҳар бир ҳаракатидаги чаққонлик отасини қувонтирарди, ва у ҳаммиша ўғлини севарди.

— Яхшиси қол, ўғлим., — деди Ҳожи Мурад. — Энди сен уйда ёлғизсан. Онангни ва бувингни асра.

Ва Ҳожи Мурад шунда ўғлининг қизариб, — ҳали мен тирик эканман, онамга ва бувимга ҳеч ким ёмонлик қилмайди, — деганида унинг юзида ёшлик ва мағрурлик ўз ифодасини топганини ёд олди. Шунда барибир Юсуф отига ўтириб, отасини анҳоргача кузатиб қўйганди. У анҳордан орқага қайтганди, ва шундан бери Ҳожи Мурад на хотинини, на онасини, на ўғлини кўрмади.

Энди Шомил мана шу ўғлининг кўзларини ўйиб олмоқчи бўлибди! Хотинини нима қилиши ҳақида эса ўйлашни ҳам хоҳламади.

Бу фикрлар Ҳожи Мурадни шундай тўлқинлантириб юбордики, у бошқа жойида ўтира олмасди: Ўрнидан сакраб турдида, оқсаб бориб эшикни очиб, Элдорни чақирди. Қуёш ҳали чиқмаса ҳам, тонг анча ёруғ эди. Булбуллар эса сайрашдан тинмасди.

— Назоратчига бориб менинг сайрга чиқмоқчи эканлигимни айт, кейин эса отларни эгарла, — деди у.

## XXIV

Бутлернинг ягона юпанчиги у ўзи нафақат хизматда, ҳатто шахсий ҳаётида ҳам берилган жанговар поэзия эди. У черкесча кийиниб олиб, от чоптирарди, Богданович билан икки марта пистирмага бориб



келганди. Зеро ҳар иккала ҳолда ҳам улар ҳеч кимни тутмаганлар ва ўлдира олмаганлар ҳам. Бу мардлик ва таниқли жасур Богданович билан бўлган дўстлик Бутлер учун қандайдир ёқимли ва муҳим эди. У еврейдан катта фоизга қарз олиб қарзини тўлаб бўлганди. Яъни ечилмаган муаммони бир оз узоқлаштирганди, холос. У ўз аҳволи ҳақида ўйлашни хоҳламасди. Жанговар поэзиядан бошқа яна шаробдан таскин топарди. Фақат мана шу икки нарса унга унитилишга ёрдам берарди. Тобора кўпроқ ичарди ва кун сайин ахлоқий ожизлаша борди. У энди Марья Дмитриевнага нисбатан ажойиб Иосиф эмасди, аксинча, унга жуда қўпол шилқимлик қиларди, энг ажабланырлиси шунда эдики, ўзини уятга қўядиган даражада қаттиқ қаршиликка дуч келарди.

Апрель ойининг охирларида истехкомга отряд келди. Бу отрядни Багрятинский бутун ўтиб бўлмайдиган Чеченистон бўйлаб бошламоқчи бўлган янги ҳаракати учун мўлжаллаганди. Бу ерда иккита Кабардин ротаси бўлиб, бу роталар Кавказ урф-одати бўйича Куринскда турган роталар томонидан меҳмон сифатида қабул қилинганди. Аскарлар казармаларга бўлиниб жойлашиб, нафақат кечки овқат, бўтқа, мол гўшти билан, шунингдек ароқ билан ҳам сийланарди. Зобитлар эса зобитлар уйига жойлаштирилиб, одатдагидек бу ерлик зобитлар уларни меҳмон қилишарди.

Меҳмондорчиликлар ароқ ичиш ва қўшиқ куйлаш билан яқунланарди. Иван Матвеевич эса қизариб эмас, оқарган ҳолда стулга миңиб ўтириб олардида, қиличини олиб, тасавуридаги ёвларни чопиб кетарди. У гоҳ сўкинарди, гоҳ қаҳ-қаҳ отиб куларди, гоҳ қучоқлашарди, охирида эса ўзининг сеvimли қўшиғи, — “Шомил ўтиб кетган йилларда бош кўтарган эди, трай-рай-ра-

татай, ўтиб кетган йилларда”, — куйига монанд рақс тушарди:

Бутлер ҳам шу ерда эди. У мана шу ҳолатда ҳам жанговар поэзияни кўришга тиришарди. Лекин қалбининг тўридан Иван Матвеевичга ачинсада, уни тўхта-тиб бўлмасди. Ва Бутлер калласида озроқ мастликни ҳис қилгач, секин чиқдида, уйига жўнади.

Тўлинган ой оқ уйларни ва йўлдаги тошларни ёритарди. Шунчалик ёруғ эдики, йўлдаги ҳар бир тошча; сомонча, белгилар кўриниб турарди. Уйга яқин келиб, Бутлер боши ва елкасини ёпиб ўраб олган рўмолда Марья Дмитриевнани кўрди. Марья Дмитриевнанинг қаршилигидан кейин Бутлер бир оз уялиб, унга дуч келиб қолишдан ўзини олиб қочиб юрарди. Энди ойнанинг ёруғида ва бир оз ичганлигидан Бутлер қувониб кетди ва яна унга эрқалангиси келиб кетди.

— Қаёққа йўл олдингиз? — сўради у.

— Чолимдан хабар олишга, — дўстона жавоб берди Марья Дмитриевна. У Бутлернинг мулозаматини бутунлай самимий ва қатъий инкор қилганди, лекин охириги пайтларда Бутлернинг ундан ўзини олиб қочиб юриши Марья Дмитриевнани бироз ноқулай аҳволга соларди.

— Нима қиласан уни йўқлаб, келади.

— Келармикан?

— Келмаса, олиб келишади.

— Ана шуниси яхши эмасда, — деди Марья Дмитриевна. — Нима, бормайми?

— Йўқ, борманг. Яхшиси уйга юринг.

Марья Дмитриевна орқасига бурилдида, Бутлер билан бирга уйига кетди. Ой шундай ёритиб турардики, йўл ёқалаб кетаётган соя ёнида яна бир бош ярқираб кетарди. Бутлер ўша ярақлаган бошга қараб, у ҳар қалай унга ёқишини айтмоқчи эди, лекин қандай бошлаш-

ни билмасди. У эса унинг сўзлашини кутарди. Улар шундай жим ҳолда юриб, деярли уйга яқинлашиб қолганди, бурчакдан икки отлик кўринди. Соқчилар қуршовида бир зобит келарди.

— Ким экан у бемаҳалда? — деди Марья Дмитриевна ва ўзини четга олди.

Ой чавандознинг елкасини ёритганди. Марья Дмитриевна у ёнларига келганида таниб қолди. Бу аввал Иван Матвеевич билан бирга хизмат қилган зобит Каменев эди.

— Петр Николаевич, сизми? — мурожаат қилди унга Марья Дмитриевна.

— Худди ўзлари бўламан, — деди Каменев. — Э, Бутлер! Салом! Ҳали ухламаяпсиларми? Марья Дмитриевна билан сайр қилиб юрибсанми? Қаранглара, Иван Матвеевич кўрсатиб қўяди сенларга. Қаерда у?

— Ана эшитаяпсизми, — деди Марья Дмитриевна, қўшиқ ва куй эшителиётган томонга ишора қилиб. — Ишрат қлаяпти.

— Бу нимаси, сизларники ишрат қилишаяптими?

— Йўқ, Хасав-Юртдан келишган экан, меҳмондорчилик қилишаяпти.

— Бу яхши нарса. Мен ҳам улгураман. Мен бир лаҳзага кириб ўтаман.

— Нима эди, ишинг бормиди? — сўради Бутлер.

— Арзимас иш бор.

— Яхшими, ёмонми?

— Кимга қандай! Биз учун яхши, кимларгадир ёқимсиз, — дедида, Каменев кулиб қўйди.

— Бу орада пиёдалар ҳам, Каменев ҳам Иван Матвеевичнинг уйига яқинлашиб қолдилар.

— Чихирев! — қичқирди казакка Каменев. — Қани бу ёққа келчи.

Дон казаги бошқалар орасидан чиқдида, отида яқинлашиб келди. Казак оддий Донликларга хос кийинганди: этикда, шинелда ва эгар оша осилган тўрваси билан.

— Қани, нарсани олчи, — отдан туша туриб деди Каменев.

Казак ҳам отдан тушдида, тўрвадан ичида бир нарсаси бор қопни қўлига олди. Каменев казак қўлидаги қопни олдида, ичига қўлини солди.

— Сизларга янгиликни кўрсатайми, қўрқиб кетмай-сизларми? — у Марья Дмитриевнага мурожаат қилди.

— Нимадан ҳам қўрқардим, — деди Марья Дмитриевна.

— Мана унда, — деди Каменев, одамнинг кесилган бошини оларкан ва уни ой нурига тутиб. — Та-нийсизларми?

Бу сочи қиртишлаб олинган, пешонаси кўзлари олдида бўртиб чиққан бош бўлиб, ияги яхши қиртишланган, мўйловлари олинган эди. Бир кўзи очиқ, иккинчиси ярим ёпиқ, бурнидан оқиб чиқиб қотиб қолган қонга беланган чала-ёрилган қиртишланган бош. Бўйни эса қонга беланган сочиқ билан ўралганди. Барча яраларига қарамай, кўкариб кетган лабларида болаларча меҳр акс этганди.

Марья Дмитриевна кўрдида, ҳеч нима демай ўтирилиб, уйи томон тез юриб кетди.

Бутлер қўрқинчли бошдан кўзини уза олмай қолди. Бу яқиндагина мана шундай кечаларда бирга дўстона суҳбатлашган Ҳожи Муроднинг боши эди.

— Бу қандай содир бўлди? Уни ким ўлдирди? Қаерда?, — сўради у.

— Қочмоқчи эди, ушлаб олдик, — деди Каменев ва бошни казакка берди. Ўзи эса Бутлер билан бирга уйга кирди.

— Лекин мардларча ўлди, — деди Каменев.

— Бунинг ҳаммаси қандай содир бўлди?

— Шошмай туринг, Иван Матвеевич келсин, ҳаммасини батафсил гапириб бераман. Мен ахир шунинг учун жўнатилганман. Барча истехкомларга, овулларга олиб бориб кўрсатишим керак.

Иван Матвеевичга одам жўнатилганди, ва у маст ҳолда, ўзига ўхшаб хурмасига сиққунича ичиб олган иккита зобит билан бирга уйига қайтиб келдида, Каменевни қучоқлай кетди.

— Мен эса сизнинг ҳузурингизга келдим, — деди Каменев. — Ҳожи

Муроднинг бошини келтирдим.

— Ёлгон гапираяпсан! Ўлдирдиларингми?

— Ҳа, қочмоқчи эди.

— Мен айтдимку, алдайди — деб. Қани у? Бош? Кўрсатчи.

Казакни чақирдилар, ва у қопни олиб кирди. Бошни чиқарди ва Иван Матвеевич уни маст кўзлари билан узоқ томоша қилди.

— Лекин ҳар қалай у мард эди, — деди у. — Бер, уни мен бир ўпай.

— Ҳақиқатдан ҳам шижоатли бош эди, — деди зобитлардан бири.

Ҳаммаси кўриб бўлгач, уни яна казакка қайтариб беришди. Казак бошни қопга солдида, қопни полни таққиллатиб юбормаслиги учун авайлаб ерга қўйди.

— Каменев, сен нима учун бошни кўрсатаётганингда ўзингча гапириниб қўяяпсан? — сўради бир зобит.

— Йўқ, бер уни мен бир ўпай. У менга қилич совға қилганди, — қичқирди Иван Матвеевич.

Бутлер эшик олдида чиқди. Марья Дмитриевна иккинчи пиллапойда ўтирарди. У Бутлерга қарадида, шу заҳотиёқ жаҳл билан орқага ўтирилди.

— Сизга нима бўлди, Марья Дмитриевна? — сўради Бутлер.

— Ҳаммаларингиз қонхўрсилар. Кўрарга кўзим йўқ. Худо ҳаққи, қонхўрсилар, — деди у ўрнидан тура туриб.

— Ҳамма билан шундай бўлиши мумкин, — деди Бутлер, нима дейишини билмай. — Буни уруш деб қўйибдилар.

— Уруш! — қичқириб юборди Марья Дмитриевна. — Қанақанги уруш? Қонхўрсилар, вассалом. Ўлик танани ерга қўйиш керак, улар эса масхара қиляптилар. Худо ҳаққи, қонхўрсилар, — такрорлади у ва эшик олдидан кетиб, орқа эшикдан уйга кириб кетди.

Бутлер меҳмонхонага қайтиб кирдида, Каменевдан нима бўлгани ҳақида батафсил сўзлаб беришини сўради. Каменев сўзлаб берди. Воқеа мана бундай бўлганди.

## XXV

Ҳожи Муродга шаҳар атрофида казаклар кузатувида отда сайр қилишга рухсат берилганди. Нухадаги казаклар сони бор-йўғи элик нафар бўлиб, улар ҳам раҳбарлар ихтиёрига ўнтадан ажратилганди. Қолганларини эса буйруқ бўйича ўнтадан кун ора нарядга қўйишарди. Шунинг учун ҳам биринчи кун ўнта казак жўнатишганди. Кейин эса Ҳожи Муроддан ҳамма навкарларини ўзи билан бирга олмасликни сўраб, бештадан одам жўнатишга қарор қилинди. Лекин 25 апрелда Ҳожи Мурод сайрга бешала навқари билан чиқди. Ҳожи Мурод отига минаётганда қўшин бошлиғи унинг бешала навқари ҳам у билан кетмоқчи эканлигини сезиб қолди, ва унга ҳаммани ўзи билан олишга рухсат берилмаслигини айтди. Лекин Ҳожи Мурод эшитмасликка олиб, отини ҳайдади ва қўшин бошлиғи бо-

шқа қистовга олмади. Казаклар билан бирга полиция унтер-офицери, Георгий унвони кавалери, ёш, қайноқ қон, бақувват рус йигит Назаров ҳам бор эди. У зим-масида қари онасини учала қизи ва икки нафар укаси билан бирга боқиш турган, ўзи эса камбағал оиланинг отасиз ўсган тўнғич фарзанди эди.

— Қара, Назаров, узоққа қўйиб юборма! — қичқирди қўшин бошлиғи.

— Эшитаман, жаноби олийлари, — жавоб берди Назаров ва узангида кўтарила туриб, бир қўли билан елкасида милтигини ушлаб ўзининг йирик, дўнг тумшук отини чоптирди. Орқасидан тўртта казак кетишди: Ферापонтов, узун, арриқ, биринчи ўғри ва топоғон, худди ўша Хамзалога порох сотган; хизмат муддати тугаб бораётган, ёши ўтган Игнатев, у кучига ишонган бақувват эди; Мишкин эса кучи йўқ ёш йигитча, унинг устидан ҳамма куларди; ва ёш оч малла сочли Петраков, онасининг ёлғиз ўғли, ҳамиша хушмуомала ва қувноқ эди.

Эрталабдан туман эди. Лекин нонушта вақтигача ҳаво очилиб кетди, ва қуёш ҳозир очилган барғни ҳам, ёш майсани ҳам, энди униб чиқаётган буғдойни ҳам, йўлнинг чап томонида кўриниб турган тез оқар дарёнинг четан гулларини ҳам ялтирата бошлади.

Ҳожи Мурод секин кетарди. Казаклар ва унинг навкарлари ортидан қолмай эргашиб келардилар. Қалъа ортидаги йўлга югурмай чиқиб олишди. Қаршисидан бошига сават қўйган аёллар, гичирлатиб хўкиз судраб кетаётган аравадаги аскарлар чиқдилар. Бирон чақиримча юрганидан кейин Ҳожи Мурод ўзининг оқ кабардинини югуртирди. У отини шундай чоптирардики, унга етиб олиш учун навкарлари бор кучи билан отларини югуртирарди. Казаклар ҳам худди шундай.

— Эҳ, унинг тагида яхши от борда, — деди Феррапонтов. — Агар от юввош бўлмаганида, уни жойига тушириб қўядим.

— Ҳа, ука бу отга Тифлисида уч юз рубль берган.

— Мен эса ўзимникида ундан ўзиб кетаман.

— Қандай етиб оласан, — деди Феррапонтов. Ҳожи Мурод эса тезликни тобора оширарди.

— Ҳей, биродар, ундай мумкинмас. Секинроқ! — қичқирди Назаров Ҳожи Муродга етиб оларкан.

Ҳожи Мурод ўгирилиб қарадида, ҳеч нарса демасдан тезликни туширмай йўлида давом этди.

— Қара, булар нима қилишмоқчи, шайтонлар, — деди Игнатов. — Кўряпсанми, бизни туширишмоқчи.

— Мен мумкин эмас деяпман! — яна қичқирди Назаров. Ҳожи Мурод жавоб бермади ҳам, бурилиб қарамади ҳам, фақат янада тезликни оширди.

— Алдаяпсан, қоча олмайсан! — жаҳли чиқиб ичқирди Назаров.

У ўзининг йирик малла отини қамчилади, ва узангида тик туриб олиб, олдинга энгашиб, бор кучи билан уни Ҳожи Муроднинг ортидан қўйди.

Осмон шундай тиниқ, ҳаво шундай мусаффо, ҳаёт кучи Назаровнинг қалбида шундай қувнаб ўйнардик, у ўзининг оти билан битта бўлиб, текис йўлда Ҳожи Муроднинг ортидан қувиб кетаркан, унинг калласига бирон ёмонлик, қайғули, қўрқинчли ўй келмасди. У ҳар сакраганида тобора Ҳожи Муродга яқинлашиб бораётганидан хурсанд эди. Ҳожи Мурод йирик отнинг туёқ товушидан билдики, яқинлашиб келаётган одам ҳозир унга етиб олиши керак. У ўнг қўлини тўппончага чўзди, чап қўли билан кабардин тезлигини тушира бошлади.

— Мумкин эмас деяпман! — Ҳожи Мурод билан деярли тенглашиб қичқирди Назаров, бир қўлини эса



унинг отининг жиловига чўзди. Лекин жиловни ушлашга улгурмасидан ўқ узилди.

— Сен нима қилаяпсан? — кўксини чангалаб қиқирди Назаров. — Болалар, ўлдиришлар уларни, — дея олди, ва гандираклаб эгар қошига йиқилди.

Лекин тоғликлар казаклардан аввалроқ қуролларини олишга улгургани, ва казакларни тўппончалардан отиб, қилич билан чопдилар. Назаров атрофида дўстларининг чопиб келаётганидан қўрққан отининг бўйнида осилиб ётарди. Игнатовнинг оти йиқилиб, унинг оёғини эзиб қўйди. Икки тоғлик қиличларини суғуриб, отдан тушмасдан унинг қўллари ва бошини тилим-тилим қилиб ташладилар. Петраков дўстига ёрдамга ташлангани, иккита ўқнинг бири қорнига, иккинчиси биқинига келиб тегди ва у отдан қопдек юмалаб тушди.

Мишкин отини орқага бурдида, қалъага қараб чопди. Ханаф ва Мағом хон Мишкиннинг орқасидан чопдилар. Лекин у анча узоқда бўлганлиги учун тоғликлар уни қувиб ета олмадилар.

Казакни қувиб етишига кўзи етмагач, Ханаф ва Мағом хон ўзлариники томон қайтдилар. Ҳамзало Игнатовни ханжар билан ўлдириб, Назаровни ҳам отидан тушириб сўйиб ташлади. Мағом хон ўлганлардан ўқ тўрваларни ечиб олди. Ханаф Назаровнинг отини олмоқчи эди, Ҳожи Мурод унга керак эмас деб қиқирди ва йўл бўйлаб олдинга от чоптириб кетди. Унинг муридлари ортидан от қўйиб, йўл-йўлакай уларга қўшилиб югураётган Петраковнинг отини ўзларидан узоққа қувиб юбордилар. Минорада тревогани билдирувчи ўқ узилганида улар Нухадан уч чақиримча узоқда гуруч даласи орасида кетиб борарди.

Петраков кесилган қорни билан чалқанча тушиб ётарди. Ва унинг ёш юзи осмонга бурилган ҳолда, балиқдек ҳиққиллаб жон берди.

— Оталарим, менинг оталарим, нима қилиб қўйдиларинг! — бошини чангаллаб қичқирди Ҳожи Муроднинг қочганини эшитган қалъа бошлиғи. — Бошини узибди! Қўлдан чиқариб қўйибмиз, қароқчилар! — қичқирди у Мишкиннинг хабарини эшита туриб.

Тревога ҳамма жойда эълон қилинганди, ва қочганларнинг ортидан нафақат мавжуд казаклар жўнатилганди, имкон қадар тинч овуллардаги барча милиционерлар ҳам йиғилганди. Ҳожи Муроднинг ўлиги ё тиригини олиб келган одамга минг рубль мукофот эълон қилиниши билан ва Ҳожи Мурод дўстлари билан казаклардан қочиб қутулганидан икки соат ўтиб, қочганларни излаб топиб ушлаш учун назоратчи ортидан икки юздан ортиқ отлиқ киши югуриб кетдилар.

Катта йўлдан бири неча чақирим югуриб ўтиб, Ҳожи Мурод ўзининг оғир нафас олаётган ва тер босган отини тўхтатди. Йўлнинг ўнг томонида Меларджик қишлоғининг уйлари ва минораси кўринди. Чап томонда эса дала бўлиб, охирида дарё кўринди. Тоққа томон йўл ўнг томонда бўлишига қарамай, Ҳожи Мурод, қувиб келаётганлар уни ўнга бурилади деб ўйлашини ҳисобга олиб, қарама-қарши томонга, чапга бурилди. У Алазань дарёсидан йўлсиз кечиб ўтиб, ҳеч ким кутмайдиган катта йўлга чиқиб олади, ундан ўрмонга етиб олади. У ердан яна дарёни кесиб ўтиб ўрмон орқали тоққа чиқиб олади. Шу қарорга келиб, у чапга бурилди. Лекин дарёга етиш имкони йўқ эди. Булар кесиб ўтиши керак бўлган гуруч даласи ҳар йили кўклам суғориларди. Бу сафар ҳам энди далага сув қўйилганди ва у ботқоққа айланганди. Унда отлар бўйнигача бо-

тиб кетарди. Ҳожи Мурод ва унинг навкарлари бирон қуруқроқ йўл топиш мақсадида ўзларини ўнга, чапга олдилар. Лекин бу даланинг барча жойи бир маромда сугорилганлигидан, ҳамма жойи ботқоққа айланганди. Отлар тиқинларнинг паққиллашига ўхшаш товуш чиқариб чўкаётган оёқларини шилимшиқ ва ёпишқоқ лойдан суғириб олардида, бир неча қадам юриб тўхтадилар.

Шу аҳволда улар шунчалик кўп уриндиларки, тонг ҳам ота бошлади. Улар ҳали дарёга ета олмагандилар. Чап томонда шох-шаббалар барглари чирмашиб кетган оролча бор эди, ва Ҳожи Мурод ўша буталар орасига кириб, отларга дам бериб, тун кириб келишини кутишга қарор қилди.

Бутазор орасига кириб, Ҳожи Мурод ва унинг навкарлари отларидан тушдилар, ва уларни тушовлаб, ўтлашга қўйиб юбордилар. Ўзлари эса олиб олган пишлоқ ва нонларини еб олдилар. Аввал ёритиб турган янги ой тоғ ортига ўтдида, тун қоронғулашди. Нухада булбуллар кўп эди. Бу бутазорда ҳам иккитаси бор эди. Ҳожи Мурод ўзининг одамлари билан шовқин қилиб, бутазорга кириб келиб жойлашиб олгунича булбуллар жим туришди. Лекин одамлар тинчигандан сўнг улар яна сайрай бошлашди. Тунни эшитаётган Ҳожи Мурод уларни ҳам тинглади.

Уларнинг сайраши бугун тунда сувга чиққан пайти эшитган Ҳамзаднинг қўшигини эслатди. У энди ҳар дақиқада Ҳамзат бўлган ҳолатда бўлиши мумкин эди. У шундай бўлишини ўйладида, бирдан жиддий тортди. У чакмонни тўшаб, намоз ўқиди. Энди ибодатни тугатган ҳам эдики, буталарга яқинлашиб келаётган товушлар эшитилди. Бу ботқоқлик бўйлаб шапилаб келаётган кўп сонли отлар оёқларининг товуши эди. Ўткир кўз Магом хон бутазорнинг чеккасига ўтиб, қоронғуликда

бутазорга яқинлашиб келаётган отлиқ ва пиёдаларнинг сояларини кўрди. Ханаф худди шундай тўданинг бошқа томондан келаётганини кўрди. Бу ўезд қўшин бошлиғи Карганов ўз милиционерлари билан бирга эди.

“Нима ҳам қилардик, Ҳамзат каби жанг қиламиз”, — ўйлади Ҳожи Мурод.

Тревога эълон қилинганидан сўнг Карганов юзлаб милиционер ва казаклар билан Ҳожи Муроднинг ортидан қувиб кетганди. Лекин ҳеч қаердан унинг ўзини ҳам, изини ҳам топа олмаганди. Карганов кеч бўлганда умидсиз ҳолда уйига қайтаётганда бир татар чолга дуч келди. Карганов{13} чолдан олтига отлиқни кўрган-кўрмаганлиги ҳақида сўради. Чол кўрганини айтди. Қандай қилиб олтига отлиқ гуруч даласида айланиб-айланиб, у ўтин тераётган бутазорга кириб кетганлигини хабар қилди. Карганов чолни ўзи билан бирга олиб, ортга қайтди ва тушовланган отларни кўриб, Ҳожи Муроднинг шу ерда бўлганлигига ишонч ҳосил қилди. Тунда бутазорни қуршаб олдида, Ҳожи Муроднинг ўлигини ё тиригини тутиш мақсадида тонгни кутди.

Қуршовда эканлигини тушунган Ҳожи Мурод жойлашиб олиш ва ўқлари ва кучлари борича жанг қилиш учун буталар ўртасида ариқни мўлжаллади. У фикрини дўстларига баён қилди ва уларга тезда ариқда уюм тайёрлашни буюрди. Навкарлар шу заҳотиёқ шоҳларни чопиб, ханжарлари билан ерни ковлаб тепалик тайёрлашга киришиб кетдилар. Ҳожи Мурод улар билан бирга ишга тушди.

Тонг ёришиши билан юзбоши командир бутазорга яқин келиб бақирди:

— Эй! Ҳожи Мурод! Таслим бўл! Биз кўпчиликмиз, сизлар эса озчилик.

Унга жавобан зовурдан тутун кўриндида, милтиқ овози чиқди. Ўқ келиб, милиционернинг отига тегди ва у йиқила бошлади. Унга жавобан бутазор чеккасида турган милиционерларнинг милтиқлари тарақлаб ота бошлади. Уларнинг ўқлари чийиллаб учиб келиб, барглар ва шохларга тегиб, уларни тўкиб туширарди, лекин тепалик ортидаги одамларга тегмасди. Фақат Хамзало олиб келган от ўқдан йиқилди. У бошидан яраланганди. У йиқилмади, лекин тушовни узиб юбориб, шохларни шақирлатиб, бошқа отларга ташланди. Ва уларнинг пинжига кириб, ўт-ўланларни қонга беллади. Ҳожи Мурод ва унинг одамлари онда-сонда, фақат бирон милиционер олдинга чиққанида отарди, ва камдан-кам уларнинг ўқлари зое кетарди. Милиционерлардан уч киши яраланди. Шундан кейин ҳам милиционерлар нафақат Ҳожи Мурод ва унинг одамларига ташланмади, аксинча, тобора улардан узоқлаша борди ва фақат узоқдан таваккалига отардилар.

Бир соатдан зиёд шу аҳвол давом этди. Қуёш ярим дарахт бўйи кўтарилди. Ҳожи Мурод отларга миниб дарё томон ёриб чиқишга уринмоқчи эди, етиб келган яна бир катта тўданинг бақирган овозлари эшитилди. Бу Мехтулинлик Ҳожи оға ўзининг одамлари билан эди. Улар икки юз киши эди. Ҳожи оға бир вақтлар Ҳожи Муроднинг оғайниси эди ва у билан бирга тоғда яшаганди. Кейин эса руслар томонга ўтган. У билан Ҳожи Муроднинг душманининг ўғли Ахмад хон ҳам бирга эди. Ҳожи оға ҳам Карганов каби Ҳожи Муродга таслим бўлишини талаб қилиб, қичқирришдан бошлади. Лекин худди аввалги сафаргидек, Ҳожи Мурод ўқ узиб жавоб берди.

— Йигитлар, қилични қўлга олинглар! — қичқирди Ҳожи оға, ўзининг қиличини суғурар экан. Юз

лаб одамларнинг бақришиб бутазорга отилган овозлари эшитилди.

Милиционерлар буталар орасига кириб кетишди, лекин уюм орқасидан бирин-кетин бир неча ўқ овозлари эшитилди. Учталар чамаси одам йиқилди, ва ҳужумга ўтганлар тўхташди, бутазор чеккасида ҳам отишма бошланди. Улар отардилар, ҳам секин-аста бутадан бутага ўтиб уюмга яқинлашиб келардилар. Баъзилари буталардан ошиб ўтишга улгурарди, баъзилари эса Ҳожи Мурад ва унинг йигитлари ўқларига дучор бўлишарди. Ҳожи Мурад беҳато урарди, Хамзало ҳам камдан-кам хато отардию, лекин ҳар сафар ўқи нишонга текканида қувончдан қичқирарди. Қурбон зовурнинг чеккасига ўтириб олиб ҳам қўшиқ куйлаб, ҳам отардию, лекин ўқлари кўпинча зое кетарди. Элдор эса бутун вужуди билан газабдан титраб, ханжар билан душманга ташланишдан ўзини аранг тутиб турарди. Лекин кўп отарди ва тинимсиз Ҳожи Мурадга қараб қўярди. Сертук Ханаф енгини шимариб олиб, шу ерда ҳам хизматкор вазифасини бажарарди. У Ҳожи Мурад билан Қурбон узатган милтиқларни ўқларди. Тез-тез шомпол учига ўралган мойланган латта ёрдамида ўқларни қуруқ порох билан тўлдирадиди, милтиқлар ичига жойларди. Муғом хон эса бошқалар каби зовурда ўтирмади. Отлар томон югуриб бориб, уларни хавсиз жойга қувиб ўтди ва бақришдан тўхтамасдан отарди. Уни биринчи бўлиб яралади. Ўқ бўйнига келиб тегди ва у қон тупуриб орқага ўтирди. Кейин Ҳожи Мурад яраланди. Ўқ унинг елкасини тешиб ўтди. Ҳожи Мурад камзулдан пахта суғуриб олдида, ярасига тиқиб қўйиб, яна отишни давом эттирди.

— Қўл жангига ўтамиз, — учинчи бор деди Элдор.

У уюм ортидан душманга отилмоқчи бўлиб чиқди ва шу заҳотиёқ унга ўқ тегди. У гандиракладиди, чалқанчасига, Ҳожи Муроднинг оёғи тагига йиқилди. Ҳожи Мурод унга қаради. Унинг чиройли қўй кўзлари Ҳожи Муродга синчков ва жиддий тикилиб турарди. Болаларникига ўхшаш устки лаби титрадию, лекин оғзини оча олмасди. Ҳожи Мурод унинг тагидан оёғини суғуриб олдида, кўзлашда давом этди. Ханаф Элдорнинг жасади устига эгилдида, унинг черкесча камзулидан тезда отилмаган ўқларни териб ола бошлади. Бу орада Қурбон шошилмай қуролини ўқлаб ва кўзлаб, қўшиқни давом эттирарди.

Душманлар, қийқириб, чинқириб, бутадан бутага ўтиб, тобора яқинлашишарди. Ҳожи Муроднинг чап биқинига яна ўқ тегди. У ариқ ичига ётдида, яна камзулидан пахта олиб, ярасига қўйди. Ёнбошидаги яра хавfli эди ва у ўзини ўлаётгандек ҳис қилди. Хотиралар ва қиёфалар бирин-кетин мисли кўрилмағ тезликда кўз ўнгидан ўта бошлади. Гоҳ у бир қўли билан чопилган юзини ушлаб, иккинчи қўлидаги ханжар билан душманга ташланаётган кучли Абунунцал хонни кўрарди, гоҳ ожиз, қони йўқ оппоқ, лекин айёр юзли Воронцовни кўриб, унинг юмшоқ овозини ҳам эшитарди. Гоҳ ўғли Юсуф, гоҳ рафикаси Софиат, гоҳ эса юзи оқариб кетган, малла соқоли, ва қисилган кўзлари билан душмани Шомил кўз ўнгидан ўтарди.

Ва бу хотираларнинг барчаси унинг кўз ўнгидан унинг ҳеч қандай ҳиссиётини уйғотмай ўтарди: ачиниш ҳам, хусумат ҳам, ҳеч қандай истак ҳам йўқ эди. Буларнинг ҳаммаси ҳозир бошланган нарсанинг олдида унинг учун аҳамиятсиздек туюларди. У орада унинг кучли танасида бошланган нарсга таъсирига тушганди.

У бор кучини тўпладида, уюм ортидан кўтарилиб, тўп-понтчаси билан яқинлашиб келаётган одамга қарата ўқ узди ва нишонга аниқ текизди. Одам йиқилди. Кейин у чуқурдан бутунлай чиқди-да, оқсашига қарамай, қўлидаги ханжар билан тўғри душманларга қараб йўл олди. Бир неча ўқлар узди, у гандираклаб кетдида, йиқилди. Бир неча милиционерлар тантанали ийқириқ билан йиқилган жасадга ташландилар. Лекин улара ўлик бўлиб туюлган тана бирданига қимирлай бошлади. Дастлаб, папахасиз, сочи қириб олинган қонли боши, кейин танаси кўтарилди, кейин эса дарахтга таяниб у бутунлай ўрнидан турди. У шундай қўрқинчли тус олдики, югуриб келаётганлар тўхтаб қолдилар. Лекин у бирданига титрадида, дарахтдан четлаб бўйи баробар-тик турган ҳолда ўрилган чакамуғдек юзи билан йиқилди ва қайтиб турмади.

У ҳаракатсиз эди, лекин ҳис қиларди. Биринчи бўлиб югуриб келгани Ҳожи оға ханжар билан унинг бошига урганида, унга худди болға билан бошига ураётгандек туюлди ва у ким нима учун бундай қилаётганини тушуна олмади. Бу унинг онгининг танаси билан сўнги алоқаси эди. Бошқа у ҳеч нарсани сезмади. Душманлари уни тепкилади, ва энди у билан ҳеч қандай алоқаси йўқ нарсани кесди. Ҳожи оға унинг елкасидан оёғи билан босиб, икки зарбада бошини узиб олдида, шиппагини қон қилмаслик учун авайлаб оёғи билан тепиб юборди. Артерия қон томири ва бўйнидан қип-қизил, бошидан эса қора қон отилиб чиқиб, майсани бўяди.

Карганов ҳам, Ҳожи оға ҳам, ва Аҳмед хон ҳам, ва яна барча милиционерлар, худди ўлдирилган ўлжасининг устида турган овчилардек Ҳожи Мурод ва унинг одамлари танаси устида йиғилдилар (Ханаф, Қурбон



ва Ҳамзалонинг қўлларини боғладилар), ва порох ту-  
туни ва буталар орасида туриб, ўз ғалабаларини тан-  
тана қилдилар.

Отишма пайти жим бўлиб қолган булбуллар яна сай-  
рай бошладилар: дастлаб бири яқиндан туриб, кейин  
эса қолганлари узоқдан.

Ҳайдалган дала ўртасидаги ўрилган чақамуғ менга  
мана шу ўлимни эслатганди.

## ТОҒЛИҚЛАР СЎЗЛАРИНИНГ ЛУҒАТИ

**Абрек** (черкес тилида) — қочоқ тоғлиқ, қароқчи.

**Аварлар** — Ўрта Доғистонда жойлашган энг кўп халқ.

**Адат** (араб тилида) — қадимийлик билан муқаддаслаштирилган.

**Айя** (нўғай тилида) — ҳа.

**Аманат** (араб тилида) — гаров тариқасида ушланган.

**Ана** (қумиқ тилида) — она.

**Бар** (қумиқ тилида) — бор.

**Баранчук** (қумиқ тилида) — бола.

**Бу** [о] лур (қумиқ тилида) — бўлади.

**Гурда** (чечен тилида) — Кавказда ҳамма нарсадан қадрли ҳисобланган қилич ва ханжарлар уста Гурда номи билан юритилади. (Л.Н. Толстойнинг “Қазаклар” асарига изоҳи).

**Имом** (араб тилида) — мусулмонларда олий диний ва дунёвий ҳокимиятни ўзида жамлаган ҳоким.

**Йўқ** (қумиқ тилида) — йўқ.

**Хуш келибсиз** (қумиқ тилида) — “Хуш келибсиз” (Л.Н. Толстойнинг “Қазаклар” асарига изоҳи).

**Қумғон** (қумиқ тилида) — узун чумаги ва дастаси бор кўзасимон идиш.

**Қўноқ** (турк тилида) — дўст, ўртоқ.

**Қурбон байрами** (араб тилида) — мусулмонларнинг энг муҳим байрами.

**Қурпей** (қумиқ тилида) — папаханинғ тепаси.

**Минора** (араб тилида) — мачит минораси.

**Мутавалли** (араб тилида) — мадраса ўқувчиси.

**Муаззин** (араб тилида) — мачитнинг азон айтиб назомга чорловчи ходими.

**Мурид** (араб тилида) — шогирд, “ҳақиқат истовчи”. “Мурид сўзи кўп маънога эга. Бу ерда хос соқчи ва адъютант ўртасида қўлланилган” (Л.Н. Толстойнинг “Хужум” асарига изоҳи).

**Муршид** (араб тилида) — Муриднинг диний устози.

**Ноиб** (араб тилида) — “Ноиб деб Шомил бошқарувининг бирон қисми ишониб топширилган одамлар аталганлар” (Л.Н. Толстойнинг “Хужум” асарига изоҳи).

**Намоз** (форс тилида) — мусулмонлар томонидан бир кунда беш марта амалга оширалидиган ибодат.

**Ноговица** — оёқ кийимининг бошлиқсиз, қўнж қисми.

**Навкар** (форс тилида) — хизматчи, хос осқчи.

**Пешкеш** (форс тилида) — совға.

**Пильгиши** (чечен тилида) — ичига бирон нима солинган чучварасимон таом.

**Сардор** (форс тилида) — тоғликларда қўшинни бошқарадиган бош ҳукмдор — Кавказдаги подшонинг вакили.

**Соғ бўл** (қумиқ тилида) — соғ бўл.

**Тариат** (араб тилида) — кўчманчи ҳаёт тўғрисида мусулмонларнинг диний илими.

**Тўй** (қумиқ тилида) — мусиқа, қўшиқ куйлаб ва рақс тушиб ўтказиладиган базм.

**Тудумбаса** (форс тилида) — мусиқий зарбли асбоб.

**Улан яхши** (қумиқ тилида) — азамат йигит.

**Хинкал** (авар тилида) — ўткир ҳушбўй хамирдан тайёрланган нон.

**Хозири** (араб тилида) — патронлар учун кўкракнинг иккала томонига осиб қўиладиган махсус ғилоф.

**Чихирь** (қумиқ тилида) — ёш шароб.

**Шариат** (араб тилида) — Қурон ва бошқа муқаддас китобларга асосланган мусулмон қонунчилиги.

**Шайх** (араб тилида) — диний мураббай.

## ИЗОҲЛАР

<sup>1</sup> ...рус бошлиққа, Воронцовга, князга. — Воронцов Семен Михайлович (1823—1882) Кавказ бўйича подшонинг вакили М. С. Воронцовнинг ўғли, флигель-адъютант, Курин ўқчилар полки командири.

<sup>2</sup> ... рота командири Полторацкий... — Полторацкий Владимир Алексеевич (1828—1889) — подпоручик, Курин полкидаги рота командири, кейинчалик — генерал. Унинг “Хотиралар” материалдан Толстой томонидан “Ҳожи Мурод” асари устида ишланганда фойдаланилган.

<sup>3</sup> Воронцов Михаил Семенович (1782—1856) — 1844 йилдан 1854 йилгача подшонинг Кавказдаги вакили.

<sup>4</sup> Мюрат Иоахим (1767—1815) — Наполеон маршали.

<sup>5</sup> Клюки-фон-Клюгеану Франц Карлович (1791—1851) — генерал-лейтенант, Шимолий Доғистонда қўшинга қўмондонлик қилган. Толстой Кюгеану билан Ҳожи Муроднинг ёзишган хатлари ва унинг ёзувларидан (“Рус ўтмиши”, 1876, № 6; “Кавказ округи штабининг ҳарбий тарихий бўлими” хужжатлари) фойдаланган.

<sup>6</sup> Лорис-Меликов Михаил Тариелович (1825—1888) — М.С.Воронцовнинг адъютанти, кейинчалик йирик давлат арбоби, ички ишлар вазири. “Ҳожи Мурод” асарининг XI ва XIII бобларида Лорис-Меликовнинг Ҳожи Мурод ва унинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояси ёзилган (“Рус ўтмиши”, 1881, № 3).

<sup>7</sup> Қози-мулла (1794—1832) — Чеченистон ва Доғистоннинг ғозават (мусулмонларнинг “динсизлар”га қарши муқаддаси жанги) эълон қилган биринчи имоми. 1832 йилда Гилерда барон Розен қўмондонлигидаги қўшин

томонидан қуршаб олинган ва ўлдирилган. Ундан кейин имом бўлиб Ҳамзад бек бўлди (1789–1834). Учинчи имом Шомил бўлган (1797–1871).

<sup>8</sup> Мансур Хасс Мухаммад — Кавказдаги мусулмон воизи.

<sup>9</sup> ...Воронцов ҳарбий вазир Чернишевга қуйидагини ёзди. — Толстой француз тилида Воронцовнинг хатининг асл нусхасининг таржимасини келтиради.

<sup>10</sup> ... Захар Чернишевнинг... — Чернишев Захар Григорьевич (1797–1862), граф, декабрист, Шимолӣ сирли жамият аъзоси. 1825 й. 14 декабрь воқеаларида бевосита иштирок этмаган. Леин тўр йилга каторгага ҳукм қилинган, кейин эса сургунга юборилган. Замондошларнинг гувоҳлик беришича, ушбу оғир суд ҳукми Николай I нинг энг яқин ёрдамчиси А.И.Чернишевнинг декабристлар фитнасини йўқ қилиш бўйича олиб борган ишлари натижаси эди. Каторга ишларига сургун қилинган Захар Чернишевнинг фамилиядоши А. И. Чернишев унинг меросига эга чиқишга уринган. (Бу ҳақда “И. Д. Якушкиннинг ёзувлари, мақолалари, хатлари” да ўқинг. М., СССР ФА нашриёти, 1951, 110-111 бетлар).

<sup>11</sup> ... Ермолов режаси... — Ермолов Алексей Петрович (1777–1861) — генерал, 1817 йилдан 1827 йилгача Грузиядаги бош бошқарувчи, “Кавказ бош консули”.

<sup>12</sup> Бярятинский Александр Иванович (1814–1879), князь, генерал, 1856 йилдан Кавказдаги вакил. 1859 йилда у Шомилни таслим бўлишга мажбур қилган. Толстой А. И. Бярятинский билан шахсан таниш эди.

<sup>13</sup> Корганов Иосиф Иванович — Нуха шаҳрининг уезд қўшин бошлиғи. Ҳожи Мурод қочишдан аввал унинг уйида яшаган. Қисса устида ишлай туриб, Толстой Коргановнинг рафиқасидан Ҳожи Мурод ҳақи-

да нимани эсласа, унинг қочиши ва ўлими борми, барча-барчаси ҳақида хабар беришини илтимос қилиб муурожаат қилган. Масалан, Толстойни Ҳожи Муроднинг оз бўлсада рус тилида гапириши, у қочмоқчи бўлган отларнинг кимники эканлиги, унинг қай даражада чуқур оқсаши, у билан бирга қочган муридлари қандай одамлар эканлиги ҳам қизиқтирган. (т. 74, 10-11 бетларга қаранг).

## КАВКАЗ АСИРИ

### I

Кавказда бир барин офицер бўлиб хизмат қиларди. Унинг исми Жилин эди.

Бир куни унга уйидан хат келибди. Қари онаси унга ёзибди: “Кексайиб қолдим, ўлимимдан олдин севимли ўғилгинамни кўришни истайман. Келиб мен билан хайрлаш, ўзинг қабримга топшир, кейин у ёғига худо подшо, хизматинга қайтаверасан. Мен сенга қиз топиб қўйдим: ақлигина, кўхликкина, ер-мулки ҳам бор. Ёқтириб қолсанг, уйланарсан ва бутунлай қоларсан”.

Жилин ўйланиб қолди: “Ростан ҳам онам аҳволи яхши эмасга ўхшайди, уни кўра олмай қолишим мумкин. Бориб келишим керак, қиз яхши бўлса, уйланарман ҳам”.

Полковникка учрашиб, таътил олди, дўстлари билан хайрлашди, аскарларига хайрлашув муносабати билан тўрт челақ ичимлик берди ва йўлга чиқди”.

Ўша вақтда Кавказда уруш кетарди. На кундузи, на кечаси йўлда ўтиш йўқ эди. Бирон рус қалъадан узоқлашди дегунча, татарлар (у вақтларда Шимолий Кавказ тоғликларини татарлар деб аташарди, улар мусулмон бўлиб, шариатга асосан турмуш кечирардилар) ё ўлдиришарди, ё тоққа олиб кетиб қолишарди. Шунда ҳафтада икки марта аскарлар ҳамроҳлигида бир қалъадан иккинчисига бориш йўлга қўйилганди. Олдинда ва орқада аскарлар борган бўлса, ўртада халқ борарди.

Ёз маҳали эди. Қалъа ортида эрта тонгда карвон йиғилди, уларга ҳамроҳлик қилувчи аскарлар келиб қўшилди ва йўлга тушишди. Жилин отда кетарди, нарсалари эса орқада келаётган карвонда эди.

Йигирма беш чақирим юриш керак эди. Карвон аста борарди: ё аскарлар тўхтаб қоларди, ё қайсидир арава-нинг филдираги чиқиб кетарди, ё отларнинг бири юрмай туриб қоларди. Шунда ҳамма туриб кута бошлайди.

Қуёш тикка келганди, карвон эса энди ярим йўлни ҳам босиб ўтди. Чанг-тўзон, жазирама иссиқ, қуёш шундай куйдирар эдики, ундан паноҳ йўқ эди. Яланғоч чўл: йўлда на дарахт бор, на булоқ учрайди.

Жилин олдинга ўтиб кетди, тўхтаб унга карвон етиб олишини кута бошлади. Яна кимнингдир араваси филдираги чиқиб кетди, карвон тўхтаб қолди. Шунда Жилин “Аскарларсиз ўзим кетаверсам-чи? Отим учқур, татарларга дуч келсам, қочиб қоламан. Ёки бормасам экан?..”

Тўхтаб ўйланиб қолди. Шу вақт олдига бошқа офицер Костилин қуроли билан отда келди ва унга қараб шундай деди:

— Кел, Жилин ўзимиз кетамиз. Қорним очиб кетди, жазира иссиқлигини қара. Кўйлагимни олиб сиқсанг бўлади. — Костилин баҳайбат, семиз эди, у қизариб кетган бўлиб, устидан тери куйилиб келарди. Жилин ўйланиб деди:

— Қуролинг ўқланганми?

— Ўқланган.

— Унда кетдик. Ғақат келишиб олайлик тарқалиб кетиш йўқ.

Улар олдинга қараб кетдилар. Улар даштдан борар эканлар, ўзаро гаплашишар ва атрофга қараб қўйишарди. Атрофда узоқлар кўриниб турарди.



Дашт тугаб, икки доғ орасидан ўтувчи йўлга чиққандилар. Жилин ҳамроҳига деди:

— Тоққа чиқиб, атрофга қараб қўйиш керак. Бўлмаса, тоқдан чиқиб келишса, кўрмай қоламиз.

Костилин эса шундай деди:

— Нимани кўрасан? Олдинга кетаверайлик.

Жилин унга қулоқ солмади.

Йўқ, - деди, - сен пастдан қараб тур, мен тепага чиқаман.

У отини чапга, тоғ томон йўналтирди. Жилин остидаги овга мослашган от бўлиб, худди қанот қоққандай уни тик қияликка учириб кетди (у отни тойчоқлигида лўлилардан юз рублга сотиб олган ва ўзи уни қўлга ўргатганди). Энди тепаликка чиққанди ҳамки, не кўз билан кўрса — олдида бир десятина жойда (десятина — бир гектардан ошиқроқ ер ўлчов бирлиги) отлик татарлар турибди. Ўттизга яқин одам. Уларни кўрди-ю, орқага отини бурди, шу вақт татарлар ҳам уни кўриб қолишди ва у томонга отларини учириб, милтиқларини қолипидан ола бошладилар. Жилин бор кучи билан отини пастга ҳайдади ва шу вақтда Костилинга бақирди:

— Куролингни чиқар, - ўзи эса оти ҳақида шундай хаёлларни ўтказди: “Онажон, қутқар, ишқилиб оёғи қоқилиб кетмасин, бўлмаса — тамом. Милтиққача етиб олсам, ўзим ҳам таслим бўлмасдим”.

Костилин эса кутиб туриш ўрнига татарларни кўриши билан қалъага қараб отини чоптириб кетди. Отини бир у томондан, бир бу томондан қамчилаб кетарди. Кўтарилган чангда отнинг силкитиб кетаётган думигина базўр кўринарди.

Жилин кўрдик, ишлар чатоқ. Милтиқ кетиб қолди, биргина қилич билан ҳеч нима қилиб бўлмайди. Отини орқага қараб чоптирди, аскарларга етиб

боришни ўйлади. Олтита отлик унинг йўлини кесиб чиқиш учун чопиб кетишди. Тагида от яхши эди, бироқ уларнинг отлари янада яхшироқ бўлиб, ундан ўзиб, йўлини кесишди. У орқага бурмоқчи бўлганди, оти учиб кетди, ўзиям нақ татарларга қара. Қараса — қизил соқолли бир татар кул ранг отда унга яқинлашиб келмоқ. У тишларини гижирлатиб, милтигини ўқталиб келаётганди.

“Ҳа, - деб ўйлади Жилин, - сен иблисларни яхши биламан. Тириклайин қўлга туширса, ўрага ташлаб, қамчи билан савалашади. Тирик ҳолда қўлга тушиб бўпман”

Жилин баланд бўйли бўлмаса-да, эпчил эди. Қиличини кўтариб олиб, қизил татарга қараб от чоптирди ва “Ё от билан уриб тушираман, ё қилич билан чавақлайман” деб ўйлади.

Жилин оти билан жойига етиб бормасдан туриб, орқасидан милтиқдан ўқ узишди ва у бориб отига тегди. От бутун гавдаси билан ерга қулаб, Жилиннинг оёғини босиб қолди.

Ўрнидан турмоқчи бўлганди, устига икки сасиқ татар чиқиб, қўлларини орқага қайиришди. У отилиб туриб, татарларни улоқтириб юборди, яна учтаси отда келиб қолганди, улар ҳам қўндоқ билан сола бошлади. Кўз олдим қоронғулашиб, оёқларимда тура олмай қолдим. Татарлар уни қўлга олишди, эгардан захира қоринбоғни ечиб олдилар ва унинг қўлини орқага қилиб, татарча тугун билан маҳкам боғладилар, кейин эгарга ортдилар. Бош кийимини ечиб олишди, этикларини тортиб олишди, ҳеч нима қолдиришмади — пул, соатни олишди, кўйлагини йиртиб ташлашди. У бечора ён бошига йиқилганча ётарди, оёқлари билан типирчиларди-ю, ергача етиб бормасди; бошида тешик бўлиб, ундан қора қон оқарди, бир аршин ерни ҳўл қилганди.

Татарларнинг бири отга яқин келиб, эгарни еча бошлади, у эса ҳамон типирчиларди, шунда татар ханжарини олиб, бўғзига тортиб юборди. Томоғидан ҳуштак овози келди, бир силкиниб олди, буғ чиқди.

Татарлар эгар-жабдуқни ечиб олишди. Қизил соқоли татар отга ўтирди, бошқалар эса Жилинни унинг ёнига ўтказишди, йиқилиб кетмаслиги учун уни татарга белидан қамар билан боғлаб қўйишди. Кейин тоққа олиб кетишди.

Жилин татар орқасида ўтириб кетарди, силкиниб, юзи билан татарнинг сассиқ орқасига уриларди. У фақат олдида татарнинг куракларини, гўштдор бўйини, шапкасининг остида кўкариб чиқиб турган сочи қирилган энсаси кўринарди. Жилин боши ёрилган бўлиб, қон кўзларига оқиб тушарди. Отда кетар экан, бирон ерини тўғрилашга, қонни артиб ташлашга ҳаққи йўқ эди. Қўллари шундай қайрилган эдики, ўмров суяги синай дерди...

Узоқ вақт тоққа қараб боришибди, дарёни кечиб ўтишди, йўлга чиқишиб, жарлик ёқалаб кетишибди. Жилин йўлни эслаб қолмоқчи бўлди, бироқ қон кўзини тўсиб, оча олмай қолди, атрофга аланглаш ҳам мумкин эмас.

Қош қорайиб қолди: яна бир дарёни кечиб ўтишди, тош йўлакдан кўтарила бошлашди, тутун ҳиди келди, итлар акиллашди. Овулга етиб келишди. Татарлар отларидан тушишди, уларнинг болалари йиғилиб, Жилинни ўраб олишди, пишиллаганча хурсанд бўлишарди, тош олиб ота бошлашди.

Татарлар болаларни ҳайдаб юборишди, Жилинни отдан туширишди ва хизматчини чақирди. Бир нўғой (Догистон аҳолиси, тоғлик миллат) келди, ёноқлари кенг, бир кўйлақда келди. Кўйлаги йиртилган бўлиб,

кўкраги очилиб ётарди. Унга татар ниманидир буюрди. Хизматчи кишан келтирди, икки дуб гўласи темир ҳалқаларига бириктирилган, ҳалқанинг бирида қулф айланаси билан бор эди.

Жилин қўлини ечиб, кишан кийдиришди ва омборхонага олиб кетишди, уни ўша ерга итариб юбориб, устидан қулфлаб қўйишди. Жилин гўнг устига йиқилди. Бироз ётди, қоронғуда пайпаслаб, юмшоқроқ жойни топиб ухлади.

## II

Деярли бутун кеча Жилин ухламади. Кечалар қисқа эди. Тирқишдан кун ёришиб келаётганини кўрди. Жилин ўрнидан туриб, тирқишни каттароқ ковлаб очиб, кузата бошлади.

Тирқишдан тоғ ён бағридан борувчи йўл кўринди, ўнг томонида татарлар сакляси (Кавказ тоғликларининг уйи) кўринди, уй олдида икки дарахт ўсарди. Қора ит остонада ётарди, эчки улоқчалари билан думини ликиллаганча юрарди. Бир маҳал қарасаки, тоғ томонидан бир ёш татар қизи келарди, устида белбоғли гулли кўйлак, оёғида лозим ва этик кийганди, боши кафтан билан ёпилган. Бошига катта сув тўла тунука кўзани қўйиб олганди. Юрганида қадди титраб, эгилиб борарди. Татар қизи сакляга борган эди, ичкаридан кечаги қизил соқоли татар чиқди, у устида ипак пешмат кийган, белбоғида кумуш ханжарини илиб олган ва бошмоқларини ялангоёқ илиб олганди. Бошида қўй терисидан тикилган баланд қора бош кийим бўлиб, орқасига бироз букиб қўйилганди. У керишиб, қизил соқолини силаб чиқди. Бироз қараб турди-да, хизматкорга иш буюриб, қаергадир кетди.

Отда икки бола сув томон ўтиб кетишгани кўринди. Отларнинг тумшукларининг ости хўл бўлганди. Яна бир қанча калбош болалар югуриб чиқишди, улар омборхона олдига келиб, тирқишдан чўп суқа бошлашди. Жилин бир “ух” дейиши билан болалар шаталоқ отиб қочишар, узоқдан чангда фақат яланғоч тиззалари ялтирарди.

Жилин томоғи қуриб сув ичгиси келди. “Келиб, хабар олишса бўларди” деб ўйлади. Бир маҳал омборхонанинг қулфи очилаётгани эшитилди. Қизил татар яна бошқаси билан келибди. Унинг бўйи пастроқ, қорачадан келган, кўзлари ҳам қора, юзлари қизил, соқоли кичкина, калта қирқилган, юзи кулиб турарди. Қорачаси янада яхшироқ кийинган эди, башмати кўк ипак матодан тикилган, галунчик тасма (галунчик — олтин ё кумуш рангдаги тасма) билан тикиб чиқилган. Белбоғидаги ханжари кумушдан, катта; бошмоқлари қизил сахтиён терисидан бўлиб, улар ҳам кумуш билан тикиб чиқилган. Ингичка бошмоқ устидан қалинини кийиб олган. Баланд шапкаси оқ қўй терисидан.

Қизил татар ичкарига кирди, бир нималарни валдиради, аниқ сўкинарди, у эшик ёндорига суянганича, ханжарини силкитди ва худди бўри каби кўз остидан қаради. Қорачадан келгани эса эпчил, тетик экан, худди пружина устида сакраб юргандай. У жундоқ Жилин олдига келиб, чўккалаб ўтирди, тишининг оқини кўрсатиб, унинг елкасини қоқиб қўйди. У кўзларини қоқиб ўзича бидирлай бошлади. Тинмай қўйидагини қайтарарди:

— Корошо урус! корошо урус!

Жилин тушунмай деди:

— Сув, сув беринг.

Қораси кулди.

— Корош урус, - яна ўзича бидирлади.

Жилин лаби ва қўллари билан сув ичишни исташи-ни билдирди.

Қораси тушунди ва ташқарига мўралаб, кимнидир чақирди:

— Дина!

Озгингина, нозиккина, ўттиз ёшлар атрофида бўлган қиз югуриб келди. У қорачадан келган татарга ўхшарди. Қизи бўлса керак. Унинг ҳам кўзлари қора, ёрқин, юзи чиройликкина. Узун кўк кўйлак кийган, белбоғи йўқ, енглари ҳам кенг экан. Этаги, бўйни олди, енгларига қизил тасма тикилган. Оёғида лозим ва бошмоқ, уларнинг устидан баланд пошнали бошмоқ кийган. Бўйнида эса рус тангаларидан иборат монисто (мунчоқ, рангли тош ёки тангалардан ясалган тақинчоқ) осилганди. Боши очиқ эди, сочи қора, кокиллари тасма бойланган, тасмада эса кумуш рубль ва тангалар осилган эди.

Отаси унга нимадир буюрди. Югуриб кетди ва яна қайтиб келди, тунука кўза кўтариб келди. Сувни бериб, ўзи чўкка тушиб ўтириб олди, шундай букчайиб олдики, елкалари тиззадан пастга тушди. Ўтириб олганча, худди бирон жониворни томоша қилгандай, Жилиннинг сув ичишини кўрди.

Жилин унга кўзани қайтариб узатди. Қиз эса худди ёввойи эчкидай сакраб тушди. Ҳатто отаси ҳам кулиб юборди. У яна иш буюрди. Қиз кўзани олиб югуриб кетди, кейин думалоқ тахта устида нон олиб келди ва яна ўшандай ўтириб олиб уни кузата бошлади.

Татарлар кетиб, эшикни қулфлаб кетишди. Орадан бир мунча вақт ўтиб, нуғой келиб, унга гапирга бошлади:

— Айда, хўжаин, айда!

У ҳам рус тилини билмас экан. Жилин унга қаергадир бориши кераклигини буюраётганини тушунди.

Жилин кишанлари билан юриб кетди, оқсоқланиб, оёгини боса олмасди. Нуғой орқасидан Жилин ташқарига чиқди. Унтача уй ва уларнинг гумбазли ибодатхоналаридан иборат татар қишлоғини кўрди. Уйларнинг бири олдида эгар-жабдуқли учта от турарди. Болалар тизгинидан ушлаб туришарди. Уйдан қорачадан келган татар чиқди ва Жилинни чақирганча қўлини силтади. Ўзи эса росса куларди, ўзича бир нималарни бидирлаб, ичкарига кириб кетди. Жилин уйга келди. Хона шинамгина, девор силлиқ қилиб лой сувоқ қилинганди. Олд деворда ола-була партўшаклар тахланган, ён деворларга қимматбаҳо гиламлар осилган бўлиб, уларга милтиқ, тўппонча ва қиличларни териб қўйишган — ҳаммаси кумушдан. Деворнинг бирида пол билан бир текис кискина печка бор эди. Пол ер бўлиб, топ-тоза, хонага наMAT ташланган бўлиб, унга гилам тўшалган, гилам устига ёстиқлар қўйилганди. Гиламда қора ва қизил татар, ҳамда учта меҳмон ўтиришарди. Уларнинг ҳаммаси пар ёстиққа суяниб олишган. Уларнинг олдида думалоқ тахталаларда қўймоқлар, бир идиш эритилган қўй ёғи ва кўзада татарча пиво — бўза турарди. Қўл билан овқат ейишар, қўллари ёғ бўлиб кетганди.

Қорасини ўрnidан туриб, Жилинни чеккага гиламга эмас, қуруқ ерга ўтказишни буюрди, меҳмонларга қўймоқ ва бўз тортиқ қила бошлади. Хизматкор Жилинни ўша жойга ўтказди, ўзи устки бошмоғини ечиб, бошқаларнинг оёқ кийимлари турган жойга ечди ва келиб хўжаинларга яқинроқ наMATга ўтирди. Уларнинг танавул қилишига қараб, ютиниб қўйди.

Татарлар қўймоқни еб олишгач, татар қиз каби кийинган, фақат бошида рўмоли бўлган аёл келди, у мой билан қўймоқларни олиб кетди. Кейин уларга оғзи тор кўза билан тоғорача берди. Татарлар қўлини ювиб олиш-

ди, кейин қўлларини тиззаларига қўйганча фотиҳа ўқишди. Сўнг ўзаро гаплашиб қолишди. Бир маҳал меҳмон татарларнинг бири Жилинга қараб русчалаб гапирди:

— Сени, - деди у, - Қози Муҳаммад қўлга олган, - қизил татарни кўрсатди, - Ва Абдулмуродга берди, - қорасини кўрсатди. Абдулмурод энди хўжаининг Жилин индамади. Абдулмурод гапира бошлади, у Жилинни кўрсатганча бир нима деб куларди.

— Солдат, урус, корошо, урус.

Таржимон гапирди:

— У сенга уйингга хат ёзиб, сени сотиб олишлари учун пул сўрашингни истайди. Пул юборишлари билан у сени қўйиб юборади.

Жилин ўйлаб деди:

— Қанча мен учун сўраяпти?

Татарлар ўзаро гаплашиб олгач, таржимон деди:

— Уч минг танга.

— Йўқ, - деди Жилин, - мен буни тўлай олмайман.

Адбул отилиб ўрнидан турди, қўлини силтаб, Жилинга худди тушунадигандай, бир нималарни гапирди.

Таржимон унинг сўзларини ўгириб деди:

— Қанча берасан?

Жилин ўйлаб деди:

— Беш юз.

Бир татарлар ўзаро тортишиб кетишди. Абдул қизил татарга оғзидан сўлакларини сачратиб бақирди. Қизил татар эса кўзини пир-пиратиб бидирларди.

Иккиси жим бўлгач, таржимон деди:

— Хўжаинга беш юз кам. Унинг ўзи сенга икки юз тўлаган. Қози Муҳаммад ундан қарзи бор эди. Мана шу қарзи эвазига унга сени берган. Уч минг рубль, тамом, бундан ками бўлмайди. Агар ёзмасанг, ўрага ташлаб, қамчи билан савалашади.



«Әх, - ұйлады Жилин, - буларга бұшлик қилсанг, ұзингга ёмон». У шартта ўрнидан туриб деди:

— Хой, сеними, ит, агар мени кўрқитмоқчи бўлса, унга айт, мендан бир копейка ҳам олмайди ва мен ҳеч кимга хат ёзиб ўтирмайман. Сен, итлардан кўрқмасдим, кўрқмайман ҳам.

Таржимон унинг гапларини етказган эди, яна ўзаро тортишиб кетишди.

Узоқ баҳсдан сўнг қора татар ўрнидан туриб, Жилин олдига келди.

— Урус, - деди, - жигит, жигит урус!

Уларнинг тилида жигит «баракалла, йигит» дегани. Кейин кулганча таржимонга бир нима деди:

— Минг рубль бер.

Жилин ўз сўзида туриб олди:

— Беш юз рублдан кўп бермайман. Ўлдирсаларинг — ҳеч нима ола олмайсизлар.

Татарлар ўзаро гаплашиб, хизматкорни қаергадир юборишди, ўзлари эса бир Жилинга, бир эшикка қараб қўйишади. Хизматкор қайтиб келди, ортидан баланд бўйли, тўладан келган, йиртиқ-чиртиқ кийимда кишанлаган одам ҳам кириб келди.

Уни кўриб Жилин қийқириб юборди, у Костилинни таниди. Уни ҳам қўлга туширишибди. Уларни ёнма ён ўтказишди: улар бир-бирига гапириб бера бошлашди, татарлар жим кузатишарди.

Жилин уни қандай қўлга олишганини гапириб берди; Костилин эса оти туриб қолгани, милтиги отилмай қолгани ва ўша Абдул унга етиб олгани ва асирга олганини айтди.

Абдул ўрнидан туриб, Костилинни кўрсатиб, бир нима дея бошлади. Таржимон айтишича, иккиси бир хўжаинга тегишли эканлиги, қай бири биринчи пул етказса, ўшани қўйиб юборишар экан.

— Мана, - деди Жилинга, - сен жаҳл қилиб ётибсан, дўстинг эса беозоргина экан; у уйига хат ёзди, беш минг танга юборадиган бўлишди. Уни энди яхши овқатлантиришади, ҳафа қилишмайди.

Шунда Жилин деди:

— Дўстим ўзи билади, балки у бойдир, мен эса бой эмасман. Мен қандай айтган бўлсам, шундай бўлади. Истасангиз ўлдилинг, беш юздан кўпини ёзмайман.

Жим бўлишди. Бир маҳал Абдул сакраб турди, сандиқни очиб, қалам билан қоғоз олиб, Жилинга берди ва “Ёз” дегандай елкасига қоқиб қўйди. У беш юз рубла рози бўлганди.

— Яна бир гап, - деди Жилин таржимонга, - унга айт, бизни яхши едириб-ичирсин, кийинтирсин, бизни бирга ушласин, кишанларимизни эса ечиб ташласин.

Ўзи эса хўжайнига қараб кулади, у ҳам унинг елкасини қоқиб кулади. Таржимонни эшитиб, деди:

— Черкаска камзули, этиклар, энг яхши кийимларни кийдираман, куёвдай бўласан. Худди князлардай таомлантираман. Бирга яшамоқчи бўлсалар, майли, ўша омборхонага бирга қўйинг. Кишанни ечмаймиз, қочиб кетишади, фақат кечасига ечамиз. — яна унинг олдига келиб елкасини уриб қўйди. — Сеники яхши, меники яхши!

Жилин хат ёзди, лекин шундай ёздики, у манзилга бормади. “Ўзим бир амаллаб қочаман” деб ўйлади.

Жилинни Костилин билан бирга омборхонага олиб боришди, у ерга маккажўхори пичанини ёзишди. Кўзада сув, нон, иккита дабдаласи чиққан эски аскар черкас этигини беришди. Ўлган аскарларникини тортиб олишгани аниқ. Кечасига кишанларини ечим, омборхонага қамашган.

## III

Шу тарзда Жилин ҳамроҳи билан тўлиқ бир ой яшадди. Хўжаин ҳар сафар уни кўрганда “Сеники Иван, яхши, меники Абдул, яхши” деб куларди. Уларни яхши боқишмасди, бир тариқдан нон беришса, бир хамирнинг ўзини беришарди. Костилин яна бир марта хат ёзди, пул келишини интизорлик билан кутарди, бегоҳат бўларди. Ё кун бўйи ўтириб хатни қачон ёзгани, неча кунда жавоб қайтишини кутарди, ё ухларди. Жилин эса хати етиб бормаслигини биларди, бошқасини эса ёзмади.

“Онам шунча пулни қаердан олади, - деб ўйларди у, - ўзи мен юбориб турган пулга кун кўрган бўлса. Беш юз йиғиш унга осон бўлмайди, худо берса, ўзим қочиб кетаман”.

У ҳаммаёқни кузатиб, қочиб кетиш йўлларини изларди.

У овулда юриб, ҳуштак чалади, ўтирганда ё лойдан қўғирчоқ ясайди, хивичлар турли идишлар тўқийди. Жилиннинг қўли гул эди.

Бир куни бурни, қўл-оёғи бўлган, татарча кийим кийган қўғирчоқни ясаб томга қўйди.

Татар аёллари сувга боришди. Хўжаин қизи Дина қўғирчоқни кўриб қолди ва бошқа татар қизларини чақирди. Қўзаларини ерга қўйиб, қўғирчоққа қарашар ва кулишарди. Жилин қўғирчоқни олиб уларга узатди. Қизлар кулишарди-ю, уни қўлга олишга журъат қилишмасди. Шунда у қўғирчоқни қолдирди-да, омборхонага кирди ва нима бўлишини кузата бошлади.

Дина югуриб келди, атрофга қараб қўйиб, қўғирчоқни олди-да, чопиб кетди.

Эрталаб қараса, Дина қўғирчоқ билан остонада турибди. Қўғирчоқни қизил мато билан ўраб, чақалоқдай тебратарди. Бир кампир чиқди, унга бақириб берди ва қўлидаги қўғирчоқни отиб юбориб, Динани қаергадир иш билан юборди.

Жилин бундан ҳам чиройли қўғирчоқ ясаб, қизга берди. Бир куни Дина кўза олиб келиб, унинг олди-га қўйди, ўзи Жилинга кўзани кўрсатиб қараб кулади.

«У нега хурсанд?» - ўйлади Жилин. Кўзани олиб ича бошлади. Сув деб ўйлаган эди, сут экан. Сутни ичиб олди.

— Яхши, - деди у.

Дина бирам қувондики!

— Яхши, Иван, яхши! — кўзани шартта олиб сакраб кетиб қолди.

Шундан бери қиз ҳар куни ўғринча сут олиб кела бошлади. Татарлар эчки сутидан пишлоқли нон қилиб, уни томда қуритишарди. Қиз шу нондан ҳам яширинча олиб кела бошлади. Бир сафар хўжайин қўй сўйганди, унга энгида қўй гўштини яшириб олиб келди. Олди-га ташлаб, қочди.

Бир куни кучли чақмоқ чақиб, челақдан куйгандай бир соат ёмғир ёғибди. Дарёлар лойқаланди. Қаерда кечув бўлса, у ерда уч аршин сув қоплаб, тошларни суриб юборди. Ҳамма ёқдан ариқчалар оқмоқда, тоғлардан гумбурлаган овоз келарди. Жилин хўжайиндан пичоқ сўраб олиб, валик, тахтачалар, гилдиракчалар ясади. У гилдиракчаларни ўзаро бирлаштириб икки томонга иккита қўғирчоқларни бириктириб қўйди. Қизлар матолардан парчалар олиб келишганди, бир қўғирчоқ эркак, иккинчиси аёл бўлди. Жилин гилдиракчаларни ариқчага қўйиб юборди, улар айланган сари, икки ёнидаги қўғирчоқлар бирма бир сакрарди.

Бутун қишлоқ йигилди: болалар, аёллар, ҳатто эрка-  
клар ҳам келишди ва улар шундай дейишарди:

— Балли, урус! Балли, Иван!

Абдулнинг рус соати бор эди, у бузилганди. У Жи-  
линни чақириб, унга кўрсатди. Жилин деди:

— Бер, тузатиб бераман.

Уни олиб, пичоқ билан очди, ҳаммасини ёйиб чиқди,  
кейин йигди ва соатни қайтариб берди. Соат юрарди.

Хўжаин хурсанд бўлиб, эскириб кетган пешматини  
олиб келди. Нима ҳам қилади — олди, ҳеч бўлмаса  
кечаси ёпинишга ярайди.

Ўшандан бери Жилин қўли гул уста сифатида та-  
нилди. Унинг олдига узоқ қишлоқлардан кела бо-  
шлашди: кимдир милтиғи ёки пистолетидаги қулфни,  
яна кимдир соатини созлатгани келишарди. Хўжаини  
унга иш қуролларини келтириб берди: аррача, ом-  
бур, қисқич.

Бир куни татар бетоб бўлиб қолди. Жилинга бо-  
риб, уни давола, дейишди. У эса қандай даволашни  
билмасди. Бориб қаради, балки ўз ўзидан тузалиб ке-  
тар деб ўйлади. У омборхонага бориб, сувга қум со-  
либ аралаштирди. Кейин татарлар олдида сувга нима-  
дир шивирлади ва беморга ичирди. Унинг бахтига та-  
тар тузалиб кетди. Жилин бироз уларнинг тилига ту-  
шуна бошлади. Унга ўрганиб қолган татарлар “Иван,  
Иван” деб чақириб қўйишмасди, яна бошқалари эса  
худди ҳайвонга қарагандай ўқрайишарди.

Қизил татар Жилинни ёқтирмасди. Кўриши билан  
қовоғини ўйиб, бошқа томонга қараб олади ёки урушиб  
беради. Улар орасида яна бир чол бор эди. У овулда  
яшамасди, тоғ адирларидан келарди. Жилин уни масжи-  
дга бориб, ибодат қилгани кетаётганида кўрган. У ки-  
чик бўйли бўлиб, бошида салласи бўларди. Соқол-мўй-

лови қирқилган, пардай оппоқ, юзи қип-қизил бўлиб, ажин билан бужмайиб кетган. Бурни қирғий тумшугидай, кўзлари ёвуз, кулранг, тиши қолмаган, фақат иккита қозик тиш сақланиб қолган. Чалма кийиб олиб, хассага суяниб боради, худди бўридай атрофга аланглаб кўяди. Жилинни кўриши биланоқ “Ух” тортиб, бошга тарафга ўгирилиб олади.

Бир куни Жилин тоғ адири томон бориб, чол қарда яшашини кўрмоқчи бўлди. Йўл тош девор билан тўсилган боққа олиб борди, унда гилос дарахтлари кўриниб турарди, боғ ўртасида ясси томли уй бор эди. У яқинроқ бориб, боғда пичандан ясалган ари инларини кўрди. Чол тиззасига чўкиб, ариларга қараётганди. Жилин яхшироқ кўриш учун баландроқ кўтарилган эди, кишанлари тарақлаб кетди. Чол шартта қаради ва бақириб юборди, белбоғидан тўппончасини олиб, Жилинга қараб отди. У тош орқасига яширишишга улгурди.

Чол хўжаинга шикоят қилиб келди. Хўжаин Жилинни чақирди ва ўзини кулгидан тия олмай сўради:

— Нега чол уйига бординг?

— Мен, - деди у, - унга ёмонлик қилганим йўқ. Шунчаки, қандай яшашини кўрмоқчи эдим.

Хўжаин унга таржима қилиб берди. Чол эса габадан пишилларди, сўйлоқ тишларини кўрсатиб, бақирарди ва Жилинга қараб кўллари билан пўписа қиларди.

Жилин тушунмаган бўлса-да, чол русларни овулда ушламай, ўлдиришни талаб қилаётганини тушунарди. Чол кетди.

Жилин чолнинг кимлигини сўрай бошлади. Хўжаин унга гапириб берди:

— У катта одам! У биринчи жигит бўлган, кўп русларни ўлдирган, бой бўлган. Уч хотини ва саккиз ўгли

бўлган. Ҳаммаси бир қишлоқда яшашган. Руслар келишди, бутун қишлоқни вайрон қилишди, етти ўғлини ўлдиришди. Бир ўгли қолганди, русларга сотилди. Чол ҳам бориб, русларга сотилди. Уларда уч ой яшади, у ерда ўғлини топиб, ўзи уни ўлдирди ва қочди. Ўшандан бери ҳарбийликни ташлади, ҳажга бориб келди, чалма кийиб юрадиган бўлди. Ким ҳажга борса, чалма кияди ва уни хожи деб чақиришади. У сизларни яхши кўрмайди. Сени ўлдиришимни талаб қилди, лекин сени ўлдирмади, сен учун пул тўлаганман, қўйиб ҳам юбормайман, бунга сўз бермаганман. — Кулганча русчасига валдиради: - Сеники, Иван, яхши - меники, Абдул, яхши!

#### IV

Жилин шу тарзда бир ой яшади. Кундузи овулда юриб, усталик қилади, тунда овул уйқуга кетганда, омборхонада ковлашни бошлайди. Ковлаш осон бўлмади, унга тошлар кўп учрайверди, у тошларни чиқариб ташлаб, ковлашда давом этаверди. Охири девор остида гавдаси сиғадиган тешик очди. «Қаерга кетишни билсам эди, - ўйлади у, - буни яхши лаб ўрганиб чиқшим керак. Татарлардан буни билиб бўлмайди».

Бир куни хўжаин бозорга кетганини фойдаланиб, пешиндан сўнг овул ортига бориб, тоғларга қараб, ўша ердан атрофни ўрганмоқчи бўлди. Хўжаин кетганида ўғлига Жилиндан кўз узмасликни тайинлаганди. Жилин юриб борар экан, болакай ортидан бақириб югурарди:

— Борма! Отам рухсат бермайди. Ҳозир одамларни чақираман!

Жилин уни кўндира бошлади.

— Мен, - деди у, - узоққа бормаيمان, - фақат тоққа кўтариламан, керакли доривор ўтлар керак, одамларингизни даволаш учун керак. Юр, мен билан; кишанлар билан барибир қочиб кета олмайман. Эртага сенга камон ўқлари билан ясаб бераман.

У болақайни кўндирди. Тоғ унчалик узоқ эмасди, бироқ кишан билан қийин эди. У зўрга тоққа кўтарилди. Ўша ерда ўтириб олганча атрофни ўргана бошлади. Жанубда омборхона ортида жар бор, пода ўтлаб борарди. Пастроқда бошқа овул кўриниб турарди. Овул орқасида янада баландроқ тоғ, унинг ортида бошқа тоғ бор эди. Тоғлар орасида ўрмон ястаниб ётган бўлиб, ундан кейин бир-биридан баланд тоғлар қад кўтарган эди. Ҳаммасидан баландда қанд каби оппоқ қор остида турган тоғлардир. Кун отиш ва ботиш томонда остида овуллари тутун чиқариб турган тоғлар бор. “Ҳа, - деб ўйлади у, бу ҳаммаси уларнинг томон”.

Кейин руслар томон қаради: оёқ остида ариқлари оқиб турибди, ўз қишлоқ ва боғлари атрофида. Ариқ бўйига аёллар, худди қўғирчоқдай кўринади, чиқиб кир чайишмоқда. Қишлоқ ортида пастроқ тоғлар, ундан кейин яна тоғлар, улар орасида ўрмонлар, икки тоғ ўртасида текислик бўлиб, у ердан тутун чиқиб турибди. Жилин қалъада яшаганида қаердан қуёш чиқиб ботгани, атрофда нималар борлигини эслади. Мана шу водийда бизнинг қалъа бўлиши керак деб ўйлади у. Ўша ерга, мана шу тоғлар орасидан қочиш керак.

Қуёш бота бошлади. Қорли тоғлар алвон рангга бўялди, қора тоғларга қоронғулик тушди. Жарликдан буғ кўтарилди. Худди ўша водийда шафақдан олов рангга кирди.

Жилин водийга қараб мўридан тутун каби ўзича гудранди. Водийда рус қалъаси борлигига ишонч ҳосил қилди.



Кеч тушганди. Азон овози эшитилди. Пода ҳайдалди, сигирлар мўраб қолди. Болакай “Юр, кетдик” деб бақира бошлади, Жилин эса ҳеч кетгиси йўқ эди.

Уйга қайтишди. “Энди, - деб ўйлади Жилин, - қаерга қочишни биламан. Қочиш керак”. Худди шу кеча қочмоқчи эди. Тун қоп-қоронғу эди, ой ўроқ шаклига кирганди. Бахтга қарши кечда татарлар қайтишди. Одатда улар подани ҳайдаб келиб, хушчақчақ кайфиятда бўлишарди. Бу сафар ҳеч нима ҳайдаб келишмади, эгарда қизил татарнинг ўлдирилган укасини олиб келишди. Улар жуда ҳафа эди, ҳаммаси кўмиш учун йиғилишди. Жилин ҳам кўргани чиқди. Ўликни матога ўрашибди, уни чинор остига ўт устига қўйишди. Мулла келди, чоллар йиғилишди, уларнинг бошида салласи бор эди, оёқни ечиб ўлик олдида чўккалаб ўтиришди.

Олинда мулла, орқада чалмада учта чол, орқасида яна татарлар бор эди. Жим ўтирганча, бошларини пастга қаратдилар, узоқ вақт чурқ этмадилар. Мулла бошини кўтариб деди:

— Оллоҳ, - деди у бир оғиз ва яна бошини тушириб, жим бўлдилар.

Яна мулла бошини кўтариб деди:

— Оллоҳ, - ва ортидан ҳамма “Оллоҳ” деб қайтарди ва яна жим бўлишди.

Ўлик ўт-ўлан устида ётибди, қимир этмасди, улар ҳам худди ўликдай ўтиришарди. Биронтаси қилт этмайди. Фақат чинорнинг барги шамолдан қимирлагани эшитилди. Мулла дуо ўқигач, ўликни кўтариб кетишди. Ковланган қабрга олиб келишди, у оддийгина эмас, ертўла каби ковланган. Ўликни қўлтигидан ва тиззасидан кўтаришди, уни тушириб, қўлини қорнига қўйиб боғлашди.

Нўғой яшил қамиш олиб келиб, устидан қўйдилар, уни устидан эса тупроқ ташладилар. Чуқурни тўлдириб, бош томонига тош қўйдилар. Сўнг қабр ёнида яна ўтириб жим бўлишди. Узоқ вақт сукут сақладилар.

— Оллоҳ! Оллоҳ! Оллоҳ! — чуқур хўрсиниб туришди.

Қизил чолларга пул тарқатиб чиқди. Кейин ўрндан туриб, пешонасига уч марта урди ва уйига кетди.

Эрталаб Жилин қараса, қизил бир буқани қишлоқ орқасига судраб кетмоқда; орқасидан уч татар боришарди. Қишлоқдан чиқишди, қизил татар пешматини ечди, енгини шимарди, қўллари бақувват экан, ханжарини суғуриб олиб, чорқиррада ўткирлади. Татарлар буқанинг бошини ушлаб турган эдилар, қизил унинг бўғзига ханжарини тортди. Буқани ерга қулатишди, сўйиб, терисини ажратишди. Аёллар, қизлар келиб, ичак-чавоқларини ювишди. Буқани бўлаклар уйга ташиб кетишди. Бутун қишлоқ аҳли қизил татарникига марҳумни эслаш учун келишди.

Буқани уч кун ейишди, бўза ичишди, марҳумни эслашди. Ҳамма татарлар уйда бўлишди. Тўртинчи кун Жилин қараса пешинда улар қаергадир отланишди. Отларни олиб келиб, ўн киши, улар орасида қизил татар ҳам қаергадир келишди. Фақат Абдул уйда қолди. Янги ой чиққанди, тунлар қоп-қоронғу эди.

“Ана энди, - ўйлади Жилин, - қочиш керак” ва Костилинга ҳам шуни айтди. Костилин эса юраксизлик қилди.

— Қанақа қилиб қочамиз, йўлни билмасак.

— Мен йўлни биламан.

— Кечаси қандай қилиб етиб оламиз?

— Етиб олмасак, ўрмонда тунни ўтказамиз. Мен нонни ғамлаб олганман. Нима шу ерда ўтираверасанми? Пул юборишса-ку яхши, пул топа олишмасачи? Энди

татарлар газабда, чунки уларнинг биродарини руслар ўлдирибди. Бизни ўлдиришни талаб қилишади. Костилин ўйлади, яна ўйлади.

— Майли, кетамиз!

## V

Жилин ўрага тушди, уни кенгроқ қазиди, унга Костилин ҳам сифиши керак эди, кейин қишлоқ жим бўлишини кутиб, жим ўтиришди.

Овул жимжит бўлганда, Жилин девор остидаги тешикдан чиқиб олди ва Костилинга шипшиди:

— Чиқавер.

Костилин чиқаётган эди, битта тошни гумбурлатиб юборди. Хўжаиннинг ола-була қўриқчи ити бор эди, жуда қопагон ва баджаҳл эди. Лақаби Улашин эди. Жилин олдиндан Улашинни қўлга ўргатиб олганди. Улашин овозни дарров эшитди, вовуллаганча югуриб келганди, ортидан бошқа итлар ҳам эргашди. Жилин секин хуштак чалиб, унга нондан ташлади. Улашин уни таниди, думини ликиллайтиб, жим бўлди. Хўжаин ит овозини эшитиб қолиб, ўйидан бақирди:

— Ҳайт! Ҳайт, Улашин!

Жилин эса Улашин қулоғи остини силади. Ит индамади, унинг оёғига суйкалиб, думини ликиллатди.

Улар бурчакда кутиб ўтиришди. Яна ҳамма ёқ сув куйгандай жим-жит бўлди. Фақат онда-сонда қўйлар маъраб қўяр, қамишзорда сув жилдирарди. Қоронғу, осмонда юлдузлар йилтирарди. Жарда туман сутдай оқарди.

Жилин ўрнидан туриб, шеригига деди:

— Қани, биродар, кетдик!

Йўлга тушишди, энди узоқлашишган эди, томда мулла азон айтиб қолди. Демак, одамлар масжидга йўл

олишади. Девор остида анча вақт яшириниб туришди. Яна ҳамма ёқ жимжит бўлди.

— Худо йўл берсин! — Чўқиниб йўлга тушишди. Ховлидан чиқиб, дарёга боришди, ундан ўтиб, жар ёқалаб кетишди. Туман қуюқ эди, пастлаб борарди, шундоқ бош узра юлдузлар порлаб турарди. Жилин юлдузларга қараб қай томонга бориш кераклигини белгилаб оларди. Туманда юриш енгил эди, бироқ этиклар эскириб кетганидан юриш қийин эди. Жилин этикларини ечиб ташлади ва ялангоёқ юра бошлади. Тошдан тошга сакраб, юлдузга қараб қўяди. Костилин ортда қола бошлади.

— Секинроқ, - деди у, - лаънати этиклар оёқларимни қийиб юборди.

— Ечиб ташласанг-чи, юришинг осон бўлади.

Костилин ялангоёқ бўлиб олди, бундан баттар бўлди — оёқлари тошларда кесилиб кетди. Яна ортда қолаверди. Жилин унга шундай деди:

— Оёқларингни қийиб олсанг, кейин битиб кетади, етиб олишса бундан ёмони йўқ - ўлдиришади.

Костилин ҳеч нима демай, инграб борарди. Улар пастки йўл билан узоқ боришди. Ўнг томонда ит вовулагани эшитилди. Жилин тўхтаб, атрофга қаради, тоққа чиқиб, қўли билан силтаб кўрди.

— Эҳ, - деди у, - йўлдан хато қилдик, ўнгга кетиб қолибмиз. Бу ерда овул бегона, тоғда кўрдим, чап томонлаб орқага, тоққа юриш керак. Ўрмон бўлиши керак.

Костилин деди:

— Тўхта биров, нафасимни ростлаб олай, оёгим қон бўлиб кетди.

— Ўйлама, биродар, яхши бўлиб кетади, енгилроқ сакра. Мана бундай!

Жилин чаплаб орқага тоққа, ўрмон томон кетди.

Костилин ҳамон ортда қолиб, ух тортарди. Жилин жим дегандай ўзи илдамлаб борарди.

Тоққа кўтарилишди. Ўрмон кўринди. Ўрмонга киришди, дарахт игналари охирги кийимни ҳам йиртиб ташлади. Ўрмондаги йўлга чиқиб олишди.

— Тўхта! — йўлда от туёғи овози эшитилди. Эшитиб туришди. От юриши ҳам тўхтади. Улар яна юра бошлади, яна туёқ дуқиллаши эшитилди. Улар тўхта-са, от овози ҳам тўхтади. Жилин четга чиқиб атрофга қаради, қараса йўлда от бўлиб от эмас, устида одам бўлиб одам эмас турарди. Жилин бир хуштак чалган эди, от хуркиб ўрмон ичига чақмоқдай қочди.

Костилин кўрқувдан йиқилди. Жилин эса кулди:

— Бу кийик. Эшитяпсанми, шоҳлари билан ўрмонни бузаяпти. Биз ундан, у биздан кўради.

Яна йўлларида давом этишди. Тонгга яқин қолди. Тўғри кетишяптими ё йўқми, билишмасди. Жилин айнан мана шу йўлдан уни олиб кетишган деб ўйлади. Йўл тўғрилигини кўрсатувчи бирон аниқ белги йўқ, бўлганида ҳам кечасида кўриб бўлмасди. Кенг далага чиқишди, Костилин ўтириб деди:

— Хоҳишинг, лекин мен бошқа юра олмайман, оёқларим юрмаяпти.

Жилин уни кўндирмоқчи бўлди.

— Йўқ, - деди Костилин, - бора олмайман.

Жилин жаҳли чиқиб, туфлади-да, уни қойиб ташлади.

— Ўзим кетавераман, алвидо.

Костилин сакраб туриб юра бошлади. Улар тўрт чақирим йўл юришди. Ўрмонда туман янада қуюқроқ эди, олдинда ҳеч нима кўринмасди, юлдузлар зўрға кўзга ташланарди.

Бир маҳал олдинда от юриб келаётгани эшитилди. Жилин қорнига ётиб олиб, қулогини ерга қўйди.

— Худди шундай, биз томон отлиқ келмоқда!

Йўлдан қочиб, буталар орасига яширинишди. Жилин йўлга эмаклаб қаради, отлиқ татар сигирларини ҳайдаб келмоқда эди. Ўзича қўшиқ хиргойи қилиб борарди. Татар ўтиб кетгач, Жилин Костилин олдига қайтди.

— Худо сақлади, тур, кетдик.

Костилин ўрнидан турган эди, йиқилиб тушди.

— Юра олмайман, худо ҳаққи, юра олмайман, кучим қолмади

Эркак вазли, тўла эди, терлаб кетганди. Жилин уни кўч билан тургиза бошлади. Костилин эса бақириб юборди:

— Вой-дод, оғрияпти!

Жилин койиди.

— Нима бақирасан? Татар ҳали узоққа кетгани йўқ, эшитиб қолади. — Ўзи эса шундай ўйлади: «У ростан ҳам кучдан қолибди, энди уни нима қиламан? Дўстимни ташлаб кета олмасам».

— Майли, - деди у, - тур, юра олмасанг, орқамга мингаш, сени ортиб кетаман.

Костилинни ортига миндириб, йўлга чиқди.

— Фақат, - деди у, - Исо ҳурмати қўлинг билан бўғзимни сиқма. Елкамдан ушла.

Жилинга оғир эди, оёқлари қонаб кетганди, силаси қуриганди. Эгилиб олиб, костилинни юқорироқ ўтказиш учун тепага итариб юборади ва яна йўлида давом этади.

Афтидан, Костилин бақирганини татар эшитиб қолди. Жилин орқада отлиқлар бир нима деб ҳайқириб келишаётганини эшитиб қолди. Жилин панага қочди. Татар милтигини олиб отди, тегмади, отлиқ чинқириб ўтиб кетди.

— Ёмон бўлди, - деди Жилин, - тамом бўлдик, биродар! Бу ит татарларни йиғиб, ортимиздан келади.

Агар уч чақирим йўл юриб қўймасак, қўлга тушамиз. — Ўзи эса Костилин ҳақида шундай ўйлади: «Нима мени жин уриб, бу Костилинни ўзим билан олиб кетдим. Бир ўзим анча йўл юриб қўярдим».

Костилин деди:

— Бир ўзинг кетавер, мени деб қўлга тушиб ўтирма.

— Йўқ, бўлмайди: дўстни ташлаб кетиш яхши эмас.

У яна орқасига уни ортиб олди ва йўлида давом этди. Шу тарзда бир чақирим юрди. Туман тарқала бошлади, худди булутлар сузиб кетгандай. Юлдузлар кўринмасди. Жилин қийналиб кетди.

Кетишаётган эди, йўлларида тош орасидан булоқ чиқиб қолди. Жилин тўхтаб, Костилинни пастга туширди.

— Кел, - деди у, - дам олиб, сув ичиб олайлик. Нонимизни еб оламиз. Бу ёғига оз қолгандир.

Энди сувдан ичаман деб, ерга ётиб олган эди, орқада от туёқлари товуши эшитилди. Яна ўнгга қараб қочиб, буталар орасига яшириниб, ётишди.

Татарлар овози эшитилди, улар айнан ўша ерда тўхташганди. Ўзаро гаплашиб, итларни уларга қарши қайраётганликлари эшитилди. Буталар орасида бир нима шитирлади, бундоқ қарашса, бегона ит турибди. У во-виллаб юборди.

Татарлар ҳам шох-шаббалар орасидан юриб кела бошлашди, улар ҳам бегона эди. Уларни ушлаб олишди, отларига чиқариб олиб кетишди.

Уч чақирим йўл юришганида, уларни Абдул хўжаин бошқа татарлар билан кутиб олди. У татарлар билан гаплашди, асирларни ўз отларига ўтказишди ва овулга қайтариб кетишди.

Энди Абдул кулмасди ва уларга бир оғиз сўз ҳам демади.

Кун ёришганида овулга етиб келишди, уларни кўчага ўтказиб қўйишди. Бола-пақирлар югуриб келиб, уларни ўраб олишди ва шовқин-сурон кўтариб, уларга тош отишар ёки уларни таёқ билан уришарди.

Татарлар давра бўлиб йиғилишди, тоғ ён бағрида яшайдиган чол ҳам етиб келганди. Ўзаро гаплаша бошлашди. Жилин уларни нима қилишларини муҳокама қилаётганликларини тушунди.

Баъзи бирлари уларни узоқ тоғларга сургун қилиб юбориш керак деса, чол ўлдириш керак деб туриб олди.

Абдул эса улар билан тортишиб деди:

— Мен улар учун пул берганман. Мен уларнинг эвазига пул олишим керак.

Чол эса шундай дерди:

— Булар сенга ҳеч қандай пул келтиришмайди, сенга аксинча кулфат келтиришади. Русларни боқиш гуноҳ. Ўлдириш керак - тамом.

Кейин тарқалишди. Хўжаин Жилин олдига келиб деди:

— Агар, - деди у, - сизлар учун пул юборишманса, икки ҳафтадан кейин сизларни тириклайин кўманман. Агар яна қочишни режа қилсанг, сени итдан баттар қиламан. Ёз хат, яхшилаб ёз.

Уларга қоғоз олиб келишди, улар хат ёзишди. Уларга кишанларни кийгазишди ва масжид ортига олиб боришди. У ерда беш аршин келадиган чуқурлик бор эди, улар шу ерга туширишди.



## VI

Уларнинг ҳаёти бутунлай ёмонлашди. Кишанларни умуман ечишмасди ва ёруғликка ҳам чиқаришмасди. У ерга худди итга ташлагандай пишмаган хамирни отишарди, кўзада сув беришарди. Чуқурлик сассиқ, дим ва зах эди. Костилин бутунлай касалланиб ётиб қолди, ишиб кетди, бутун танаси зирқираб оғрирди, ё инграрди, ё ухларди. Жилин ҳам чўкиб қолганди. Қарасаки, ишлар чатоқ. Қандай қутулиб қолишни билмасди.

Ёрни ковлай бошлаганди, чиққан тупроқни қаерга қўйишни билмай қолди, хўжаин буни кўриб қолиб, ўлдираман, деб қўрқитди.

Бир куни зиндонда эркинликни ўйлаб, зерикиб ўтирганда, бир маҳал тиззасига пишган нон тушди, орқасидан гилослар сочилди. Тепага қараса, у ерда Дина. Унга қараб, кулди ва югуриб кетди. Жилин ўйлади: “Шу Дина ёрдам қилмасмикан?”

У чоҳда бир жойни тозалаб, лой қилиб, қўғирчоқлар ясай бошлади. У одамларни, отларни, итларни қилди ва “Дина келса, унга отаман” деб ўйлади.

Фақат эртаси куни Дина кўринмади. Эшитиб турса, отлар овози келиб, кимлардир ўтиб кетишди, масжид олдида татарлар йиғилиб, бақир-чақир қилиб, руслар ҳақида гаплашишарди. Чолнинг овози ҳам эшитиларди. Гапларига унчалик тушунмади, лекин англашича, руслар анча яқин келиб қолишган, татарлар овулга келиб қолишларидан қўрқишарди ва асирларни нима қилишни билишмасди.

Гаплашишди ва кетишди. Бир вақт тепада нимадир шитирлади. Қарашса, Дина ўтириб, бошини эгиб уларга боқмоқда — тиззалари бошидан баландда бўлиб, бўйни-

даги тангали тақинчоғи осилиб турарди. Кўзлари худди юлдузчалардай милтиларди. Енгидан иккита пишлоқли нонни олиб уларга ташлади. Жилин уларни олиб деди:

— Нега йўқ бўлиб кетдинг? Сенга қўғирчоқлар ясаб қўйганман. Ма, ол! — Унга битталаб ота бошлади, қиз эса уларга боқмасди.

— Кераги йўқ эди! - деди. Бироз жим ўтирди ва деди: - Иван, сени ўлдиришмоқчи. — У қўли билан ўз бўйинини кўрсатди.

— Ким ўлдирмоқчи?

— Отам, унга чоллар шуни буюришмоқда, мен эса сенга ичим ачияпти.

Жилин деди:

— Агар менга ачинсанг, узун таёқ олиб кел.

У “мумкин эмас” деганча бошини сарак-сарак қилди. Жилин қўлларини бирлаштириб, ёлвора бошлади:

— Дина, илтимос. Динагинам, олиб кел, илтимос.

— Мумкин эмас, - деди, - кўриб қолишади, ҳамма уйда. — Ва кетди.

Кеч бўлганда Жилин энди нима бўлишини ўйлаб ўтирарди. Тез-тез тепага қараб қўярди. Юлдузлар кўринди, ой эса ҳали чиқмаганди. Азон овози эшитилиб, ҳамма ёқ жимжит бўлди. Жилин мудраб ўйлади: “Қизгина қўрқди”.

Бир маҳал бошига тупроқ сочилди, тепага қараганди, узун ёғоч чоҳ чеккасидан тушиб келарди. Жилин хурсанд бўлиб, ёғочни ушлаб олди, у анча мустаҳкам таёқ эди. Бундан олдин худди шундай ёғочларни хўжайин томида кўрганди.

Тепага қараса, юлдузлар баландда йилтиллаб туришарди, шундоқ ўранинг тепасида эса худди мушукларники каби Динанинг кўзлари ёнарди. Қиз чоҳга яқин эгилиб, шивирлади:

— Иван, Иван! — ўзи эса “жим, секин” деб қўли билан ишора қиларди.

— Нима? - деди Жилин.

— Ҳамма кетишган, фақат иккитаси қолган.

Жилин деди:

— Қани, Костилин, кетдик, охирги марта омадимизни синаб кўрамиз. Сени елкамга осиб оламан.

Костилин эса буни эшитишни ҳам истамасди.

— Йўқ, - деди, - мен бу ердан чиқа олмаслигим аниқ. Қаерга бораман, тик туришга ҳам ҳолим йўқ-ку?

— Унда хайр, мендан ҳафа бўлма. — Улар қучоқлашиб хайрлашди.

Динага ушлаб туришни буюриб, ёғоч таёқ билан чоҳдан чиқа бошлади. Бир-икки қайтиб тушди, унга кишанлар ҳалақит берарди. Пастдан унга Костилин ёрдам бериб юборди, бир амаллаб тепага чиқиб олди. Дина қўлчалари билан кўйлагидан ушлаб бор кучи билан тортарди ва куларди. Жилин ёғоч таёқни олиб деди:

— Буни жойига олиб бор, Дина. Бўлмаса, уларнинг қўлига тушиб қолса, сенга солиб қолишади. — Қиз таёқни олиб кетди, Жилин эса тоғ остига қараб кетди. Жар ёқасига келганда ўткир тош олиб, кишаннинг қулфини синдира бошлади. Қулф мустаҳкамгина экан, уриб синдириш қийин, ҳам унинг ўзига ноқулай эди. Шу пайт тоғдан кимдирнинг сакраб сакраб келаётгани эшитилди. “Дина бўлса керак” деб ўйлади. Дина югуриб келиб, тошни олиб деди:

— Менга бер-чи.

Чўккалаб ўтириб олиб, қулфга тошни ура бошлади. Қўллари хивичдай ингичка эди, кучи йўқ. У тошни ташлаб юбориб йиғлади. Жилин яна ўзи киришиб кетди, Дина эса унга қараб турарди. Жилин атрофга назар ташлади, чапда тоғ ортида қизил ёнди. Ой

турмоқда. “Ҳа, майли, - ўйлади у, - ой чиққунча, жардан ўтиб, ўрмонга етиб олишим керак”. Ўрнидан туриб тошни отиб юборди. Кишанларда бўлса ҳам юриш керак.

— Алвидо, - деди, - Динагинам. Бир умр сени унутмайман.

Дина уни ушлаб олди ва қаерга нонларни тиқиб қўйсам, деб кармонини қидирди. У нонларни олди.

— Раҳмат сенга, - деди у, - ақллигинам. Энди сенга ким қўғирчоқларни ясаб беради?

Жилин қиз бошидан силади.

Дина оғзини қўллари билан ёпганча йиғлаб юборди ва тоғ томон улоқчадай сакраб кетди. Қоронғуликда бўйнидаги тангалари жаранги эшитилиб турарди.

Жилин чўқиниб олди, оёқ ости ўралашмасин деб кишан қулфини қўлга олди, йўл бўйлаб кета бошлади, оёқларини зўрга кўтарарди, ҳар замон ой чиқади-ган шафаққа қараб қўярди. Йўлни у таниди. Тўғри юрса, саккиз чақирим келади. Бутунлай ой чиққунча ўрмонга етиб олса эди. У дарёни кечиб ўтди: тоғ ортида ёруғлик кўтарилди. Жар ёқалаб кетди-ю, ой чиқмадимми деб қараб қўяди. Ой чиқиб келган сари жарлик ёруғроқ бўлиб борарди. Тоғ остида қора соя ўрмалаб, у томон кела бошлади.

Жилин сояга яшириниб борарди. У шошиларди, ой ҳам. Ўнгда тоғ чўққилари ёришиб қолганди. Ўрмонга яқин келиб қолганда, ой кўтарилиб келди ва ҳаммаёқ худди кундузидай ёришиб кетди. Дарахтдаги ҳар бир барг аниқ кўринарди. Тоғларда тинч ва ёруғ, худди ҳамма ёқни ўлим шарпаси қоплагандай. Фақат пастда сой шилдирарди.

У ўрмонга етиб олди, йўлида ҳеч кимга дуч келмади. Қоронғуроқ жойни топиб, дам олгани ўтирди.

Дам олиб, нондан еди. Тошни олиб, яна кишанни синдиришга тушди. Бутун қўлини шикастлади, бироқ қулфга ҳеч нима қилгани йўқ. Ўрнидан туриб йўлида давом этди. Бир чақиримча юрганди, мадорсизланиб қолди, оёқлари оғрирди. Ўн қадам юради-да, тўхтаб қолади. “Бошқа йўл йўқ, - ўйлади у, - кучдан қолгунча судралиб бўлса ҳам бораман. Агар ўтириб қолсам, турмайман. Қалъагача етиб бормасам керак. Тонг отиши билан ўрмонга яширинаман, тунда яна йўл юраман”.

Бутун кеча юрди. Ғақат иккита отлиқ татарлар келиб қолди, Жилин уларни узоқдан кўриб, дарахт ортига беркинди.

Ой хира тортиб, шудринг туша бошлади, тонг яқин қолганди. Жилин эса ўрмон охирига етгани йўқ. “Бир амаллаб ўттиз қадам ташласам, - ўйлади у, - ўрмондан чиқаман”. Ўттиз қадамча юриб қўйганди, қараса, ўрмон охири кўриниб қолибди. Чеккасига етганда, бутунлай ёруғ бўлиб қолганди, худди кафтида тургандай олдида дашт ва қалъа гавдаланди. Чап томонида, шундоқ тоғ остида гулханлар-ёнарди, ё ўчиб тутуни чиқиб турарди, улар олдида эса одамлар бор эди.

Қараса, милтиқлар ялтираб турибди, улар казаклар, аскарлар эди.

Жилин хурсанд бўлиб кетди, бор кучини йиғди, тоғ остига қараб кетди. Ўзи эса қуйидагича ўйларди: “Бўм-бўш далада отлиқ татарни кўриб қолишдан Худонинг ўзи асрасин, яқин қолган бўлса ҳам, қоча олмайман”.

Шундай деб ҳам ўйлаганди, ўнгда тепаликда бир тўда татар отлиқ турибди. Уни кўришди-ю, у томон отларини чоптиришди. Жилин юраги отилиб кетай деди. У қўлини боши узра силкитганча ўзлариникига қараб бақирди:

— Биродарларим! Қутқаринг! Акалар!

Бизникилар эшитишди. Казаклар отга сакраб чиқишди ва унга қараб татарлар йўлини кесиш учун от чоптириб кетишди.

Казаклар узоқроқ, татарлар яқинроқ эди. Жилин ҳам бор кучини йиғиб, кишанни қўлга олди-да, казакларга қараб чопди. Ўзини билмай тинмай чўқинар ва бақирарди.

— Биродарлар! Биродарлар!

Казаклар ўн беш киши эди.

Татарлар қўрқиб кетишдими, охиригача югурмай тўхтаб қола бошлашди. Шунда Жилин казакларга етиб олди.

Казаклар уни ўраб олишди ва сўрай бошлашди: ким у, қандай одам, қаердан? Жилин эса ўзини билмасди, “Биродарларим! Биродарларим!” деб йиғларди.

Аскарлар унга ғамхўрлик қила бошлашди — кимдир нон берар, кимдир бўтқа, яна кимдир ичимлик. Кимдир шинелини олиб устига ташлади, уларнинг бири кишанни синдиришга киришди.

Офицерлар уни таниб, қалъага олиб кетишди. Аскарлар хурсанд бўлишди, дўстлари йиғилишди.

Жилин ҳаммаси қандай бўлганини айтиб берди ва шундай деди:

— Мана сизга уйга борганим, мана уйланганим! Йўқ, тақдир эмас экан.

Кавказда хизмат қилиб қолди. Костилинни эса яна бир ойдан сўнг беш минг эвазига қўйиб юборишди. Уни чала жон ҳолатида уйга қайтаришди.

## ОИЛАВИЙ БАХТ

### БИРИНЧИ ҚИСМ

#### I

Кузда онам вафот этгани туфайли мотам кийимини кийдик ва бутун қишни Катя ва Соня билан ёлғиз қишлоқда ўтказдик.

Катя хонадонимиз эски қадрдони, гувернантка сифатида хизмат қиларди, ҳаммамизни катта қилган, ўзимни анлаганимдан бери уни биламан ва яхши кўраман. Соня эса синглим.

Биз қаҳратон ва ҳазин қиш кунларини эски уйимизда ўтказдик. Ҳаво совуқ эди, тинмай шамол эсарди. Ойналаримиз яхлаб, хира тусга кирганди. Деярли бутун қиш ҳеч ерга чиқмадик ва бормадик. Бизнинг уйга камдан кам биров келарди. Онда-сонда келганлар ҳам хонадонимизга ўзи билан қувонч олиб келмасди. Келганлар юзи ҳафа кўринишда бўларди, худди кимнидир уйғотиб юборишга қўрққандай аста пичирлаб гапиришарди. Чуқур хўрсиниб, менга, айниқса қора кўйлакча кийиб олган синглимга қараб йиғлашарди. Уйимизда ҳали ҳам ўлим ваҳимаси сезиларди, худдики унинг ҳавосида ўлим нафаси бордай эди. Онамнинг хонаси ёпиқ турарди, ётгани хонамга йўл олганимда, унинг олдидан ўтаман ва ҳар сафар юрагимни қўрқув босади.

Мең ўшанда ўн етти ёшда эдим, айнан ўша йили, онам мени одамлар олдига олиб чиқиш мақсадида шаҳар-

га кўчиб ўтмоқчи эди. Онамдан ажралишимиз мен учун катта мусибат бўлди, бироқ тан олишим керакки, бу кулфат туфайли, ҳамма айтганидай ёш ва чиройликки-на бўлишимга қарамай, қишлоқда иккинчи қишни бекорга ўтказяпман. Қиш тугаш арафасида ёлғизлик ва зерикиш ҳисси шу қадар кучайиб кетдики, мен ҳатто хонамдан чиқмасдим, фортепьянони очмасдим ва китоб ҳам ўқимасдим.

Катя менга у ёки бу иш билан шуғулланишни маслаҳат берганда, мен истамайман, қила олмайман, деб жавоб берардим. Юрагимда эса шундай ажойиб даврим ўтиб кетаётганда, бу ишларни нима мақсадда қиламан, деган савол туғиларди. Бунга жавоб эса кўз ёшдан бошқа сўз топилмасди.

Ўша вақтда озиб-тўзиб кетганимни айтишарди, бироқ бу ҳам мени ўйлантирмасди. Нима учун? Ким учун? Менга шундай хилватдаги чекка қишлоқда зерикиш ва сиқилишда бутун умрим ўтиб кетадигандай туюларди ва бу ҳолатдан бир ўзим чиқа олмасдим, ҳатто хоҳиш ҳам йўқ эди. Катя мен ҳақимда ташвишлана бошлади ва қиш сўнгида мени чет элга олиб чиқмоқчи бўлди. Бироқ бунга пул керак эди, биз эса онамдан кейин нима қолганини аниқ билмасдик, ҳар кунни васийни кутардик, у келиб ишларимизни кўриб бериши керак эди.

Март ойида васий етиб келди.

— Худога шукур-эй! — деди Катя бир сафар менга, ўшанда мен-йарпадай бирон фикр, хоҳиш, ишсиз уй ичида кезиб юрардим, — Сергей Михайлич қишлоққа етиб келибди, тушликка борсам бўладими деб сўратиб юборибди. Маша, қизалоғим, ўзинга кел, — қўшимча қилди у, — бўлмаса, у сен ҳақингда нима ўйга боради? У сизларни шундай яхши кўрардики.



Сергей Михайлич бир вақтлар яқин қўшнимиз ва марҳум отамдан анча ёш бўлса ҳам унинг дўсти эди. Унинг келиши режаларимизни ўзгартириб, қишлоқдан кетишимиз имконини беради. Мен унинг олдида шу кўринишда чиқа олмаслигимни Катя ўзинга келиб ол деб тўғри англаган эди. Уни уйимиздаги ҳамма, синглимдан тортиб кучергача яхши кўрардик, бир марта онам ҳаётлиги пайтида менга худди шундай куёв исташини айтганди. Менга бу унчалик ёқмади. Чунки менинг хаёлдаги қаҳрамоним қотмадан келган, нозик, рангпар ва ғамгин юзли эди. Сергей Михайлович эса ёш эмас, боз устига баланд бўйли ва бақувват киши эди, ҳар доим хурсанд бўлиб юрарди. Лекин онам гапи миямда чуқур ўрин олган эканми, бундан олти йил илгари, ҳали ўн бир ёшда бўлганимда, у менга сен деб мушоақат қилиб, бинафша қиз деб атаб ўйнаган вақтимда юрагимда қўрқув билан бу одам менга уйланишни истаб қолса нима қиламан деб ўйлаб қолардим.

Тушликка Катя ширинлик ва соус тайёрлади. Сергей Михайлович унга етиб келди. Мен деразадан унинг кичик чаналарда уйимиз олдида келиб тўхтаганини кўрдим-у, меҳмонхонага қараб чопдим, унинг келиши мен учун кутилмагандай ўзимни тутмоқчи бўлдим. Бироқ унинг қадам ташлаши ва жарангдор овози, Катя уни кутиб олишларини эшитишим билан чидай олмай, унга пешвоз чиқдим. У Катянинг қўлидан ушлаганча баланд овозда гапирар ва куларди. У мени кўриб, бир муддат жим бўлиб қолди ва таъзим қилмай тик турарверди. Мен ўзимни ноқулай ҳис қилиб қизардим.

— Ё товба! Наҳотки бу сиз? — деди у тортиниб ва соддадиллик билан қўлларини кенг очиб қўйиб. — Шунчалик ўзгариш мумкинми! Вояга етибсиз! Бинафша эмас, қийғос очилган атиргул бўлибсиз.

У катта кафтлари орасига қўлимни олиб шундай сиқдики, оғримади деб айтолмайман. Мен ўйладимки, у қўлимдан ўпади, бироқ у қўлларим томон эгилиб, яна уни сиқди-да, шундоқ кўзларимга қаттиқ ва қувноқ нигоҳи билан боқди.

Мен олти йил уни кўрган эмсман. У анча ўзгарибди, бир мунча қарибди, қорайибди, ўзига ярашмаган бакенбардаларини ўстирибди. Лекин ўша-ўша содда, очиқ, йирик юз, ақлли нигоҳ ва болалардай маъсума табассуми.

Беш дақиқадан сўнг у меҳмон бўлмай қолди, энди у бизга яқин қадрдон инсон эди, ҳамма унинг атрофида парвона бўлиб, унинг кўнглини олишга уринарди, шундан ҳам унинг келганидан барчамиз хурсандлигимиз билиниб турарди.

У онам вафотидан сўнг уйимизга келадиган, йиғлаб-сиқтайдиган, ўзини сипо тутадиган қўшниларимизга ўхшамасди. У кўп гапирарди ва куларди, марҳум онамиз ҳақида эса оғиз очмасди. Бошида унинг мусибатимизга нисбатан бефарқлиги ғалати, ҳатто беодобликдай туюлди. Бироқ кейин англадимки, бу бефарқлик эмас, балки самимият эди ва шунинг учун унга миннатдор эдим.

Кечқурун Катя худди онам тириклигидай эски жойига ўтириб чой қуя бошлади. Мен синглим билан унинг ёнига ўтирдик. Қари Григорий отамнинг трубкасини топиб келди. Сергей Михайлович худди илгари вақтлардай хонада у ёқдан бу ёққа юрарди.

— Ўйласам, бу хонадонда қанча қўрқинчли ўзгаришлар бўлди! — деди у тўхтамай.

— Ҳа, — деди Катя хўрсиниб, чойнак қопқоғини ёпаркан, йиғлагудай бўлиб унга қаради.

— Сиз отангизни эслайсиз, деб ўйлайман? — мурожат қилди у менга.

— Бироз,— жавоб қилдим мен.

— У тирик бўлганида, сизларга қандай яхши бўларди! — деди у аста пешонамга тикилганча.— Отангизни жуда яхши кўрардим! — деди у янада паст овозда, шу онда кўзлари ярқирагандай бўлди.

— Лекин уни Худо ўз ҳузурига чорлади! — деди Катя ва чойнак устига сочиқ ташлаб йиғлаб юборди.

— Ҳа, бу уйда мудҳиш воқеалар бўлди,— қайтарди у орқага ўтирилиб.— Соня, ўйинчоқларингни кўрсат,— деди бир неча дақиқадан сўнг ва залга чиқиб кетди. У кетгач мен ёш тўла кўзларим билан Катяга қарардим.

— У ажойиб дўст! — деди у.

Ҳақиқатан ҳам бу бегона яхши одамнинг ҳамдардлигидан қалбимга илиқлик киргандай бўлди. Соня у билан ўйнаб қувнаганининг овози келди.

Мен унга чой юбордим. Унинг фортепьянони очиб, уйқусираган қўллари билан клавишаларни босаётгани эшитилди.

— Марья Алёксандровна! — унинг овози эшитилди.— Бу ерга келинг, бир нима чалиб беринг.

У менга дўстона буйруқ бериб, самимий мурожаат қилаётганидай хурсанд бўлдим.

— Мана шуни чалиб беринг,— деди у дафтарни очиб, Бетховеннинг quasi una fantasia адажио соната-си ноталарини кўрсатиб.— Қани, кўрайлик-чи, қандай ўйнаркинсиз,— қўшимча қилди ва қўлида стакан билан зал бурчагига борди. Адажио куйи оҳанги чой вақтида қалбимда қалқиган туйғуларга монанд эди ва уни бор маҳоратим билан чалдим, деб ўйлайман. Бироқ у скерцони чалишимга қўймади.

“Йўқ, буни яхши чала олмайсиз,— деди у ёнимга келиб,— буни қўйинг, биринчини эса ёмон чалмадингиз. Мусиқани тушунасиз, шекилли”. Бу меъёрдаги мақтов

мени хурсанд қилди, ҳатто қизардим ҳам. Менга отамнинг дўсти бўлишига қарамай олдиндагидай ёш боладай эмас, балки тенг кўриб, жиддий гаплашаётгани хурсанд қиларди. Катя Соняни ухлатгани тепага чиқиб кетди ва биз иккимиз залда ёлғиз қолдик.

У менга отам ҳақида гапира бошлади, у билан қандай танишгани, мен ҳали ўйинчоқ ва китобчалар билан машғул бўлган вақтимизда қандай яшаганимиз, хуллас отам қандай инсон бўлганини сўйларди. Илк марта унинг ҳикояларидан сўнг отам менга оддий ва меҳрибон инсон бўлиб кўринди. Кейин у мендан нимани хуш кўришим, нима ўқишим, нима қилмоқчи эканлигимни сўраб, маслаҳатлар бера бошлади. Энди у илгаридай менга ўйинчоқлар кўтариб келувчи хушчақчақ ва калака қилувчи эмас эди. Энди у мен беихтиёр ҳурмат ва илиқлик ҳис қилган жиддий, оддий ва яхши кўрувчи инсон эди. У билан гаплашганда ўзимни енгил, хушқимли ҳис қилардим, лекин қандайдир таранглик ҳам бор эди. Мен ҳар бир сўзимни чертиб-чертиб сўзлардим, мени шунчаки отамнинг қизи бўлганим учунгина яхши кўришини истамасдим.

Соняни ухлатиб, Катя бизга қўшилди ва мен оғиз очмаган тушқунлигим борасида шикоят қилиб кетди.

— Энг муҳимини сизга айтмабди-ку, — деди у кулиб ва маъноли бошини чайқаб.

— Нимасини айтаман! — дедим мен, — бу жуда зерикарли ва ўтиб кетади ҳам. (Ҳозир нафақат тушқун кайфиятим ўткинчидай туюлиши тугул у бутунлай ўтиб кетгандай ва орқага қайтмайдигандай бўлди.)

— Ёлғизликка бардош қила олмаслик яхши эмас, — деди у, — Наҳотки, сиз хоним қиз?

— Албатта, — жавоб бердим кулиб.

— Йўқ, бу ақлисиз қиз, бошқаларнинг олдида ўзини тутиб юради, бир ўзи қолганда яна гулдай сўлади.

Бировларнинг кўз ўнгида шундай, бироқ ўзи учун ҳеч нима қилмайди.

— Мен ҳақимда яхши фикрда экансиз, — нимадир дейишим кераклиги учунгина айтдим.

— Йўқ! — бироз жим туриб деди у, — сиз отангизга ўхшайсиз, — у яна меҳроли, майин нигоҳи билан мени эркалади, мен уялиб қизардим.

Шу онда унинг юзи у қадар хушчақчақ эмаслиги, нигоҳлари ўткир, тиниқ, эътиборли ва ҳазин эканлигини пайқадим.

— Сиз зерикишингиз керак эмас ва мумкин эмас, — деди у, — сиз яхши тушунган мусиқангиз, китоблар, машгулотларингиз бор, бутун ҳаётингиз ҳали олдинда ва унга кейин афсус қилмаслик учун тайёргарлик кўриш керак. Бир йилдан кейин кеч бўлади.

У мен билан худди ота ёки амакидай гаплашарди, бу мени ҳам ҳафа қиларди, чунки шу билан мени ўзидан пастроқ кўрарди, иккинчи томонда хурсанд қиларди, унинг яқин инсон сифатида меҳрини ҳис қилардим.

Кечанинг қолган вақтида Катя билан ишлар ҳақида гаплашишди.

— Энди хайрлашайлик, қадрдон дўстларим, — деб у турди ва олдимга келиб қўлимдан олди.

— Қачон яна кўришамиз? — сўради Катя.

— Баҳорда, — жавоб берди у қўлимдан ушлаб турганча, — энди Даниловкага (бизнинг бошқа қишлоқ) бораман; у ерда ишлар аҳволини кўраман, юргизаман, кейин Москвага бораман — у ерда ишларим бор, ёзда сизлар билан кўришиб турамиз.

— Демак, яна узоқ йўқ бўлиб кетасиз экан-да? — дедим мен юракни сиқувчи ғамгинлик билан. Мен уни ҳар куни кўраман, деб ўйлаган эдим, унинг анча вақт-

га кетишини билиб, яна ўша тушкунликка фарқ кунларим қайтиб келишидан қўрқиб кетдим. Бу менинг қарашларим ва овозимда акс этган бўлиши керак.

— Ҳа, кўпроқ машгулотлар билан банд бўлинг, тушкунликка тушманг,— деди у жуда совуқ оҳангда.— Баҳорда эса сизни имтиҳон қиламан,— қўшимча қилди у қўлимни қўйиб юбориб ва кўзимга қарамай.

Биз уни кириш эшиги олдида кузатаётганимизда, у шубасини кия туриб шошиб қолди ва яна мени нигоҳи билан сийламай ўтди. “Бекорга уриняпти! — ўйладим мен.— Наҳотки, унинг қараши мен учун шу қадар ёқимли деб ўйласа? У яхши одам, жуда яхши... лекин фақат шугина”.

Ўша кеча Катя билан у ҳақида эмас, балки бу ёзни қандай ўтказишимиз, қишда қаерда яшашимиз ҳақида гаплашдик. “Нима учун?” деган қўрқинчли савол энди мени қийнамасди. Менга бахтли бўлиш учун яшаш кераклиги оддий ҳақиқатдай аён бўлганди, мени олдинда бахт кутарди. Бирдан эски тунд ота уйимиз ёруғлик ва ҳаёт билан тўлгандай бўлди.

## II

Шу орада баҳор келди. Олдинги тушкунлик кайфиятим тарқалди, унинг ўрнини тушунарсиз умид ва хоҳишлар жам бўлган баҳорий хаёлпарастлик эгаллади. Қиш аввалидай яшамасдим, Соняни ўйнатардим, мусиқа билан шуғулланардим, китоб ўқирдим, кўпинча боққа чиқиб, бир ўзим узоқ айланардим, скамейкада ўтириб, хаёллар ва орзулар уммонига фарқ бўлардим. Баъзида ҳатто бутун кечаларни, айниқса ойдин тунларни деразам олдида ўтирганча бир ўзим ўтириб ўтказардим, баъзида Катядан беркиниб, битта кофтада боққа чиқардим

ва ҳовузгача оёқяланг юриб борардим. Бир марта далага чиқиб, бутун боғни айланиб чиқдим.

Ҳозир ўшанда хаёлларимни тўлдирган орзуларни эслашим ва тушунишим қийин. Эсласан тақдиримда ҳам улар ҳақиқатан ҳам менинг орзуларим бўлганига ишонишим қийин. Улар ғалати ва ноҳаётӣ эди.

Май охирида Сергей Михайлович ваъда берганидай сафардан қайтди.

У биринчи марта биз умуман кутмаганимизда, кечки пайт келди. Биз айвонда чоӣ ичиб ўтирардик. Боғимиз яш-яшил эди. Сирень дарахти қийғос очилганди. Ботаётган қуёш нурларидан қайин дарахти барглари шаффоф кўринарди. Айвонга хира-ширалик тушди. Кучли кечки шудринг ўтлар устини намлади. Айвонимизда оппоқ дастурхон устида оқартириб тозаланган самовар қайнаб турарди. Қаймоқ, ширинлик ва печенье-лар бор. Мен чўмилиб чиққач, қорним очиб кетганига чоӣни ҳам кутиб ўтирмай нонни янги тайёрланган қаймоққа ботириб ея бошладим. Устимда холстинкадан тикилган кўйлак, бошимда хўл сочларимни йиғиб турган рўмол бор эди. Катя биринчилардан бўлиб Сергей Михайловични деразадан кўриб қолди.

— А! Сергей Михайлич! — деб юборди у, — биз ҳозиргина сиз ҳақингизда гаплашаётган эдик.

Мен туриб, кийимни алмаштиргани кетмоқчи эдим, у мени эшикка яқин келиб қолганимда учратиб қолди.

— Бу қишлоқда қандай маданият, — деди у бошимдаги рўмолга кулиб қараб — Мен сизга Григорий кабиман.

— Лекин унинг қараши Грийгорийники сингари оталарча эмас эди ва бундан мен ўзимни ноқулай ҳис қилдим.

— Ҳозир келаман, — дедим ундан узоқлаша туриб.

— Бунинг нимаси ёмон! — ортимдан бақирди у, — худди деҳқон қизидайсан.

“У менга шундай ғалати қарадики, — деб ўйладим тепада шошилиб кийинганча.— Келгани яхши бўлди, зерикмаймиз!” Шундоқ кўзгуга қарадим-да, қувноқлик билан зиналардан югуриб тушдим, кейин шошилганимни яшириб ўтирмай, нафасимга тикилиб хонага кирдим. У стол ёнида ўтириб, Катяга ишларимиз ҳақида гапирарди. Менга бир боқиб қўйиб кулди ва сўзида давом этди. Унинг айтишича, ишларимиз жуда яхши экан. Энди фақат ёзни қишлоқда ўтказиб, ё Сонянинг тарбияси учун Петербургга боришимиз керак, ё чет элга чиқишимиз керак экан.

— Сиз ҳам биз билан хорижга борганингизда эди,— деди Катя,— бўлмаса у ерда худди ўрмонда каби ёлғиз бўламиз.

— Эҳ! Имкон бўлса сизлар билан дунёни айланардим,— деди у ярим ҳазил, ярим чин.

— Шундай қилайлик,— дедим мен,— дунё кезамиз.

У кулганча бошини чайқади.

— Онам-чи? Ишлар-чи? — деди у.— Бунда ҳам гап эмас, ундан кўра орада қандай вақт ўтказдингиз? Наҳотки яна тушқунликка тушган бўлсангиз?

Унинг йўрида машғулот қилганим ва зерикмаганим ҳақида айтганимда ва бунини Катя тасдиқлаганида, у сўзлари ва нигоҳлари билан худди ёш болани эркалагандай мақтади, худди бунга ҳаққи бордай. Менга унга нима яхши уддалаётган бўлсам ёки кўнгилдагидек қила олмаётган бўлсам, мақтов ёки танбеҳини эшитиш учун ипидан игнасигача батафсил гапириб беришим керакдай туюлди.

Кеча шундай ёқимли эдики, чойни йиғиб кетишганидан сўнг ҳам биз анча вақтгача айвонда қолдик. Сўбатимиз шундай қизиқарли бўлганидан, одамлар овози эшитилмай қолганини ҳам сезмай қолибман. Боғдан



келәётган гуллай ифори янада кучайганди, ўт-ўланлар устига қуюқ шудринг тушганди, сирень шохлари орасида булбул сайраган эди, бизнинг овозимизни эшитиб жим бўлди. Юлдузли осмон шундоқ бошимиз тепасида тургандай эди.

Қоронғу тушганини айвонга кириб қолиб, шундоқ олдимдан учиб ўтган кўршапалакдан чўчиб, деворга ёпишиб қолганимда сездим.

— Сизнинг бу уйингизни қандай яхши кўраман,— деди у гапни бўлиб.— Менга қўйиб берса, бутун умр шу айвонда ўтирардим.

— Майли, ўтираверинг,— деди Катя.

— Ҳа, ўтираверинг,— деди у,— ҳаёт ўтиргани йўқ.

— Нега уйланмайсиз? — деди Катя.— Сиздан яхши эр чиқарди.

— Ўтиришни яхши кўрганимдан ҳали уйланганим йўқ,— кулди у.— Йўқ, Катерина Карловна, энди сиз билан бизга турмуш қуриш йўқ. Одамлар менга уйланадиган эркак сифатида қарамай қўйишганига анча бўлди. Ўшандан бери менга анча енгил бўлди.

У бу ҳақида қандайдир нотабий тарзда гапирди.

— Мана яхши! Ўттиз олти ёш, анча яшаб қўйибсиз,— деди Катя.

— Ҳа, яшаб қўйибман,— давом этди у,— фақат ўтиргим келади. Уйланганда бошқа ишларни ҳам қилиш керак. Мана бу қиздан сўранг,— деди у мени боши билан кўрсатиб.— Мана шуларни турмушга бериш керак. Уларни кўриб биз иккимиз кўзимиз қувонсин.

Унинг оҳангида яширин ғам-ғусса бор эди. У бир он жимиб қолди, на мен, на Катя бир сўз демадик.

— Тасаввур қилинг,— деди у стулида ўгирилиб олиб,— агар мен бир бахтсизлик туфайли бирдан уйланадиган бўлсам, масалан, ўн етти ёшли қиз, айтай-

лик Маш... Марья Александровнага. Бу ажойиб мисол, мана сизга бир мисол.

Мен унинг гапи ва ҳазили нимадан иборатлигини аглай олмай кулиб юбордим.

— Қўлингизни юракка қўйиб тўғриси айтинг, — деди у ҳазил билан менга мурожаат қилиб, — ахир мендай қари, ёшени яшаб бўлган, фақат ўтиришни истайдиган одам билан ҳаётингизни боғлаш тўғри келиб қолса, сиз учун бахтсизлик бўлмайдими? Сиз ёш бўлсангиз, хаёлларингизда, истакларингизда нима борлигини Худо биледи?

Ўзимни ноқулай ҳис қилдим, нима дейишни билмай индамадим.

— Мен сизга ҳозир таклиф қилаётганим йўқ, — деди у кулиб, — лекин ростини айтинг, ахир ўзингизга шундай турмуш ўртоқни истамагансиз-ку? Айтинг, ахир бу бахтсизлик-ку?

— Бахтсизлик деб бўлмайди... — бошладим мен.

— Бахтсизлик бўлмаса ҳам яхши эмас, — тугатди у.

— Ҳа, лекин мен адашаётган...

У яна гапимни бўлди.

— Мана кўрдингизми, мен ҳақман. Мен унга самимий жавоби учун миннатдорман. Шу ҳақида гап очилганидан хурсандман. Ўзим учун ҳам улкан бахтсизлик бўларди, — қўшимча қилди у.

— Қизиқ одамсиз, ҳеч ўзгармайсиз, — деди Катя ва айвондан чиқиб кечки таом учун дастурхон тайёрлашларини буюрди.

Катянинг кетиши билан иккимиз жимиб қолдик, атроф сув куйгандай сокин. Фақат булбул кечки вақтга хос тарзда шошилмай, секин бутун боққа сайрашга тушганди, жарликдан биринчи марта шу оқшом унга жавоб келди. Яқиндаги қуш жимиб қолди, гўё унга қу-

лоқ солиб тургандай, кейин бутун жарангдор овози ва жушқинлик билан куйлаб кетди. Икки қушнинг овозида бизга номаълум бўлган тунги оламининг шохона сокинлиги тарқалди. Боғбон ухлагани ўтиб кетди, борган сари унинг оғир этигини қадам ташлашлари узоқдан эшитиларди. Кимдир тоғ томонда қулоқни тешиб юборар даражада ҳуштак чалди ва ҳамма ёқ яна жим бўлди. Баргларнинг шитирлаши, айвон пардаларининг ҳилпиллаши эшитиларди, қаердандир хушбўй ифор келиб, айвонни тўлдирди. Айтилган гаплардан сўнг жим ўтиришим ноқулай эди, бироқ нима дейишимни билмасдим. Мен унга қарадим. Унинг ярқираган кўзлари хира-шира ёруғликда менга қараганди.

— Яшаш қандай яхши! — деди у.

Мен негадир хўрсиндим:

— Нима?

— Яшаш қандай яхши! — қайтардим мен.

Яна жимиб қолдик ва яна менга ноқулай бўлиб қолди. Уни қариб қолгани ҳақидаги фикрига қўшилганим туфайли уни ҳафа қилиб қўйганимни тушунардим ва қандайдир йўл билан кўнглини кўтармоқчи бўлардим-у, лекин қандайлигини билмасдим.

— Майли, яхши қолинг, — деди у туриб, — онам кечки таомга кутяпти. Уни ҳали кўрганим йўқ.

— Мен эса сизга янги сонатани чалиб бермоқчи эдим, — дедим мен.

— Бошқа сафар, — деди у совуқ оҳангда, ҳар ҳолда менга шундай туюлди.

— Хайр.

Уни хафа қилиб қўйганимга кўпроқ амин бўлиб, унга раҳмим келди. Биз Катя билан уни кўча эшигигача кузатиб қўйдик ва унинг ортидан қараб қолдик. Унинг отлари овози ўчганда, яна айвонимизга келиб,

боғни томоша қила бошладим, шудрингли туманда тунги овозлар ҳамон эшитиларди, ва узоқ вақт эшитишни ва кўришни истаган нарсаларимни эшитиб кўрдим.

Шу билан бошқа, учинчи сафар келганида ўрта-мизда бўлиб ўтган ғалати суҳбат мавзуси очилмади ва яқин келинмади. Бутун ёз давомида у ҳафтасига икки-уч марта бизларникига келиб турарди. Мен шундай унга ўрганиб кетдимки, у узоқ вақт келмай қолганида, ўзимни ёлғизлангандай ҳис қилардим, ундан ҳафа бўлардим. У менга худди ёш дўстига мурожаат қилгандай муносабатда бўларди, қилган ишларим сўраб-суриштирар, кўнглимдаги борини гапиртирар, маслаҳатлар берар, қўллаб-қувватлар, баъзида койирди ҳам. Бироқ доим мен билан тенг муносабатда бўлишга уринишига қарамай, унда менга кириб боришимга рухсат бўлмаган бир бутун бегона олам борлигини ҳис қилардим, айнан мана шу нарса мени ўзига жалб қиларди ва уни ҳурмат қилишга чорларди. Катя ва қўшнилاردан шу нарса менга маълум эдики, унинг қари онаси, бизнинг хўжалик ва васийлигидан ташқари унга бир қанча нохушлик келтираётган дворянлик ишлари ҳам бор эди. Лекин бу ишларга муносабати, режалари, умидлари қандайлиги ҳақида ҳеч нима била олмасдим. Шу ҳақида оғиз очишим билан “Буларнинг сизга нима кераги бор” деб суҳбат мавзусини ўзгартирарди. Бошида бу мени ҳақорат қилгандай эди, кейин фақат менга тааллуқли мавзуда гаплашишимизга ўрганиб кетдим.

У менинг ташқи кўринишимга мутлақо бефарқ муносабати бошида менга ёқмасди, кейин эса бу жиҳати ҳам менга бошқача кўрина бошлади. У на сўз билан, на қарашлари билан чиройимга ишора қилмасди, ҳатто унинг ёнида кимдир мени чиройли деса, пешонасини тириштириб, куларди. Аксинча, ташқи кўри-

нишимда камчиликлар топиб, устимдан куларди. Катя астойдил байрам оқшомлари учун сочимни турмаклаб, бежирим либослар кийдирса, у калака қилганча куларди. Бу Катяни хафа қиларди, мен ҳам бошида галати бўлардим, кейин эса ўрганиб кетдим. Катя ўз хаёлича мени унга ёқишимни айтиб юради, бироқ менинг чиройли ҳолда кўринишим нима учун унга маъзур бўлмаслигини тушунмасди. Тез орада унга нима кераклигини тушундим. У менда нозу фироқ йўқлигига амин бўлмоқчи экан. Шуни англаб етишим билан менда безаниш, ноз-қарашма қилиш, ўзимни кўз-кўз қилишдан асар ҳам қолмади, ва мен одмилик билан безандим. У мени яхши кўришини билардим, лекин ёш бола сифатидами ёки аёл сифатидами, буни ҳали ўзимдан сўраган эмасман. Мен унинг севгисини ардоқлардим, у мени дунёдаги энг яхши қиз деб билишини ҳис қилардим ва бу ёлгон унда яшашини истардим. Мен уни ёлгонга ишонтирганим сайин ўзим ҳам яхши томонга ўзгариб борардим. Унга ташқи кўринишимдан кўра қалбимнинг чиройини кўрсатиш маъқулроқлигини сезардим. Сочларим, қўлларим, юзим, одатларим қандай бўлмасин, яхшими ё ёмон, буларнинг ҳаммасига у баҳо бериб бўлган ва мен уларга ёлгондан бошқа ҳеч нимани кўшимча қила олмасдим. У қалбимни билмасди, чунки уни севарди, чунки у ўша вақтда улғайиш ва ривожланишда эди. Бу борада уни алдашим мумкин эди ва алдардим. Буни англаб етишим билан ўзимни енгил ҳис қила бошладим. Сабабсиз тортинишларим, уялиб ҳаракат қилишларим йўқолди. Олдимдами ё орқамда, ёки ён тарафимда бўладими, фарқи йўқ, у мени кўриб тургани, ҳамда қандай бўлсам, шундайлигимча мени яхши кўришини билардим ва мен каби мендан кўнгли тўқ эди.

Ўйлашимча, агар у ўз одатига қарши бошқалар каби чиройимни мақтаганида, бундан хурсанд бўлмасдим. Лекин бирон гап айтганимдан сўнг, менга ўткир нигоҳларини тикиб, таъсирчан овози билан ҳазиломуз “Ҳа, ҳа, бу сизда бор. Сиз ажойиб қизсиз, буни сизга айтишим керак” дейиши қалбимга бир олам қувонч беради.

Мен нима учун қалбимни бунчалар шодлантирувчи мақтовига сазовор бўлардим? Балки Григорийнинг неварасига бўлган меҳри ҳақида жўшиб гапирганим учундир, балки ўқиган шеърим ёки романимдан кўз ёш тўқаним учун, ёки Шулъгофдан кўра Моцартни афзал кўрганим учундир. Мен ўта нозик сезги билан нима яхши-ю, нимани яхши кўришим кераклигини билардим, гарчи ўша вақтда нима яхши-ю, нима ёмонлигини билишга ҳали ёшлик қилсам ҳам. Агар олдинги қилиқларим ёки одатларим, ёки яхши кўрган нарсаларим унга унчалик хуш келмаётганини билсам, унинг ачиниш билан, бироз жирканиш билан қараганини кўрсам, тамом, ўша одатларим ва яхши кўрганларимдан воз кечардим.

Шундай бўлардики, у менга ниманидир маслаҳат бермоқчи бўлиб турарди, мен эса унинг нима демоқчилигини билиб турардим. У кўзларимга боқиб бир нарсани сўрарди-ю, нигоҳлари унга керакли жавобни суғуриб оларди. Ушандаги туйғуларим ва фикру хаёлларим меники эмас эди, уники эди, улар менинг ҳаётимга кириб, мен томондан ўзлаштирилганди, улар қалбимни ёритганди.

Ўзим билмаган ҳолда ҳамма нарсага бошқача кўз билан қарай бошладим: Катяга ҳам, одамларимизга ҳам, Соняга ҳам, ҳамда ўзим ва машғулотларимга ҳам. Илгари зерикмаслик учун мутолаа қилган бўлсам, энди бу машғулот менинг энг севган ишимга айланди. Бу-

нинг ҳаммаси у билан китоблар ҳақида суҳбат қилганимиз, бирга китоб ўқиганимиз ва у менга китоблар олиб келгани учун. Авваллари Соня билан ўтириб, унга дарсларини қилдириш мен учун қийин бир ишдай эди, уни фақатгина бурч нуқтаи назардан қилардим. Энди у Сонянинг ютуқларини кузатиб бориши ва дарс вақтида бирга ўтириши мени қувонтирарди. Илгари бутун муסיқий пьесани ўрганиш жуда қийиндай туюларди, энди эса ундан мақтов эшитиш умидида битта пассажни керак бўлса қирқ марта қайтарардимки, Катя қулоғига пахта тиқиб оларди, мен эса ҳеч зерикмасдим. Илгари чалган сонаталарим бошқача эшитиларди, улар яхшироқ жарангларди.

Ҳатто Катя ҳам, уни ўзимдай биламан ва яхши кўраман, кўз ўнгимда яхши томонга ўзгаргандай эди. Шунинглаб етдимки, у бўлганидай бизга она, дўст, хизматкор бўлишга мажбур эмас. Мен унинг қанчалар фидойи ва садоқатли эканлигини тушуниб етдим ва уни кўпроқ қадрлай бошладим.

У менга одамларимизга, деҳқонлар, уй хизматкорларига, қизларга бутунлай бошқача қарашга ўргатди. Кулгили томони шуки, мен ўн етти ёшгача шу одамлар орасида уларга бегонадай ўсибманки, бирон марта ўйлаб ҳам кўрмабман, ахир буларда ҳам ҳислар бор, истак ва умидлар бор. Бизнинг боғимиз, далаларимиз, еримиз кўзимга бошқача кўрина бошлади, гарчи уларни олдиндан билган бўлсам ҳам. Унинг бу дунёда шубҳасиз битта бахт бор — у ҳам бўлса ким учундир яшаш, дегани бежиз эмасди. Бу менга ғалати туюлган, унга тушунмагандим ҳам, бироқ аста-секин бу фикр қалбимда ишонч бўлиб қолди.

У ўзидан бошқа ҳаётимга ҳеч нима қўшмай, ўзгартирмай туриб, менга бутун олам қувонччи очиб берди.

Ахир буларнинг ҳаммаси мени болаликдан бери ўраб келган, бироқ унинг келиши билан ҳаммаси бахт билан уфура бошлади.

Мен ухлагани ўз хонамга кириб кетиб, илгаридай гуссали хаёллардан эмас, балки бахтдай ухлай олмасдим. Мен буларни Катяга ҳам уйқу бермасдан сўзлаб берардим, лекин бу ортиқча экан, у шусиз ҳам менинг бахтли эканимни кўриб турарди. У ҳам бахтли эканлигини айтиб, мени қучиб ўпарди. Мен унга ишонардим, ўшанда ҳамма бахтли бўлиши керак деб ишонардим. Бироқ баъзида Катя уйқуси келганини айтиб мени хонасидан чиқариб юборарди. Мен эса хонамга келиб анча вақт бахтим ҳақида ўйлаб мижжа қоқмасдим. Баъзида ярим тунда туриб, Худога менга шундай бахтни раво кўргани учун ибодат қилардим.

Хонада жимжитлик, фақат Катя уйқуда равон нафас оларди, олдида соат чиқилларди. Мен эса ҳеч ухлай олмасдим, бир нималарни пичирлаб, чўқинардим, бўйнимдаги хочни ўпардим. Эшиклар ёпилган, дераза дарчалари беркитилганди. Қандайдир пашша гўнгиллаб учарди. Шу хонадан ҳечам чиқмасам, тонг келмаса, мени ҳозир ўраб турган муҳит ҳеч қачон тарқамаса деб ният қилардим. Менга орзуларим, хаёл ва дуоларим тирик жондай эди, улар қоронғуликда мен билан яшайди, тўшагим атрофида айланиб юради. Ҳар бир фикрим уники эди, ҳар бир ҳис-туйғуларим ҳам уники эди. Мен буни севги эканлигини билмагандим, бу ҳар доим бўладигандай, ҳислар шунчаки, ҳеч ниманинг эвазига бериладигандай эди.



## III

Бугдой ўрими вақтида бир куни биз Катя ва Соня билан богдаги жўка дарахти остидаги севимли скамейкамизга бордик, унда жар ортидаги ўрмон ва далалар кўринарди. Сергей Михайлович мана уч кундирки бизникига келмасди, шу куни биз уни кутардик. Шунингдек, у бизга далага боришини хабар қилибди. Тушда отда жавдар даласига ўтиб кетганини кўрдик. Катя у яхши кўрадиган шафтоли ва олчаларни олиб келишни буюрганди, у менга кулиб қўйганча, скамейка четига бошини қўйиб кўзларини юмди. Мен эса жўка дарахтининг бир новдасини синдириб олиб, Катя устида ҳилпиллатганча, китоб ўқишга тушдим. Шу орада тез-тез у келиши керак бўлган дала томонга қараб қўярдим. Соня жўка дарахти остида қўғирчоғига уйча ясарди. Кун иссиқ ва дим эди, булутлар йиғилиб, қорайганди, эрталабдан момақалди роқ бўлиши кутилари. Мен ҳар доимгидай момақалдироқдан олдин асабий эдим. Кун тушдан оққанда, булутлар тарқаб кетди ва қуёш мусаффо осмонга чиқди. Фақат кўкнинг бир чеккасида оғир булутлар йиғилиб қолган бўлиб, момақалдироқнинг секин овози, билинар билинмас чақмоқлар чақарди. Эртаси куни қовоғини ўйган осмон очилиб кетиши аниқ эди, ҳар ҳолда бизда шундай. Бог ортида бир қанча аравалар кўчани чангиб ўтиб кетарди. Ҳаммаёқни оппоқ чанг қопларди. Узоқ чангли далаларда ҳам аравалар кўриниб, улар олдида ранг-баранг кийимларда аёллар ишлашарди. Уша томонда араваларнинг овози ва аёлларнинг қўшиқ куйлагани эшитиларди. Чанг ва жазирама иссиқ ҳамма ёқни қоплаганди. Меҳнат аҳли

мана шу чанг ва иссиқда, қуёш тиғи остида гала-говур қилар, ишларди.

Катя салқингина боғимизда скамейкада ширингина ухлаб ётарди, лycopчаларда олчалар ярқирарди, уст кўйлаklarимиз тоза ва янги эди, қуёш нурлари кружкаларга қўйилган сувлар сиртида ўйнарди. Ва мен ўзимни жуда яхши ҳис қилардим! “Нима қилай?” — ўйлардим мен. — Бахтли бўлганим учун айбдорманми? Бахтимни қандай бўлишай? Кимга ўзимни ёки бутун бахтимни берай?”

Қуёш қайинзор ортига қараб йўл олди, далага чанг ўтира бошлади, узоқдаги манзара аниқ кўрина бошлади, булутлар бутунлай тарқалди, Эркаклар ғарам тепасидан тушишди, хотинлар эса иш қуролини елкаларига қўйганча қўшиқ куйлаб уйларига йўл олишди. Сергей Михайлович эса ҳеч кўринмасди, гарчи тоғ остига тушиб борганига кўзим тушганига анча бўлганди.

Бир маҳал хиёбондан, мен кутмаган томондан унинг гавдаси кўринди (жарни айланиб ўтган эди). У шляпасини қўлига олганча кулиб келарди, қадамлари тез эди. Катянинг ухлаганини кўриб лабини тишлади, кўзини юмиб оёқ учида кела бошлади. У менга ёқадиган сабабсиз хушчақчақ кайфиятда эканлигини сездим. У худди дарсдан қочиб қолган ўқувчидай эди. Унинг бутун борлиги, юзидан тортиб оёқларигача хурсандчилик, бахт ва болаларча шўхлик билан тўйинганди.

— Салом, ёш бинафшам, ишлар қандай? Яхшими? — деди у шивирлаб, менга яқин келди ва қўлимни сиқди... — Мен эса зўрман, — жавоб берди у саволимга — Ўттизда бўлсам ҳам, от чоптиргим, дарахтларга чиққим келади.

— Ёввойи завқу шавқ билан? — дедиму унинг ёввойи завқу шафқи менга ўтиб бораётгани ҳис қилдим.

— Ҳа,— деб жавоб берди у кулиб турганча. — Фақат Катерина Карловна бурнига уриб нима қиласиз?

Мен унга қараб, қўлимдаги шохни силкитишда давом этибман ва ўзим билмаган ҳолда Катянинг рўмолини тушириб юбориб, юзини барглар билан ура бошлабман. Мен кулиб юбордим.

— Ҳали ухламадим деб айтади,— гўёки Катяни уй-готвормаслик учун шивирлаб гапирдим, аслида эса у билан шу тарзда гаплашиш ёқаётганди.

У лабларини қимирлатиб, мени калака қилди, гўёки мен эшитиб бўлмайдиган даражада секин гапираётгандай эдим. У олчаларни кўриб қолиб, уларни худди яширинча олгандай столдан ликопчаси билан тортиб олди ва бориб жука дарахти остидаги Сонянинг қўғирчоқларига ўтириб олди. Дастлаб Соня ҳафа бўлди, кейин эса ким тез олча ейишга беллашиб, у билан ўйнаб кетди.

— Истайсизми, яна обкелтираман,— дедим мен,— ёки ўзингиз боринг.

У ликопчани олди, унга қўғирчоқларни ўтказди ва омборга қараб борди. Соня қиқирлаб кулганча оптимизда чопиб келарди, унинг пальтосидан тортиб, қўғирчоқларини қайтаришини талаб қиларди. У қўғирчоқларни бериб, менга жиддий гапирди:

— Қандай сиз бинафша бўлманг,— деди у ҳамон пичирлаб, гарчи уйғотиб юборадиган ҳеч ким бўлмаса ҳам,— сизнинг олдингизга чанг, иссиқ, югур-югурдан сўнг келганимда, сиздан бинафшанинг ифори келди. Шунчаки бинафшанинг ўзи эмас, унда эриган қорнинг мусаффолиги ва баҳор майсаларининг ҳиди бор.

— Қандай, хўжалик ишларингиз яхши кетяптими? — сўрадим мен унинг сўзларидан уялганимни ва қувонганимни яшириб.

— Яхши! Бу халқ ҳамма жойда яхши. Уни яхши билиб борган сайин унга меҳринг ошиб бораверади.

— Ҳа,— деди у,— ҳозир сиз келгунигизча боғдан уларни томоша қилдим ва улар ишлаб, мен дам олиб турганим учун виждонан қийналдим...

— Қўйсангиз-чи, ёлғон гапирманг,— деди у гапимни бўлиб жиддий оҳангда, бироқ у менга меҳр билан қараб қўйди,— бу илоҳий иш. Сиз бунга қўл урмассиз.

— Мен шунчаки сизга гапирдим.

— Ҳа, албатта, биламан. Олчалар нима бўлди?

Омборхона ёпиқ эди, боғбонларнинг ҳеч бири кўринмасди (уларнинг ҳаммасини ишга жўнатганди) Соня калит олиб келгани кетди. Бироқ у калитни кутиб ўтирмай, деворга чиқиб, ошиб ўтди.

— Олча ейсизми? — нариги томонда овози эшитилди. — Ликопчани беринг.

— Ўзим дарахтдан узгим келяпти, мен калитни олиб келаман, Соня топа олмайди,— дедим мен.

Бироқ шу вақтда у нима қилаётгани, қаерга қараётгани, қандай ҳаракат қилаётганини кузатгим келди. Шунчаки уни бир дақиқага ҳам кўздан қочиргим келмасди. Мен оёқ учида омборнинг бошқа томонидан бордим, у ерда девор пастроқ эди. Мен аста бўйимни чўзиб, омборга қарадим. Эгри-бугри шохлар ва тишчали кенг баргли дарахтлар ортида қари олча дарахтига суюниб турган Сергей Михайловични кўриб қолдим. У мени кетди ва уни ҳеч ким кўрмаяпти деб ўйлагани аниқ эди. У шляпасини ечиб, кўзларини юмиб олди, у олча дарахтидан елим олиб қўлида ўйнай бошлади. Бир пайт у елкасини қисиб, кўзларини очди ва нимадир деб кулди. Унинг кулиши, бу сўзлари унга ўхшамасди ва мен уни пойлаб турганим учун виждоним қийналгандай бўлди. Менга “Маша” дегандай туюл-

ди, бироқ бунга ишонгим келмади. “Гўзалим Маша!” янада секин меҳр билан деди у. Бироқ бу сўзларни аниқ эшитдим. Бирдан юрагим дукиллаб уриб, ҳаяжон боса бошлади ва йиқилиб тушмаслик учун деворга шартга қўлимни ташладим. У эса мени эшитиб қолиб қўрқиб қаради ва мени кўриб худди ёш боладай кўзларини пастга қаратиб қизарди. У менга бир нима демоқчи эди, юзига қон гупиллаб урилаётганидан бирон нима дея олмади. Бироқ у менга қараб кулди. Мен ҳам унга кулдим. Унинг юзи қувонч билан ёришди. Бу энди қари, мени эркаловчи ва сабоқ берувчи одам эмас эди, у мен қатори мени севувчи ва мендан қўрқувчи одам эди, мен ҳам уни севардим ва ундан қўрқардим ҳам. Биз ҳеч нима демай бир-биримизга боқардик. Бирдан унинг қошлари чимирилди, кулиши ва кўзларидаги учқун йўқолди, худди биз ёмон иш қилдик-у, у ақл-хушини йиғиб олиб, оталардай койиб берди.

— Қаерга чиқиб олдингиз, тушинг, йиқиласиз, — деди у. — Сочингизни тўғриланг, қаранг кимга ўхшаб қолибсиз.

“Нега ўзини билмаганга оляпти? Нега менга азоб беришни истаяпти?” — алам билан ўйладим мен. Шу он уни яна қизартиришни, унга қанчалар таъсир қила олишимни синаб кўроқчи бўлдим.

— Йўқ, ўзим узмоқчиман, — дедим ва ёнимда эгилиб турган дарахт шохини ушлаганча деворга чиқдим, у мени ушлаб қолишга қараб югурганди, етиб келмасидан пастга думаладим.

— Нега аҳмоқлик қиляпсиз! — деди у қизариб ва жаҳли чиққандай кўрсатиб ҳижолатини яшироқчи бўлди, — ахир жароҳат олишингиз мумкин. Энди қандай бу ердан чиқасиз?

У бадтар хижолат бўлдики, энди унинг бу ҳолати мени қўрқитиб юборди. Мен ҳам қизариб кетдим, унинг нигоҳларидан қочиб нима қилишни билмай қолдим. Шунда олча теришга тушиб кетдим, бироқ уларни қаерга қўйишни билмасдим. Мен қилган ишимдан пушаймон эдим, ичимда ўзимни койиб, унинг кўз ўнгида ўзимни умрбод барбод қилгандай эдим. Иккимиз гапирмасдик ва иккимизга қийин эди. Соня калит билан югуриб келиб, бизни бу офир вазиятдан қутқарди. Шундан кейин анчагача бир-биримизга гапирмадик, фақат Соняга мурожаат қилардик. Катя олдига қайтганимизда, у ухламагани, бизни эшитиб турганини айтди. Мен анча тинчланиб, унинг яна оталардай менга гапиршини кутардим, бироқ бу унинг қўлидан келмасди, энди у мени алдай олмасди. Шунда бир неча кун олдинги суҳбатимиз ёдимга тушди.

Катя аёлларга нисбатан эркакларга севиш ва севгисини изҳор қилиш осонроқлигини айтди.

— Эркак севишини айтиши мумкин, аёл эса йўқ, — деди у.

— Менимча, эркаклар ҳам севишини айтиши керак эмас, айтолмайди ҳам, — деди у.

— Нега энди? — сўрадим мен.

— Чунки бу ҳар доим ёлғон бўлади. Одам севишини очиқ айтиши нимаси? Гўё шуни айтса, сева бошлайдигандай. Гўё шуни айтса, қандайдир муъжиза рўй берадигандай. Менимча, — давом этди у, — севишини тантанавор очиқчасига айтган одам ё ўзини алдайди ёки энг ёмони, бошқани алдайди.

— Унда аёл қаердан уни севишларини билади, агар унга очиқ айтилмаса? — сўради Катя.

— Буни мен билмадим, — жавоб берди у, — Ҳар бир одамнинг ўз сўзлари бўлади. Агар ҳақиқатан ҳам туй-

ғу бўлса, у шусиз ҳам намоён бўлади. Мен романларни ўқиганимда, Стрельский ёки Альфреднинг эзилган чеҳраси “Мен сени севаман, Элеонора!” деганда қандай бўлишини тасаввур қила оламан. Бу жумлани айтганидан сўнг қандайдир муъжиза рўй беради, деб ўйлашади, лекин ҳеч нима ўзгармай иккаласи ўша-ўшалигича қолишади.

Мен бу ҳазилда ўзимга қаратилган жиддий гап борлигини сезгандим, бироқ Катя роман қаҳрамонларига енгил қарашга қўймасди.

— Доим зиддиятлар бўлади,— деди у. — Тўғриси-ни айтинг, наҳотки ўзингиз бирон марта аёлга муҳаббат изҳор қилмаган бўлсангиз?

— Муҳаббат изҳор қилган эмасман ҳам, тиз чўккан ҳам эмасман,— кулиб деди у,— ва буни қилмайман ҳам.

“Ҳа, у менга севги изҳор қилиши керак эмас,— бу суҳбатни эслаб ҳозир шундай ўйлардим. — У мени яхши кўради ва буни биламан. У қанча ўзини бефарқ кўрсатмасин, энди мени аксига ишонтира олмайди”.

Бу оқшом у мен билан кам гаплашди, лекин унинг ҳар бир сўзида, Катя ва Соняга ҳар бир мурожаатида мен муҳаббатни кўрардим. Шу нарса менга алам қилардики, ахир ҳеч қандай тўсиқсиз бахтли бўлиш имкони бўлганда, шусиз ҳам маълум бўлган ҳис-туйғуларини яшириб нима қилади.

Шу билан бирга унинг олдига омборга сакраб тушганим учун ҳеч ўзимни кечира олмасдим. Мана шунинг учун мени ҳурмат қилмай қолиши ва мендан юз ўтириши мумкиндай туюларди.

Чойдан сўнг фортепьянога бордим, у ортимдан келди.

— Мен учун бир нима чалиб беринг, мусиқангизни эшитмаганимга анча бўлди,— деди у меҳмонхонада менга етиб олиб.

— Мен ҳам истадим... Сергей Михайлич! — дедим қўққисдан унинг кўзларига тик боқиб. — Мендан жаҳлингиз чиқмадими?

— Нима учун? — сўради у.

— Тушликдан кейин сизга қулоқ солмаганим учун, — дедим қизариб.

У кулганча бошини силкитди. У мени койиб бериши керак эди-ю, лекин бунга ўзида куч топа олмасди.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, биз аввалгидай дўстмиз, — дедим фортепьяно ёнига ўтириб.

— Албатта! — деди у.

Катта ва баланд шифтли меҳмонхонани фақат фортепьяно устидаги иккита шам ёритарди, хонанинг ярми ним қоронғу эди. Очиқ деразадан ёзги оқшом ёруғи тушиб турарди. Ҳамма ёқ жим жит эди, фақат Катя у ёқдан бу ёққа ўтиб, пол ёғочни гичирлатарди, ҳамда дераза пастида турган от пишқириб, туёғи билан ерни тешиб қўярди. У орқамда ўтирарди, мен уни кўрмасдим, бироқ ярим қоронғу хонанинг ҳар ерида, ҳар нафасимда, оҳангларда унинг борлигини ҳис қилардим. Унинг ҳар бир қарашини, ҳар бир ҳаракатини кўрмасам ҳам, қалбимда намоён бўларди. Мен Моцартнинг фантазия сонатасини чалардим, уни менга унинг ўзи олиб келган. Мен бу мусиқани унинг учун ўргандим ва унинг учун чалардим. Нимани чалаётганимни билмасдим, лекин уни яхши ижро этаётганимни ва бу унга ёқаётганини ҳис қилардим. Унинг мусиқадан олаётган роҳатини ва уни кўрмасам-да, у менга қандай қараб турганини сезардим.

Бармоқларимни ишлатишда тўхтатмай, ўзим билмаган ҳолда ўгирилиб унга қарадим. Унинг боши қоронғуликда унча кўринмасди. У қўли билан бошини суяб олиб, мендан кўз узмай ўтирарди. Унинг ўткир нигоҳидан таъ-



сирланиб мусиқа чалишдан тўхтаб қолдим ва унга кулиб қарадим. У ҳам табассум билан жавоб қилиб, чалишда давом этишимни боши билан ишора қилди. Мен тугатганимда, ой тикка бўлганди, хонага шам ёруғидан ташқари, деразадан кумушранг нур ёғиларди.

Катя энг мароқли жойида тўхтаб қолганим ва яхши чалмаганимни айтди. У эса аксинча, мен ҳеч қачон бундай яхши чалмаганимни қайд этди. У ўрнидан туриб хона бўйлаб юрар ва менга кулиб боқарди. Мен ҳам унга кулиб қараб турардим, ҳеч сабабсиз қиқирлаб кулишни истардим. У хонадан чиқиб кетиши билан қувончимни ичимга сиғдира олмай, Катяни қучиб ўпардим, у қайтиб келиши билан яна жиддий қиёфага келиб қолардим.

— Бу қизга нима қилган? — дерди унга Катя.

У жавоб бермай менга қараб қўярди. У менга нима қилганини биларди.

— Қаранг, қандай кеча! — деди у меҳмонхонанинг боққа қараб чиққан балконнинг очиқ эшиги олдида туриб...

Биз унинг олдига бордик. Ҳақиқатан жуда ажойиб оқшом эди, бундай манзарани мен ҳеч кўрган эмасман. Тўлин ой ортимизда, уй тепасида турарди, олдинга уйнинг қоп-қора сояси тушганди. Богнинг ярми эса ойнинг кумуш нурлари билан ёритилганди. Бу кенг йўлакча унга чиқиб қолган георгин гуллари ва гадир-будир ялтироқ тошчалари билан ой шуъласи билан тўлиб, қоронгу соя томон чўзилиб кетганди. Дарахтлар ортида оранжереянинг оч рангдаги томи кўриниб турарди, жардан эса туман чўзилиб чиқарди. Шудринг билан намланган сирен гуллари қоронгулик фонида тиниқ кўринарди. Богда нур билан соя шундай рақсга туршардики, ундаги дарахтлар ва йўлаклар қимирлаб тур-

ган уяларга ўхшарди. Ўнгроқда уйнинг қоп-қора сояси тушган бўлиб, юракка қўрқув соларди.

— Юринг, сайр қиламиз, — дедим мен.

Катя рози бўлди, фақат менга калиш кийишни буюрди.

— Кераги йўқ, Катя, — дедим мен, — мана Сергей Михайлович менга қўлини узатади.

Гўё бу менинг оёқларимни ҳўл қилиб олишимдан асрайдигандай. Бу нарса ўшанда бизга ғалати туюлмади. У ҳеч қачон қўлини менга чўзмасди, бу сафар мен ўзим уни ушлаб олдим, ва бу унга ғалати туюлгани йўқ. Уччаламиз айвондан тушдик. Бутун олам, бу осмон, бу боғ, бу ҳаво, мен билганимдай эмас эди.

Мен ўзимни билмасдим. Биз йўлакдан борардик, боғ эса бутун гўзалликларини бизга очиб бораётгандай эди. Ўша боғ, ўша дарахтлар, ўша оёқ остида шитирлаган қуриган барглар, ўша осмон, ўша Катя эди. Лекин ҳаммаси ўзгача, қандайдир сирли, жозибали эди.

Ҳар қадай ташлаганимизда, олдимиздаги девор билан ортдагиси бир-бири билан бирикиб, йўлимизни тўсгандай, биз шу мўъжизавий кичик оламда қамал бўлгандай туюларди.

— Вой, қурбақа! — деб юборди Катя.

Ким ва нима учун гапирди — ўйладим мен. Кейин бу Катя эканлиги, у қурбақадан қўрқишини эсладим, оёғим остига қарадим. Кичкина қурбақа сакраб, олдимда қарахт туриб қолди, унинг митти вужудидан ҳам соя тушиб турарди.

— Қўрқмайсизми? — сўради у.

Мен унга қарадим. Биз ўтган жойга ой нури тушган бўлиб, унинг юзини ёритиб турарди. У жуда гўзал ва бахтли эди.

У “Қўрқмайсиэми?” деди, мен эса “Сени севаман, гўзалим!” дегандай эшитилди. Севаман, севаман дерди унинг кўзлари, кўллари, нур ва соя, ҳаво, ва ҳамма-ҳаммаси

Биз бутун боғни айланиб чиқдик. Катя биз билан кичик қадамлари билан шошиб юрарди, чарчаганидан чуқур нафас оларди. У қайтиш вақти келганини айтди ва унга жуда раҳмим келиб кетди. Нега ҳамма ёш, тетик ва бахтиёр эмас, нега биз ҳис қилганни ҳамма туя олмайди.

Биз уйга қайтдик, у яна узоқ вақт қолди. Хўрозлар қичқира бошлаб, келаётган тонг дарагини берса ҳам, Катя кеч бўлганини бизга эслатмасди. Биз эса керак ва керакмас нарсалар ҳақида гаплашиб, соатни ҳам уч қилдик.

У кетганида хўрозлар қичқириб бўғилай дерди, тонгнинг илк нурлари сочила бошлаганди. У одатдагидай ортиқча ҳеч нима дёмай хайрлашди. Бироқ мен шуни билардимки, бугунги кундан бошлаб у меники эди ва уни ҳеч кимга бермайман.

Мен уни севишимни тан олишим билан бор гапни Катяга айтиб бердим. У жуда хурсанд бўлди, унга кўнглимни очганимдан таъсирланди. Бироқ бечора ухлаб қолди, мен эса ёта олмадим. Унинг ҳар бир айтган сўзларини эсладим, боққа тушиб атрофни томоша қилдим, бирга юрган йўлимиздан яна юриб чиқдим. Мен шу кеча ухлаганим йўқ ва биринчи марта тонг отишини кўрдим. Бундан сўнг бу қадар ажойиб тонгни ҳам, кечани ҳам кўрганим йўқ. “Нега шунчаки мени севишини айтиб қўя қолмайди, - деб ўйлардим мен, - ҳаммаси осон ва ажойиб бўлган вақтда, нега ўзини чол деб турли қийинчиликларни ўйлаб топади? Нега ҳеч қачон қайтиб келмаслиги мумкин бўлган олтин вақтни йўқо-

тяпти. У менга севаман десин, қўлимни олиб, унга бошини қўйсин ва севаман десин. У қизариб, кўзларини олиб қочсин, шунда мен ҳам унга қалбимни очаман. Йўқ айтмайман, унинг елкасига бошим қўйиб йиглаб юбораман?” — шу каби хаёллар бирдан миямга келди.

Мен туйғуларимдан қўрқиб кетдим, улар мени қаерга бошлашини билиб бўлмасди. Унинг олдига омборга сакраб тушганимни эслаб, юрагимда огриқни ҳис қилдим. Кўзларимдан ёш оқа бошлади ва мен дуо ўқидим. Шунда мени тинчлантирувчи ғалати фикр ва умид келди. Мен бугундан бошлаб пост тутишни, туғилган кунимда ибодат қилиб, ўзимни унинг қайлиғи деб тан олишга келишиб олдим.

Нега? Нима учун? Бу қандай бўлади? — буларнинг ҳеч бирини билмасдим, лекин ўша ондан бошлаб мана шундай бўлишига ишонардим. Бутунлай кун ёришиб кетиб, одамлар далага чиқа бошлашди, мен эса хонамга қайтдим.

#### IV

Успенский пости бўлгани учун бу вақтда пост тутмоқчи бўлганим уйда ҳеч кимни ажаблантирмади.

Бутун ҳафта давомида у бирон марта бизникига келмади, унинг келмаганидан на ҳафа бўлдим, на хавотирга тушдим, уни фақат туғилган кунимга кутардим. Шу ҳафта давомида мен ҳар куни эрта туриб, боғда сайр қилиб юардим, ўтган кунларда қилган яхши-ёмон ишларимни миямдан ўтказиб, таҳлил қилардим, келгусида кунларимни мазмунли ўтказиш ва савоб ишлар қилиш мақсадида қилишим керак бўлган ишларимни ўйлардим. Ўшанда бегуноҳ бўлиш осондай туюларди. Шунчаки озроқ ҳаракат қилса бас эди. От-

ларни олиб келишганда, Катя ёки уйдаги бошқа хизматчи қиз билан уч қақирим наридаги черковга ибодат қилгани борардик.

Мен черковга ҳар сафар кирганимда “Худога итоат” билан ҳамма учун ибодат қилиш кераклигини эслайман ва шу ҳис билан ибодат қиламан. Ўша вақтда черковда ўнга яқин пост тутган деҳқонлар бор эди. Улар менга таъзим қилишганда, уларни мамнуният билан қабул қилиб, ўзим бориб қутидан шамларни олиб ёқдим. Шоҳона эшиклар ортида онам тиккан ёпинчиқли меҳроб кўринарди, Хоч остида юлдузчали икки ёғочдан ясалган фаришталар бор. Кичик бўлганимда, менга бу фаришталар улкандай кўринарди, сарғиш ярқираган каптар ҳайкаллари мени завқлантирарди. Клиросда бир чеккаси пачоқланган тоғора кўринарди, унда мен қанча деҳқонларимиз болаларини чўқинтирганман, мени ҳам чўқинтиришган. Қари руҳоний риза кийиб чиқди ва менга болалигимдан таниш овоз билан хизматини бошлади. Бизнинг уйимизда Сонянинг чўқиниши, отам ва онамнинг дафн маросимлари муносабати билан черков хизмати амалга оширилганда шу жангдор овозни эшитганман. Иконага қараб, букилиб турган тишсиз оғзи билан дуолар пичирлаб, йиғлаётган кампирни ҳам яхши эслайман. Буларнинг ҳаммаси болалигимдан таниш. Бироқ ҳозир менда болаларча қизиқиш эмас, юракка яқин хотиралар ҳам эмас, балки қалбимдан ибодатнинг чуқур маъносини англаган ҳолда ибодат қилардим. Ўқилган дуоларнинг ҳар бир сўзига диққат қилиб эшитардим, уларга ҳисларим билан жавоб қайтарардим, бирон сўзга тушунмасам, Худодан қалбимни очишни сўраб, етмаган сўз ўрнига ўз дуоимни ўйлаб қайтарардим. Пушаймонлик дуолари ўқилганда, болалиқдаги кечеришга арзигулик туюлган гуноҳла-

римни эслаб йиғладим, агар гуноҳларим каттароқ бўлганида, пушаймонлик дуолари янада кучлироқ ўқилиб, уларнинг кечирилиши ҳақида ўйлар ёқимлироқ бўлишини ўйладим.

Руҳоний хизмати охирида Худо бизни қўллаши ҳақида дуо қилганда, менга қандайдир нур ва иссиқликдан иборат куч кириб бораётганини ҳис қилдим. Хизмат тугагач, руҳоний ота олдимга келиб, уйимизга бориб хизмат қилиш керакмасми деб сўради, мен унга миннатдорчиликни билдирдим ва ўзим келиб ибодат қилишимни айтдим.

— Ўзингиз овора бўлишни истайсизми? — деди у.

Мен унга эҳтиётлик билан кибрдан қочиб жавоб қайтардим.

Черковдан отларга рухсат бериб, ўзим пиёда қайтишга қарор қилдим. Дуч келганларга чуқур таъзим қилиб ҳурматимни билдирардим, кимгадир ёрдам бериш, маслаҳат бериш, боласини эркалаш, йўл бериш, лой билан оёқ кийимларимни ифлос қилиш имконини қидирардим.

Бир куни ишбоши Катяга Семён исмли деҳқон қизининг дафн маросими учун пули йўқлиги ва озроқ ёрдам сўраганини айтди. “Улар камбағалми?” — сўрадим мен. “Жуда камбағал, туз тотмай ўтиришибди” деб жавоб берди ишбоши. Юрагимда нимадир қалқигандай бўлди. Буни эшитиб қолганимдан жуда хурсанд бўлдим. Катяга сайр қилгани чиқаман деб алдадим, ўзим эса хонамга югуриб чиқиб, пулларимни олдим. Пулим жуда оз эди, лекин борини олдим. Айвондан боққа чиқиб, қишлоқдаги Семён уйига йўл олдим. У қишлоқнинг чеккасида эди. Деразанинг олдига бориб, унинг токчасига пулни қўйдим ва тақиллатиб қўйдим. Кимдир уйдан чиқди ва мен

томонга қараб кимлигимни сўради. Мен эса худди жиноятчилардай қўрқувдан титрардим, шундан сўнг уйга қараб чопдим. Катя мендан қаерда бўлганим, нима бўлганини сўради. Лекин мен ҳатто унинг гапларига тушунмадим ва жавоб бермадим. Қилган ишим ўзимга ёмон кўриниб кетиб, хонамга қулфланиб олдим. Ўша вақтда нималарни ҳис қилганимни ҳатто ўйлашни ҳам истамасдим. У оила пулни топиб қанчалар хурсанд бўлишини ўйладим ва шунда нима учун ўз қўлим билан беришга журъатим етмагани учун ўзимни койидим. Бу ишимни Сергей Михайлович билса нима дейди деган хаёллар миямга келди, шунда яхшиямки бу ишимдан бирон киши беҳабарлигидан хурсанд бўлдим.

Миямда турли хаёллар гужгон ўйнай бошлади. Шу онда ҳаммани, ўзимни ҳам яхши кўриб кетдим, кулардим, дуо қилардим, йиғлардим. Ибодатлар орасида инжилни ўқий бошладим, энди ундаги ҳикоялар моҳияти менга янада тушунарлироқ туюларди. Бироқ бу китобдан сўнг ҳаётга назар солсам, ҳаммаси жўн ва оддийдай кўринарди. Ёмон бўлиб яшаш қийиндай, ҳаммани севиб ва сеvimли бўлиш эса осондай кўринди. Ҳамма менга эътиборли ва меҳрибон эди. Ҳатто мен дарс бераётган Соня ҳам яхши томонга ўзгаргани, у менга ёқишга ҳаракат қилиб, кўнглимни олишни истарди. Мен одамларга қандай муносабатда бўлсам, улар ҳам шундай жавоб қайтаришарди.

Қандай душманларим борлиги, кимдан кечирим сўрашим кераклигини кўриб чиқдим. Шунда хаёлимга қўшни аёл келди, мен кўпчилик меҳмонлар олдида унинг устидан кулган эдим, шундан бери у бизникига келмай қўйганди. Мен унга хат ёзиб, айбимга иқрорлигим ва пушаймонлигимни билдирдим ва кечирим сўра-

дим. У ҳам менга жавоб ёзиб, мени кечиргани ва ўзи ҳам мендан узр сўрашини айтибди. Мен бу оддий сатрларни ўқиб йиглаб юбордим.

Энагамдан қечирим сўрагандим у ҳам йиглаб юборди. “Нега ҳамма менга бунчалар меҳрибон? Нима билан уларнинг меҳрига сазовор бўлдим” — сўрардим ўзимдан. Шу он беихтиёр Сергей Михайловични эслардим ва у ҳақида узоқ ўйлардим. Бошқача йўл тута олмасдим ва буни гуноҳ деб билмасдим. Лекин энди у ҳақида худди биринчи бор унинг севишини билганим кечада каби ўйламасдим, балки уни ўз келажагим деб билиб ўзим ҳақида ўйлагандай хаёл сулардим. Унинг олдида ҳис қиладиган босимни тасаввурларимда ҳис қилмасдим. Энди ўзимни унга тенг билардим, уни тушунма оладиган маънавий кайфиятда эканлигимни аниқлардим. Аввал менга ғалати туюлган унинг жиҳатлари энди тушунарлидай кўринарди. Эндигина унинг бошқалар учун яшамоқ ҳақиқий бахт деган сўзларининг моҳиятига тушуниб етдим ва у мен бу фикрни маъқуладим. Иккимиз чексиз ва сокин бахтли бўламиздай туюлди. Мен келажагимизни хорижда, ёрқин рангларида, ҳашаматда кўрмасдим, мен бахтимизни қишлоқда оилавий ҳаётда, бир-бирига вафодор ва меҳр-муҳаббатда билардим.

Мен туғилган кунимда ибодат қилиб уйга қайтдим. Черковдан қайтар эканман, кўксим тўла бахт эди, мен ҳаётдан, ҳар қандай ҳислардан қўрқардим, улар бахтимга раҳна солишидан чўчирдим. Бироқ уйга етиб келишимиз билан, орқадан таниш кабриолет овози эшитилди, мен Сергей Михайловични кўрдим. У мени табриклади ва биз бирга меҳмонхонага кирдик. Мен ўзимни унинг олдида ҳеч қачон бундай хотиржам ва мустақил ҳис қилган эмасман. Менда унга номаълум қан-



дайдир янги олам борлиги ва ундан юқори туришини ҳис қилдим. У билан муносабатда ҳеч қандай тортиниш ё уялишни сезмадим. Афтидан, у мендаги ўзгариш нима учунлигини биларди, шунинг учун мен билан ўта нозик ва назокатли муносабатда бўларди. Мен фортепянога боргандим, унинг калитини менга кўрсатиб қармонига солди.

— Кайфиятингизни бузманг, — деди у, — ҳозир қалбингизда шундай мусиқа янграяптики, унга ҳеч нима етмайди.

Мен бунинг учун ундан миннатдор эдим, бироқ у қалбимдагини осонликча кўра олаётганидан биров ранжидим, ахир булар бошқалар учун сирли бўлиши керак-ку. Тушлик вақтида у мени табриклагани ва Москвага кетаётгани учун хайрлашгани келганини билдирди. У Катяга гапирарди-ю, кўз қирини менга ташлаб қўйди, гўёки унинг кетиши борасида ҳаяжонга тушишимни кўриб қолишидан қўрққандай. Бироқ мен ажабланмадим, ҳаяжонланмадим ва ҳатто қанча вақтга кетишини ҳам сўрамадим. Чунки унинг нима дейишини билардим, унинг кетмаслигини ҳам. Қандай билардим? Буни ҳозир тушунтириб бера олмайман. Лекин ўша кунни нима бўлган ва нима бўлишини — ҳаммасини биладигандай эдим. Мен худди бахтиёр туш кўраётгандай эдим. Буларнинг ҳаммаси илгари содир бўлгандай, яна бўладигандай туюлди.

Тушликдан сўнг у кетмоқчи бўлганди, Катя толиққанлигини айтиб хонасига дам олгани кириб кетганди ва уни кутишга тўғри келди. Меҳмонхонага қуёш тушиб тургани учун айвонга чиқдик. Биз ўтиришимиз билан мен шундай гапларни бошладимки, улар муҳаббатимизнинг тақдирини ҳал қилиши керак эди. Мен ўзимга ишонган ҳолда, хотиржам гапирардим ва ўзимда-

ги қатъият ва хотиржамликка, сўзларни топиб-топиб гапиришимга ҳайрон қолардим. Худдики бу гапларни мен эмас, мендан мустақил бўлган мендаги нимадир сўзларди. У рўпарамда суянчиққа эгилиб, сирень шохидан барглари юлиб, ўтирарди. Мен гапира бошлаганимда, у бошини тушириб, қўлларига тираб олди. Бу ё хотиржам, ё бутунлай ҳаяжонга берилган одам ҳолати эди.

— Нега кетяпсиз? — дедим нисбатан қатъийлик билан унга тик қараб.

У бирдан жавоб бермади.

— Ишлар! — деди у кўзини пастга қаратиб.

Мен самимий берган саволимга ёлгон жавоб бериш қанчалар унга қийинлигини тушунардим.

— Мени эшитинг, — дедим мен, — бугун мен учун қандай кунлигини биласиз. Кўп нарсада бу кўн муҳим. Сиздан шуни сўрар эканман, ўзимни қизиқаётгандай кўрсатиш учун эмас (биласиз, сизга ўргандим ва яхши кўраман), балки билишим керак бўлгани учун сўрадим. Нега кетяпсиз?

— Нега кетаётганимни сизга айтишим жуда қийин, — деди у. — Бу ҳафта сиз ҳақингизда, ўзим ҳақимда кўп ўйладим ва кетишга қарор қилдим. Тушунапсизми, нима учун? Агар мени яхши кўрсангиз, бошқа сўраманг. — у пешонасини артиб, кўзини қўли билан ёпди. — Бу менга оғир... Сизга эса тушунарли.

Юрагим қаттиқ ура бошлади.

— Тушуна олмаяпман, — дедим, — қўлимдан келмаяпти, Худо ҳаққи, бугунги кун ҳаққи, бор гапни менга айтинг, мен хотиржам эшитаман, — дедим мен.

У ҳолатини ўзгартирди, менга қараб қўйиб, яна шохни тортиб барглари юла бошлади.

— Хуллас, — деди у қатъий овозда гапиришга уришиб, — мен гапириш қанча аҳмоқона ва қийин бўлма-

син, сизга тушунтиришга, — деди у бирон ери огригандай пешонасини тириштириб.

— Хўш! — дедим.

— Тасаввур қилинг, бир жаноб А бор, — деди у, — ёшани яшаб бўлган қари, ва битта хоним А бор, ёш, бахтиёр, на одамларни билади, на ҳаётни. Турли оилавий муносабатларга кўра, жаноб у қизни ўз қизидай яхши кўрди ва бошқача яхши кўриб қолишидан қўрқмади.

У жимиб қолди, мен эса бу сукутни бузмадим.

— Лекин у Б ҳали жуда ёшлиги, ҳаёт унга ўйинчоқ эканлигини унутиб қўйди, — деб бирдан қатъийлик билан бошлаб кетди у кўзимга қарамай, — Бир вақт у билдики, унинг қалбига надомат каби оғир бошқа туйғу кириб бораётганини сезиб қолди ва қўрқиб кетди. У аввалги дўстлик муносабатларини бузиб қўйишдан қўрқди ва шундай ҳолат юз бермасидан кетишга қарор қилди. — деди-ю, беихтиёр кўзларини қўли билан артиб, уларни юмиб олди.

— Нега у бошқача яхши кўриб қолишдан қўрқди? — дедим аста, ҳаяжонимни ушлаб туриб. Овозим бир текис бўлса-да унга ҳазилона оҳангда эшитилди, шекилли. У ҳақоратлангандай овоз билан жавоб берди.

— Сиз ёшсиз, — деди у, — мен эса ёш эмасман. Сизга ўйин-кулги керак, менга эса бошқа нарса. Ўйнаб-кулинг, фақат менинг устимда эмас, акс ҳолда мен ишониб қоламан ва менга қийин бўлади, сизнинг виждонингиз қийналади. Бу гапни А айтди, — қўшиб қўйди у, — буларнинг бари бўлмағур гаплар. Келинг, бу ҳақида бошқа гаплашмаймиз. Илтимос!

— Йўқ! Йўқ! Гаплашамиз! — дедим мен овозим тиграб. — У севардими ё йўқми?

У жавоб бермади.

— Агар А севмаган бўлса, нега у қиз билан худди боладай ўйин қилди? — дея олдим мен.

— Ҳа, ҳа, А айбдор эди,— жавоб берди у, шошиб гапимни бўлиб,— бироқ ҳаммаси тугади ва улар дўст бўлиб қолишди.

— Ахир бу даҳшат-ку! Наҳотки, бошқа йўли бўлма-са,— дедим зўрға ва айтган гапимдан қўрқиб кетдим.

— Ҳа, бор,— деди у ҳаяжонли юзини менга очиб.  
— Икки йўли бор. Фақат Худо ҳаққи, гапимни бўлманг, мени тўғри тушунишга ҳаракат қилинг. Кимлардир шундай дейди,— бошлади у оғриқли табассум билан,— А ақлдан озгунча Б ни севган ва буни унга айтган... Қиз эса кулиб юборибди. Чунки қиз учун бу ҳазил, Б учун эса бутун ҳаёт эди.

Мен сесканиб кетдим ва менинг ўрнимга гапиришга ҳаққи йўқлигини айтмоқчи бўлиб, унинг гапини бўлмоқчи бўлдим. У эса менинг қўлимга ўз қўлларини қўйиб, мени ушлаб қолди.

— Тўхтанг,— деди у титраган овоз билан,— яна бошқалар айтадики, қизнинг унга раҳми келибди, ҳали одамларни кўрмаган қиз уни севиб қолишига ишониб, унга турмушга чиқишга розилик берибди. Жаноб А эса бунга ишонибди, аҳмоқларча ҳаёти бошидан бошланишига амин бўлибди, бироқ кейин билдики, у адашибди, қиз уни алдабди, у ҳам қизни алдабди. Бўлди, бу ҳақида гаплашмаймиз,— деб хўлоса қилди у, бошқа гапиришга куч топа олмади, шекилли. Кейин ўрнидан туриб, тўғримда юра бошлади.

У “Бу ҳақида бошқа гаплашмаймиз” деди, бироқ бутун қалби билан мен нима дейишимни кутди. Мен гапирмоқчи эдим, бироқ нимадир қалбимни эзарди. Унга қарасам, унинг ранги оқариб кетибди, пастки лаби титраб турарди. Унга раҳмим келиб кетди. Мен бор ку-

чимни йиғиб, қотиб қолган сукутни бузишга уриндим ва сокин, қалбим тубидан чиқаётган овоз билан гапир-а бошладим. Бу овозим исталган сонияда узилиб қо-лишидан чўчиб турардим.

— Учинчи йўл-чи, — деб тўхтадим, у эса ҳамон жим эди, — Учинчиси эса шундай — у қизнинг дилини оғритди, қаттиқ оғритди ва ўзини ҳақ деб ўйлаб, кетишга қарор қилди ва шу қароридан ғурурланди ҳам. Менга эмас, сизга буларнинг ҳаммаси ҳазил. Мен сизни биринчи кўрган кунимданоқ, севиб қолганман, севганман, — дедим мен, “севиб қолганман” сўзи беихтиёр сокин овоздан юракдан чиққан ҳайқириққа айланди ва ўзим ҳам бундан кўрқиб кетдим.

Унинг юзи оқариб кетган, лаблари кучлироқ титраган ҳолда олдимда турарди.

— Бу аҳмоқлик! — деяри бақирардим, йиғлаб ташланмаган кўз ёшларимга бўғилиб. — Нима учун? — дедим-да, ундан нари кетиш-учун турдим.

Лекин у мени қўйиб юбормади. У бошини тиззамга қўйди, лаблари титраб турган қўлларимни ўпиб, кўз ёшлари билан ҳўл қилди.

— Ё, Худойим, буни билганимда эди, — деди у.

— Нима учун? Нима учун? — ҳамон дердим мен, қалбимда эса узоқ-узоқларга кетган, қайтмас бахт изи бор эди.

Беш дақиқадан сўнг Соня Катянинг олдига югуриб кетди ва бутун уйга Маша Сергей Михайловичга “уйланмоқчи” эканлигини овоза қилди.

Тўйни ортга суриш учун сабаб йўқ эди, буни иккимиз ҳам истамасдик. Тўғри, Катя Москвага бориб келиб, менга сарпо қилиб келмоқчи бўлди. Унинг онаси эса уйланишидан олдин янги қарета, мебель сотиб олишни, уйга янги девор қоғоз ёпиштириб, таъмири-

ни янгилашни талаб қилди. Биз эса бу ишлар муҳим бўлса, тўйдан сўнг қилишга қарор қилдик. Биз никоҳ маросимини туғилган кунимдан икки ҳафтадан сўнг амалга оширишга келишиб олдик. Уни сарпо-сурӯқ, меҳмондорчилик, ҳайдовчиларни ёллаш, зиёфат ўтказиш, шампан виносиз ўтказадиган бўлдик. Унинг онаси тўй мусиқа-томошаларсиз, сандиқ-сандиқ сарполарсиз, уй бошдан оёқ ўзгартирилмай ўтказилишидан норози экан ва ўғлидан яширинча, тўйга керакли харидларни ва бошқа тайёргарликларни уй ҳисобчиси Марьюша билан бирга амалга ошираётган экан. Мен томонда ҳам Катя энага Кузьминишна билан биргалик шундай тадорикларни бошлаб юборган. Унинг фикрича, икки ёш ҳозир ҳиссиётларимиз билан учиб юрибмиз, турмуш эса жиддий масала. Ўйлаш мумкинки, бизнинг бахтимиз кийимларимиз қанчалик соз тикилгани, сочиқ ва дастурхонларнинг етарли бўлишига боғлиқдай. Покровский билан Никольскийлар ўртасида ҳар куни маҳфий ахборот алмашинуви содир бўларди. Сиртдан Катя билан унинг онаси ўртасида ўта самимий ва назокатли муносабатлар шакллангандай эди, аслида эса бир мунча душманона нозиқ дипломатия сезиларди. Унинг онаси Татьяна Семенова билан яқиндан танишиб олдим, у расм-русумларга қаттиқ амал қиладиган, жиддий уй бекаси ва эски замонлар хоними эди. Ўғли уни шунчаки онаси бўлгани учун эмас, балки энг меҳрибон, энг ақлли ва суюкли аёл деб билгани учун ҳам яхши кўрарди. Татьяна Семенова бизга, айниқса менга жуда меҳрибон бўлган ва ўғли мени умр йўлдош сифатида танлаганидан хурсанд эди. Бироқ уйларига келин бўлиб борганимда, ўғлининг рафиқаси сифатида бундан ҳам яхшироқ бўлишим кераклигини ва буни доим эсда ту-

тишим лозимлигини билдириб қўйди. Мен уни тўғри тушунаман ва унга қаршиликим йўқ.

Бу охириги икки ҳафта давомида биз деярли ҳар кун кўришдик. У тушликка келарди ва кечгача ўтирарди. Бироқ менсиз яшай олмаслигини таъкид қилишига ( у ёлгон гапирмаётганига ишонардим) қарамай, у ҳеч мен билан бир кунини тўлиқ ўтқазмади, у ишлари билан шуғулланишни давом эттирди. Тўйгача муносабатларимиз ўзгаришсиз қолди, у аввалгидай менга сиз деб мурожаат қилар, фақат қўлимни ўпар, ёлғиз қолишимизни пойлаши тугул ҳатто бундай вазиятдан қочиб қолишга уринарди. Худди менга зарар қилиши мумкин бўлган меҳрини кўп бериб юборишдан қўрқадигандай эди. Билмадим, у ўзгардими ёки менми, энди уни ўзимга тенг билардим, энди унда менга ёқмайдиган сохта соддаликни, қўрқув солувчи ва ҳурмат талаб қилувчи салобатни кўрмасдим, балки бахтдан ўзини йўқотган болани кўрардим. “Унда бор-йўғи шуларми?! — деб ўйлардим мен, - у худди мен каби одам, бундан ортиқ эмас”. Энди менга у тўлиқлигича олдимда, мен уни бутунлай билиб олгандай туюлди. У ҳақида билганларим оддий ва менга тўғри келадиган бўлиб чиқди. Бизнинг турмушимиз ҳақидаги унинг режалари меники каби эди, фақат у аниқроқ ва тушунарлироқ ифодалаганди.

Бу кунларда ҳаво яхши бўлмади, шунинг учун аксарият вақтимизни уйда ўтказдик. Энг самимий суҳбатларимиз фортепьяно билан дераза ўртасидги бурчакда бўлиб ўтди. Деразанинг қора ойнасида шамнинг шуъласи акс этиб, томчилар оқарди. Томга ёмғир урарди, тарновдан сўвлар шариллаб оқарди, деразадан намлик келарди. Бундан бурчакда ўтиришимиз янада қувончли, янада завқли ва шинамдай туюларди.

— Биласизми, анча вақтдан бери сизга бир гап айтмоқчи бўламан, — деди у бир сафар кечки пайт бурчакда ёлғиз ўтириб қолганимизда. — Мушиқа чалганингизда шуни ўйладим.

— Ҳеч нима деманг, мен ҳаммасини биламан, — дедим мен. У кулди.

— Майли, гапирмайман.

— Йўқ, гапиринг, нима бўлди? — сўрадим мен.

— Мана нима гап. Сизга А ва Б ҳикоясини айтиб берганимни эслайсизми?

— Бу аҳмоқона ҳикояни эсламай мумкинми? Яхшиям, тугаши шундай бўлди...

— Ҳа, ўз бахтимни ўзим йўқ қилишимга бир баҳя қолганди. Сиз мени қутқардингиз. Бироқ муҳими, ўшанда сизга ёлғон гапиргандим ва ҳозир виждоним қийналяпти, энди шуни исботламоқчиман.

— Қўйинг, кераги йўқ.

— Қўрқманг, — деди у кулиб. — Ўзимни оқлашим керак. Гапиришни истаганимда, фикрлашни истадим.

— Фикрлашнинг нима кераги бор! — сўрадим мен, — ҳеч керак эмас.

— Ҳа, мен суст фикрлардим. Ҳаётдаги кўнгил қолишлар ва хатоларимдан сўнг мен учун муҳаббат тугаган деб ўйлаган эдим. Энди умримнинг охиригача ўтказиш ва мажбуриятларимни адо этиш қолди деган ишонч билан яшардим. Мен ҳам умид қилардим, ҳам ноумид бўлардим, сиз менга шунчаки ноз қиляпсиз деб ўйлардим, баъзида эса ишонардим. Бироқ бир кеча боғда сайр қилганимиздан сўнг, мана шу ҳозирги бахт менга ушалмас ва улкандай туюлди. Мен беҳуда умид қилишдан қўрқардим. Мен фақат ўзимни ўйлардим, мен разил худбинман.

У менга қараб жим бўлиб қолди.



— Лекин мен бутунлай бўлмагур гапни айтганим йўқ. Мен ростан ҳам кўрқишим керак эди. Мен сиздан шунча кўп олиб шунча оз бермоқдаман. Сиз ҳали гўдаксиз, ҳали очилмаган гунчасиз, сиз биринчи бор севиб қоляпсиз, мен эса...

— Унда менга тўғрисини айтинг,— дедим-у, бирдан қандай жавоб беришидан кўрқиб кетдим. — Йўқ, кераги йўқ,— қўшиб қўйдим мен.

— Аввал севганмисиз? Шундайми? — деди у хаёлимдаги саволни топиб. — Буни сизга айта оламан. Йўқ, севган эмасман. Ҳеч қачон бунга яқин ҳисни... — Бироқ бирдан қандайдир оғир хотира хаёлида жонлангандай бошқача бўлиб қолди. — Йўқ, шу ерда ҳам сизни севишга ҳаққим бўлиши учун қалбингиз керак,— деди у ғамгин. — Сизни севишимни айтишимдан олдин ўйланиб қолишим табиий? Сизга нима бера оламан? Севгимни фақат.

— Бу камми? — дедим унинг кўзларига боқиб.

— Бу кам, дўстим, сиз учун кам,— давом этди у. — Сиз ёш ва гўзалсиз! Мен кўпинча бахтимдан ухлай олмай кечаларни бедор ўтказяпман. Қандай бирга яшашишимизни ўйлайман. Мен кўп яшадим ва бахтли бўлишим учун керакли инсонни топгандай бўлдим. Бу чекка қишлоғимизда тинч-хотиржам ҳаёт кечириб, яхшилиқни кўришга ўрганмаган одамларга яхшилиқ қилиш, кейин эса фойда келтирадиган меҳнат ва яна меҳнат, кейин ҳордиқ чиқариш, табиат, китоблар, мусиқа, яқин кишинга муҳаббатинг — бундан ортиқ бахтни мен орзу қилган эмасман. Лекин буларнинг ҳаммасига устига яна сиздай дўстим, оилам бўлади, инсон бундай бахтни фақат орзу қилиши мумкин.

— Ҳа,— дедим.

— Мен учун, ёшлиги ўтиб кетган, — ҳа, мен учун, сиз учун эмас, — давом этди у. — Сиз ҳали яшаганингиз йўқ, балки сиз бошқа нарсада бахтни изларсиз, балки уни бошқа нарсада топарсиз ҳам.

— Йўқ, мен ҳам фақат осуда оилавий ҳаётни истардим, — дедим мен. — Сиз ҳам мен уйлаган нарса-ни айтяпсиз.

У кулди.

— Сизга шундай туюляпти, дўстим. Сизга бу кам. Сизда гўзаллик ва ёшлик бор, — деди у уйланиб.

У менга ишонмай, гўзаллигим ва ёшлигимни таъна қилгани учун ҳафа бўлдим.

— Унда мени нима учун яхши кўрасиз? — сўрадим жаҳлим чиқиб, — ёшлигим учунми ёки ўзимними?

— Билмайман, лекин севаман, — деди у меҳрли, ўзига тортувчи нигоҳлари билан боқиб.

Мен жавоб бермай унинг нигоҳларидан кўзимни узмай турдим. Бирвақт мен билан ғалати ҳолат содир бўлди. Аввал атрофни кўрмай қолдим, кейин унинг тўғримдаги юзи кўринмай кетди, фақат кўзлари ярқираб турарди, кейин бу кўзлари ичимда эканлигини ҳис қилдим, ҳамма ёқ хиралашиб кетди, мен ҳеч нимани кўрмай кўзларимни юмиб олдим, мен мана шу нигоҳлар қалбимга солган роҳат ва қўрқув ҳисларидан ўзимни холи қилишим керак эди.

Тўйимиздан бир кун аввал кечқурун ҳаво айниди. Ёзги ёмғирлардан сўнг биринчи салқин куз оқшоми бошланган эди. Ҳаммаёқ нам, совуқ, ёруғ эди ва боғда кузнинг илк нафаси сезилиб турарди. Осмон очиқ ва рангсиз эди. Мен эртага тўйимиз куни об-ҳаво яхши бўлишини ўйлаб ухлагани кетдим.

Мен қуёш билан уйғондим-у, тўйим бугун бўлишини ўйлаб қўрқиб кетдим. Мен боққа чиқдим. Қуёш

энди кўтарилган эди, унинг майин нурларидан ҳамма ёққа сочилган барглар товлана бошлади. Йўлаklar шитирловчи барглар билан қопланган. Рябина қуруқ шохларда қизариб турарди, георгин гуллари эса қуриб қорайганди. Совуқ ва очиқ осмонда биронта булутнинг ўзи йўқ.

“Наҳотки, бугун? — деб сўрардим бахтимга ишонмай, - Наҳотки, эртага бу уйдамас, Николскийдаги устунли уйда уйғонаман? Наҳотки, энди уни кечқурунлари кутиб олмайман, наҳотки, энди Катя билан у ҳақида оқшомлари сўзлашиб чиқмайман? У билан ота уйда фортепьяно олдида ўтирмайман? Уни қоронғу кўчаларга кузатиб, ортидан хавотир билан қараб қолмайман?”

Кеча у охирги марта бу ерга олдимга келаётганини айтганди. Катя эса никоҳ кўйлагимни кийдириб кўриб, “Эртанги кунга” деганди. “Наҳотки, бугундан бошлаб, қайнонам билан яшайман, наҳотки, энди ёнимда Катя, Надежда, Григорий чол бўлмайди? Энди энагам одат кўра ҳар оқшом уйқуга кетишимдан олдин мени ўпиб, чўқинтирмайди. Энди Соняни ўқитмайман, уйнатмайман, деворни тақиллатиб, унинг жарангдор овозини эшитмайман. Наҳотки, энди ўзим учун бегона бўлиб, умидларим ва истаklarим амалга ошадиган бошқа янги ҳаётга қадам ташласам. Наҳотки, бу янги ҳаёт бир умрга”. Уни тоқатсизлик билан кута бошладим, у келса, бу хаёллардан тезроқ қутуламан деб ўйладим. У барвақт келди, у келиши биланоқ мен унинг рафиқаси бўлишимга ишондим ва бу ҳақида хаёллар мени қўрқитишни бас қилди.

Тушликдан олдин черковга бориб, отам хотирасига ибодат қилдик. “Қани эди у тирик бўлса” деб ўйлардим, хаёлимдаги инсоннинг энг яқин дўстининг қў-

лига суяниб. Ибодат вақтида бошимни ибодат тошига қўйганимда, отам хаёлимда шундай жонли тасаввур қилдимки, унинг руҳи мени тушунаётгани ва бу танловимни қўллаб-қувватлаши, ҳозир атрофимизда айланиб юрганига ишондим. Менда ўша вақтда ҳам хотиралар, ҳам бахт ҳисси, ҳам ғусса аралашиб кетди, ва тоза совуқ ҳаво, атрофдаги яланғоч далалар, рангсиз осмон, сукунат — ҳаммаси шу ҳисларимни кучайтиришга хизмат қиларди. Мен билан кетаётган инсон эса қалбимни тушуниб, ҳисларимни бўлишаётгандай эди. У жим кетарди, юзига ора орада қараб қўярдим, унда табиат ва менинг қалбимдаги каби на қувонч, на хурсандчиликка ўхшаш ҳолат акс этганди.

Бирдан у менга ўтирилди ва менга нимадир демоқчилигини кўрдим. “Наҳотки, ўйлаб турган нарсам ҳақида гапирса?” — хаёлимга келди. Бироқ у отам ҳақида гапирди, унинг исмини айтмади.

— Бир сафар у ҳазиллашиб, “Менинг Машамга уйлан” деганди — деди у.

— У ҳозир жуда бахтли бўларди! — дедим менинг қўлларимни ушлаб олган қўлларга маҳкамроқ ёпишиб.

— Ҳа, сиз ҳали бола эдингиз,— деди у кўзларимга боқиб,— мен бу кўзларни уникага ўхшагани учун ўпардим ва ўшанда улар мен қанчалар қадрли бўлишини ўйлаган эмасман. Сизни Маша деб чақирардим.

— Менга “сен” деб мурожаат қилинг,— дедим.

— Мен энди “сен” демоқчи эдим,— деди у,— фақат ҳозир сени ўзимники деб ҳис қилдим,— унинг сокин, бахтли ва жалб қилувчи нигоҳи менга қаратилди.

Биз ўрим-йигим бошланган даладан босилмаган йўлагидан жим кетардик, фақат қадамларимиз ва овозимиз эшитиларди. Жарнинг бир томонидан узоқдаги дарахтзорларга қадар қўнғир дала ястаниб ётарди, бир томон-

да эркак омоч билан ерни қорайтириб борарди. Дала қуёшнинг майин нури билан ярқирарди, ўргимчакнинг узун-узун толали инлари бизга ўралашиб кетарди. Улар ҳамма ерда учиб юриб, ўт-ўланларга, бизнинг юзимиз, кийимимиз ва сочларимизга ўтириб қоларди. Биз гапирганимизда, овозимиз худди оламда биздан бошқа ҳеч ким йўқдай жарангларди, биз бутун олам марказида ва ёқимли иссиқ нурларини сочиб турган қуёшли кўк гумбаз остида юрагимиз ҳаяжонидан титраб борардик.

Мен унга сен деб мурожаат қилишга тортиниб турган эдим.

— Биласанми, сен тез юряпсан? — дедим шивирлаб ва қизариб кетдим.

У секинроқ юра бошлади ва менга яна мулојим ва меҳр билан боқди.

Биз уйга қайтганимизда у ерда алақачон онаси ва меҳмонлар бор эди, уларсиз маросим ўтмасди. Улар черковдан чиқиб, каретага ўтириб, Никольскийга йўл олишгунга қадар у билан якка қолганим йўқ.

Черков деярли бўш эди, мен кўз қирим билан фақат клирос олдида турган унинг онасини, йиғлаб турган Катяни, менга қизиқиб боқиб турган бир-икки деҳқон аёлларни кўрдим. Унга эса қарамасдим, бироқ унинг олдимда эканлигини ҳис қилардим. Мен ибодат сўзларига қулоқ солардим, уларни қайтарардим, бироқ қалбимда улар акс-садо бермасди. Мен ибодат қила олмасдим ва ҳеч нимага тушунмаган ҳолда Иконага, шамларга, руҳоний кийими нақшига, черков деразаларига қараб турардим. Руҳоний бизга хоч билан ўгирилиб табриклаганда, Катя билан унинг онаси келиб бизни ўпди ва кўча томондан Григорийнинг каретани чақиргани эшитилди. Мен эса ҳайрон бўлиб, қўрқиб кетдим, наҳотки ҳаммаси шу бўлса, ахир мен билан содир бўлаётган илоҳий

ходиса қалбимда ҳеч қандай акси бўлмади. Бир-биримизни ўпдик, бу ўпич галати ва туйғуларимизга бегона эди. “Фақат шуми” — ўйладим мен.

Биз ташқарига чиқдик, юзимга мусаффо ҳаво келиб урилди, у бошига шляпасини кийиб, қўлимдан ушлаб, каретага ўтқазди. У ёнимга ўтириб, эшикни ёпди. Юрагимга нимадир санчилгандай бўлди. Унинг ўзига ишонч билан бу ишларни қилиши менга ҳақоратдай туюлди. Орқада Катянинг бошимни ёпиб олишим кераклиги ҳақида бақиргани эшитилди, карета қўзғалди ва филдираклар тошларга урилиб, кета бошлади. Мен бурчакка тиқилиб олиб, деразага қарардим ва совуқ ой нурлари билан ёришиб турган далаларга боқдим. Унга қарамасам ҳам, уни ҳис қилардим. “Шундай қилиб, мен шунча нарса кутган дақиқалар бергани шуми?” — деб ўйладим ва у билан ёлғиз ва унга яқин ўтириш менга таҳқирлашдай туюлди. Мен унга бирон нима дейиш учун қарардим. Броқ тилим айланмас, гўёки унга нисбатан илиқ ҳисларим йўқолиб, ўрнини ҳақоратланиш ва қўрқув эгаллагандай бўлди.

— Мен шу дақиқаларга ишонмаётган эдим, — секин жавоб берди у нигоҳларимга.

— Ҳа, лекин негадир қўрқяпман, — дедим мен.

— Мендан қўрқяпсанми, дўстим? — деди у қўлимни олиб ва унга бошини қўйиб.

Қўлим беҳол унинг қўлларида ётардим, юрагим эса совуқдан ёмон бўла бошлади.

— Ҳа, — шивирлади у.

Бироқ шу онда юрагим тез уриб кетди, қўлларим қалтиради ва унинг қўлини маҳкам сиққандим, қалбим исий бошлади, кўзларим билан ярим қоронгуликда унинг нигоҳларини излади, бирдан ундан қўрқмаслигимни, бу қўрқув — муҳаббат эканлиги, ва у янада кучлироқ ва

чуқурроқ эканлигини англадим. Мен ўзимни унинг қўлида эканимни ва унинг ҳукми остида ўзимни бахтиёр эканимни ҳис қилдим.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### V

Менга ўшанда туюлганидай чекка қишлоқдаги кунлар, ҳафталар ва икки ой сезилмай ўтиб кетди. Бироқ ўшанда олган бир олам ҳаяжон ва бахт ҳисси бир умрга етади. Мен билан унинг қишлоқдаги ҳаётимиз борасидаги орзуларимиз кутганимиздай амалга ошгани йўқ. Бироқ ҳаётимиз орзуларимиздагидан ёмон эмас эди. Бир-биримиз учун астойдил меҳнат қилиш, ўзимизни фидо қилишдай ҳолатлар бўлмади, аксинча худбинли муҳаббат, севимли бўлишга уриниш, сабабсиз бетиним хурсандчилик ва дунёдаги ҳамма нарсани унутиш билан кечди. Тўғри, баъзида у ўз кабинетига ишлари билан шуғулланишга кириб кетарди ёки иш билан шаҳарга бориб келарди, рўзгор ташвиши билан бирон ерларда ишини битириб келарди. Бироқ у мана шу вақтларда қийинчилик билан ажралаётганини сезиб турардим. Кейин ўзи ҳам тан олганки, мен билан боғлиқ бўлмаган ишлар унга бўлмағур ва зерикарли кўринган ва қандай улар билан шуғулланиш мумкинлигига ҳайрон қолган. Менга ҳам худди шундай эди. Мен китоб ўқирдим, мусиқа чалардим, уй ишлари ва мактаб билан шуғулланардим. Лекин буларнинг ҳаммаси унга боғлиқ бўлганлиги, буларни бажаришим унинг қўллаб-қувватлашига сабаб бўлишини билиб қилардим. Лекин бирон ишда унга боғлиқ жиҳатни топа олмасам, ўша заҳоти қўлларим у ишга бормай қоларди ва

дунёда ундан бошқалар ҳам борлиги ҳақида фикр менинг завқимни келтирарди.

Балки бу яхши эмас, хубинликка оид ҳислардир, бироқ улар мени олам узра кўтариб, мени бахтли қиларди. Мен учун бу оламда фақат у бор эди ва уни энг беқиёс, энг пок инсон ҳисоблардим. Шунинг учун мен у учун яшашдан бошқачасига яшай олмасдим ва унинг кўзига мени қандай билса; шундай кўринишга ҳаракат қилардим. У мени энг гўзал фазилатли ва жозибали аёл ҳисобларди. Мен ҳам унга энг малоҳатли ва энг яхши аёл бўлиб кўринишга уринардим.

Бир куни мен хонамда ибодат қилаётганимда, у кириб келди. Мен унга қараб қўйиб, ибодат қилишда давом этдим. Стол ёнига келиб, менга ҳалақит қилмасликка ҳаракат қилди. У менга қараб тургандай туюлди ва унга ўтирилдим. У менга кулиб қўйганди, мен ҳам кулиб юбордим ва ибодат қила олмадим.

— Сен ибодат қилиб бўлдингми? — сўрадим мен.

— Ҳа. Сен давом эттир, мен кетаман.

— Умид қиламанки, сен ибодат қиляпсан?

У жавоб бермай кетаётган эди, мен уни тўхтатдим.

— Қалбим менинг, кел биргаликда ибодат қилайлик.

У ёнимга турди ва ўнғайсизлик билан қўлини пастга туширди, юзини жиддий қилиб, тутилиб, тутилиб, ўқий бошлади. Вақти вақти билан у менга қараб қўяр, юз ифодаларимдан қўллаб-қувватлашим ва кўмагимни изларди. У тугатганида кулиб юбордим ва уни қучоқлаб олдим.

— Ҳаммаси сен, ҳаммаси сен! Худди яна ўн ёш бўлиб қолгандайман, — деди у қизарганча қўлимни ўпиб.

Уйимиз эски қишлоқ уйларидадан бўлиб, унда бир неча авлод аҳил ва иноқликда яшаб ўтган. Ҳамма нарсадан яхши, пок оилавий хотиралар иси келиб турарди



ва улар менинг ҳам хотирамга айланишга улгурди. Уй-рўзгор ишлари Татьяна Семеновна кўрсатмаларига кўра эскича услубда олиб бориларди. Ҳамма ўта нозик дид ва гўзаллик билан амалга ошарди деб бўлмасди, бироқ хизматкорлардан то мебель, еб-ичишгача ҳаммаси тўкин, ботартиб, пухта бажарилардики, уларга ҳурмат билан қарамасликнинг иложи йўқ эди. Меҳмонхонада мебеллар симметрик тарзда турарди, деворда портретлар осилганди, полга гиламлар тўшалган. Дам олиш хонасида эски рояль, икки хил русумдаги мебель, диванлар ва нақшинкор кичик стол турарди. Татьяна Семёновна диди билан жиҳозланган хонамда турли асрларга тегишли энг яхши мебель ва мен бошида уялиб қарай олмаган, кейинчалик қадрдон дўстимга айлаган трюмо бор эди. Татьяна Семеновнанинг бор-йўқлиги билинмасди, бироқ уйда одам кўп бўлишига қарамай ҳаммаси худди соатдай аниқ ишларди.

Бироқ бу одамларнинг ўз иши билан фахрланганидай, қари хоним атрофида гирдикапалак эди ва бизга ғамхўрлик меҳри билан қарашарди, менга улар ўз ишларини бажонудил бажараётгандай туюларди. Бу одамларнинг ҳаммаси пошнасиз юмшоқ оёқ кийим кийиб юрарди, чунки Татьяна Семеновна оёқ кийим ғичирлаши ва пошнанинг тақиллашидан ёмон нарса йўқ ҳисобларди.

Ҳар шанба куни уйда поллар ювилиб, гиламлар олиб чиқилиб қоқиларди. Ҳар ой бошида кичик ибодатлар қилинарди ва Татьяна Семеновна, унинг ўғли (ва менга бу кузда биринчи бор) зиёфат ўтказиларди. Буларнинг ҳаммаси Татьяна Семеновна ўзини таниганидан бери узлуксиз тарзда қилиниб келади. Эрим уй ишларига аралашмасди, фақат даладаги хўжалик ишлари ва деҳқонлар билан шуғулланарди, у кўп ишларди. У ҳат-

то қишда ҳам жуда эрта турарди ва мен уйғонганимда уни кўрмасдим. У одатда чой маҳали бир хил пайтда қайтарди, иш-ташвишлардан сўнг у қувноқ кайфиятда бўлардики, биз бу ҳолатни ёввойи шафқ деб атардик. Мен ундан эрталаб нима ишлар қилганини айтиб беришини талаб қилардим, у бизни ичагимиз узилгунча кулдирадди, баъзида ундан жиддий гапириб беришини сўрардим, у ўзини кулгидан тийиб ҳикоя қилиб берарди. Мен унинг кўзларига боқардим, қимирлаган лабларини томоша қилардим, бироқ ҳеч нима тушунмасдим, уни кўриб турганимдан, овозини эшитганимдан хурсанд эдим.

— Қани, нима дедим, қайтар-чи, — сўрарди у. Бироқ мен ҳеч нимани айтиб бера олмасдим. Жуда кулгилли бўларди, у ўзи ҳақида эмас, мен ҳақимда эмас, нималардир ҳақида гапирарди. Менга унчалик фарқи йўқ эди. Бироқ кейинчалик секин-аста унинг ишларини тушуна бошладим. Татьяна Семеновна тушгача хоҳасидан чиқмасди ва чойни ҳам бир ўзи ичарди, биз билан эса элчилар орқали саломлашар ва ҳол-аҳвол сўрарди. Бизнинг кичик телбаларча бахтли олашимизда унинг жиддий, вазминли овози галати жарангларди. Баъзида уй хизматкори унинг гапларини бизга етказганида, мен кулгидан ўзимни тўхтата олмасдим. Хизматчи аёл итоат билан қўлларини бирлаштириб, Татьяна Семеновна кечаги сайрдан сўнг қандай ухлаганимизни ёки ўзи ҳақида туни билан биқини оғриб чиққани ва кечаси қишлоқда бир аҳмоқ ит акиллаб, ухлагани бермаганини айтишни буюргани айтади. “Ва яна шуни сўрадиларки, сизга бу сафар Тарас эмас, биринчи марта синов учун олинган Николаша пиширган печенбелари ёқдимиз ва айтишларича, қренделькалар ёмон чиқмаган, бироқ қотган нонни куйдириб юборган”.

Тушгача биз камдан кам бирга бўлардик. Мен бир ўзим мусиқа чалардим, китоб ўқирдим, у эса хонасида ёзарди, иш билан кетарди. Бироқ тушда, соат тўртларда биз меҳмонхонада йиғилардик, ойижонимиз ҳам хоналаридан қалқиб чиқарди, яна бечора деҳқон аёллари, уйимизда ҳар доим икки-учта бўлган мусофир аёллар ҳам келиб қўшиларди. Ҳар куни эски урфга кўра тушликда онасига қўлини чўзарди, бироқ онаси иккинчи қўлини менга беришини талаб қиларди. Биз эшик олдида бир-биримизга тўқнаш келиб, ўралашиб қолардик. Тушлик онам раислигида ўтиб, суҳбатимиз одоб доирасида кўтаринкилик, тантанаворлик билан ўтарди. Эрим иккимизнинг оддий гапларимиз бу тантанаворликни бузиб қўйиб дерди. Баъзида она билан ўғил ўзаро тортишиб қолар ёки бир-бирини мазах қиларди. Менга бу тортишув ва мазахлар жуда ёқарди, чунки айнан уларда она билан ўғилнинг бир-бирига меҳри ёрқинроқ намоён бўладигандай эди.

Тушликдан сўнг тамак меҳмонхонадаги катта креслога ўтирарди ва тамакини майдаларди ёки янги сотиб олинган китоблар қоғозларини ажратиб қирқарди, биз эса овоз чиқариб китоб ўқирдик ёки дам олиш хонасидаги роялга борардик. Бу вақтда кўп китоб ўқирдик, бироқ энг сеvimли машғулотимиз мусиқа эди. Мусиқа қалбимизда ҳар сафар янги торларини чалиб, бир-биримизни янгитдан кашф қилишимизга сабаб бўларди. Унга ёқадиган мусиқаларини чалиб бераётганимда, у узоқроқдаги диванга ўтирарди, куй унга қанчалар таъсир қилаётганини уяганидан яширишга уринарди. Бироқ мен қутилмаганда ўрнимдан туриб, унинг олдига борман ва у яширишга уринган юзидаги ҳаяжон, кўзлари ёниши ва нам бўлганини кўриб олишга ҳаракат қиламан. Ойижонимиз дам олиш хонасида қандай ўтирганимизга

қизиқади, бироқ бизни уялтирмаслик учун атайлаб бу хонага кирмайди ва ҳатто хона олдида жиддий ва бепарқ қиёфада ўтиб кетаётганда ҳам, биз томонга бир қараб қўймайди. Бироқ мен шуни билардимки, унинг хонасида қиладиган иши йўқ ва тез орада у яна ортига қайтади. Кечки чойни меҳмонхонада қўйиб чиқардим, яна уйдагиларнинг ҳаммаси йиғиларди. Бу самовар олдидаги тантанавор йиғилиш, ҳаммага стакан ва чашкалар бериб чиқиш анча вақтгача мени уялтирарди.

Мен самовар жўмраги олдида стаканни қўйиб, “Пётр Ивановичга, бу Марья Миничнага” деб айтишга ҳали жуда ёшлиқ қиладигандай эдим. Чой тарқатганимдан сўнг “Ширинми?” деб сўрардим. Эрим эса бу ишларимни қўриб, “Баракалла, катта қиз бўлиб қолибсан” — дерди-ю, мен бадтар қизариб кетардим.

Чойдан сўнг тамақ карта ўйнарди ёки унга Марья Минична карта билан фол очарди. Кейин иккимизни ўпиб, дуо қиларди, шундан кейин биз хонамизга кетардик. Биз ярим кечгача ухламай ўтирардик, бу мен учун энг ширин онлар эди. У ўтмиши ҳақида ҳикоя қилиб берарди, биз келгуси ишларимизни режалаштирардик, фалсафа тўқирдик ва овозимизни биров эшитиб қолиб, Татьяна Семеновага айтиб бермасин деб пичирлаб гаплашардик. Баъзида қорнимиз очиб буфетга қараб борардик, Никита ёрдамида совиган овқатни олиб, хонада иккимиз еб олардик. Биз иккимиз бу катта уйда худди бегоналардай яшардик, буларнинг ҳаммасининг устида отанинг руҳи ва Татьяна Семенова ҳукмронлиги сезилиб турарди. Нафақат у, балки ундаги бошқа одамлар, мебеллар, қари қизлар, сувратлар менда ҳурмат, қандайдир қўрқув ҳиссини уйғотарди ва бу ерда ўз ўрни-мизни билиб яшашимиз кераклигини билдирарди. Ҳозир эсласам, уйдаги қатъий тартиб, тортиниб юришла-

римиз, қандайдир бошқалар олдида ноқулай ва ўнғай бўлишимиз каби шароитнинг ўзи ҳам иккимиз ўртамиздаги муҳаббатни кучайтиришга хизмат қиларди. Нафақат мен, балки у ҳам бирон нима ёқмаётганини билдирмасди. Аксинча, унга маъқул бўлмаслиги мумкин бўлган ҳолатлардан кўз юмарди ҳам. Ойимизнинг хизматкори Дмитрий Сидоров трубка тамакисини жуда яхши кўради. У ҳар куни тушлиқдан сўнг биз дам олиш хонасида бўлганимизда, эримнинг кабинетига кириб, қутидан тамаки олиб чиқиб кетарди. Сергей Михайлович қувноқлик билан аста оёқ учида келиб, унга ишора қилиб кулиб қўярди ва менга жим ўтиришни ишора қиларди. Дмийрий Сидоров эса уни ҳеч ким кўрмаётганига кўнгли тўқ бўлиб кетарди ва дам олиш хонасида бизнинг борлигимизни билмай ҳам қоларди. У кетгач, эрим пешонамдан ўпиб қўярди. Менга эса ҳаддан ташқари, ҳамма нарсага бефарқ бўлиш, хотиржамлик ва ҳаммасини кечириш ҳолати ёқмай кетарди ва буни ожизлик деб билардим. “Худди ёш бола каби иродасини кўрсатмайди” — ўйладим мен.

— Эҳ, дўстим, — деб жавоб қилди у бир сафар унга нега бўшлиқ қилаётганини сўраганимда, — Ахир шундай бахтли бўлганимда нимадандир норози бўлиш мумкинми? Бошқаларни эзишдан кўра ўзинг ён босганинг осонроқ, бунга аллақачон амин бўлганман. Мен шундай бахтиёрманки. Иккимиз шундай бахтлимизки! Бирон нарсага жаҳл қила олмайман, мен учун ёмон нарсанинг ўзи йўқ, фақат кулгили ва аҳмоқона бўлиши мумкин. Муҳими — *le mieux est l'ennemi du bien* 1 (Энг яхшилар — яхшилар душмани” французча). Ишонмайсан, кўнгироқ чалса, хат келса, шунчаки уйғонганимда қўрқиб кетаман. Чунки бундан яхши бўлмаслигини биламан, шунга бирон нима ўзгаришидан қўрқаман.

Мен унга ишонардим, бироқ уни тушунмасдим. Менга яхши эди-ю, бироқ бу бахт ўзи шундай бўлади ва ҳамма билан содир бўладигандай эди ва қаердадир бундан катта бўлмаса-да, бошқача бахт бор.

Икки ой ўтиб, қишнинг изғирин кунлари бошланди, гарчи у мен билан бўлса-да, ўзимни ёлғиз қила бошладим, ҳаёт бир хил эди, на унда, на менда янгилик йўқ эди, аксинча биз эски ҳолатга қайтгандай эдик. У ишлари билан кўпроқ мендан холи шуғуллана бошлади ва яна у мени киритмайдиган оламига эгадай туюла бошлади. Унинг доимий хотиржамлиги менинг асабимга тегарди. Мен уни аввалгидан кам яхши кўрмасдим, аввалгидан кам унинг муҳаббатидан бахтли эмасдим. Бироқ қалбимдаги муҳаббат қотиб қолгандай эди, у ўсмасди. Севгимдан бошқа, қандайдир хавотирга ўхшаш ҳис юрагимга кириб бораётгандай эди. Уни севишдай бахтдан сўнг менга шунчаки севишнинг ўзи кам эди. Менга нохотиржамлик эмас, балки ҳаракат керак эди. Менга эҳтирослар, ҳислар учун хавфга бориш ва ўзини фидойи қилиш кабилар етишмасди. Мендаги керагидан ортиқ куч сокин ҳаётимизда ўз ўрнини топа олмасди. Бирдан тушкунликка тушиб қолардим ва буни ундан яширишга уринарди, баъзида уни қўрқитадиган даражада мени эҳтирослар ва хурсандчиликлар жазаваси тутарди. У мендаги ҳолатни ўзимдан аввал сизди ва шаҳарга боришни таклиф қилди. Бироқ ундан ҳеч қаерга бормасликни, ҳаёт тарзимизни, бахтимизни бузмасликни сўрадим.

Мен аниқ бахтли эдим, бироқ бахтли бўлишим учун мендан ҳеч қандай меҳнат ва фидойилик талаб этилмасди, мени меҳнат ва фидойилик кучи қийнарди. Мен уни яхши кўрардим ва унинг учун ҳамма нарса эканлигимни кўриб турардим. Бироқ мен бу севгимизни

ҳамма кўришини, менга ҳалақит беришларини, ундан айирмоқчи бўлишга уринишларини истардим ва шунда ҳам уни севишда давом этардим. Менинг ақлим ва ҳисларим банд эди, бироқ бошқа ҳислар ҳам бор эди — бизнинг осуда ҳаёт тарзимиздан қониқмаган ёшлик ҳисси, ҳаракат қилишга эҳтиёж. Нега у менга исташим билан шаҳарга боришимиз мумкинлигини айтди? У менга шундай демаганида, мени қийнаётган туйғулар бўлмагур ҳислар, менинг айбим эканлигини тушунардим, ҳамда ҳисларимни босишга уринардим. Шаҳарга кўчиб бориш билан зерикишдан қутулиш ҳақида фикр миямга келарди-ю, уни ҳамма яхши кўрган нарсаларидан ажратишимни ўйлаб виждоним қийналарди. Вақт эса ўтарди, қор тинмай ёғар, уй деворларини ўз домига олар, биз эса ёлғиз эдик ва бир-биримизга нисбатан ҳамон ўша-ўша эдик. Лекин қаердадир шовқин-сурон, ўйин-кулги қилиб, оломон биз иккимиз борлигимиздан беҳабар хурсандчилик қиларди. Энг ёмони, кун сайин маиший одатлар ҳаётимизни бир қолипга тиқиб қўярди, ҳисларимиз кишанланиб, ҳаёт оқимига бўйсунушдан бошқа иложи қолмасди. Эрталаб қувноқ бўлардик, тушда иззат-икром билан муносабатда бўлсак, кечқурунлари мулоим бўлардик. “Яхшилик, - дердим ўзимга, - яхшиликни қилиш керак, тўғри яшаш керак, у айтганидай, бироқ бунга ҳали улгураамиз. Ҳозир кучимиз борида бошқа нарсаларни қилишимиз лозим”.

Менга булар керак эмас, менга кураш керак, ҳис-туйғулар бизни бошқаришини истардим, ҳаёт ҳисларимизни эмас. Мен у билан жар ёқасига борсак-у, бир қадам ташласак, пастга қулағудай бўлишни, у қўрққанидан оқариб, мени кучли қўллари билан маҳкам ушлаб олишини истардим.

Бу менинг соғлиғимга ҳам таъсир қилиб, асабларим издан чиқа бошлади. Бир кун эрталаб одатдагидан ўзимни ёмон ҳис қилдим, у конторасидан кайфияти йўқ ҳолда қайтди, бундай ҳолат унда камдан кам бўларди. Мен дарҳол унинг ҳолатини сездим ва нима бўлганини сўрадим. У эса гапиришга арзимаслигини айтиб, жавоб беришдан қочди.

Кейин билсам, исправник (полиция бошлиғи) эримнинг қўл остидаги ва қўл остида бўлмаган деҳқонларни ноқонуний хатти-ҳаракатга чорлаган ва таҳдид қилган. Эрим бунга енгил кўз билан қарай олмаган ва қаттиқ юрагига олган. Унинг жаҳли шу қадар чиққандики, нима бўлганини менга гапириб беришни истамасди. Бироқ мени ёшбола деб билган ва унга ёмон-таъсир қилган ҳолатни тушунмайди деб ўйлаб айтмади деган фикрга бордим. Мен унга орқамни ўгириб олдим ва жим бўлиб қолдим, кейин бизникида меҳмон бўлиб турган Марья Миничнани чойга таклиф қилишларини сўрадим. Чойдан кейин меҳмонни дам олиш хонасига олиб кирдим ва у билан баланд овозда кераксиз нарсалар ҳақида гаплаша бошладим. У хонада юриб, онда-сонда бизга қараб қўярди. Унинг нигоҳлари менга шундай таъсир қилардики, нима учундир тинмай гапиришни ва қиқирлаб кулишни истардим. Мен ва Марья Минична гапирган ҳамма нарса кулгили бўлиб туюларди. Кейин у ҳеч нима демай ўз хонасига қараб кетди ва ичкаридан эшикни қулфлаб олди. У кетиши билан менинг қувноқлигим йўқ бўлди, ҳатто Марья Минична ҳам менга нима қилганини сўрай бошлади. Мен жавоб бермадим, диванга ўтириб олдим ва йиғлагим келди. “Энди у нимани ўйлаб топяпти, - деб ўйлардим мен, - қанақадир арзимаган нарса учун шу ҳолда юрибдим, менга нима бўлганини айтиб берса, унинг қанча-



лик номуҳимлигини кўрсатиб бераман-да. Йўқ, у мени тушунмайди деб камситиши керак, йўқ у баланд келиб, менга тўғри муносабатда бўлганига ишонч ҳосил қилиши керак. Лекин мен ҳақман. Мен яшашни, ҳаракат қилишни истайман, олдимдан ўтиб кетаётган ҳаётни томоша қилиб ўтиришни эмас. Мен олдинга боришни, ҳар куни, ҳар соатда янгилик истайман, у эса тўхташни, шу билан бирга мени ҳам тўхтатишни истайди. Бунинг қийин жойи йўқ ахир! Бунинг учун мени шаҳарга олиб бориш шарт эмас, шунчаки мендай бўлиши керак. Ўзини синдириб, ўзини ушлаб эмас, шунчаки оддий яшаш керак. Ўзи менга шуни маслаҳат беради, лекин ўзи амал қилмайди. Мана нима!”

Юрагим тўлиб кетгани ва ундан қаттиқ жаҳлим чиққанини сездим. Кейин бу ҳолатимдан ўзим кўрқиб кетдим ва унинг олдига бордим. У кабинетда ўтириб, ёзарди. Менинг қадамларимни эшитиб, у бефарқ нигоҳини ташлаб қўйиб, ёзишда давом этди. Унинг бу қараши менга ёқмади, унинг олдига бормаи, стол олдида тўхтадим ва унда турган китобни очиб варақлай бошладим. У яна бошини кўтариб менга қараб қўйди.

— Маша! Авзоинг бузуқми дейман? — деди у.

Мен унга совуқ назар билан қараб: “Сўраб нима қиласан! Илтифотинг шуми?” демоқчи бўлдим. Бошини қимирлатиб қўйиб, тортиниб кулиб қўйди. Бироқ биринчи бор унинг табассумига жилмайиш билан жавоб бермадим.

— Нима бўлди ўзи? — сўрадим мен, — Нега менга айтмаяпсан?

— Арзимаган нарса! Кичик нохушликлар, — жавоб берди у. — Лекин энди сенга гапириб беришим мумкин. Икки деҳқон йигит шаҳарга йўл олишибди...

Бироқ мен унинг гапиришига йўл қўймадим.

— Нега менга ўшанда, чой маҳали гапириб бермадинг?

— Ўшанда жаҳлим чиқиб турганди.

— Ўшанда менга гапириш керак эди.

— Нима учун?

— Нега мени ҳеч нимада ҳеч қачон ёрдам бера олмайди деб ўйлайсан?

— Қанақа ўйлайман? — деди у сиёҳ қаламни ташлаб.

— Мен сенсиз яшай олмайман, мана нимани мен ўйлайман. Сен нафақат менга ҳамма нарсада ёрдам беряпсан, балки ҳаммасини ўзинг уддалаяпсан. Мен сен билангина яшайман. Сен ёнимда эканлигинг учун ҳаммаси яхши, сени...

— Ҳа, буни биламан, мен ёш боламан ва мени тинчлантириш керак, — мен шундай оҳанг билан гапирдимки, у мени биринчи бор кўргандай, ҳайрат билан қаради. — Мен хотиржамликни истамайман, у сенда етарлича, анчагина етарли, — қўшиб қўйдим мен.

— Биласанми, нимада гап, — деди у шошиб, менинг дилимдаги ҳаммасини гапириб юборишимдан қўрққандай, — лекин сен уни қандай қабул қилган бўлардинг?

— Энди истамайман, — жавоб бердим мен. Уни эшитишни истардим-у, бироқ унинг хотиржамлигини бузиш менга ёқарди. — Мен ҳаёт ўйинини истамайман, мен шунчаки яшашни истаман, — дедим мен, — худди сен каби.

Унинг таъсирчан юзида оғриқ ва бутун диққати жам бўлгани акс этди.

— Ҳаётимизнинг нимаси нотўғри...

Мен ҳеч нима дея олмай жимиб қолдим, унинг юзида чуқур оғриқ намоён бўлди.

— Мен билан кечираётган турмушининг нимаси нотўғри? — деди у. — Сен эмас, мен исправник ва маст эркаклар билан овора бўлиб юрганимни...

— Бунда ҳам гап эмас,— дедим мен.

— Худо ҳаққи мени тушун, дўстим,— давом этди у,— мен ғам-ташвишлардан ҳаётимиз яхши бўлмаслигини билдим. Мен сени яхши кўраман ва сени ортиқча ташвишлардан асрамоқчиман. Менинг ҳаётим сенга бўлган муҳаббатдан иборат, менга шундай яшашга ҳалақит берма.

— Сен доим ҳақсан! — дедим унга қарамай.

Менинг қалбимда ранж ва надомат бўлган вақтда у хотиржам ва сокин эканлигидан баттар хуноб бўлдим.

— Маша! Сенга нима қилди? — деди у. — Гап сен ёки мен ҳақлигимда эмас, балки бошқада. Сенда менга қандай қаршилик бор? Бирдан гапирма, ўйлаб кўр, нимани ўйласанг, шуни айт. Сен мендан норозисан ва сен ҳақсан, бироқ айбим нимадалигини айт.

Лекин унга кўнглимдаги гапларни қандай айтаман? У яна менинг ёш-болалик қилганимни тушунганидан жаҳлим чиқди дейманми?

— Ҳеч қандай қаршилигим йўқ,— дедим мен. — Менга зерикарли бўляпти ва шундай бўлмаслигини истайман. Бироқ сен шундай қилиш керак деяпсан ва яна ҳақ бўлиб чиқяпсан!

Мен шуларни айтиб унга қарадим. Мен мақсадимга эришдим, унинг юзида хотиржамлик учди, ўрнига кўрқув ва безовталиқ пайдо бўлди.

— Маша,— деди паст ҳаяжонли овозда. — Бу ишлар ҳазил эмас. Ҳозир тақдиримиз ҳал бўляпти. Менга ҳеч нима демай, гапимни охиригача эшит. Мени нима учун қийнамоқчисан?

Бироқ мен унинг гапини бўлдим.

— Биладан, сен ҳақ бўлиб чиқасан. Яхшиси, гапирмай кўя қол, сен ҳақсан,— дедим мен совуққина қи-

либ, буни мен эмас, ичимдаги қандайдир ёвуз руҳ сўзлагандай бўлди.

— Нима қилаётганингни билганингда эди! — деди у титроқ овоз билан.

Мен йиглаб юбордим ва ўзимни енгилроқ ҳис қилдим. У ёнимда жим ўтирарди. Унга раҳмим келарди, қилган ишимдан пушаймон эдим ва бундан жаҳлим чиқарди. Унга қарамасдим. У менга жиддий ёки тушунмай қараб турган бўлиши керак. Унга қараган эдим, унинг мулоим ва юмшоқ нигоҳлари худди кечирим сўраб тургандай тикилиб турганини кўрдим. Унинг кўлларидан ушлаб дедим:

— Мени кечир! Нима деяётганимни ўзим билмайман.

— Лекин мен сен нима демоқчилигингни тушундим ва сен ҳақсан.

— Нима экан? — сўрадим мен.

— Биз Петербургга боришимиз керак, — деди у. — Энди бу ерда қиладиган ишимиз йўқ.

— Истагинг, — дедим.

У мени қучиб ўпди.

— Сен мени кечир, — деди у. — Олдинда айбдорман.

Ўша оқшомда унга узоқ мусиқа чалдим, у эса хонада юриб, нималарнидир пичирларди. Унинг шундай одати бор, хонада юриб бир нималарни пичирларди, мен нимани пичирлаганини сўрасам, у бир зум ўйланиб туриб, нима деганини айтиб берарди. Бу кўпинча шеър бўларди, баъзида эса бемаъни гаплар бўларди, лекин уларга қараб унинг кайфиятини билиб олардим.

— Нималарни пичирляяпсан? — сўрадим мен.

У тўхтади, ўйланиб туриб, жилмайди ва Лермонтовнинг икки мисраси билан жавоб қайтарди:

...У эса телба, бўронга интилар, Худдики бўронда бор осойиш!

“Йўқ, у инсондан аъло, у ҳамма нарсани билади! — дедим мен, — Уни қандай яхши кўрмаслик мумкин!»

Мен туриб унинг қўлитдан олдим ва қадамларимизни мос ташлашга уриниб, у билан юра.

— Ҳа? — сўради у кўзларимга боқиб.

— Ҳа, — дедим шивирлаб, шу он иккимизни қувонч қамраб олди, бир-биримиздан кўзимизни узмай, Григорий ва онажонимизнинг ажабланиб қарашига эътибор бермай, қўл ушлашганча ҳамма хоналардан ўтиб, ошхонага йўл олдик, у ерда эса тўхтаб қолдик, ҳамда бир-биримизга қараб кулиб юбордик.

Икки ҳафтадан сўнг, байрамдан олдин Петербургга бордик.

## VI

Петербургга сафаримиз, Москвада бир ҳафта турганимиз, менинг яқинларим, янги уйга жойлашимиз, йўллар, янги шаҳарлар, чехралар — буларнинг ҳаммаси худди тушдай ўтди. Буларнинг ҳаммаси ранг-баранг, янгиллик, хурсандчилик, илиқ ва ёрқин туйғуларга бой бўлди. Шунда сокин қишлоқ ҳаёти жуда олдин бўлгандай, кўримсиз ҳаётдай туюлди. Мен ҳайрон қолганим, киборлар даврасидан бўлган яқинларимиз бизларни самимийлик ва хурсандчилик билан кутиб олишди, шунингдек, эримнинг мен аввал билмаган кўплаб дўстлари билан танишиш имконига эга бўлдим. Шуниси қизиқ эдики, улар кўринишидан меҳрибон ва очиқкўнгил кўринсалар-да, эрим уларнинг баъзилари ҳақида у қадар яхши гапларни айтмасди.

Нега у уларга қуруқ муносабатда бўлиб, улардан ўзини олиб қочишини тушунмасдим. Ахир қанча меҳрибон

одамларни кўп билсанг, шунча яхши эмасми, уларнинг ҳаммаси яхши, самимий одамлар эди.

— Кел мана бундай қиламиз,— деди у қишлоқдан кетар чоғимизда,— биз бу ерда бадавлат кишилармиз, лекин шаҳарда у қадар бой ҳисобланмаймиз. Шунинг учун шаҳарда фақат авлиё кунигача қоламиз ва киборлар даврасига қўшилмаймиз, кўп ўралашиб қоламиз, сенга буни раво кўрмайман...

— Киборлар даврасида нима қиламиз? — жавоб бердим мен,— шунчаки театрларни бориб томоша қиламиз, яқинларимизни кўрамиз, опера ва яхши мусиқа эшитамиз ва авлиё кунидан аввал қишлоққа қайтамиз.

Бироқ Петербургга келишимиз билан бу режаларимиз унут бўлди. Мен ўзимни умуман бошқа, янги ва бахтиёр оламда ҳис қилдим, мени бир дунё қувонч қамраб олди, янги қизиқишлар олдимда пайдо бўлди, шунда ўтган кунларим ва ундаги режаларимни ҳам унутдим. “Олдин бўлганларнинг ҳаммаси шунчаки ҳазил экан, мана ҳақиқий ҳаёт! Ҳали яна нима бўлади?” — ўйладим мен. Мени қишлоқда қийнаган хавотир ва сиқилишларим ўз ўзидан мўъжизавий тарзда йўқ бўлди. Эримга бўлган ҳисларим ҳам тинчланди, бу ерда у мени камроқ яхши кўра бошламадим деган фикрлар хаёлимни эгалламасди. Бунга шубҳаланишим учун ҳам асос йўқ эди, у ҳисларимга жавоб берарди, хоҳиш-истакларимни адо этарди.

Бу ерда унинг бамайлихотирлиги ҳам йўқолди ёки йўқолмаган бўлса ҳам менинг гашимга тегмасди. Яна шунга амин бўлдимки, у аввалгидай мени севиши билан бирга мендан завқланарди. Бирон янги танишимизникига борсак, ёки бизникида меҳмон кутсак, бекалик вазифаларимни бажараётганимда у шундай дерди: “Балли, қизалоқ, қўрқма, дадил бўл! Ҳаммасини яхши

уддалаяпсан!” Ва мен бундан жуда хурсанд бўлардим. Келганимиздан сўнг бироздан кейин у онасига мактуб ёзди ва мени имзолаш учун чақирди, бироқ хатни ўқиб чиқишимга рухсат бермади. Албатта, мен ўқийман деб талаб қилдим ва ўқидим ҳам. “Сиз Машани танитайсиз, - ёзибди у, - ўзим ҳам танитаяпман. Ундаги назокат, малоҳат, виқор, киборларга хос ақл ва мулозамат қаердан пайдо бўлди, ҳайронман. Ҳамма ундан ҳайратда, мен ҳам лол қолдим. Агар имкони бўлганда уни янада кўпроқ севиб қолган бўлардим”.

“Мен шундайманми, наҳотки!” — ўйладим мен. Бундан қалбим янада кўпроқ қувончга тўлди ва унга бўлган муҳаббатим кучайди. Танишларимиз олдида муваффақиятга эришим мен учун ҳам кутилмаган бўлди. Ҳамма мени ёқтириб қолганини айтарди, бир ерда қари онахон, бир ерда кекса отахон, яна бир ерда унинг амакиси ёки холаси мендан ҳайратда эканлиги, мендай жувон Петербургда бошқа йўқлиги ҳақида мақтовлар ёғдира бошлашарди. Айниқса эримнинг амакиси қизи, киборлардан бўлган княгина Д. мени жуда яхши кўриб қолди ва истасам, жамиятнинг энг назокатли аёлига айланишим мумкин экан. Княгина Д. Биринчи марта бизни балла таклиф қилганида, эрим менга қараб, айёрон кулди ва боришни исташимни сўради. Мен тасдиқ маъносида бошимни қимирлатдим ва қизариб кетдим.

— Худди жиноятчилардай нима истагини билдиради, — деди у юракдан кулиб.

— Ахир сен киборлар даврасига қўшилмаслигимиз кераклиги ҳақида айтгандинг, — жавоб бердим уялиб.

— Агар жуда истаётган бўлсанг, унда борамиз, — деди у.

— Яхшиси бормай қўя қолайлик.

— Жуда истайсанми? — сўради у яна.

Мен жавоб бермадим.

— Киборлар ҳали ҳалокат эмас, — давом этди у, — киборий истаклар амалга ошмагани — мана бу ёмон ва аҳмоқона. Албатта борамиз, кетдик, — қатъий деди у.

— Сен ҳақсан, — дедим мен, — бу баллга боришдан кучли истагим бўлмаган.

Биз бордик ва мен кутган шоду-хуррамлик бўлди. Бу баллда мен янада кўпроқ ўзимни марказда деб ҳис қилдим. Ҳамма атрофимда айланаётгандай, зал фақат мен учун ёритилгандай, сартарошлардан тортиб хизматчиларгача мен ҳақимда гапириб, мени яхши кўришаётгандай туюларди. Амакининг қизи айтишича, балл меҳмонлари мен ҳақимда шундай дейишган: бошқа аёлларга ўхшамасмишман, менда қандайдир қишлоққа хос софлик, беғуборлик бор эмиш. Мақтовлардан бошим айланиб, эримга мана шу йил яна икки-уч баллга боришни исташимни айтдим, унга қарамай туриб, бундай зиёфат-базмларга тўйиб олишим кераклигини қистириб ўтдим.

Эрим фикримга қўшилди ва бошида менга бажонудил қўшилиб, базмларга борди, у менинг муваффақиятларимдан мамнун эди, у аввал менга айтган гапини унутган ёки қайтгандай туюлди.

Охир-оқибат у бу ҳаёт тарзидан зерикди ва чарчиди. Бироқ мен бунга аҳамият бермасдим. Ҳар замон у менга қаратган жиддий ўткир нигоҳларини сезмасликка ҳаракат қилардим ва улар нимани англатиши борасида бош ҳам қотирмасдим. Мен атрофдан ёғилган муҳаббат ва эътибордан сархуш бўлдимми, унинг мени босиб турадиган маънавий ахлоқий таъсирини сезмай қолдим. Мен учун янги, гўзал ва завқли оламга фарқ бўлдим ва бунда у нима ёмонликни кўриши мумкинлиги борасида ўйлаб ҳам кўрмасдим.



Мен баллга кириб боришим билан ҳамманинг нигоҳи менга қаратилганидан ўз ўзимдан мамнун бўлиш ва гурурланишдай янги ҳисларни туярдим. У эса худди менга эга бўлганидан уялганидай оломон орасига кириб йўқ бўлиб кетарди. “Тўхта, - дердим ичимда, унинг чекка-чеккаларда зерикиб турган сиймосини қидириб, - ҳали уйга борайлик, ким учун бу кеча шу қадар бетақрор бўлганим ва ҳаммадан ортиқ кимни кўрганимни биласан”. Менинг муваффақиятларим унинг учун эканлигига ишонардим. Киборлар давраси мен учун бир сабабга кўра хавфли бўлиши мумкин, у ҳам бўлса, бирон ёш йигит билан қизиқиб қолсам ва турмуш ўртоғим рашк қилса. Бироқ у менга шунчалик ишонардик, бу борада у ўзини ниҳоятда хотиржам ва бефарқ тутарди. Менга ҳам бошқа эркаклар эрим олдида кўримсиз кўрингани учун уларга қизиқиш ҳатто ҳаёлимга ҳам келмайди. Демак, биргина хавф ҳам менга хатарли эмас. Бироқ киборлар даврасида кўпчиликнинг эътибори менга ёқарди, менинг гуруримни оширарди, бунда эримга бўлган муҳаббатимнинг ҳам ўрни бор деб ўйлардим ва у билан бўлган муносабатимизда мени ўзига ишонган ва беэътиборроқ қиларди.

— Мен эса сени Н. Н. билан берилиб гаплашганингни кўрдим, — дедим қўлим билан пўписа қилиб, бир сафар баллдан қайтаётганимизда, у ҳақиқатан ҳам Птербургнинг машҳур хонимларидан бири билан гаплашиб турганини кўргандим. Бу гапни уни жонлантириш учун айтдим, у жим ўйчан келаётганди.

— Нега бунақа гапларни айтасан? Гапингни қара, Маша! — деди у тишлари орасидан ва худди жисмоний оғриқдан пешонасини тириштирди. — Бу сенга ҳам, менга ҳам ярашмайди! Буни бошқаларга қолдир, бу бизнинг ҳозирги муносабатларимизни бузади, мен эса ҳозирги муносабатларимиз қайтишига ишонаман.

Мен уятдан жим бўлдим.

— Қайтармикан, Маша? Сен нима ўйлайсан? — сўради у.

— Улар ҳеч қачон бузилмаган ва бузилмайди ҳам, — дедим мен ва бу менга аниқ шундай туюлганди.

— Шундай бўлсин, — деди у, — энди қишлоққа қайтсак ҳам бўлар.

У бу гапни фақат бир марта менга айтди, бошқа пайт унга ҳам худди менга каби ҳаёт қувончли ва завқлидай кўринарди. Агар у бироз зериккан бўлса, — деб ўзимни тинчлантирардим, — ҳечқиси йўқ, мен ҳам унинг учун қишлоқда зерикканман. Муносабатларимизда бироз ўзгариш бўлса, қишлоққа қайтиб, Никольскийдаги уйимизда Татьяна Семенова билан бирга қолганимизда ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади.

Қандай қиш ўтиб кетганини билмай қолибман, ҳатто авлиёлар кунини ҳам Петербургда ўтказдик. Фоминада ниҳоятда уйга қайтишга қарор қилиб, эрим хурсанд бўлиб ҳаммага совғалар олишга тушганда, кутилмаганда уйимизга унинг жияни кириб келди. У бизни кейинги шанбагача қолишни, графина Р. катта зиёфат ўтказаётгани, ўшанда собиқ шаҳзода М. айнан мен билан танишиш учун зиёфатга ташриф буюриши, чунки мени Россиянинг энг гўзал хоними деб ҳисоблаши ва олдинги балдан бери буни орзу қилиб юришини айтди. Хуллас, бутун шаҳар ўша ерда бўлади ва менинг бормаслигим мумкин эмас.

Эрим меҳмонхонанинг нариги бошида ким биландир гаплашиб турарди.

— Мари, йўқ деманг, борасиз-а? — деди жиян.

— Эртадан кейин қишлоққа қайтмоқчи эдик, — бир қарорга келолмай дедим мен ва эримга қарадим. Нигоҳларимиз тўқнашди ва у шартта ортига ўтирилди.

— Мен уни қолишга кўндираман, — деди жиян, — ва биз шанба куни ҳамманинг бошини айлантиргани борамиз. Шундайми?

— Бу бизнинг режамизга тўғри келмайди, биз йўлга таяёргарлигимизни кўриб қўйганмиз, — дедим мен таслим бўлишни бошлаб.

— Бугун у шаҳзодага таъзим қилгани бориб кела қолсин, — хонанинг нариги томонида аввал мен эшитмаган унинг асабий-жаҳлдор овози эшитилди.

— Вой! У рашк қиялтимиз, биринчи марта кўришим, — кулиб юборди жияни. — Сергей Михайлович, ахир шаҳзода учун эмас, ҳаммамиз учун унинг ташриф буюришини сўраяпман. Графиня Р. унинг келишини шундай илтимос қилдики!

— Бу унга боғлиқ, — совуқлик билан деди эрим.

У одатдагидан кўра кўпроқ асабийлашганини кўрдим ва бу мени хавотирга солди, шунинг учун унинг жиянига ҳеч нима ваъда бермадим. У кетиши билан, эрим олдига бордим. У ўйчан хонада юрар ва менинг аста кириб келганимни сезмай қолди.

“Унга Никольскийдаги ўйи, ёруғ меҳмонхонасидаги эрталабки қаҳваси, далалари, деҳқонлари, диван хонаси, сокин тунги суҳбатлар яхши кўринади, — ўйладим мен унга боқиб, кейин қатъийлик билан дедим — Йўқ! Энг дабдабли баллар, барча шаҳзодаларнинг мақтовлари унинг тортинчоқлик билан табассум қилиши ва майин эркалашига етмайди”. Мен унга зиёфатга боришни истамаслигимни айтмоқчи эдим, у менга қовоғини шундай ўйиб қарадики, унинг юзидаги ўйчан мулоимлик йўқолди. Яна унинг нигоҳларида зийраклик, донолик ва ҳомийларча хотиржамлик акс этди. Уни оддий одам сифатида кўришимни истамайди, ҳар доим менинг кўз ўнгимда ярим худодай юқорида туриши керак.

— Нима бўлди, дўстим? — деди у беэътиборлик ва хотиржамлик билан мен томон ўгирилиб.

Мен жавоб бермадим. Мендан ўзини яшириши, уни қандай севсам, шундай бўлиб қолишни истамаслигидан ҳафа бўлдим.

— Шанба кuni зиёфатга бормоқчимисан? — сўради у.

— Бормоқчи эдим, — жавоб қилдим мен, — Бироқ бу сенга ёқмайди. Ҳаммаси йўлга чиқишимизга тайёр ҳам, — қўшиб қўйдим мен.

У ҳеч қачон менга бунчалар совуқ қарамаган, бунчалар совуқ гапирмаган.

— Мен сешанбагача кетмайман ва нарсаларни қайтиб жойига қўйишни буюраман, — деди у, — шунга жуда истар экансан, боришинг мумкин. Барака топгур, бора қол. Мен кетмайман.

У одатда асабийлашганда нотекис юра бошлайди, ҳозир ҳам хонада у ёқдан бу ёққа жаҳл билан юрарди.

— Мен умуман сени тушунмадим, — дедим бир жойда туриб, нигоҳларим билан уни кузатиб, — сен ҳар доим хотиржамман деб айтасан (у ҳеч қачон бундай демаган). Нега мен билан бундай галати гаплашяпсан? Мен сен учун бу кўнгилхушлиқдан воз кечиб қурбонлик қилишга тайёрман, сен эса кинояли оҳанг билан бора-вер дейсан, сен аввал ҳеч менга бундай гапирмагансан.

— Нима қилдик энди! Сен қурбонлик қияпсан (у мана шу сўзга урғу берди), мен ҳам қурбонлик қияпман. Бу ҳиммат кўрсатиш жангими? Қандай ажойиб оилавий бахт?

Мен биринчи бор ундан бу қадар шафқатсиз, пичингли сўзларни эшитардим. Унинг пичинги мени уялтиргани йўқ, балки ҳақоратлади, шафқатсизлиги мени қўрқитгани йўқ, менга таъсир қилди. Доим муносабатларимизда эҳтиётлик билан гапирадиган, доим са-

мимий ва оддий бўлган одам шу гапларни айтдимиз? Нима учун? Уни деб зиёфатдан воз кечганим учунми ёки бир дақиқа олдин уни жонимдан ортиқ севганим учунми? Энди ролимиз алмашди, у тўғри, оддий сўзлардан қоча бошлади, мен эса уларни ахтара бошладим.

— Сен жуда ўзгардинг, — дедим чуқур хўрсиниб. — Сенинг олдингда қандай айб иш қилдим? Зиёфат эмас, юрагингда менга қарши қандайдир бошқа, эски нарса борга ўхшайди. Носамимийликдан мақсад нима? Сен эмасми бундан қўрққан? Қани очиқчасига гапир, менга қарши нима гапинг бор?

— “Қани нима деркан”, — деб ўйладим, бутун қиш унда менга нисбатан бирон таъна қилишга асос йўқлигига ишонган ҳолда.

Мен хона ўртасига бордим, у олдимдан ўтиб кетиши ва мен унга қарашим мумкинлигини ўйладим. “У ёнимга келиб, мени қучади ва шу билан ҳаммаси тугайди” — деган фикр мияга келганди. Шундай бўлса яхши, бироқ унинг ноҳақлигини исботлаш имкони бўлмай қолади. Бироқ у кутилмаганда хона нариги томонида тўхтади ва менга қаради.

— Сен ҳаммасини тушунмаяпсанми? — сўради у.

— Йўқ.

— Унда сенга айгаман. Мен учун жирканч, биринчи бор шунчалар жирканч бўлдики, буни ҳис қилмаслигим мумкин эмас. — Овози ўзига қўпол эшитилди-ми, у қўрқиб тўхтаб қолди.

— Гапир, нима? — кўз ёшларим билан сўрадим мен.

— Шаҳзода сени гўзал деб билибди-ю, бундан бошинг осмонга етиб, у билан учрашгани чоляпсан. Қанчалар жирканч! Бу ерда эринг бор, ўзинг бор, аёллик қадр-қимматинг! Бу ҳолатда эринг ўзини қандай ҳис қилиши керак? Йўқ, сен акеинча келиб, менга катта

қурбонлик қилаётганингни эълон қиляпсан: нимамиш, олий ҳазратларига кўриниш бериш катта бахт, бироқ у буни қурбон қилаётганмиш.

У гапирган сари, овози кучайиб, шунчалар заҳар, шафқатсиз ва қўпол бўлиб борардики. Мен уни ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмаганман ва уни бу ҳолатда кўраман деб ҳеч ўйлаган эмасман. Юрагим қаттиқ эзилди, асоссиз уялтириш ва ҳақоратлаш мени зада қилди ва мен ундан қасд олишни истадим.

— Мен анчадан бери шуни кутардим, — дедим мен, — гапиравер, гапиравер.

— Билмадим, сен нимани кутгансан, — давом этди у, — Мен сени ҳар куни бу аҳмоқона жамиятда, ифрослик ботқоғида, зиёфатпарастликда кўриб, энг ёмон нарсаларни кутдим ва етиб келдим ҳам... Ҳа, у менга ҳамма вақтдан кўра оғриқли ва уятли бўлишига етиб келдим. Яқин инсоним ўзининг ифлос қўллари билан қалбимга кириб келиб, менинг рашким ҳақида гапиради. Кимдан рашк қиламан? На сен, на мен танимаган инсонданми? Сен эса атайлаб мени тушунишни истамайсан, ўзингни қурбон қилаётганингни рўкач қиласан. Нима учун қурбон бўляпсан? Сен учун уялиб кетяпман! Шунчалар паст кетганинг уят! — қайтарди у.

“Ҳа, шундайми! Мана эрнинг аёл устидаги ҳукмронлиги, — ўйладим мен. — Ҳеч нимада айби бўлмаган аёлни ҳақоратлаш ва таҳқирлаш. Шу экан-да, эрнинг ҳуқуқи, бироқ мен унга бўйсунмайман”

— Йўқ, сен учун ҳеч нимани қурбон қилмайман, — дедим мен юзимга гупиллаб урилайётган қонни ҳис қилиб. — Мен шанба куни зиёфатга бораман, албатта бораман.

— Бор, мазза қилиб кўнгилхушлик қилиб кел, фақат ўртамизда ҳаммаси тугади! — деб бақирди у жаҳлга эрк бериб. — Энди сен мени қийнай олмайсан. Мен

аҳмоқ эканман, сени... — деб яна бошлаганди, бироқ лаблари титраб, бошлаган гапини охиргача айтмаслик учун ўзини зўрға ушлаб қолди.

Мен қўрқардим ва ўша онда уни ёмон кўриб кетдим. Мен унга кўп гапларни айтишни ва аламимни олишни истардим. Бироқ оғиз очишим билан йиглаб юборишим мумкин эди ва унинг олдида паст кетган бўлардим. Мен индамай хонадан чиқдим. У хонадан чиқиб кетиб, қадамлари эшитилмай қолиши билан, нима қилиб қўйганимиздан даҳшатга тушдим. Бизнинг бахтимизнинг асоси бўлган ришталар умрбод узилиб кетса-я деб қўрқиб кетдим ва дарҳол унинг олдига боришни истадим. “Мен бориб унга қўлимни узатсам, у мени тушунадиган даражада тинчланадими?” — ўйладим мен. — Менинг ҳиммат кўрсатаётганимни тушанармикан? Ҳозирги аҳволимни ёлғон, сохта деб атаса-чи? Ёки ҳақлигига ишониб, мағрур хотиржамлик билан менинг пушаймонлигимни қабул қилармикан? Пушаймонлик нима учун? Севган инсоним мени шунчалар шавфқатсизларча ҳақоратлагани учунми?..”

Унинг олдига эмас, ўз хонамга бордим. Хонада бир ўзим қолиб йиғладим ва ўртада ўтган ҳар бир сўзни эслаб даҳшатга тушдим. Кечки пайт чойга чиққанимда, бизникида турган С. олдида эрим билан менинг ўртанимизда катта жарлик ўпирилиб тушганини сездим. С. биздан қачон қишлоққа қайтишимизни сўради. Мен жавоб беришга улгурмадим.

— Сешанба куни, — жавоб берди эрим, — биз яна шанба куни графиня Р. зиёфатига ўтишимиз керак. Сен боряпсан-ку, тўғрими? — деб мурожаат қилди у менга қараб.

Мен унинг оддий гапининг оҳангидан қўрқиб кетдим ва унга иккиланиб қарадим. У тўғри менга қараб

турар, қараши пичингли ва аламли эди, овози эса совуқ ва текис.

— Ҳа, — жавоб бердим мен.

Кечқурун ёлғиз қолганимизда, у ёнимга келиб, қўлини менга узатди.

— Сенга айтган гапларимни унут, илтимос, — деди у.

Мен унинг қўлини олдим, юзимда табассум титраб турарди, кўз ёшларим оқишга тайёр эди. Бироқ у қўлини шартта тортиб олди, худди ҳиссий саҳнадан қочгандай, ўгирилиб, нарироққа бориб ўтириб олди. “Наҳотки, у ўзини ҳақ деб ўйласа?” — ўйладим мен ва кечирим сўраш, зиёфатга бормаслигимни айтиш тилимда қолиб кетди.

— Онамга хат ёзиб, қайтишимизни кейинга сурганимизни хабар қилишимиз керак, — деди у, — бўлмаса, хавотир олади.

— Қачон боришни ўйлаяпсан? — сўрадим мен.

— Сешанба куни, зиёфатдан сўнг, — жавоб берди у.

— Умид қиламанки, мен учун қолмаяпмиз, — дедим унинг кўзларига қараб, бироқ унинг кўзлари маъносиз боқарди, худди бир нима билан тўсилгандай. Шунда юзи қари, ёқимсиз кўринди.

Биз зиёфатга бордик, ўртамизда гўёки илиқ, дўстона муносабат тикланди. Бироқ аввалги муносабатлар эмас.

Зиёфатда аёллар орасида ўтирганимда, олдимга шахзода келди ва унинг ҳурмати учун тик турдим. Ўрнимдан туриб, одамлар орасида эримни қидира бошладим ва шунда у зал ортида менга қараб турганини, кейин ўгирилиб олганини кўрдим. Бундан юрагимга оғриқ кирди ва уялдим, шахзоданинг нигоҳларидан юзим ва бўйним қизара бошлади. Мен тик туриб унинг гапларини эшитишим керак эди. Сухбатимиз узоққа чўзилмади, олдимга ўтириш учун жой йўқ эди, унинг олдида



тортиниб, ноқулай турганимни сезди. Ўтган балл, ёзда қаерда яшашим ва бошқа нарсалар хусусида гаплашдик. Мендан узоқлаша туриб, эрим билан танишиш истагини билдирди, залнинг нариги томонида улар учрашиб, гаплашганини кўрдим. Шаҳзода мен ҳақимда гапирди, шекилли, биз томонга кулиб қараб қўйди.

Эрим бир маҳал бирдан таъсирланиб, чуқур таъзим қилди ва ўзи биринчи бўлиб нари кетди. Мен қизариб кетдим, шаҳзода эрим ва мен ҳақида нима ўйлаган бўлиши мумкинлигидан уялиб кетдим. Менга ҳамма шаҳзода билан тортиниб гаплашганимни, эрим у билан суҳбатда ўзини галати тутганини сезгандай туюлди ва ҳеч ким эрим билан ўртамиздаги жанжалдан хабари йўқми деб ўйладим. Жияним мени уйгача элиб қўйди ва биз эрим ҳақида гаплашдик. Мен чидаб туролмай, унга бу зиёфат сабабли эрим билан тортишиб қолганимизни айтиб бердим. У буни шунчаки эр-хотин орасидаги одатий тушунмовчилик эканлиги, унинг муносабатларимизга ҳеч қандай таъсири бўлмаслиги, эримнинг феълининг ўзи шундайлиги ҳақида гапирди. Мен анча тинчланиб, уни тушуна бошладим.

Лекин иккимиз ёлғиз қолганимизда, уни муҳокама қилганим учун виждоним қийналгани ва ўртамизда чуқур жарлик пайдо бўлганини ҳис қилдим.

## VII

Ўша кундан бошлаб ҳаётимиз ва муносабатимиз бутунлай ўзгарди. Аввалгидай иккимиз ёлғиз қолганимизда ўзимизни яхши ҳис қилмасдик. Айрим масалалар очилмай қолиб кетаверарди, юзма-юз гаплашгандан кўра, учинчи шахс олдида гаплашишимиз осонроқ эди. Қишлоқ ёки балл ҳақида гап келганда, ўзимизни

ноқулай ҳис қилиб, бир-биримиз кўзимизга қарай олмасдик. Биз ўртамизда қандайдир жарлик борлигини ҳис қилиб, ундан узоқроқ бўлишга уринардик. Аллақачон бир-биримиз учун дунёдаги мукамал инсон бўлмай қолган эдик, бир-биримизни ўзимизча бошқаларга таққослардик ва муҳома қилардик.

Кетишдан олдин тобим қочиб қолди ва қишлоқ ўрнига далаҳовлига бордик. Эримнинг ўзи онасининг олдига кетди. У кетаётганида мен анча тузук бўлгандим, бироқ у соғлигимдан хавотирланиб, мени қолишга кўндирди. У саломатлигим учун эмас, балки қишлоққа борганимизда иккимизга яхши бўлмаслигидан қўрқиб мени қолдирганга ўхшади, мен ҳам қишлоққа бориш учун оёқ тираб туриб олмадим. У кетганида ҳаётим бўмбўшдай бўлиб қолди, бироқ қайтиб келганда аввалгидай бу бўшлиқни тўлдиролмади, аввалгидай унга қувонч ва ширин туйғуларни ҳада эта олмади. Олдин бир-биримизга боқиб сабабсиз ҳам кулаверардик, кўзларимиз бир-биримизга тўймасди. Энди эса аста-секин бу муносабатларимиз бошқа кўринишга ўтди. Энди ҳар биримизнинг алоҳида қизиқишларимиз, ташвишларимиз бор эди ва уни умумий қилишга интилмас эдик. Энди ҳар биримизнинг ўз оламимиз бор эди ва бу бизни ажаблантирмасди. Аввалгидай унинг менга қараб завқланиши, болаларча шўхлик қилишлари ва қувонишлари йўқолди, унинг ҳаммани кечириши ва ҳамма нарсага бефарқлиги ҳам йўқ бўлди, у аввалгидай менга чуқур нигоҳлари билан боқмасди. У кўпинча уйда бўлмасди, мени ёлғиз ташлаб, иш билан сафарларга кетаверарди, мен кўп вақтимни турли давраларда ўтказардим, у ерда эса менга унинг кераги бўлмасди.

Ўртамизда бошқа жанжал ва тортишувлар бўлмади, мен унга қарши иш қилмасдим, у ҳам истакларим-

ни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиларди, гўёки бир-биримизни севардик.

Иккимиз ёлғиз қолганимизда, худди ўзим билан ёлғиз қолгандай бўлардик, аввалгидай унинг ёнимда эканлигидан қувониб, ҳаяжонланмасдим. Бу менинг эрим эди, бошқа янги, номаълум эмас, балки яхши одам, буни жуда яхши билардим. Уни мен ўзимдай биладим. Мен унинг нима қилиши, нима дейиши, қандай қарашини олдиндан билардим. Агар у кутганимдан бошқа иш қилса, уни билмаганим учун эмас, балки у хато қилгани учун шундай бўлди дердим. Мен ундан ҳеч нима кутмасдим. Бир сўз билан айтганда, у менинг эрим эди ва бошқа ҳеч нима. Менга айнан шундай бўлиши керак, бошқачаси бўлиши мумкин эмас деб ўйлардим.

У бирон ерга кетганида, дастлабки вақтда ўзимни ёлғиз ҳис қилиб, унга қанчалар суяниб қолганимни ўйлаб қўрқувга тушардим. У қайтиб келганида эса хурсандчилигимдан унинг бўйнига осилардим, бироқ икки соатдан сўнг бу қувончимни унутардим ва ўзаро гаплашиш учун мавзу топа олмасдим. Ўртамизда бўладиган сокин, муътадил меҳр кўрсатиш вақтида нимадир бошқачадай туюлар, юрагимга ҳам оғриқ кирарди, унинг кўзларида ҳам худди шу ҳолатни ўқирдим. Ўртамизда чегара бордай бўлиб, у босиб ўтишни гўё истамасди, менинг эса ҳаддим сиғмасди. Бундан ҳафа бўлиб қолардим, бироқ бирон нарса устида узоқ ўйга ботишга вақт бўлмасди, мен турли кўнгилхушликлар билан овуниб кетардим. Киборлар ҳаёти аввал мени ўзига ром этиб, кўзларимни туман билан ёпган бўлса, энди қалбимга чуқур кириб бориб, туйгулар учун ажратилган ҳамма жойни эгаллади. У ҳаёт тарзим, одатимга айланди. Мен ҳеч ёлғиз қолмасдим, қандай аҳволга келиб қолганимни англаб етишдан қўрқардим. Менинг эр-

талабдан кечгача вақтим банд эди ва ўзимга тегишли эмас эди. Бундан энди аввалгидай завқланмасдим, зерикмасдим ҳам, айнан шундай бўлиши керак деб ҳисоблардим.

Шу тарзда уч йил ўтди. Бу вақт орасида муносабатларимиз ўша-ўшалигича қолди, қотиб қолди, на яхшироқ бўлди, на ёмонроқ. Мана шу уч йилда оиламизда икки муҳим воқеа содир бўлди, бироқ улар ҳам ҳаётимни ўзгартира олмади. Бу биринчи ўғлимнинг туғилиши ва Татьяна Семеновнанинг вафот этишидир. Дастлаб оналик туйғуси шундай мени қамраб олдики, мен ҳайрат ва шоду-хуррамликдан маст бўлдим ва мен учун янги ҳаёт бошланди деб ўйладим. Бироқ икки ой ўтиб, яна киборлар даврасига қўшилганимдан сўнг, бу туйғуларим сустлашиб бориб, шунчаки одатга айланди ва мен оналик бурчини совуқлик билан бажара бошладим.

Эрим эса аксинча, биринчи ўғлимиз туғилганидан бошлаб, аввалгидай меҳрибон, хотиржам уй одамига айланди ва олдинги бутун меҳрини, хурсандчилигини болага қаратди. Баъзида балл кўйлагим билан болани уйқудан олдин дуо қилиш учун унинг хонасига кирганимда, унинг таънали нигоҳларига дуч келаман ва қандайдир виждоним қийналгандай бўлади.

Баъзида болага бефарқ муносабатимдан даҳшатга тушардим ва ўзимдан сўрардим: “Наҳотки, бошқа аёллардан ёмон бўлсам? Лекин нима қилай?” — ўйлардим мен. — Ўғлимни яхши кўраман, бироқ у билан кун бўйи ўтира олмайман-ку, ахир зерикаман. Ўзимни эса бошқача куйга сола олмайман”.

Унга онасининг ўлими катта кулфат бўлди. Ўзининг айтишича, онасидан сўнг Никольскийда яшаш оғир. Мен ҳам у аёл учун қайғу чекдим ва қишлоққа қай-

тсак, яхшироқ бўлади деб ўйладим. Шу уч йил давомида асосан шаҳарда яшаб, қишлоққа мен бор-ўғи бир марта икки ойга бордим, учинчи йили эса биз хорижга чиқдик.

Биз ёзни сувда ўтказдик.

Мен йигирма бир ёшга киргандим. Бизнинг молиявий аҳволимиз ўйлашимча, жуда яхши эди. Мен оилавий ҳаётимдан олганимдан ортигини сўрамасдим. Билган-таниганларимнинг ҳаммаси мени яхши кўришарди, саломатлигим ва кийинишим ҳам аъло эди. Мени гузаллик ва нафислик муҳити ўраб турарди ва мен ҳаётдан завқланардим. Мен Никольскийда бўлганимдай хурсанд эмасдим, унда мен бахтимдан сархуш ва хурсанд эдим. Бу ёзда ҳам шоду хуррамликда эдим ва ўзимни яхши ҳис қилардим. Мен ҳеч нима истамасдим, ҳеч нимага умид қилмасдим. Ҳаётим тўлиқ, тинч ва унга бошқа ҳеч нима керакмасдай эди. Бу мавсумда ёшлар орасида ажралиб турадиган биронтаси йўқ эди. Ҳатто менга хушомад қиладиган княз К. чалик ҳам эмас эди. Бири жуда ёш, бири қари, бири оқ-сариқ, яна бири соқолли француз, уларнинг ҳаммаси мен учун бир эди, бироқ улар керак ҳам эди. Улар бир-биридан фарқланмайдиган шахслар бўлиб, мени ўраб турган муҳитга қувонч, ўйин-кулги келтириш учун керак эди. Фақат улардан бири маркиз Д. мендан ҳайратда эканлигини билдириш борасида мардлик кўрсатиб менинг эътиборимни бир мунча тортди. У мен билан бирга бўлиш бирон имкониятни қўлдан чиқармасди, рақсга тушар, отда сайр қилар, казинога борарди, қулай вақт бўлди дегунча менга мақтовларни ёғдирарди.

Бир неча бор уйим деразасидан боқиб, унинг ёқимсиз, ўткир нигоҳларига дуч келардим ва қаерга қарашни билмай қизариб кетардим. У ёш, келишган, хушби-

чим эди, табассуми ва юз ифодаси билан эримга ҳам ўхшаб кетарди, гарчи ундан яхшироқ кўринишда бўлса ҳам. Унинг қанчалар эримга ўхшаб кетишидан ҳайратга тушардим. Бироқ эримнинг лаби, кўзлари ва иягида меҳр ва олийҳимматлилик уфуриб турса, ундан эса ҳайвоний ҳирс сезилиб турарди. Ушанда у мени жондан ортиқ севади деб ўйлаган эканман ва унга мағрурона ачиниш билан қарардим. Баъзида муносабатларимизни ишончга асосланган дўстликка ўтказишга уринардим, лекин у кескин қаршилиқ қилар ва изҳор этилмаган, бироқ изҳор этишга тайёр турган эҳтироси билан мени ноқулай аҳволга соларди. Тан олмасам-да, бу одамдан қўрқардим ва беихтиёр у ҳақида кўп ўйлардим. Эрим у одамни шунчаки совуқ муносабатда бўлишга лойиқ танишларимдан сал яқинроқ биларди.

Мавсум охирида касал бўлиб қолдим ва икки ҳафта уйдан чиқмадим. Тузалганимдан сўнг мусиқа эшитгани оқшом базмига борганимда, анчадан бери кутилган ва ҳусни билан машҳур бўлган С. хоним келганини билдим. Мени дарҳол қуршаб олишди, мени хурсандчилик билан қарши олишди, бироқ янги келган у аёлнинг давраси анча кенгроқ эди. Олдимдагилар ҳам унинг ўзи ва ҳусни ҳақида гапиришарди. Менга уни кўрсатишди, у ҳақиқатан ҳам малоҳатли эди, бироқ унинг ўзига бино қўйган чехраси менга ёқмади ва мен буни айтдим. Шу куни мени аввал қувонтирган ҳамма нарса зерикарли кўринди. Эртаси куни С. хоним саройга ташриф буюрибди, мен эса буни рад этдим. Ёнимда ҳеч ким қолмади ва ҳамма кўз ўнгимда ўзгарди. Ҳамма ва ҳамма нарса зерикарли, маъносиз, аҳмоқона кўринди, тезроқ саёҳат курсини тугатиб, Россияга қайтишни истадим. Қалбимда ёқимсиз ҳис пайдо бўлди ва ўзимга иқрор бўлишдан бошқа

иложим йўқ эди. Одамларга кам кўрина бошладим, баъзида Л.М. билан атрофни айланиб келгани чиқардим. Эрим бу вақт ёнимда йўқ эди, у бир неча кунга Гейдельбергга кетди ва ўша ерда саёҳат курси тугашини кутишга қарор қилди. У онда-сонда мени кўргани келиб турарди.

Бир куни С. хоним ҳаммани овга чорлади, мен эса Л.М. билан саройга бордик. Биз коляскада бир неча асрлик каштан дарахлари орасидан чўзилган илон изидай йўлдан борар эканмиз, Л. М. хоним билан оила, эр ва болалар ҳақида мароқли суҳбатлашиб қолдик. У менга биринчи бор ақлли ва зукко аёл бўлиб кўринди. Биз бу ерда ҳаёт маънисизлиги, Россияга қайтишни исташимиз ҳақида гаплашдик. Биз мана шу ҳиссиётлар остида саройга кириб бордик. Деворлар ортида салқин, мусаффо эди, қуёш нурлари вайроналар устида ўйнардди, узоқдан кимларнинг овози ва қадамлари эшитилди. Эшикдан худди ромга солингандай Баден манзаралари кўринарди. Шунда овоз яқинроқ эшитилади бошлади. Улар таниш овозлар эди: бу маркиз Д. ва мен таниган француз эди. Улар мен ва С. хоним ҳақида гаплашишар, мен билан уни ва хуснларимизни таққослашарди. У мени ҳақоратлайдиган ҳеч нима демади, бироқ юрагимга қон қуйилди. У батафсил менинг ва унинг афзал жиҳатларимиз хусусида гапирарди. Менда бола бор, С. хоним эса энди ўн тўққизга тўлганди. Менинг сочим қалин, лекин у хонимнинг қома ти виқорли. С. хоним мартабаси улуғ эмиш, “Сизнинг хонимингиз эса — деди у, - бу ерда тез-тез пайдо бўлиб турадиган кичик рус княгиналаридан бири”. У охири мени “Ўзини яхши тутуди, у хоним билан рақобатлашиш учун уринмайди” деди ва мен умрбод Баденга кўмилган эмишман.

— Унга раҳмим келяпти.

— Агар сиз билан кўнгилга таскин беришни истама-салар, — қўшиб қўйди шўх ва шафқатсиз кулги билан.

— Агар у кетиб қолса, ортидан бораман, — итальянча талаффуз билан деди қўпол овоз.

— Бахтли банда! Хали севишга қодир экан! — кулиб юборди француз.

— Севиш! — деди овоз ва жим бўлди. — Мен севмаслигим мумкин эмас! Бусиз менга ҳаёт йўқ. Ишқ ҳаётда яхши нарсаларнинг бири. Ва мен ҳеч қачон муҳаббатда ярим йўлдан қайтмаганман, буни ҳам охиригача олиб бораман.

— Bonne chance, mon ami! — деди француз.

Кейин улар нима дейишганини эшитмадик, чунки улар бурилиб кетишди ва биз бошқа томондан уларнинг қадам товушларини эшитдик. Улар зинадан тушиб келиб, эшикни очишди ва бизни кўриб ҳайрон қолишди. Маркиз Д. олдимга келганида қизариб кетдим ва саройдан чиқишда у менга қўлини чўзганида ичимда гулгула пайдо бўлди. Унга рад эта олмасдим. Л.М. хоним унинг дўсти билан ва биз иккимиз коляскага қараб йўл олдик. Менга француз айтган гаплари ҳақоратдай туюлди, бироқ шуни ичимда тан олардимки, у ҳис қилган нарсаларимни гапирди. Бироқ маркизнинг сўзлари қўполлиги билан мени ажаблантирди. Унинг сўзларини эшитиб қолганим мени қийнарди, бироқ шунга қарамай у мендан қўрқмасди. Унинг ёнимда кетаётганидан беҳузур бўлдим, унга қарамасдим ва гапларига жавоб ҳам бермасдим, қўлимни шундай тутган эдимки, ундан узоқроқ бўлиб, гапларини эшитмай дердим. Мен Л.М. хоним ва француз ортидан шошиб борардим, у эса атайлаб секин юрарди. У менга ажойиб манзаралар, мени учратиш қолганидан бахтли эканлиги,



яна нималарнидир гапирарди, бироқ мен уни эшитмасдим. Мен эрим, ўғлим, Россия ҳақида ўйлардим, нима учундир виждоним қийналар, нима учундир ачинардим, тезроқ уйимга, Hftel de Bade даги ёлғиз қоладиган хонамга шошиллардим. Тезроқ ёлғиз қолсам-у, тўсатдан қалбимда кўтарилган тўфонни хотиржам ўйлаб олсам дердим. Бироқ Л.М. хоним шошилмасдим, кавалерим эса астойдил қадамларини секинлатиб, мени ушлаб қолишга уринарди. “Бўлиши мумкин эмас!” — ўйлардим мен ва қатъиян қадамимни тезлаштирдим. Л.М. хоним ҳамроҳи билан муюлишда қайилиб кетишди, биз эса бутунлай ёлғиз иккимиз қолдик ва мен қўрқиб кетдим.

— Узр,— дедим совуққина ва энди уни қўлтиқлаб олган қўлимни тортиб олмоқчи эди, кўйлагим энги унинг тугмачасига илиниб қолди. У мен томонга эгилиб, энгимни тугмасидан ажрата бошлади ва унинг қўлқопсиз қўллари қўлимга тегиб кетди. Шунда ғалати бир ҳис ичимда ўтиб кетди. Унга совуқ нигоҳимни ташлаб, унга нафратимни намоён қилмоқчи бўлдим, бироқ қарашларим буни эмас, балки қўрқув ва ҳаяжонни акс эттирди. Унинг ёниб турган нам кўзлари шундоқ юзим олдида менга, бўйнимга, кўкрагимга эҳтирос билан қарарди ва унинг қўллари билагимдан ушлади, унинг очиқ лаблари нималардир дерди, мени севармиш, менсиз яшай олмасмиш. Борган сари лаблари менга яқинлашиб, қўллари қўлларимни маҳкам қисарди. Бутун танамдан ўт чақнаб ўтди, кўз олдим қоронгулашди, титрай бошладим ва уни тўхтатишим учун айтадиган сўзлар томоғимда тиқилиб қолди. Бир маҳал ёноғимда унинг ўпганини ҳис қилдим, совуқ титроқ ичида тўхтаб унга қараб қолдим. На гапиришга, на ҳаракат қилишга кучим йўқ эди, даҳшат ичида нимадирни кутардим ва истардим. Буларнинг ҳаммаси бир он

давом этди. Унинг юзи менга таниш эди: сомон шляпа остида эримникига ўхшаган бўртиб чиққан паст пешона, бўшлиқлари ишиб турган чиройли тўғри бурун, тарашланган мўйлови ва соқоли, силлиқ соқол олинган ёноғи ва ёниб турган бўйни. Мен бу одамни ёмон кўрардим ва кўрқардим. У менга бегона эди. Бироқ шу вақтнинг ўзида унинг қайноқ бағри ва бўсаларига ўзимни топшириш эҳтироси ҳам уйғонди. Мен ўзимни кўққисдан олдимда пайдо бўлган туби йўқ, ман этилган эҳтирослар жарига улоқтиришни истадим.

“Мен шундай бахтсизман, — ўйладим мен, — майли, бошимга янада кўп бахтсизликлар келаверсин”.

У мени бир қўли билан қучиб олди ва юзимга яқин энгашди. “Майли, шу бошимга янада кўп гуноҳ ва уятлар ёғилаверсин”.

— Je vous aime 1, — деб шивирлади у эримникига ўхшаш овоз билан. Эрим билан ўғлим бир вақтлар менга яқин бўлган, ҳозир алоқаларим узилган инсонлардай кўринди. Бироқ шу вақтда бурилишда Л.М. хонимнинг овози эшитилди, у мени чақирарди. Мен дарҳол ўзимга келдим, қўлимни шартта тортиб олдим ва Л.М. хоним овози келган томон деярли югурдим. Биз коляскага ўтирдик ва шундан кейингина мен унга қарардим. У шляпани ечиб, кулиб, бир нима дерди. Шу онда унга нисбатан қанчалар нафрат ҳис қилаётганимни тушунмасди.

Менга ҳаёт бахтсиз, келажак умидсиз, ўтмиш қорадай кўринди. Л.М. менга бир нималарни гапирарди, лекин мен тушунмасдим.

У менга раҳм-шафқат юзасидан, мендан қанчалар ҳазар қилишини яшириш учунгина гапирётгандай туюлди. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир қарашида мендан жирканиш ва ҳақоратловчи раҳм-шафқат сезилиб турарди.

Ўпич ўрни бўйнимни куйдирарди, эрим ва ўғлим ҳақида ўй мени адо қиларди. Хонамда ёлғиз қолиб, вази ятимни ўйлаб олиш имконига эга бўламан, деб ўйладим, бироқ ёғиз қолиш қўрқинчли эди. Менга киритиб юборишган чойни охирига ичиб утирмай, ўзим билмаган ҳолда шошилиш билан кечки поездда Гейдельбергга эрим олдига йўл олдим.

Мен бир қиз билан бўш вагонга ўтирганимда, поезд юриши билан ойнадан салқин ҳаво келиб менга урилди ва мен ўтмишим билан келажагимни яққолроқ кўз олдимга келтира бошладим. Петербургга кўчиб келганимиздан кейинги турмушимга бошқача кўз билан қарадим ва шу он виждоним тиг остида қолди. Мен биринчи бор қишлоқда ўтган бахтли кунларимизни, режаларимизни эсладим, биринчи миямга қуйидаги савол келди: у қанчалар хурсанд эди ўшанда? Ва ўзимни шу вақт айбдор ҳис қилдим. “Нега у мени тўхтатмади, нега иккиюзламачилик қилди, нега ўзаро тушунишдан қочди, нега мени ҳақоратлади? — сўрардим ўзимдан, - Нега муҳаббат кучидан фойдаланиб, мени тўхтатмади. Ёки мени севмаганми?” Бироқ у қанчалик айбдор бўлмасин, ёноғимдаги бегона ўпинч ҳамон куйдирарди. Гейдельбергга яқинлашганимиз сари эрим билан учрашимизни кўз олдимга келтириб даҳшатга тушардим. “Унга ҳамма, ҳаммасини айтиб бераман, наomat кўз ёшларини тўкаман, - ўйлардим мен, - ва у кечиради”. Бироқ “ҳаммаси” нима эканлигини билмасдим ва унинг мени кечиришига ишонмасдим.

Бироқ эримнинг хонасига киришим билан унинг хотиржам, лекин мени кўрганидан ҳайратланган чеҳрасини кўрдим-у, унга айтадиган, кечирим сўрайдиган ҳеч бир сўзим йўқлигини билдим. Дилдан кўчмаган дард ва пушаймонлик ўзимда қолиши керак.

— Нега бирдан келдинг? — деди у, — мен ўзим ёнингга бормоқчи эдим. — бироқ юзимни яқинроқ кўриб кўрқиб кетди. — Нима бўлди? Сенга нима қилди? — деди у.

— Ҳеч нима, — жавоб бердим кўз ёшимни зўрға тийиб. — Мен бутунлай келдим. Эртагаёқ бўлса ҳам, Россияга кетайлик.

У узоқ вақт жим ва диққат билан қаради.

— Қани айт, сенга нима қилди? — деди у.

Мен беихтиёр кўзим пастга қаратдим ва қизардим. Унинг кўзларида ҳақорат ва газаб ярқиради. Унинг ми-ясига келиши мумкин бўлган фикрдан кўрқиб кетдим, беихтиёр ўзимни ҳеч нима бўлмаганга солдим ва шундай дедим:

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, шунчаки бир ўзим зерикдим ва зиқландим. Ҳаётимиз ҳақида, сен ҳақингда кўп ўйладим. Сенинг олдинда анчадан бери айбдорман. Нега боришни истамаган жойларингга борасан. Анчадан бери олдинда айбдорман, — қайтардим ва кўзимдан ёш оқа бошлади. — Қишлоққа кетайлик, бутунлай.

— Эҳ, дўстим, ҳиссий саҳналардан мени халос эт, — деди у совуқ, — лекин қишлоққа боришни истаганинг яхши, чунки пулимиз кам қолди. Бутунлай кетишимиз эса — бу орзу. Сен у ерда яшай олмаслигини биламан. Чой ичиб ол, яхши бўлади, — гапини тутатди ва бир кишини чақиргани турди.

Унинг уялтирувчи, ўткир нигоҳларига дуч келиб, мен ҳақимда ўйлаши мумкин бўлган нарсаларни кўз олдимга келтирдим ва ўзимни ҳақоратлангандай ҳис қилдим. Йўқ! У истамайди ва исташи мумкин эмас! Болага қарашни баҳона қилиб унинг олдидан чиқдим. Ёлғиз қолиб, йиғлаб олишни истадим...

## VIII

Узоқ вақтдан бери утин ёқиб иситилмай, бўшаб ётган Никольскийдаги уй яна жонланди, бироқ унинг қалбида олдинги жонланиш бўлмади. Энди онамиз йўқ эди, биз иккимиз ёлғиз қолдик. Бизга энди нафақат ёлғизлик керакмас эди, балки у бизни сиқиб борарди. Қиш шуниси билан менга ёмон келдики, иккинчи ўғлимни туққанимдан сўнгина ўзимга келдим, унгача касалдан бошим чиқмади.

Эрим билан муносабатларим худди шаҳардаги турмушимиз каби совуқ дўстона эди. Бироқ қишлоқда ҳамма нарса — ҳар бир девор, ҳар бир диван, ҳар бир мебель менга қандай аҳамиятда бўлгани ва нимани йўқотганимни эслатиб турарди. Гўёки ўртамизда кечирилмаган ҳафагарчилик бор, гўёки у мени нима учундир жазоларди-ю, ўзи буни билмаганга оларди. Кечирим сўраш учун сабаб йўқ, раҳм қилиш учун ҳам. У мени бутун борлигини, бутун қалбини бермаслик билан аввалгидай жазоларди. Бироқ ўзини бошқа бировга ҳам бағишламасди ҳам, гўё бағишлаш учун ўзида ҳеч нима йўқдай. Баъзида менга у шунчаки мени жазолаш учун ўзини шундай тутаётгандай туюларди, қалбида эса аввалги ҳислари ҳамон яшамоқда ва мен уларни юзага чиқаришга уринардим. Бироқ у ҳар сафар самимий бўлиш, қалбини очишдан қочарди, худдики, мен муғомбирлик қилаётгандай, унинг ҳисларидан огоҳ бўлсам, устидан куладигандай. Унинг қарашлари ва овоз оҳанги шундай дерди: мен ҳаммасини биламан, мен ҳаммасини биламан, гапириб ўтирма, нима демоқчилигингни биламан. Яна шуни биламанки, бир гапни гапириб, бошқа нарса қиласан. Бошида бу ёпиқликдан

тахқирлангандай бўлардим, кейинчалик эса унда шунчаки, кўнглини очишга эҳтиёжи йўқ деган фикрга кўникдим. Энди уни севишимни айтишга, ёки бирга ибодат қилишга чақиринишга, ё бўлмаса, куй чалганимда уни тинглашга чорлаш учун тилим айланмайди. Ўртамизда мулозамат қондалари ўрнатилганди. Ҳар биримиз ўзимизча яшардик. У ўзининг машғулоти билан, уларда мен иштирок этишим керак эмас ва бунга хоҳишим ҳам йўқ. Мен эса ўзимнинг бекорчилигим билан, бундан аввалгидай у ҳафа бўлмасди. Болалар эса бизни бирлаштириш учун ҳали жуда кичик эди.

Бироқ баҳор келиб, Катя билан Соня қишлоққа ёзни ўтказиш учун кўчиб келишди. Николькийдаги уйимизда таъмир ишлари бошланди, шунга Покровскийга вақтинчалик яшаб турдик. Покровский уйимизда ҳаммаси ўша-ўша эди, ўзининг айвони, ёруғ залдаги суртма стол ва фортепьяно билан, қизликдаги орзуларим қолиб кетган оппоқ пардали менинг олдинги хонам билан. Бу хонада иккита кроватчалар бор, бирида дўмбоқ Кокош-ни кечқурунлари чўқинтирсам, иккинчиси, кичкинагина, унда йўрғакдан мўралаб турган Ваня ётарди. Мен болаларни чўқинтириб, хонанинг ўртасида туриб қолардим, ҳамма ёқдан, деворлардан, пардалардан, эски унутилган ҳислар чиқиб келарди. Эски ашулалар қиз овози билан янғараётгандай бўларди. Қани ўша ҳисларим? Қани ўша ёқимли кўшиқларим? Мен умид қилишга жазм қила олган ҳаммаси рўёбга чиқди. Ноаниқ орзулар ҳақиқатга айланди, ҳақиқат эса бу оғир, қийин, қувончсиз ҳаётдир. Лекин ҳаммаси ўша ҳолича қолганди: деразадан кўринган боғ, майдон, йўллар, жар ёқасидаги скамейка, булбул куйлашлари, гуллаган сирень ва ўша тепамизда турган ой. Лекин ҳаммаси даҳшатли, ҳаммаси ўзгариб кетди. Яқин ва қадри бўлган нарсалар шунчалар

совуқки! Эски одатга кўра, биз Катя билан меҳмонхонада ўтирибмиз ва у ҳақида гаплашяпмиз. Катянинг пешонаси тиришди, сарғайди, энди унинг кўзлари қувонч ва умиддан ярқирамасди, менга ачиниб қараб турарди. Биз олдиндагидай ундан ҳайратланмаймиз, биз уни муҳокама қилардик. Нега ҳаммаси бунчалари ачинарли даражада ўзгариб кетганини бир-биримиздан шивирлаб сўраймиз. У ҳамон ўша-ўша эди, фақат қошлари ўртасидаги ажин чуқурлашган, сочларига кўпроқ оқ тушган, бироқ чуқур, эътиборли нигоҳи мендан туманлар билан беркитилган. Мен ҳам ўшаман, бироқ менда на муҳаббат бор, на муҳаббатга хоҳиш. Бирон иш қилишга истак, ўз ўзимдан қониқиш йўқ. Аввалги диний ҳайратларим, унга аввалги муҳаббатим ва аввалги тўлақонли ҳаёт менга имконсиз ва узоқдай кўринади. Менга аввал аниқ-равшан ва адолатдан деб туюлган бошқа одам учун яшаш бахти деган нарсани энди тушунмайман. Бошқа учун яшаб нима қилдим? Ўзим учун ҳам яшагим келмаяпти-ку?

Мен бутунлай мусиқани ташлаб қўйдим. Петербургга кўчиб борганимиздан бери куй чалмайман. Бироқ ҳозир эски фортепьяно, эски ноталар яна қалбимда куйга истак туғдирди.

Бир куни мадорим бўлмай уйда қолдим. Катя билан Соня у билан Никольскийдаги уй таъмирини кўриб келгани кетишди. Чой дастурхони ёзилганди, мен пастга тушдим ва уларни кутганча фортепьяно олдига ўтирдим. Мен quasi una fantasia сонасини очдим ва уни чала бошладим. Ҳеч ким кўринмас ва овозлар эшитилмасди, деразалар боққа қараб очилганди. Сирень ифори қўшилган кеча сурури деразадан кириб келиб, хонани тўлдирганди. Мен биринчи қисмини тугатиб, ўзим билмаган ҳолда, эски одатга кўра у доим мени тинглаб



Ўтирган бурчакка қарадим. Бироқ бурчакдаги стул бўш эди ва у жойидан сурилмаган эди. Мен фортепьянога тирсагимни қўйиб, юзимни ёпдим ва ўйланиб қолдим. Мен шу ҳолатда узоқ ўтириб, ортга қайтмас, эски хотираларни ёдга олдим. Бироқ олдинда энди ҳеч нима йўқдай, худди мен ҳеч нима истамайдигандай ва ҳеч нимага умид қилмайдигандай. “Наҳотки, ҳаммасини яшаб ўтиб бўлдим!” — деб даҳшат билан ўйладим, бу хаёллардан қутулиш учун яна куй чалишга тушдим. “Эй, худоим-эй, - ўйладим мен, - агар айбдор бўлсам, менинг гуноҳимдан ўт, ва менга қалбимдаги гўзал манзарани қайтар ёки нима қилишим кераклигини кўрсат?” Ут-ўланни босиб ўтган гилдиракларнинг овози эшитилди, киришда таниш оёқ товушлари келди, сўнг тинчланиб қолди. Бироқ аввалгидай бу товушга қалбим қалқиб тушгани йўқ. Куй чалишни тугатганимда, у ортимда турганди ва у қўлини елкамга қўйди.

— Баракалла, соната чалдингми, — сўради у.

Мен индамадим.

— Чой ичмадингми?

Мен йўқ дегандай бошимни қимирлатдим ва юзимдаги ҳаяжонимни ошкор этмаслик учун унга қарамадим.

— Улар ҳозир келишади, от оқсоқланиб қолди, улар пиёда қайтишларига тўғри келди, — деди у.

— Уларни кутамиз, — дедим мен ва айвонга чиқдим, у ҳам ортимдан чиқади деб ўйлагандим, бироқ у болаларни сўраб, уларнинг олдига кетди. Яна унинг борлиги, оддий, меҳрибон овози ҳали ҳаммаси йўқотилмаганлиги борасида ишончни уйғотди. Яна менга нима керак? У меҳрибон, эътиборли, яхши эр ва яхши ота, менга яна нима кераклигини тушунмасдим. Мен айвонга чиқдим ва илк бор бир-биримизга дил изҳор қилган скамейкага ўтирдим. Қуёш ботиб, баҳорги қора булутлар уйи-



миз ва боғимиз устида тўпланди. Фақат дарахтлар ортида осмоннинг яланғоч қисми ва энди ярқираган юлдузлар кўринарди. Ҳамма нарсанинг устида енгил булутлар турарди ва ёмғир ёғишини барча кутарди. Шамол тинди, на битта барг, на битта ўт қилт этмасди. Сиреннинг кучли ҳиди ҳамма ёқни қоплади, у бир кучаяр, бир пасаярди. Шунчаки кўзингни юмиб ётсанг-у, фақат унинг бўйидан баҳраманд бўлсанг. Картошкагул билан атиргуллар ҳали очилмаган бўлса-да, юқорига қараб бўй чўзиб ўсиб боришарди. Қурбақалар сув билан ювиб кетадиган ёмғирдан огоҳ бўлишдимиз, жарлик томондан уларнинг сайраганлари эшитиларди. Булар орасида битта нозик узлуксиз сув овози эшитилиб турарди. Булбуллар бир-бирига гал бериб куйлашарди ва бир шохдан бошқасига хавотир билан учиб қўнишлари ҳам эшитиларди. Яна бу баҳорда ҳам бир булбул дераза остидаги шохга жойлашиб олишга уринди, мен боққа чиққанимда, у боғ ортига учиб, ўша ерда бир питирлаб, жим кута бошлади.

Мен ўзимни бекорга тинчлантирардим, мен ҳам кутардим, ҳам нимагадир ачинардим.

У юқоридан қайтди ва ёнимга ўтирди.

— Бизникилар ёмғир остида қолишади, шекилли,— деди у.

— Ҳа,— дея олдим мен ва биз иккимиз узоқ жим бўлдик.

Булутлар эса шамолсиз пастлаб борарди, шу билан ҳамма ёқ жимжит, хушбўй, турғун ҳолатига кирарди. Бир маҳал йирик томчи худди сакрагандай айвон тўсинига тушди, кейин шундай томчилар йўлакка ёғилди ва шу билан кучайиб борувчи ёмғир бошланди. Ундан мусаффолик келарди, қурбақалар па-нага кириб кетганми, овозлари тинди. Фақат ўша но-

зик сув овози келарди ва қуруқ шохлар орасида қолиб кетган қуш бир хил нотада куйларди. У ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди.

— Қаергасан? — сўрадим уни ушлаб қолиб. — Бу ер шундай яхши.

— Уларга калиш билан ёмғирпўш жўнатиш керак, — жавоб берди у.

— Кераги йўқ, ҳозир ўтиб кетади.

У фикримга қўшилди ва биз иккимиз айвон тўсиғи олдида қолдик. Мен ҳўл ва сирпанчиқ тўсиққа қўлимни қўйиб бошимни тирадим. Ёқимли ёмғир томчилари соч ва бўйнимга тегарди. Булутлар сийраклашиб бориб, ёмғирнинг бир маромдаги овози бузилди ва ёмғир камайди. Ёмғир тингач яна қурбақалар жонланди, гоҳ у шохдан, гоҳ бу шохдан булбулларнинг овози эшитилди. Олдимизда ҳаммаси худди ёришгандай бўлди.

— Қандай яхши! — деб у тўсиқ устига ўтирди ва қўли билан ҳўл сочимни бир силаб ўтди.

Бу оддий эркалаш худди таъна каби менга таъсир қилди ва мен йиғлагим келди.

— Яна одамга нима керак? — деди у. — Мен шундай бахтлиманки, менга бошқа ҳеч нима керак эмас, мен бағоят бахтиёрман!

“Қачонлардир бахтинг ҳақида бундай демаган эдинг, — ўйладим мен. — Сенга нимадир етишмаётганини айтардинг. Энди эса сен хотиржам ва мамнунсан, бироқ шу онда менинг қалбим изҳор этилмаган аламлар ва йиғлаб юборилмаган кўз ёшларига тўла”.

— Менга ҳам яхши, — дедим мен, — бироқ ҳаммаси яхши бўлганидан юрак сиқилади. Менга нимадир етишмаётгандай, нимадир ўз ўрнида эмасдай туюлади ва доим ниманидир истайман. Бу ерда эса қандай сокин ва ажойиб. Наҳотки сен ҳам табиатдан баҳраманд бўлиш-

ни қўсамасанг, наҳотки, имконсиз нимадирни хоҳламасанг, наҳотки ўтган нарсалар учун армон қилмасанг.

У қўлини бошимдан олиб, жим ўйланиб қолди.

— Ҳа, авваллари мен билан шундай бўларди, айниқса баҳор онлари,— деди у нималарнидир эслагандай. — Ва мен тунларни бедор ўтказиб, орзу қилардим!.. Бироқ унда ҳаммаси олдинда эди, энди эса ҳаммаси ортда қолди, мен боримдан мамнунман ва бу яхши,— у бу гапларни шундай беэътиборлик билан қатъий гапирдики, уларни эшитиш қанчалик менга оғир бўлмасин, мен унга ишондим.

— Наҳотки, сен ҳеч нима истамасанг? — сўрадим мен.

— Имконсиз бўлган ҳеч нимани истамайман,— жавоб берди у қалбимдагини ҳис қилиб. — Мана сен бошингни ҳўл қиялсан,— қўшиб қўйди у худди болани эркалагандай бошимдан силаб,— сен мана бу баргларга, ўт-ўланларга ҳавас қиласан, улар каби ёмғир остида қолишни истайсан. Мен эса уларга қараб қувонаман, бу оламдаги ҳамма нарсадан завқ оламан.

— Ўтмишда қолган нарсалар учун ачинмайсанми? — сўрадим мен қалбимдаги кучайиб бораётган оғирликни ҳис қилиб.

У яна ўйланиб жим бўлди. У мутлақо самимийларча жавоб бермоқчилигини кўрдим.

— Йўқ! — деб қисқа жавоб қилди у.

— Ёлғон! Ёлғон! — деб юбордим мен ва ўгирилиб унинг кўзларига қарадим. — Наҳотки, ўтмишни қўсамасанг?

— Йўқ! — қайтарди у яна,— мен ўтмишимдан миннатдорман, бироқ унга ачинмайман.

— Наҳотки, уни қайтаришни истамасанг? — дедим мен.

У мендан ўгирилиб, боққа қаради.

— Худди қанотларим ўсиб чиқишини истамагандай истамайман, — деди у. — Мумкин эмас!

— Ўтган нарсаларни тузатишга уринмайсанми? На мени, на ўзингни айбламайсанми?

— Ҳеч қачон! Нима бўлган бўлса яхшиликка.

— Мени эшит! — дедим унга ва мен томон ўгирилиши учун қўлидан ушладим. — Нега сен менга қандай яшашимни исташингни ҳеч айтмагансан, мени ўз ҳолимга қўйиб қўйгансан, мен эса бу эркинликдан тўғри фойдаланишни билмадим. Нега менга ўргатишни бас қилдинг? Агар сен истаганингда, агар мени бошқача йўналтирганингда, бундай бўлмасди, — дедим мен, овозимда аввалгидай муҳаббат эмас, совуқ гина ва алам кучайиб борарди.

— Нима бўлмасди? — деди у ҳайрон бўлиб менга ўгирилиб. — Шусиз ҳам ҳеч нима бўлган эмас. Ҳаммаси яхши. Жуда яхши, — қўшиб қўйди у кулиб.

“Наҳотки у тушунмайди, ҳаммасидан ёмони тушунишни истамайди?” — деб ўйладим ва кўзимдан ёш шашқатор оқа бошалади.

— Шу нарса бўлмас эдики, мен сенинг олдингда ҳеч қандай айбим бўлмай туриб, сен томонингдан бифарқлигинг билан, ҳатто жирканишинг билан жазоланмас эдим, — дедим бирдан. — Шу нарса бўлмас эдики, бирон айбим бўлмай туриб, сен мендаги энг қадрли нарсаларимни олиб қўймас эдинг.

— Нималар деяпсан, қалбим менинг! — деди у гўё гапимга тушунмагандай.

— Йўқ, энди гапимни охиригача айтаман... Сен мендан ўз ишончингни, муҳаббатингни, ҳатто ҳурматингни олиб қўйдинг. Энди мен бўлган ишлардан сўнг мени севишингга ишонмайман. Йўқ, мен ҳаммасини айтишим керак, бу мени анчадан бери қийнайди ахир. — яна

унинг сўзини бўлиб қўйиб дедим. — Мен ҳаётни билмаганим учун айбдорманми, сен мени тўғри йўлни излашда ёлғиз қолдирдинг. Мен энди ҳаммасини тушуниб, мана бир йилдирки, сенга қайтмоқчи бўлиб уринсам-да, сен мени нима истаётганимни тушунмаётгандай мени ўзингдан итарасан ва ҳаммаси шундайки, менинг бахтсизлигим ва айбдор бўлишимда сенга таъна қилиб бўлмайди. Ҳа, сен мени ҳам, сени ҳам бахтсиз қиладиган ҳаёт гирдобига отмоқчисан.

— Буни қайси ишим билан кўрсатдим? — қўрқув ва ҳайрат билан сўради у.

— Кечагина сен эмасми, бу ерда яшай олмайсан, яна қишга Петербургга боришимиз керак деган? Мен ёқтирмайдиган Петербургни рўкач қилганинг қилган, — дэвом этдим мен. — Мени қўллаб-қувватлаш ўрнига мен билан самимий бўлишдан, қалбингни очишдан, мулоим муносабатда бўлишдан қочасан. Кейин мен бутунлай йиқилганимдан сўнг, сен мени айблаёсан ва йиқилганимдан хурсанд бўласан.

— Тўхта, тўхта, — деди у қатикқўллик ва совуқ оҳанг билан, — энди гапирётганинг яхши эмас. Бу сенинг менга ёмон фикрда эканингни исботлайди ва мени...

— Сени севмаслигимми? Гапир! Гапир! — дея олдим мен ва кўзимдан ёш оқиб кетди. Мен скамейкага ўтирдим ва юзимни рўмолча билан ёпиб олдим.

“У мени шундай тушунибди!” — деб ўйлардим мен қалбимни эзиб бораётган йиғини ушлаб туриб. “Тугади, аввалги муҳаббатимиз тугади”, — дерди юрагимда қандайдир овоз. У ёнимга келмади ва мени овутмади. У гапларимдан ҳақоратланган эди. Унинг овози қуруқ ва хотиржам эди.

— Мени нимада айблаяпсан, тушунмадим, — бошладди у, — сени аввалгидай севмаганим учунми...

— Севгандинг! — дедим рўмолча ортида янада аччиқ йиглаб.

— Бунга вақт ва ўзимиз айбдормиз. Ҳар бир даврнинг ўз севгиси бор... — У жим бўлди. — Сенга бор ҳақиқатни айтайми? Ўзинг очиқчасига гаплашишни истадинг. Сени илк таниган йилларимда тунларимни бедор ўтказардим, сени ўйлардим, қалбимда муҳаббатимни ясардим ва бу муҳаббат ўсиб борарди. Худди шундай Петербург ва хориждаги ўша даҳшатли кечаларни ухламай менга азоб бераётган қалбимдаги муҳаббатни синдира, буза бошладим. Мен севгимни эмас, мени қийнаган нарсани синдирдим. Шундан кейин тинчландим, мен севаман, лекин бошқача севги билан.

— Сен буни севги дейсанми, ахир бу азоб-ку, — дедим мен. — Нега менга киборлар оламида яшашга рухсат бердинг, агар шунчалар менга зарарли бўлса ва уни деб мени севмай қолган бўлсанг?

— Киборлар эмас, дўстим, — деди у.

— Нега куч ишлатиб бўлса ҳам, — давом этдим мен, — мени ушлаб қолмадинг, нега мени ўлдирмадинг? Боримдан, бахтимдан айрилгунча, ўлганим яхши эмасми?

Яна юзимни беркитиб йиглаб юбордим.

Шу вақт Катя билан Соня баланд овозда кулиб, гала-гавур қилиб кириб келишди. Улар бизни кўриб жим бўлиб қолишди ва ичкарига кириб кетишди. Улар кетишгач, биз узоқ вақт жим қолдик. Мен ҳамма кўз ёшларимни йиглаб чиқардим ва енгил тортдим. Унга қарадим. У бошини қўлига тираб турарди, қараганимга бир нима демоқчи бўлди-ю, хўрсиниб қўйиб, яна бошини қўлига қўйди.

Мен унинг олдига бордим ва қўлини ушладим. Унинг ўйчан нигоҳлари менга қадалди.

— Ҳа, — деди у хаёлларига жавоб бергандай. — ҳаммамизга, айниқса, сизлар аёлларга бутун ҳаёт бемаънигарчилигини яшаб ўтишимиз керак, бўлмаса ишонмаймиз. Сен ҳам ўшанда бу ёқимли ва жозибали беъманигарчиликни яшаб ўтказаетган эдинг ва сенга қараб уни томоша қилардим, мен сенга ҳалақит беришга ҳаққим йўқ эди, гарчи мен учун аллақачон вақт ўтиб бўлганди.

— Мени севган экансан, нега ўзинг ҳам мен билан бу бемаънигарчиликни бошдан ўтказдинг ва менга ҳам имкон бердинг? — дедим мен.

— Нима учун, уни ўзинг истагансан ва менга ишонмаган бўлардинг. Сен ўзинг уни билишинг керак эди ва мана билдинг ҳам.

— Сен буларни ўйлагансан, кўп ўйлагансан, — дедим мен. — сен мени кам севгансан.

Биз яна жим бўлдик.

— Ҳозир айтганинг шафқатсиз сўзлар эди, бироқ улар ҳақиқат, — деди у ва бирдан ўрнидан туриб айвонда юра бошлади, — ҳа, бу рост. Мен айбдор бўлганман! — деб қўшиб қўйди у тўғримда тўхтаб. — Ёки мен сени яхши кўришни ўзимга рухсат бермаслигим керак эди ёки сени оддийроқ севишим керак эди.

— Ҳаммасини унутайлик, — дедим мен секин.

— Йўқ, ўтган нарсалар энди қайтмайди, уларни қайтара олмайсан, — бу гапларни айтганда унинг овози юмшади.

— Ҳаммаси аллақачон қайтди, — дедим унинг елкасига қўлимни қўйиб.

У қўлимни олиб сиқди.

— Мен ўтмишга ачинмайман, дедим, бу ёлгон, мен ачинаман. Мен ўтиб кетган ва ҳеч қачон бошқа бўлмайдиган муҳаббат учун йиғлайман. Бунда ким айбдор? Буни билмайман. Муҳаббат қолди, лекин у эмас,

бошқа, унинг ўрни қолди, у ҳам бўлса барча дардларни бошидан ўтказган муҳаббат изи. Аввалгидай унда жўшқинлик, куч йўқ, унда фақат хотира ва миннатдорчилик бор, бироқ...

— Ундай дема... — гапини бўлдим. — Кел, ҳаммаси аввалгидай бўлсин... Ахир шундай бўлиши мумкин? Тўғрими? — дедим унинг кўзига тик боқиб. Бироқ унинг кўзлари равшан, сокин, бироқ менга аввалгидай чуқур нигоҳ ташламасди.

Мен буни ундан сўраганим сари бунинг иложи йўқлигини ҳис қилардим. У менга майин ва хотиржам, назаримда кексалик табассуми билан жилмайди.

— Сен қандай ёшсан, мен эса қари, — деди у. — Менда сен излаган нарсанинг ўзи йўқ, ўзимни алдаб нима қилдим? — давом этди у кулиб.

Мен жим олдида тўрдим ва қалбим анча тинчланганини сездим.

— Ҳаётни тақрорлашга уринмайлик, — давом этди у, — ўз ўзимизни алдамайлик. Қариликда, шукурки, ортиқча ҳаяжонланиш ва ташвишлар йўқ! Ниманидир қидириб, тинчимизни йўқотиб нима қилдик? Биз аллақачон ўзимизга тегишли бахтни топганмиз. Мана ким учун эътибор бериб, қалбимизни очишимиз керак, — деди у қўлида Ваня билан айвон эшиги олдида кўринган энага қараб ишора қилиб. — Мана шундай, дўстим, — хулоса қилди у бошимни ўзига эгиб, пешонамдан ўпди. Мени севгим эмас, қари дўстим ўпди.

Богнинг муаттар нафаси келиб димоғимизга урилди, унинг шукуҳли сукунати ва овозлари эшитилади, кўкда эса бирма-бир юлдузлар ёна бошлади. Унга қарардим ва қалбимда енгилликни ҳис қилдим, гўки мени қийнаётган касалманд ахлоқий асабни юлиб олишгандай. Мен бирдан аниқ-тиниқ тушундимки, ўтган кун



ларни ортга қайтариб бўлмайдигандай, у вақтдаги туйғуларни ҳам қайтаришнинг иложи йўқ. Уларни қайтариш имкони бўлган тақдирда ҳам улар бизга оғирлик қиларди ва ноқулай аҳволга солган бўларди. Қанча у давр менга бахтли туюлган бўлмасин, у аллақачон ўтган. Ва унга ҳам анча вақт бўлди.

— Чой ичмаймизми! — деди у ва ҳаммамиз бирга меҳмонхонага бордик. Эшик олдида яна Ваняни кўтарган энагани учратдим. Мен болани қўлимга олдим, унинг очилиб қолган оёқчаларини ёпдим ва бағримга босиб, аста лабимни теккизиб ўпдим. У уйқуда бир типирчилади-да, кўзларини очди ва менга тушди, бир дам қараб туриб, фикри тиниқлашгандай, бирдан кулиб, менга талпинди. “Менинг болам, болам” — деб ўйладим ва ўзимни уни куч билан бағримга босиб олишдан тийдим, бирон ерини оғритиб қўйишдан қўрқдим. Унинг совуқ оёқчалари, қорни, бироз сочи ўсган бошини ўпа бошладим. Эрим олдимга келганида, боланинг юзини ёпдим-да, дарров очдим.

— Иван Сергеич! — деди эрим унинг иягига қўлини теккизиб қўйиб. Бироқ яна Иван Сергеични яшриб олдим. Мендан бошқа ҳеч ким унга узоқ тикилиши мумкин эмас. Мен эримга қарадим, унинг кўзлари менга қараб куларди. Биринчи бор узоқ вақтдан кейин уларга қувонч ва енгиллик билан қарадим.

Шу вақтдан бошлаб эрим билан менинг ўртамиздаги ишқий муносабатлар тугади, эски туйғулар қадрли хотираларга айланди, болаларим ва уларнинг отасига бўлган севгим янги туйғуларга асос солди. Бу муҳаббат умуман бошқа, ҳали мен яшаб кўрмаган бахтли кунларимизни бошлаб берди.

## МУНДАРИЖА

Иқрорнома .....	3
Ҳожи Мурад .....	82
Тоғликлар сўзларининг луғати.....	245
Изоҳлар .....	247
Кавказ асири .....	250
Оилавий бахт .....	282
Биринчи қисм .....	282
Иккинчи қисм .....	330



# ЛЕВ ТОЛСТОЙ

ЭНГ САРА АСАРЛАРИ

Муҳаррир: Шариф Холмурод  
Техник муҳаррир: Аббос Турсунов  
Мусахҳих: Юсуф Нуруллоҳ  
Саҳифаловчи ва дизайнер: Юсуф Исломов

Нашриёт лицензияси:  
АІ № 002 – 2018-йил 20-июл

Теришга берилди: 15.01.2019.  
Босишга рухсат этилди: 27.02.2019.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма усулида чоп этилди.  
Times гарнитураси. Босма табоғи 24,0. Адади 3 000.  
Буюртма: № 12. Баҳоси шартнома асосида.

**Нашриёт манзили:**  
«BOOK MEDIA NASHR» нашриёти, 100128,  
Тошкент шаҳри, Боғ кўчаси, 9-11.

Оригинал макет «BOOK MEDIA NASHR» МЧЖ  
нашриёти томонидан тайёрланди.

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.